

И. А. АҚБАРОВ

МУСИҚА ЛУҒАТИ

Ўзбекистон композиторлар союзи мусиқа
танқиди комиссияси тавсия қилган
тузатилган ва кенгайтирилган
2- нашри

Махсус муҳаррир — санъатшунослик фанлари
доктори *Тухтасин Ғофурбеков*

КИСКАРТИРИЛГАН СУЗЛАР

а. — аср.	рус. — русча
ва х. к. — ва хоказо.	тож. — тожикча
венг. — венгрча	форс. — форсча
инг. — инглизча	фр. — французча
исп. — испанча	юн. — юнонча
итал. — италянча	узб. — узбекча
й — йил	қ. — қаранг
лот. — лотинча	қоз. — қозокча
муг. — муғулча	қ. к. — қорақалпоқча
нем. — немисча	қир. — қирғизча

4905000000—4
А 353(04)—97 240—96

ISBN 5—645—02422—2

© Ғофур Ғулом номидаги А.
биёт ва санъат нашриёти, 19
© «Ўқитувчи» нашриёти, ўз
ришлар билан, 1997 й.



МУАЛЛИФДАН

Мусиқа санъати жуда қадимий бўлиб, ҳозирда ҳам ривожланиб бормоқда. Шу биле мусиқа атамаларини тўплаш ва уларни ўрганишга эҳтиёж катта.

Кулингиздаги луғат мусиқанинг турли соҳалари — халқ ижодиёти, мусиқа назарияси, жанрлари, шакллари, хусусан, куй, гармония, полифония, оркестрлаштириш, мусиқий акустика, замонавий ижод ва ижрочиликка оид атамаларини ўз ичига қамраб олган. Турли мазмунга эга бўлган кенг тарқалган мусиқа ибораларини ҳар томонлама оммабоп тарзда тушунтиришга ҳаракат қилинди. Жумладан, мусиқа атамалари қайси тилдан олинганлиги қавс ичида кўрсатилди. Ўзбекча мусиқа атамаларини изоҳлашда ҳар бир вилоятнинг узига хос томонлари эътиборга олинди. Масалан, Шашмақомнинг икки асосий йирик бўлимлари Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент ҳамда Тожикистон ҳудудида «Мушклот» ва «Наср» деб аталса, Хоразмда «Чертим йули» ва «Айтим йули» деб юритилиши янқон борича тушунтирилди. Ёки, донра мақом ижрочилигида усул берувчи асосий манба бўлиб, барча вилоятларда ундаги икки товуш «бум», «бак» деб аталса, Хоразмда «гуп», «тоқ» деб юритилиши эслатиб утилди. Луғатда Шарқ ва Ғарбнинг асосий чолғу асбоблари, ўзбек созлари ва уларнинг айрим такомиллаштирилганларининг суратлари, жами 600 га яқин атама, расм, нота мисоллари ва турли жадваллар билан зийнатланди.

Луғатни яратишда муаллифнинг кўп йиллик илмий-педагогик тажрибаси, турли йилларда нашр этилган мусиқага оид дарслик ва қўлланмалари, шунингдек, рус тилида нашр қилинган мусиқа луғатлар анча қўл келди. Хусусан, А. Л. Островскийнинг «Краткий музыкальный словарь» (Л.—М., 1949), А. Должанскийнинг «Краткий музыкальный словарь» (Л.—1955), И. Аллендернинг «Музыкальные инструменты Китая» (М., 1958), Б. Штейнпресс ва И. Ямпольскийлар тузган «Энциклопедический музыкальный словарь» (М., 1959) каби нашрлардан, шунингдек И. Ражабовнинг «Мақом-

лар масаласида донр» монографияси (Тошкент, 1963) дан кенг фойдаланилди.

Мусиқа атамаларини тушунтиришда мақомлар, халқ тароналари ва ашулалар ҳамда Ўзбекистон бастакор ва композиторларнинг замонавий асарлари, жумладан, бас, тенор, баритон, альт, сопрано каби атамаларни изоҳлашда ўзбек опералари, ижрочи актёрларининг овози, уйнаган ролларидан мисоллар келтирилди. Опера, балет, симфония, поэма, сюита сингари атамаларни тушунтиришда ана шундай йирик мусиқа асарларини яратган республикамиздаги композиторлар номи ва қачон яратганликлари қайд қилинди.

«Мусиқа луғати» шинавандалар, ҳаваскорлар, болалар мусиқа мактаблари, билим юртлари ўқувчилари ва мусиқага онд зарур маълумотлар олишни нстаган китобхонларга мулжалланган.

А

А 1. ЛЯ товушнинг ҳарфий белгиси. 2. Бош ҳарф А — Ля-мажор тоналлигини кўрсатади. Тўла ҳолда — А — dur, яъни Ля-мажор деб ўқилади. 3. Кичик ҳарф а эса ля-минор тоналлигини билдиради. Тўла ҳолда а — mol, яъни ля-минор деб ўқилади.

ABBASSAMENTO (итал. аббассамэнто — пасайтириб, тушириб) — товуш кучини пасайтира бориш (яна қ. *Диминуэндо*).

АББРЕВИАТУРА (итал. abbreviatura, лот. brevis — қисқа: нутқ ёки ёзувда қисқартириш) — нота ёзувини қисқартириш ва ўнғайлаштириш белгилари.

АБСОЛЮТ ЭШИТУВ ҚОБИЛИЯТИ — (лот. absolutus — сўзсиз, мутлақ, баркамол). — Товушларнинг аниқ баландлигини тинглаш орқали фарқлай билиш қобилияти. А. эшитув қобилиятига эга бўлган киши мусикани тез ўзлаштиради.

АБУСАЛИҚ — утмишда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган ун икки мақомдан бирининг номи (яна қ. *Бусалиқ*).

АВЖ — мусиқа баёни ва ривожда энг юқори нуқта. Араб-форс мусиқа назарияси, хусусан, ун икки мақом тизимидаги шўъбалардан бири. Ўзбек мусиқа меросининг мақом, ашула, катта ашула каби йирик шаклдаги намуналарида бир неча хил А. лар учрайди. Булар ўрта А., катта А. деб белгиланиб, «Ушшоқ», «Мухайяр», «Турк», «Зебопарн» сингари номлар билан аталади. А. лар айниқса мақомларда алоҳида аҳамиятга эга. Мақомларнинг турли қисмларида кетма-кет бир неча А. учраши мумкин. Агар бир мақом А. идан кичик бир қисми иккинчи мақомнинг А. ида келса *намуд* деб аталади. «Ўззал», «Мухайяр», «Наво», «Зебопарн», «Турк» А. лари дейилганда «намуд» атамаси қўшилмайди. Бузрук мақомининг Сарахбор, Талқини Ўззол, Уфори Ўззолларида келадиган «Мухайяр» А. нинг негизи бир бўлса ҳам куй жиҳатидан бир оз фарқ қилади. Худди шунингдек, Рост, Дугоҳ ва Ироқ мақомларида келадиган «Мухайяр» А. и Бузрук мақомидаги «Мухайяр» А. и билан оҳангдошдир.

АВЖ-АКС — юкори-пас товушлар оралиги. Зил-бом, Зиру-бам деб ҳам аталади.

АВЖИ МИЕНА — қ. *Урта авж*.

АВЖИ ТУРК — қ. *Турк авжи*.

АВЛОС (юнонча — aulos) — қадимги пуфлаб чалинадиган юнон чолғу асбоби. Қўшнаймага ўхшаш, иккита найчадан ясалган. Найчалар Хоразм балабонига ўхшаб кетади.

АВТЕНТИҚ КАДАНС (юн. autentikos — асл, тўғри) — мусика тузилишидаги тугаллик. А. каданслар одатда тоника ёки доминанта вазифасидаги бирор аккорд билан тугалланади.

АВТЕНТИҚ ЛАДЛАР — қ. *(Урта аср ладлари)*.

Автор (лот. aulog — яратувчи, ижодкор) — илмий, бадий ва турли соҳада яратувчи, муаллиф. Мусика асарларининг А. и. — композитор, бастакор.

АГАЧ ҚҰМУЗ — тирнаб чалинадиган Доғистон халқ чолғу асбоби, кўпроқ ашулачи(лар)га жўрнавоз бўлади. Тақомиллаштирилган турлари халқ чолғу асбоблари оркестрида қўлланилади.

АГОГИКА — (лот. agoge — юргизиш, эргаштириш) — мусика ижрочилигида бадий ниятни кўзлаб асар суръатини бир оз узгартириш, тезлатиш ё секинлатиш ҳақидаги билим

АДАЖИО, туғрироғи а д а д ж о (итал. adagio — оғир. тинч) — 1. Асарни оғир, вазми суръатда ижро этиш белгиси. 2. Балетда асосий қахрамонлар характерини очиб берувчи, одатда вазми, са-лобатли рақс. 3. Салмоқли ижро этиладиган чолғу асар, пьеса.

ADAGIETTO (итал. адажиетто — кичик адажио) — ижро суръати белгиси, адажиодан тезроқ.

АДАПТЕР (лот. adapto — уйғунлаштираман, мослаштираман) — грамофон пластинкаларини радиоприёмник ёки махсус проигривателлар орқали кучли овоз билан эшиттириш мосламаси.

A-DUE (итал. а-дўэ — икки киши бўлиб) — икки чолғу асбобида унисон ҳолда ижро этиш. Қисқартирилганда «а — 2» тарзида ёзилади.

A-DUR. (А-дур) — *Ля*-мажор тоналлиги.

АГИАТО (итал. аджато-имиллаб) — оғир ва тинч ижро суръати кўрсаткичи.

АГИТАТО (итал. аджитато) — ҳаяжонли, таъсирланиб ижро этиш.

АЖАМ — ўзбек, тожик халқлари мусика меросидаги чолғу куйлар. Бизгача Сегоҳ мақомининг Мушкилот (чолғу) бўлимида Мухаммас А., Наср (ашула) бўлимида Наврўзи А. (тароналар билан) етиб келган ва халқ орасида кенг тарқалган.

AIR (фр. эр) — ария, оҳанг.

AIS (анс) — ля-диез товуши белгиси.

AISIS (*ausic*) — ля-дубль диез товуши белгиси.

AIS—MOLL (анс-молль) — ля-диез минор тоналлиги.

АЙРА—бошқирд халқ рақси. Мусиқа ўлчови $\frac{2}{4}$. Ҳайичилар

иккитадан бўлиб, тез суръатда ижро этилади. А. бал рақси сифатида ҳам тарқалган.

АЙТИМ ЙҮЛИ — Хоразм мақомларининг вокал (ашула) бўлими. Олти мақомнинг деярли ҳаммасида Тани мақом, Наср, Талқин каби асосий ва уларга асосланган Сувора, Узол, Фарёд, Уфар каби қисмлар mavжуд. Бу номлар турли мақомларда қайтарилади ва доира усуллари бир хил бўлишига қарамай, бир-биридан куй жиҳатдан фарқланади. Хоразмда мақомларнинг чолғу бўлимлари «чертим йўли» деб аталади. Утмишда чертим йўли — манзум, айтиш йўли — мансур деб аталган.

АЙТИС, АЙТЫШ — қирғиз оқинлари (бахшилари)нинг бадиҳа тарзида ўзаро шеър-ий-муסיқий мусобақалари. А. одатда икки оқиннинг навбатма-навбат ижросидан ташкил топади.

А КАПЕЛЛА (a capella) — сөзсиз, чолғу жўрисиз одатда хор томонидан ижро этиладиган муסיқа асари. Қўповозли мусиқанинг бу турини Европада қадимдан ривожланиб келган. Ўзбекистонда 40-йиллардан кейин раvнақ топган. Ўзбек А. Қ. мусиқасининг асосчиси Мутал Бурҳонов қайта ишлаган ўзбек, тожик, уйғур, қорақалпоқ, қозоқ, сунгги йилларда афғон, эрон халқ ашулалари республика мидагина эмас, балки хорижий Шарқ мамлакатларида ҳам ижро этилмоқда. Хозир композиторларимиз бу жанрда кўп-кўп мустақил асарлар ҳам яратмоқдалар.

АККОЛАДА (фр. *accolade* — қавс билан боғлаш) — икки ёки бир нечта нота йўлидаги ижронини кўрсатувчи қавс. Масалан, фортепианода чап ва ўнг қўл ижросига мўлжаллаб ёзилган асар икки нота йўлида А. билан бирлаштирилади. Симфоник оркестрдаги торли (камонли) чолғу асбоблар партиялари турт нота йўлига ёзилади. Шунингдек, ёғоч ва мис пуфлама чолғу асбоблар ҳам тўдаларга бўлиниб, қавс билан бирлаштирилади (қ. *Партитура*).

АККОМПАНеМЕНТ (фр. *accompagnement*, *acompaner*. — жур бўлиш) — ашула айтганда ёки бирор чолғу асбобда чалганда унга жур бўлиш. Ашулага фортепиано, халқ чолғу асбоблари, турли ансамбль (трио, кuartет, квинтет) ва оркестрларда жур бўлиш мумкин. А. яккахош ашулачи еки чолғучига гармоник ва ритмик ҳамоҳанг бўлиб, муסיқа асарининг бадий даражасини чуқурлаштиради.

АККОМПАНеМЕНТЧИ — жур бўлувчи, одатда фортепианода жур бўлувчиларга нисбатан қўлланилади (яна қ. *Концертмейстер*).

Ф-но

СКРИПКА

АЛТ

ВИОЛОНЧЕЛЬ

КОНТРАБАС

The image shows a musical score for a piano and string quartet. On the left, the piano part is written on a grand staff with two staves. On the right, the string quartet is written on four staves, labeled from top to bottom: скрипка (violin), альт (viola), виолончель (cello), and контрабас (double bass). Each instrument has a treble or bass clef and a key signature of one flat.

АККОРД (итал. *accordo* фр. *accord* — бирдамлик) — турли баландликдаги уч ва ундан ортиқ товушларнинг қушрилиб, яхлит ҳолда янграши. А. одатда, терция интервали бўйича тақсимланадиган товушлардан ҳосил бўлади. Масалан: до-ми-соль; фа-ля-до; ре-фа-диез-ля в б. А. тўрт товушдан тузилса — *септаккорд*, беш товушдан тузилса *нонаккорд*, олти товушдан тузилса — *ундецимаккорд* дейилади. Терция бўйича тузилган аккорд мажор-минор ладлари тизимидаги асосий гармонияга таянади. А нинг пастки товуши асосий тон ёки прима, колганлари (юқорига қараб терциялар аро) — терция тони, квинта тони, септима тони, ундецима тони дейилади:

УЧТОВУШЛИК

СЕПТАККОРД

НОНАККОРД

The image shows three musical examples on a single staff with a treble clef. The first is a triad (учтовушлик) with notes G4, B4, and D5. The second is a septakkoord (септаккорд) with notes G4, B4, D5, F#5, A5, C6, and D6. The third is a nonakkoord (нонаккорд) with notes G4, B4, D5, F#5, A5, C6, D6, and E6. The notes are represented by black dots on the staff lines.


АККОРДГА КИРМАЙДИГАН ТОВУШ. Ноаккорд товуш, кўн-овозли мусиқа тузилмасининг бирор овозда аккорд таркибига кирмайдиган товуш. Одатда, бундай товуш аккорднинг терция бўйича

таксимланишига тўсиқлик қилади. Аккордга кирмайдиган товушлар қаторига ўткинчи, ёрдамчи, муқаддам ва тўхталмалар киради.

АККОРД ТУРЛАРИ — энг паст, яъни бас товушига кўра турли ҳолатларда келган аккордлар. Уч товушликлар уч турли ҳолатда келиши мумкин: асосий ҳолат, сектаккорд (6 рақами билан курсатилди) ва кuartсектаккорд (6_4 рақамлари билан курсатилди).




Одатда уч товушликнинг асосий ҳолати рақамлар билан курсатилмайди. Септаккорд турт хил ҳолатда келиши мумкин: асосий ҳолат (7 рақами билан курсатилди), квинтсектаккорд (6_5), терцквартаккорд (4_3) ва секундакорд (2).



ACCORDARE (итал. аккордарэ) — мослаш, соzлаш.

ACCOPIARE (итал. аккопшаре) — қўшмоқ, уйғушлашмоқ.



Аккордеон

АККОРДЕОН (фр. *accordeon*) — баян ва гармонь туридаги чолгу асбоби. Унг қўл клавишлари, яъни асосий куй берувчи пардалар — кичик, биринчи, иккинчи ва учинчи октавалар орасида (кичик октавадаги *фа* дан учинчи октавадаги *ля* га қадар) бўлиб, чап қўл тугмачалари эса худди баян клавиатураларига ухшайди. А. якка ҳолда ва ансамблда чалинади.

АККОРД АЙЛАНИШЛАРИ — аккорднинг бас товуши (асосий тон) урнида уни ҳосил қилган бошқа товушлардан бирининг келиши А. айланишлари бир неча турда бўлади.

1. Басда терция томони тарзида келган айланиш. Буни биринчи айланиш деб аталадики, натижада секстаккорд ё квинт-секстаккорд ҳосил бўлади.



2. Басда квинта томи тарзида келган айланиш, буни иккинчи айланиш деб аталадики, натижада квартаккорд ёки терцквартаккорд ҳосил бўлади.



3. Басда септима томи тарзида келган айланиш, буни учинчи айланиш деб аталадики, натижада секундаккорд ҳосил бўлади.



АККОРД ТОВУШИ — аккорд таркибига кирадиган товушлар. Бу товушлардан тузилган аккорд гармоник ёки куйчан (мелодик) ҳолда келиши мумкин.

ACCRESCEMDO (итал. аккрешендо) — к. *crescendo* (крэщчендо).

АКТ (лот. *actus* — ҳаракат) — муסיқали драма, опера, балет, оперетта ва бошқа сахна асарларининг тугалланган бир қисми, пардаси. Сахна асарлари одатда бир неча (2—5) А. дан иборат бўлиб,

"НОВЕЛЛА"

В. Успенский



Булар орасида танаффус, яъни антракт бўлади. Айрим сахна асарлари бир А. дан иборат бўлади.

АКУСТИКА (юн. akustikos — тинглашга оид) — 1. Физика фанида товушларнинг келиб чиқишини урганувчи соҳа. А. нинг асосий булакларидан бири мусиқа А сидир. У мусикада қўлланиладиган товушлар ҳақида баҳс қилади. 2. Театр, концерт залларида товушларни биюнинг ҳар бир қисмида баробар эшитилиши.

АКЦЕНТ (лот. accentus — ургу, таъкидлаш) — бирор товуш ёки аккордни қаттиқ чалиш. Одатда тактнинг кучли ҳиссасида келиб А. ли нота >, sīk V ва б. белгилар билан кўрсатилади. Шунингдек, А. ритмик чўзимни орттириш орқали гармония, тембр ва куй харақатини ўзгартириш ва б. да қўлланилади.

АЛЛА — хотин-қизларнинг уз болалари, сингил ё укаларини ухлатиш учун бешик ёки беланчакни тебратиб айтадиган қушғи. А айтиш одатда фақат хотин-қизларга хос. Ўзбек бастакор ва композиторлари бир талай янги А. лар яратдилар. Баъзан чолғу А. лар ҳам учрайди.

ALLA (нем. алле) — ҳамма қаби.

ALLA BREVE (итал. алла брэвэ) — турт чоракли ўлчовда ёзилган тактдаги ноталарни ҳар икки чораги «бир» ҳисобидан, яъни такт ² ўлчовида саналишини кўрсаткичи. А. вда ҳар бир такт икки сановида кучли ва кучсиз ҳиссаларидалилигини аниқлайди. А. в сўзлари нота йўлининг бошланғида *калит* ва *альтерация* белгиларидан сунг ёзилади.



ALLARGANDO (итал. алляргандо) — кенгайтириб, вазминлаштириб ижро этиш.

ALLEGRETTO (итал. аллегретто — тезроқ) — мусиқа суръати

курсаatkичи. Allegro билан Andante ўртасидаги тезлик белгиси. Кискартириб alito ҳолда ҳам ёзилди.

АЛЛЕГРО (итал. allegro — жонли, хушчақчақ) — 1. Тез ва жонли ижро курсаatkичи. 2. Шу суръатда ёзилган, лекин алоҳида номга эга булмаган мусиқа асари—пьеса. 3. Сонатнинг биринчи қисми (қ. соната аллегросси).

АЛЛЕГРО МОДЕРАТО (итал. allegro moderato) — уртача суръатда ижро курсаatkичи.

ALL—O — аллегронинг қисқартирилгани.

АЛЛЕМАНДА (фр. allemando) — Францияда 16 асдан бери маълум қадимий ракслардан. Бу ракс 2_4 ё 4_4 ўлчовида оғир, ва мин, бир текис ҳаракат билан ижро этилади. 17—18-асрларда А. французча сюита номи билан аталувчи (клавесин, лютня ёки оркестр учун ёзилган) мусиқа асарининг асосий қисмларидан бири бўлиб, ўз характери билан прелюдияга яқин.

АЛЛЕНТАНДО (итал. allen tando) — салмоқли, оғиррок суръатдаги ижро курсаatkичи.

ALL'OTTAVA (итал. алль оттава—октава буйлаб) — нуқталар билан чизилиб иккиланган ноталарни октава юқорилигида қўшиб ижро этиш. Бу сузни кисқартириб all 8-va (алль октава) тартибда ёзилди.



ALL'OTTAVA BASSA (итал. алль оттава басса — пастки октавада) — тағига нуқталар чизилган ноталарни бир октава пастда ижро этиш.

ALL-TO ALLEGRETTO нинг кисқарган шакли.

ALL-SEGNO (аль-сэньо) — белгисига қадар ижро этиш.

ALTO, ALTOS (фр. альто, альтос) — альт, альтлар.

ALTRI (итал. альтери-бошқалар, қолганлар маъносида) — солист. яққохон ёки яққанавоздан ташқари асар ижросида ҳамма қатнашувчилар.

ALTZARE (итал. альтцаре-кўтариш, олиш маъносида) — сурдинани олиш.


АЛЬБЕРТИ БАСЛАРИ — фортепиано учун ёзилган пьесанинг чап қўлда ижро этиладиган партияси (қисми) бўлиб, гармоник аккордга қирадиган товушларнинг маълум бир ҳаракатда такрорла-

ниши. А. баслари 18-асрда яшаган итальян композитори Доменико Альберти номи билан аталган.


АЛЬТ (лот. *allus* итал. *alto* — баланд, юқори овоз) — 1. Хор ва вокал ансамблларида, болалар ё хотин-қизларнинг пастки (меццо-сопрано, контраalto) овози, тенордан юқорироқ янграйдн. А. тенор ҷарғияси юқориснда ёзилди.

2. Болаларнинг пастки товуши. Диапазони кичик октавадаги лядан — иккинчи октавадаги *мига* қадар.

3. Камонча билан чалинадиган торли чолғу асбоб. Тузилиши скрипка шаклида, лекин унга нисбатан бир оз каттароқ (одатда 410 мм. узунликда). А. квинта оралиғидаги турт тор бўлиб, биринчиси — кичик октава *до*, иккинчиси — кичик октава *соля*, учинчиси — биринчи октава *ре* ва туртинчиси — биринчи октава *ляга* созланади.



А. нинг кўпроқ ишлатиладиган овоз ҳажми кичик октавадаги *до*дан — учинчи октавадаги *мига* қадар: товуши юмшоқ, ширали булса ҳам, скрипка товушидек равшан эмас. Ноталар альт ва скрипка қантларида ёзилди. А. якка соз, шунингдек, турли ансамбль — кватрет, квинтет ва симфоник оркестрда кенг қўлланилади. Партитурада А. ҷарғияси скрипка ноталаридан пастда ёзилди ва итальянча *виола* деб курсатилади.




Альт

4. Духовой оркестрларда қўлланиладиган пуфлама соз. Бу чолғу асбоби *альтгорн* деб ҳам аталади.

5. Аксарият оркестрларда қўлланиладиган чолғу асбоблар ва уларнинг турлари: А. кларнет, А.—тромбон, А.—домра, А.—балалайка; тақомиллаштирилган ўзбек халқ чолғу асбоблари: А.—ғижжак, А.—датор.

АЛЬТ ГОБОИ — қ. *Инглиз бургуси*.

АЛТ КАЛИТИ — *до* калити тизмига кирадиган калит. Унда биринчи октавадаги *до* (*c*¹) нота йулининг учинчи чизигига тўғри келади. Камонча билан чалинадиган чолғу асбоблардан (альт, шунингдек А. — гижжак ва б. турдош созлар партияси шу калитда ёзилади). А. калитининг белгиси:



до ,

УЧТИНЧИ
ОКТАВА

КИЧИК
ОКТАВА

БИРИНЧИ
ОКТАВА

ИККИНЧИ
ОКТАВА

си до ре ми фа соль ля си до ре ми фа соль ля си до ре ми фа

АЛТ ОВОЗИ — кўповозли мусиқада (хор асарларида) баландлиги буйича сопранодан кейинги овоз.

АЛТ ТРОМБОН — юқори регистрли духовой чолғу асбоби. Тенор тромбондан кварта баландлигидаги товушни беради. Ҳозирги вақтда симфоник оркестрда А. тромбон вазифасини тенор тромбон ҳам бажаради.

АЛТ РУБОБ — қ. *Рубоб*.

АЛТ ТРУБА — трубанинг кам ишлатиладиган турларидан. Бу чолғу асбоби *фа* (in F) ёки *соль* (in G) созларида қўлланилади. Нотад ёзилишига нисбатан соф квинта юқори ёки соф кварта паст эшитилади. Овоз ҳажми кичик октавадаги *Фа*—диездан иккинчи октавадаги *фа*, *соль*га қадар. Ноталар калитолди белгиларисиз скрипка калитида ёзилади. Симфоник оркестр партитурасида А. труба тромбондан сўнг ёзилади. А. труба итальянча *trombe, contr-alto* (тромба контральта) деб аталади.

АЛТ ФЛЕЙТА — флейтанинг кам ишлатиладиган тури. Катта флейтага нисбатан кварта ё квинта пастлигида товуш беради. Шунинг учун ҳам А. флейта транспозицияланувчи чолғу асбоблар каторига кирди ва *соль* (in G) ёки *фа* (in F) созларида қўлланилади.


Овоз ҳажми (*соль* созидагиси) кичик октавадаги *фа* диездан—учинчи октавадаги *до* диездга қадар. Симфоник оркестр А. флейта-

да одатда катта флейтани ижро қилувчи мусиқачи чалади. Бундай ҳолда чолғу асбоби узгарishi *muta in suzi* билан курсатилади. А. флейта итальянча *flauto contralto* (флауто контральто) деб аталади.

АЛЪТ КОБИЗ — торли-камончали қозоқ халқ чолғу асбобининг бир оз каттароқ қилиниб, қайта ишланган тури. А. қобиздаги учта **гор** квинта ораллигида кичик октавадаги *до, соль* ва биринчи октавадаги *рега* соланади. Умумий овоз ҳажми кичик октавадаги *до*-дан иккинчи октавадаги *рега* қадар. Ноталар алът калитида ёзилади.

АЛЪТ ФИЖЖАК — қ. *Фижжак*.

АЛЪТЕРАЦИЯ (лот. *altero* — узгартаман) — етти поғонадаги товушлар (*до, ре, ми фа, соль, ля, ва си*)нинг балаандлигини ярим ё бутун тонга узгартиш. Асосий А. белгилари *диез* (товушларни ярим тон кутариш учун), *бемоль* (товушларни ярим тон пасайтириш учун) булиб, агар асосий товуш бир бутун тон юқори кутарилиши лозим бўлса — *дубль-диез*, аксинча бир бутун тон пасайтиш керак бўлса, *дубль-бемоль* қўлланилади. Кутарилган товушларни пасайтириб ё пасайган товушни кутариб, асли ҳолига қайтиши учун *бекар* белгиси қўйилади. А. белгилари кутарилиши ё пасайиши лозим бўлган нота олдига қўйилади, калитдан сўнг қўйилса, *калитолди белгилари* деб аталади ва шу сатрнинг охирига қадар А. белгилари қўйилган поғоналар ярим тон кутарилади ё пасаяди. Агар А. белгиси бирор такт орасида қўйилса, у ҳолда фақат шу тактдаги белги қўйилган поғоналарнинггина ўзгартириш кучига эга бўлади.



АЛХОН — Шарқ мусиқа илмида мусиқа асарлари мазмунини ифодаловчи асосий восита, яъни куй. Ўтмиш олимлари уз рисола-ларида шу ном билан қушилиб аталувчи бир қанча куй турлари (мас. А. и—жирмий, А. и—баситий, А. и—мулазза)ни батафсил таърифлашган.


АМБУШЮР (фр. *embouchure, bouche* — оғиз) — пуфлама чолғу асбобларининг лабга қўйиб чалинадиган қисми—*мундштук*.

А-MOLL (а-молль)—*ля*-минор тоналлиги.

АМПЛИТУДА (лот. *amplitudo*—кенглик, ҳажм)—тор ва бошқа тебранувчи жисмининг тебраниш кенглиги. Мусиқа товушининг кучи тебранишнинг кенг-қисқалигига боғлиқ. Тебраниш қанча кенг бўлса, товуш шунча қаттиқ бўлади ва аксинча. А. товушнинг баланд-пастлигига таъсир қилмайди.

АМФИБРАХИП (юн. amphibrachus — ҳар икки томондан кисқа) — шеър вазни ўлчови ҳақидаги таълимотда биринчиси ургу-сиз, иккинчиси кучли ургули ва учинчиси ургусиз бўғиндан иборат бўлган уч бўғинли туроқ (— — ёки — —) Мусиқада


ёрқин ифодаланиб, бир-бирига ўхшаш ритмик элементларни белгилаш учун ишлатилади. А. ноталарда куйидагича, кўрсатилиши мумкин:



АНАЛИЗ (юн. analisis — қисмларга бўлиш, таҳлил қилиш) — мусиқа асарини тузилиш ва эстетик жиҳатдан таҳлил қилиш.

АНАПЕСТ (юн. anapaistos тескари томон қайтариш) — шеър вазни ўлчови ҳақидаги таълимотда биринчи иккита ургусиз ва учинчи ургули бўғинлардан (— — ёки — —) иборат бўлган

уч бўғинли туроқ. Мусиқада баъзан бир-бирига ўхшаш ритмик элементларни белгилаш учун ишлатилади. А. нотада куйидагича кўрсатилиши мумкин.



АНГЕМИТОН ТОВУШҚАТОРИ (anhemitonos — ярим тонсиз) — к. *Пентатоника*.

АНДАНТЕ (итал. andante, andare — бормоқ, юрмоқ) — 1. Ўртача тезликда бўлган суръат кўрсаткичи. Шошмасдан, осойишта ижро этиладиган суръат.

2. Муайян номга эга бўлмаган мусиқа асари (одатда чолгу пьеса) ҳам А. деб аталади.

3. Соната циклининг вазмин ижро этиладиган қисми кўпроқ шу суръатда ёзилади.

АНДАНТИНО (итал. andantino) — ўртачадан тезроқ бўлган суръат кўрсаткичи. Муайян номга эга бўлмаган кичик чолгу пьеса.

АНКОРД (итал. анкора) — яна, яна бир марта.

АНСАМБЛЬ (фр. ensemble — биргаликда). — 1. Вокал ё чолгу мусиқа асарининг бир неча ижрочи томонидан ижро этилиши.

2. Бир гуруҳ артистларнинг бир бутун бадний жамоа холида чиқиши. 3. Унча катта бўлмаган ашулани (вокал) ё чолғучи (созанда)лар жамоаси учун яратилган мусика асари. Ижрочилар сонига қараб, бу ансамбллар турлича аталади. Агар икки ижрочи учун бўлса — *дуэт*, уч ижрочи — *трио* ёки *терцет*, тўрт ижрочи — *квартет*, беш ижрочи — *квинтет*, олти ижрочи — *секстет*, етти ижрочи — *септет*, саккиз ижрочи — *октет* ва ҳ. к. Баъзан А. сўзи оркестр ёки хор атамасининг кичрайтирилган турига ёки оркестр, хор ва балетнинг кичик тўдасига нисбатан ҳам айтилади. Опера, оратория, кантата ва мусиқали драмаларда ҳам А. лар бўлади.

А. атамася яхши тузилган ва юксак ижроси билан ажралиб турадиган бадний жамоаларга нисбатан ҳам қўлланилади: Ўзбекистон давлат телерадиосининг дуторчи қизлар, Ю. Ражабий номидаги мақомчилар, М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» Ўзбек Давлат рақс А. лари ва б.

АНТРАКТ (фр. *entre* — оралик, *acte* — парда) — 1. Саҳна асарларидан пардалар орасидаги ва концертларда бўлим оралиғидаги танаффус. 2. Опера, балет, оперетта ва мусиқали драмаларда танаффусдан сўнг, парда очилиши олдидан ижро этиладиган бошланғич чолғу мусиқаси.

АНИШИ (қоз. анши) — дўмбира журлигида ашула айтувчи қозоқ халқ ашулачиси.

АНШЛАГ (нем. *anselag*) — опера, балет, умуман саҳна асарларида, концертларда ҳамма билетнинг сотилиши, залнинг тўла булиши. «Спектакль аншлаг билан ўтди», яъни томошабинлар яхши қабул қилдилар, деган маънода.

АПЕРТО (итал. *аперто* — очик, очик товуш) пуфлама чолғу асбобларида *сурдина*ни блиб қўйиш, очиш.


АПОФЕОЗ (юн. *apotheosis* — илоҳийлаштириш) — саҳна асари (айниқса, опера ва балет) сўнгидаги оммавий-тантанали қисм. Бунда халқнинг халқ қахрамонлари ёки маълум бир воқеликнинг тантана қилиши. Байрам концертларининг катта тантана билан тугалланиши. Саҳна асарларидаги А. да одатда қатнашувчиларнинг ҳаммаси иштирок этади. Р. М. Глиэр ва Т. Содиқовларнинг «Гулсара» операсидаги охириги саҳна А. тантанали хор билан тугалланади.

АППАССИОНАТА (итал. *appassionato* — завқли, серзавқ) — немис композитори Л. ван Бетховеннинг машҳур 23-фортепиано сонатасига А. номи берилган.

АПЛИКАТУРА (нем. *applicatur*, лот. *applico* — қўймоқ, босмоқ) *сурдина*нинг асбобларини ижро қилганда бармоқларни тўғри қўйиш ва алмаштириш тартиби.


курсатилиши ҳам А. деб агалади. А. араб рақамлари билан нота-ларининг ости ёки устига қўйилади. Клавишли чолғу асбобларида 1. 2. 3. 4 рақамлари «курсаткич бармок»-ни бошлаб саналади (бош бармок, дастанни ушлаш учун қўлланилади). 0 (ноль) торли чолғу асбобларида очиқ торни чапиш учун кўрсатилади. А. ни тугри ва аниқ кулланилиши мусиқа асарини бадний ижросига имконият туғдиради. Фортепиано, скрипка, альт, виолончель ва бошқа чолғу асбобларида ижро килувчилар А. си белгиланган мусиқа асарларини кўп қийнаймай ижро қиладилар

ARROGGIATURA (итал. аподжатура — суяпч, таяпчиқ) — қ. *Форилағ.*



Апхерца

АПХЕРЦА — камонча билан ижро этиладиган Абхазия халқ торли чолғу асбоби. Косаси ўйма бўлиб, даста ва буйни билан бир бутун ёғочдан ясалади. Қопкоғи ёлдан, иккита тори от думидан тайёрланади: киргиз халқ чолғу асбоби — шаклида. Овози ҳам жуда секин ва майини. Ижрочи одатда ашулачи бўлиб, ўз овозига чолғуси билан жўр бўлади. А. нинг узунлиги 700—800 мм. Созланиши:



АРАЛАШ ТАКТЛАР — к. *Мураккаб тактлар.*

АРАЛАШ ХОР — эркаклар ва хотин-қизлардан тузилган хор.

АРАНЖИРОВКА (фр. *arranger* — тартибга солиш, туза-

тиш) — бир ё бир неча чолғу асбоблари учун ёзилган мусиқа асарини бошқа бир ё бир неча чолғу асбобларда ижро этиш учун мослаштириш. А. фақат чолғу мусиқа асарларигина эмас, вокал мусиқа учун ҳам хосдир. А. қилганда чолғу асбоблар, овозлар соинини купаитириш ё камайтириш мумкин. Шунингдек, оркестр учун ёзилган мусиқа асарларининг фортепианога А. қилиш мумкин. Бир чолғу асбоби учун яратилган мусиқа асарини шу чолғу асбобда чалиш учун энгиллаштириш (осонлаштириш) ҳам А. деб аталади. Купроқ опера, симфоник, камер ансамбллари фортепианода 2 ёки 4 қўлда чалиш учун А. қилинади.

АРДАНУЧИ — гнжжак туридаги камонча билан чалинадиган ажар халқ чолғу асбоби. А. да учта тор булиб, улар секунда ва терцияга соланади.

АРИЕТТА (итал. *arietta* — кичик ария) — кичик ария, куйининг содда ва ашуласимон бўлиши билан ажралади. Айниқса француз ҳажвий операси учун характерли.

АРИОЗО (итал. *arioso* — арияга ухшаш) — ария тури эркин тузилишда бўлиб, *опера* (баъзан *кантата* ва *оратория*)нинг *речитативи*ли сахналарида қўлланлади.

АРИЯ (итал. *aria* — ашула) — 1. Ашула каби куйчан, мукамаллашган ва кенг кўламли шаклга эга, одатда лирик ва драматик мазмунли тугалланган асар. А. асосан опера, мусиқали драма, шунингдек кантата ва ораторияларда қўлланилади. А. қаҳрамон характери, ҳис-туйғулари, воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабатини тасвирлайди. Жиддийлиги, мазмунининг ғоявий бир мақсадга эгалиги билан А. драмадаги монолог билан тенгдир. Шунинг учун ҳам ария баъзан монолог деб юритилади. Ўзбекистон композиторларидан А. Қозловскийнинг «Улуғбек» операсидаги Улуғбек монологлари, Р. Глиэр ва Т. Содиқовларнинг «Гулсара» операсидаги Гулсара, «Лайли ва Мажнун» операларидаги Лайли, Қайс чиқишлари А. ларга мисоллардир. А. одатда фақат бир ашулани томонидан ижро этилиб, унга симфоник оркестр жўр бўлади. 2. Концертларда ижро этиладиган айрим вокал асарлар ҳам опера А. си характерда яратилади. 3. Чолғу асбоблар ёки фортепиано жўрлигида ижро этувчи ёлғиз бир асбоб учун ёзилган, лирик, одатда оғир суръатли мусиқа асари.

ARCATO (итал. арката — ёйдан, камондан) — камонча билан.

ARCHI (итал. арки — камонлилар) — камонча билан ижро этиладиган чолғу асбоби.

ARCO (итал. арко — камонча билан чалиш) — пиццикато йўли билан чалинганидан сўнг камонча билан ижрога ўтиш.

ARMONIA (итал. армонна — келишиш, бирдамлик) — гармония, оҳангдошлик, хушовозлик.

ARMONICO (итал. армонико) — гармоник. бир текис, хуш-оҳанг.

ARMONIZZARE (итал. армонидзарэ) — гармонийлаш.

ARPA, ARPE (итал. арпа, арпе) — арфа, арфалар.


АРПЕДЖИО, аниқроғи Арпеджо (итал. *agreggio, arpeggiare* — арфада чалини) — *аккорд* товушларини бир йўла эмас, тартиб билан бири-кетин ижро қилиш Аксарият А. лар настки товушлардан бошланади А. йўли билан ижро қилиниши лозим булган аккордларнинг чап томонига тикка тўлқинсимон чишик чизилади. А. арфада, шунингдек фортепиано, чанг, коғуз каби чолғу асбобларда кенг қулланади.



Артикуляция (нем. *articulatio*, лот. *articulo* — майда бўлақларга буламан) — мусика чолғу асбоблари ва ашулачи овозида сурункасига келган товушларни ижро этиш усуллари. А. турлари кўп булиб, асосийлари — *легато*, *стаккато*, *глисандо*, *портаменто*. А. нинг тугри бажарилиши мусиқа асарини бадний ва таъсирли чиқишига ёрдам беради.

Артист (фр. *artiste* — санъаткор, ижодкор) — мусика, драма ва бошқа шу каби санъат турларини кўичилик ўртасида ижро қилувчи, бажарувчи ва бу санъатни ўзига асосий касб қилиб олган киши. А. лар халқимизнинг бадний, гоёвий жиҳатдан тарбиялашда катта хизмат қиладилар. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз А. ларни Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, Республика халқ артисти, Ўзбекистон халқ хофиси каби фахрий унвонлар билан тақдирлайди.


АРФА (нем. *Harfe*; итал. *ара*) — учбурчак шаклидаги торли тирнама мусика асбоби. Бу учбурчак уртасидаги ичакдан қилинган турли узун-қисқалингандаги торлар тиккасига (вертикал) тортилади. Ҳозир амалиётда ишлатилиб юрилган арфада 46-47 та тор булиб, булар товушни кучайтириб берувчи қонқоқ рамкасига тортилади. Торлари диатоник *до* — *бемоль мажорга* созланади.



Арфа

Товушқатори бемоллик товушлардан тузилган. Хроматик товушлар олиш учун еттига асосий товушга еттига педаль ишланган. Хар бир педаль бир турли номда бўлган ҳамма октавадаги товуш торларини ярим ва бир бутун тон юқори кўтариш имкониятига эга. А. қадим замонлардан бери мавжуд. XIX асрнинг биринчи ярмида франциялик чолгу асбоблар устаси С. Эрар хроматик товуш қатор механизмини ихтиро этган. А. нинг овоз (қўламини) контроктавадаги *до* — *бемоль* дан тўртинчи октавадаги

фа — *диезга* қадар бўлиб, ноталар фортепианоинкига ўхшаш икки нота йулида скрипка ва бас калитларида ёзилади. Бу икки нота йули акколада билан бирлаштирилади.



Бас товушидаги (катта октавадаги *фага* қадар) булган торлар устига сим уралган бўлиб, қолганлари очиқ ичак торлардир. Ижро этиш ва ажрагишга осон бўлиши учун ҳамма *до* торлари қизил, *фа* торлари эса кўк (хаво) рангли булади. А.нинг товуши жуда ёқимли ва майин. Ижро этиш йўллари турлича. Унда барча аккорд, арпеджио, глиссандо, флажолет ва шу каби бошқа ижро усулларида чалиш мумкин. Симфоник оркестрда бир, баъзан икки А. ишлатилиб, оркестр тўдаларининг ҳеч бирига қирмайди. Партитурада А. партияси челеста номли чолғу асбобдан сўнг ёзилади. А. оркестр ва ансамблда қўлланилганидек, яқка ҳолда ижро қилиш ва бирор чолғу асбоби ва яқкаҳон ашулачиға жур булиши мумкин.

“МУҚАННА” СИМФОНΙΑСИДАН



АРХИТЕКТУРА АКУСТИКАСИ — катта биналар (ашиқса, театр ва концерт заллари)даги акустика — товуш эшитилишининг бир меъёрда булиши.

АСАР, ИЖОД.— 1. Композитор яратган мусика асари. 2. Айрим мусика асарларининг кўрсатилиши, яъни рақамлар билан ёзиб бориши. Бунинг қисқартириб ас. ҳолда латинча *opus* (*opus*) сўзи билан (одатда қисқартириб — *op.*) ёзилади. Хар бир композитор уз асарининг яратилишини исми рақамлаб боради. Баъзан композиторлар нашрдан чиққан асарларининггина рақамлаб борадилар. Бундай ҳолда асарлар ярағини тартибда эмас, нашр этилиши тартибда рақамланади. Баъзан ижод қилинган бир туркумдаги асарлар (улар сонини қанча бўлишидан қатъи назар) бир рақам билан берилади. Табиийки, бундай рақамлар кичик шаклдаги мусика асарларига хос.

AS (*ас* — 1. *Ля* — бемоль, товушининг ҳарфий кўрсаткичи. 2. Бош ҳарф билан ёзилган *As—As-dur* (*Ас-дур*, яъни *Ля* — бемоль мажор)нинг қисқартиб кўрсатилган белгиси. Агар *as* кичик ҳарфлар билан ёзилса *as-moll* (*ас-молль*, яъни *ля-бемоль* минор)ни қисқартириб кўрсатилган белгиси бўлади.

ASAS (*асас*) — *ля дубль* бемоль товушининг ҳарфий кўрсаткичи.

AS — DUR (*Ас-дур*) — *Ля-бемоль* мажор тоналлиги.

AS — MOLL (*ас-молль*) — *ля-бемоль* минор тоналлиги.

АСОСИЙ (БОСКИЧЛАР) ПОҒОНАЛАР — мажор ва минор тоналликларининг биринчи (I), тўртинчи (IV) ва бешинчи (V) поғоналари.

АСОСИЙ ИНТЕРВАЛЛАР — оддий интервалларининг иккинчи номи.

АСОСИЙ (БОШ) МАВЗУ — соната шаклида бошпар

АСОСИЙ (БОШ) МАВЗУ — соната шаклида бош партияда келган энг равишан (*магноли*) мусиқавий мавзу.

АСОСИЙ (БОШ) ПАРТИЯ — 1. Соната шаклининг биринчи қисми булган экспозициядаги бош партия. Бу қисмдаги мавзуй (тематик) материаллар асосий тоналикда мусика образини гавдалантириб беради. Ёрдамчи партияга ўтишга қадар ўртада келган боғловчи қисмда *Е. п.* даги мавзу оҳангидан фойдаланилади. 2. Баъзан уч қисми ёки рондо шаклларида асосий (қайтарилувчи) қисм шу ном билан аталади.

АСОСИЙ (УНҚАТОР) ТОВУШҚАТОР — октава оралиғида *До* товушидан бошланган асосий босқичдир. Бу асосий босқичлар — *До, Ре, Ми, Фа, Соль, Ля* ва *Си* товушлар, яъни фортепианодаги оқ клавишалардан иборат.

АСОСИЙ ТОН — 1. Ингидиси терция бўйича тақсим қилинган аккорднинг энг пастки (бас) товуши. Бошқа ҳолатларда **А.** тон турли уришларда келиши мумкин. У аккорднинг примаси деб

ҳам аталади. А. тон арабча I рақами билан кўрсатилади. Қуйидаги мисолларда (аккордларда) бутун ноталар билан кўрсатилганлари А. тонлардир.



2. Бошқаларига нисбатан аниқ ва равшан эшитиладиган гармоник товушларнинг энг пастгиси.

АСОСИЙ ТОНАЛЛИҚ — мусиқа асарининг тонал асоси бўлиб, одатда асар А. т. дан бошланади ва шунда тугалланади.

АСОСИЙ ТУР — терция буйича тузилган аккордларнинг баъзида асосий тони булган аккорд. Уч товушликнинг А. тури махсус рақам кўрсаткичига эга эмас. Асосий септаккорд «7» рақами билан кўрсатилади. Асосий понааккорд эса «9» рақами билан кўрсатилади.

АСОСИЙ ХОЛАТ — аккорднинг (учтовушлик, септаккорд, понааккорднинг) терция буйича келиши. А. ҳолат баъзан асосий тур деб ҳам юритилади.

ASSAI (итал. ассан — етарли) — жуда ҳам, гоят маъноларида бўлиб, сўзнинг асосий мазмунини янада бұрттириб беради. Масалан: *allegro assai* (аллегро ассан) — жуда тез, *adagio assai* (*адажио* ассан) — жуда вазмин.

А ТЕМПО (итал. а темпо) — илгариги суръатда. Бирор мусиқа асарини ижро этиш вақтида тез ё вазминлаштирилгандан сўнг яна асл суръатга қайтиш: қисқартириб а. т. деб ҳам кўрсатилади.

АТТАСА (итал. аттака) — ҳужум қилмоқ — мусиқа асарининг бир қисмидан иккинчисига кўчишда тўхтовсиз ўтишинини кўрсатувчи белги.

АТОНАЛЛИК — мусиқа асарининг аниқ бир оҳангда, яъни маълум бир ладда бўлмастлиги. А. Нусидаги мусиқа кишининг табиини овозда антадиган ашула, мусиқа садоларига асосланмай, турли балаандликдаги тартибсиз товушлардан тузилган аккорд, маъносиз бо-ланишдаги товушлар йигиндисидан иборат (баъзан математик муносабатлар замишида юзага келган) бўлади.

Асримизнинг 20–30-йиллари давомида А. Шёнберг, И. Хауэр, А. Веберн, А. Берг (хаммаси Австрия), И. Рославцев (Россия) каби композиторлар ижодида А. муайян (додекафония, серия тех-

никаси) қоидалар асосида тартибга солиниди ва шу тарзда кўп мамлакатларда тарқалди.

АТУХ-ПАНДУР — атух пандур. Чечен — ингушларнинг камонча билан чалинадиған торли чолғу асбоби. Корпуси шар шаклида, 3 та торли бор. Бу торлар *d*¹, *e*¹ ва *a*¹ (биринчи октавадаги *ре*, *ми*, ва *ля*)га соланади. Ҳзуниги 800—850 мм.

АФИША (фр. *affiche*, *afficher* — қўйиш, кўрсатини маъносида) — спектакль, концерт маърузали-концерт в. б. лар хақида чиқарилган эълон.

АЧАРПАН — абхаз халқ пуфлама чолғу асбоби. Тоғда ўсадиган «ачарпан» усимлигининг поясидаи най шаклида тайёрланади. Ҳзуниги 600—800 мм. А. купроқ Абхазия тоғларидаги подачилар орасида тарқалган.

АЧЧЕЛЕРАНДО (итал. *accelerando* — тезлатиш) — суръатнинг аста-секин тезлатилиши. Кўпроқ қисқартириб *accel* деб ёзилади.

АШУГ, ОШИГ — Озарбайжон, Арманистон, Туркияда халқ шoirи, ашулачиси ва ижодкори. А. лар чолғу асбобларидан соз, тор ёки камонча журлигида ижро этадилар. Бадиҳа асосида айтиладиган халқ йўлларига тақлидчилик А. нинг қобилиятига боғлиқ ҳолда турлича ўзгаради.

АШУЛА — кенг тарқалган вокал мусиқа жанри ва шакли бўлиб, унда шеърйи ва мусиқий образлар бир-бирига уйғунлашган ҳолда гадаланади. А. нинг халқ ва муаллифли турлари бор. Муаллифига эга А. ни бастакор ва композиторлар купроқ халқ А. ларига яқин тарзда яратадилар. А. тузилиши ва ижроси бўйича турли жанрларга бўлинади. Масалан, оммавий эстрада, ансамбль, хор ва б. Шунингдек, шеърйи ва мусиқий тузилиши ҳам турличадир. Халқ термалари йўлида айтиладиган кичик ҳажмли А. қўшиқ деб ҳам аталади. Ўзбек мусиқа меросидаги А. нинг яна бир тури катта ашуладир.

АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ — ашула ва чолғу мусиқасининг турли шакллари, хореография, бадний ўқиш ижрочиларидан тузилган ансамбль. А. ва рақс ансамблида хор, яккахонлар, оркестр, халқ чолғу асбоблари, фортепиано ва бошқалар бўлади. Ўзбек Давлат филармонияси қошида «Шодлик», «Лазги», «Зарафшон» каби ансамбллар мавжуд.

АШУЛАЧИ — ашула, кенг маънода барча вокал жанрлар ижросиси. Терма ва ялла ижрочиларини ялачи, сатанг, халфа, йирик шаклдаги ашулалар ва мақом йўллариини ижро этувчилар А. дейилади. Ўз ижрочилик санъатлари билан халқ орасида танилган А. ҳофиз дейилади.

АШУЛАЧИЛИК — ашула айтиш санъатининг асосий касб килиб олган санъаткор.

АЮМАА — арфага ўхшаш қадимги абхаз халқ тирнама чолғу асбоби. Узунлиги 700 мм, баландлиги 500 мм. А. бир бутун ёғочдан ясалиб, косасининг ичи ўйилади ва уст қисмига юпқа қозоқ урилатилади. А. га от ёли ва думидан тайёрланган 14 та тор тортилади. А. ни ижрочи ўз овозига жўр қилган. Ҳозир А. қайта ишланиб, нона интервали кенглигидаги хроматик товуш каторига эга бўлган, 15 та ипак тор тортилган.

АКЫН, ОКИН — қозоқ ва қирғизларда халқ шoirи, бахши, созада ва ижодкори. Одатда А. лар айтадиган ашула бадиҳа тарзида бўлиб, думбира журлигида ижро қилинади.

Б

Б—1. Қатта (мажор) *уч*товушлик. 2. Партитурада пуфлама оркестр чолғу асбобларини созлашнинг (труба, кларнет каби) лотинча «в» ёзувида курсатилиши.

В. (лот. Bэ)—1. *Си* — бемоль товушининг харфий курсатгичи. 2. Бош харф билан ёзилган *B* — (*Си* — бемоль мажор) тоналлигининг белгиси. 3. Кичик харф билан ёзилган *b* эса *b* — *moll* (*си* — бемоль минор) тоналлигини билдиради.


БАГАТЕЛЬ (фр. bagatelle — бекорчи, арзмаган нарсa) чолғу мусиқа асарини булиб, хажми кичик, чуқур маънога эга бўлмаган, ижроси енгил асар.

БАГПАЙП (bagpipe) — Англияда *волинка* шундай ном билан аталади.

БАЕЗ — турли шoirларнинг шеърлар тўплами.

БАЕТ — 1. Тошкент — Фарғонада машҳур мақом йўлларидаги беш қисмдан иборат йирик ашула туркуми. 2. Наво мақомининг наср бўлимидаги йирик ашула йўлларидан бири. Шу мақомнинг мушкилот бўлимида Мухаммаси Баёт куйи мавжуд.

БАҚ (ўзб.) — дойра зарбларида баланд товуш атамаси. Нота системасида, урилиб чалинадиган чолғу асбобларидек, Б. чизик


устига  тарзида ёзилади. Бунинг қаршисидаги пастки товуш

«Бум» деб аталади. Б. нинг икки баробар тезлангани «бакка» деб ўқилади. Хоразмда бакки «тоқ», баккани — «тоққа» дейилади.


БАККА (ўзб.) қ. *Бак*.

БАЛАБОН (бўламон, болабон, боламан) — 1. Қадимий ўзбек

халк чолғу асбобларидан. Қўпроқ Хоразмда тарқалган. Ёғоч (одатда тут)дан ясалиб бошдан-охирига қадар кавлаб ишлаб чиқилган. Шакли сурнайга ўхшаш, лекин ундан бир оз кичик (номи ҳам шундан, яъни — сурнайнинг боласиман), узунлиги тахминан 300 мм. Б. нинг юқори қисмига урнаштирилган «тили» қамшидан тайёрланади. Б. да саккизта тешик мавжуд, буниинг еттитаси уст ва бири орқа томонда. Орқа томондаги тешик юқорида бўлиб, чап қўлниинг бош бармоғи билан беркийтилади. Товушқатори диатоник, кичик октавадаги *ре* ва *ре* — бемольдан бошлаб уч октавага яқинлашиб боради. Амалий ишлатиладиган товушлари қуйидагилар:



Б. да якка ижро қилиш мумкин бўлганидек, турли ансамблларда ҳам чалинади.



Балабон


2. Камшидан ясалган Доғистон халқ чолғу асбоби. Ижро этиладиган томони «тил» қилишиб кесилади. Умумий узунлиги 150—200 мм. Амалий ишлатиладиган, товушқатори диатоник бўлиб, қуйидагичадир:




БАЛАБОНЧИ, буламончи — балабон чалувчи созанда.

БАЛАЛАЙКА — рус халқ чолғу асбоби. Учбурчак шаклидаги косага даста уланган бўлиб, пардалар дастага уйиб урнаштирилган. Б. 18-аср бошларида пайдо бўлган. 19-асрнинг охирларида В. В. Андреев томонидан бирмунча такомиллаштирилган, турли ансамбль ва оркестрларда фойдаланишни кўзда тутиб, катта-кичик турлари яратилган.

БАЛАЛАЙКА — АЛЪТ — балалайканиннг бир тури. Ноталар ёзилишига кура октава пастда эшитилади. Созланиши кичик октавадаги *ми* дан иккинчи октавадаги *рега* қадар. Ноталар скрип-




Балалайка




ка қалтида октава юкориди ёзилади. Б. А. ижрода кўпроқ насти-
ки товушлари билан қатнашади.

БАЛАЛАЙКА-СЕКUNDA — балалайканинг бир тури В. В. Андреев томонидан қайта ишланган кичик октавадаги *ля* (а) ва биринчи октавадаги *ре* (d) ларга созланади. Овоз хажми кичик октавадаги *ля*дан — иккинчи октавадаги *ля*га қадар. Ноталар скрипка калитида ёзилади.



БАЛАМАН — арман ё грузинларнинг дудукига ухшаш каманидан ясалиб, махсус «тил» билан ижро этиладиган озарбайжон халк чолғу асбоби. Бу чолғу асбобини ясти баламан (До-ғистонда ясти — балабан) деб ҳам аталади. Б. тут ё урик ёгочидан ясалади. Ёгочни най шаклида пармалаб, бош қисмига «қуш тил» ўрнатилиб чалинади. Умумий тилсиз узунлиги 300 мм. (худди Хоразм балабонидек). Б. нинг корпусида 5 дан 9 га қадар тешикчалар бўлиб, булардан бири орка томонда (қуни томонда) бўлади. Амалий товушкатори диатоник бўлиб, қуйидагичадир:





Баламан

Б. якка ижро қилинганидек, турли ансамбль ва оркестрга ҳам қушиб чалинади.

БАЛ РАКСИ — одатда шаҳарда кўлланиладиган, халқлар рақсларининг тузилиши ва характерига қараб қисман тартиблштирилган рақс тури.

БАЛЕРИНА — балет спектаклида ўйновчи раққоса.

БАЛЕТМЕЙСТЕР (нем. balletmeister) — рақс, балет, опералардаги ўйин саҳналарини кўювчи балет устаси, режиссёри.

БАЛЕТ (фр. ballet, лот ballo — рақсга тушаман, ўйнайман) — синтетик санъат турларидан бири, саҳнада кўрсатиладиган бадний асар, асосан мусиқа ва хореография воситалари билан ифода килинади. Драматик мавзу асосида воқеа, рақс, имо-ишора ва баданининг нафис ҳаракатлари, мусиқа ва декорация, костюмлар билан бирга ифода этилади. Б. да мусиқа рақс, ва нафис ҳаракатларга жур булибгина қолмай, воқеанинг боришига қараб драматик ҳолатларни гавдалантириб беради. Б. даги рақслар мумтоз ва характерли булади. Характерли рақс — халқ рақсларига яқин. Рақс учун ёзилган мусиқалар аниқ ритмда, шакл жиҳатидан пухта бўлиши катта аҳамиятга эга. Б.нинг драматик, қаҳрамонлик, хажвий романтик ва бошқа турлари бор. Эртак ва афсона мавзудаги Б. лар кенг тарқалган. 19—20 асрларда рус балет санъати катта ютуқларга эришди. Б. тараққлетида буюк рус композитори П. И. Чайковский ижоди муҳим роль ўйнайди. У Б. даги мусиқани опера-симфоник мусиқа шаклига яқинлаштириб, драматик мазмунини чуқурлаштырди. Чайковскийнинг «Оққуш кўли», «Енғоқчақар», «Ўйкудаги гузал» Б. лари шулар жумласидандир.

Б. санъатида замонавий ва тарихий-инқилобий мавзу кенг ўрни олмақда. Р. М. Глиэрнинг «Қизил дола», «Мис чавандоз», Б. В.

Асафьевнинг «Богчасарой фаввораси», С. С. Прокофьевнинг «Ромео ва Жульетта», А. Н. Хачатурянининг «Гаянэ», «Спартак» Б. ларнинг мухлислар севиб томоша қилмоқда. Ўзбекистонда С. Василенко «Ок биллак», («Озодачеҳра»), Е. Брусиловскийнинг «Гуландом», Г. Мушелнинг «Раққоса», Икром Акбаровнинг «Орзу», А. Қозловскийнинг «Тановар», У. Мусаевнинг «Афсоналар водийсида» ва б. Б. лар яратилган. Композиторлар Б. мусиқалари асосида концертбоп сюиталар яратган.

БАЛЛАДА (итал. ballade) — адабий-поэтик жанр бўлиб, халқ ўтмиши ё утган давр ҳақида шеърин қисса. Қисса ё ҳикоя килиб айтиб берилш характерида ёзилган чолғу, ё вокал мўзика асари. 12-асрда рақс характеридаги халқ хорларининг Б. денилган, 14—15-асрларда лирик ашулалар шу ном билан юритилган. 18—19-асрларда балладада хаёлий ва эртақ қаҳрамонларни асосий урин олди. 19-асрдан бошлаб вокал, қисман чолғу мўзика асарлари Б. дейила бошланди. Шуберт асарлари бунга мисол бўлади Рус композиторларидан М. И. Глинка, А. Бородин, А. С. Даргомижский, А. Рубинштейнларининг вокал Б. лари, Ф. Шопен, Э. Григ, Ф. Лист, А. К. Лядовларнинг фортепиано Б. лари танилган. Рус композиторларидан В. Белин овоз ва фортепиано учун «Капитан Гастелло ҳақида баллада», А. Бабажаниян фортепиано ва симфоник оркестр учун «Қаҳрамонлик балладаси», С. Урбах «Симфония — баллада» яратдилар. Республикамиздаги композиторлардан Мутал Бурхонов овоз ва симфоник оркестр учун Машраб газалига «Ишқ ўти», А. Умарий шеъринга «Баҳор кушлари», А. Отажонов овоз ва симфоник оркестр учун баллада яратдилар. Фафур Кодиров симфоник оркестр учун «Поэма — баллада» ёзган.

BALLO (итал. балле) — балет, ўйин, рақс.

БАМ — мўзикадаги йўғон (паст) овоз. Чолғу торларининг й ўғон товуш берадигани — *бас*. Б. нинг акси — *зирдир*.

BAND (нем. банд) — том, жилд.

БАНДА (итал. banda) — мис пуфлама ва урилиб чалинадиган чолғу асбобларидан тузилган ансамбль бўлиб, баъзи операларда сахна ё сахна орқасида симфоник оркестрга қўшилиб, ё ёлғиз холда қўлланилади. Б. баъзан симфоник мўзикага (кўпроқ тантанали ё жанговар ҳолатларда) қўшилади.

Б. якка ўзи ҳам, оркестрга қўшиб ҳам ишлатилади.


БАНДУРА (лот. pandura — уч торли соз) — торли тирнама украин халқ чолғу асбоби, дастаси калта бўлиб, косаси тухум шаклида бўлади. Тарихий манбаларга кўра, Б. 16-асрда ҳам ишлатилган. Б. да 20 ва ундан ҳам кўп тор бўлиб, даста ё қопқоққа тортилади. Турли узунликдаги бу торларнинг қисқаси — баланд

(ингичка), узунлари эса — паст (йугон) товуш беради. Б. бармоқлар (баъзан махсус плектр) билан ижро этилади. Сўнги вақтларда Б. ни бирмунча такомиллаштириб оркестрда чалинадиган Б.—прима, Б.—альт, Б.—бас ва Б.—контрабас турлари яратилган. Украинада Давлат бандурачилар катталаси тuzилиб, у асосан халқ қўшиқларини ижро этади.


БАНДУРАЧИ — украин халқ қўшиқчиси, созандаси.

БАНДИ — пуфлама хитой халқ чолғу асбоби. Яна Қ. *ди.*

БАНЬГУ — мембранали уриб чалинадиган хитой чолғу асбо-



Бандура



Баньгу

би, кичик барабан турларидан. Б. нинг допра шаклидаги гардиши олтн булак ёғочдан иборат. Булар бирлаштирилиб, буюк ёки чучка териси копланеди. Гардишнинг диаметри 250—300 мм, баландлиги 95 мм. Б. *даныпигу*, *пилор* деб хам юритилади. Хитон мусиқали драмаси ва операларида Б. да одатда дирижёр ўзи ижро қилади. Бунга сабаб Б. оркестр ашуласи ва раққосаларга ритми бўрттириб беради. Б. Бамбукдан тайёрланган иккита ишгичка таёқча билан чалинади.


БАНЦЗЫ — уриб чалинадиган хитой чолғу асбоби. Кайроқ, қошиқлар кастаньетагар туридан. Б. қаттиқ ёғочдан тўрт кйррали килиниб ишланган икки таёқчадан иборат. Ижрочи чалиш вақтида Б. ни тиззага қуйиб бир қўли билан ушлаб, иккинчи қули билан таёқчада уриб чалади. Б. турли ансамбль ва оркестрга қўшиб чалинади. Унинг узунлиги 195 мм, қалинлиги 40 мм. Чаладиган таёқчанинг узунлиги 204 мм, диаметри 25—30 мм.

БАНЖО (ингл. banjo) — Америка негрларининг торли тирнама чолғу асбоби. Допра шаклидаги косасига тери қопланади ва бу коса узун даста билан бирлаштирилади. Пардалар дастага ўйилиб урнаштирилади. 4 дан 9 га қадар тори бўлиб — одатда плектр билан ижро қилинади. 20-асрдан бошлаб жаз ва эстрада оркестрларида қулланила бошлаганидан, Б. нинг хиллари кўпайди.

БАНЬХУ — камонча билан чалинадиган хитой торли чолғу асбоби. Б. да иккита тор бўлиб, эрху деган хитой чолғу асбобининг бир тури. Косаси кокос ёнғоғидан қилиниб, устига юпка тахта копланеди. Б. нинг икки тори иккинчи октавадаги *ре* ва *ля*га созланади. Овоз хажми иккинчи октавадаги *редан* туртинчи октавадаги *мига* қадар. Б. нинг умумий узунлиги 720 мм.




Банжо




Барабан

БАРАБАН (туркий) — урма чолгу асбоб. Б. асосан икки турли булиб, куйроқ симфоник ва духовой оркестрларда кулланилади. 1. Кичик Б. — овози ноаниқ баладликда. Доира шаклидаги гардиши металл ёгондан булиб, хар икки томонига тери қопланади. Чалганда титрок товуш чиқариш учун тери устидан бир неча урама тор тортилади. Б. ни учи думалок килиниб ишланган иккита илгичка таёкча билан урилади. Ноталар бир чизикда ёзилади. 2. Катта Б. — садоси йугол ва ноаниқ баладликда; тузилиши ва шакли кичик Б. дек. Учига намаг уралган таёкча билан уриб чалинади. Катта Б. шунингдек жаз ва эстрада оркестрларида кулланилади. Партитурада кичик Б. ни итальянча *tamburo* (тамбуро), *tamburo militare* (тамбуро милитаре) деб, катта Б. ни итальянча *gran cassa* (гран касса) деб ёзилади. Катта ва кичик Б. лар нотаси куйидагича ёзилади.



БАРБАТ — торли чолгу асбоб булиб, қадим замонларда Марказий Осиё худудида кулланилган.

БАРИТОН (итал. *baritone*) — 1. Бас ва тенор товушлари ўртасидаги эркаклар овози. Б. ининг драматик тенорга яқини лирик ва драматик турлари булиб, овоз ҳажми катта октавадаги *ля* ё *са-бемольдан* биринчи октавадаги *соля* ё *ля-бемольга* қадар;



Баригон

ноталари бас калитида ёзилади. «Гулсара» операсидаги Иброҳим, Бадал, «Лайли ва Мажнун» операсидаги Павфал, Қайс (Мажнун) партиялари Б. овози учун ёзилган.

2. Мушгук билан чалинадиган пуфлама мис чолғу асбоби. Б. пуфлама созлар (духовой) оркестрида пастки товушларда қўлланилади. Овоз ҳажми катта октавадаги *ми* дан биринчи октавадаги *си-бе мольга* қадар. Б. *си-бемоль* (in B) созида эшигилади. Ноталар скрипка калитида, эшигилишига нисбатан катта нона юқорида ёзилади.

3. Бас товуш берадиган камончали чолғу асбоб. Камонча билан чалинадиган 6—7 торларидан ташқари яна 20 ва ундан кўп микдорда қушимча садо берувчи торлари бор.


БАРКАРОЛА (итал. *barcarola*, *barca* — яъни қайик) — қайик ҳайдовчи балкичилар ашуласи. Венецияда кенг тарқалган. Мунгли садолардаги вокал ёки чолғу пьесалардан айримлари шу ном билан аталади. Бундай асарларда куй ва унинг жўр қисмида кўпроқ сув тўкичлари тасвирланади.

БАРГАВИЛ — сурнайда ижро қилинадиган Хорам раке қуни.


БАС (итал. *basso* - пастки) — 1. Эркакларнинг паст (пўғон) товуши. Катта октавадаги *фа* дан биринчи октавадаги *фа* га қадар булган оралиқдаги товуш. Овози кенг ашулачиларда паст ва юқори томон яна кенгайиши мумкин. Ноталар Б калитида ёзилади. «Гулсара» операсида Аллома, «Лайли ва Мажнун» опера-

сидаги Домла, «Мансара» операсидаги Қозн партиялари Б. учун ёзилган. 2. Пуғон товуш берадиган мис пуфлама чолғу асбоби; овоз хажми билан тубага яқин. 3. Куповозли муснка асарларида энг пастки (йугон) овоз, партия. 4. Аккорд (учтовушлик, септаккорд, ноаккорд) даги энг паст товуш.


БАС БАЛАЛАЙКА — асосий балалайканинг В. В. Андреев томонидан катталаштириб ишланган тури. Балалайка катта октавадаги *ми*, *ля* ва кичик октавадаги *реларга* соланади. Овоз хажми катта октавадаги мидан биринчи октавадаги *сольга* қадар. Ноталар бас калитида ёзилади. Б. балалайкада медиатор билан ижро қилинади.



БАС КАЛИТИ — F (*фа*) тизимидаги калитлардан бири бўлиб, кичик октавадаги *і* (*фа*) нотаси йўлининг тўртинчи чизигида туради. Б. калитида мусиқадаги пастки товушлар, шунингдек, эркакларнинг пуғон товушлари ёзилади. Контроктава, катта-кичик ва қисман биринчи октавалардаги ноталар бас калитида ёзилади.



БАС КЛАРНЕТ (итал. *clarinetto, basso*) — кларнетнинг бир тури бўлиб, 19- асрнинг биринчи ярмидан бошлаб, дастлаб опера оркестрида, сунг симфоник оркестрда қўллана бошлаган. Б. кларнетнинг тузилиши оддий кларнетга ўхшамайди. Унинг тугалланиш қисми юқори томон қайрилиб кенгайтирилган бўлади. Б. кларнет транспозицияланувчи чолғу асбоблар тўдасига киради; купроқ



Бас кларнет

ти - *б* (*си бемоль*) созидагиси ишлатилади. Овоз ҳажми уч октавадан кўпроқ, кагга октавадаги *ре* ё контроктавадаги *си* — *бемоль*дан иккинчи октавадаги *ре*га қадар. Ноталар скрипка калитида, эшитилишига нисбатан кагга секунда юқорида ёзилади. Ово: тебранини йўғон ва ғамгин. Б. кларнетнинг кўпроқ наст-ёйгон товушлари қўлланилади.


БАС ТРОМБОН — тромбоннинг наст (йўғон) товуш берувчи турларидан. Товуш ҳажми контроктавадаги *фа* дан биринчи октавадаги *фа* га қадар. Ҳозир Б. тромбон деярли қўлланилмайди.

БАСТАКОР (форс — тож. *баста* — боғлов, кор — иш, машғулот) — *монодия* услубида асар (қўшиқ, ашула, чолғу куй)лар яратувчи ижодкор. Ўзбек мусика меросида Б.лик аъёнлари узок ўгмишга бориб тақалади. Т. Жалилов, Ю. Ражабий, Н. Ҳасанов, Ф. Содиқов, Қ. Жабборов, Г. Тошматов, М. Мирзаев каби Б.лар бу соҳадаги аъёнани бирмунча кенгайтириб нафақат куй, кўшиқларгина яратиб қолмай, мусикали драма, опера, кантата, оратория каби жанрлар ривожига муҳим хисса қўшинди.

БАС ТРУБА — трубанинг жуда кам кўлланилган турларидан. Б. труба транспозицияланадиган чолғу асбоби бўлиб, *си* — *бемоль* созида ишлатилади. Ёзилишига нисбатан катта нота наст эшитилади. Эшитилиши бунича овоз ҳажми катта октавадаги *фа*дан иккинчи октавадаги *до*га қадар.

БАС ФЛЕЙТА (итал. *flauto bassa*) — флейтанинг жуда кам қўлланиладиган турларидан бўлиб, овоз ҳажми одатдаги флейтадан октава настда.

БАС ЧАНГ — чангнинг катталаштириб ишланган тури. Овоз ҳажми катта октавадаги *до*дан кичик октавадаги *со*га қадар. Ноталар бас калитида ёзилади.



Бас труба

БАС ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ — эркактарнинг паст (йўғон) товушига ўхшаш йўғон товушларга эга бўлган чолгу асбоблар.

БАС ҚОБИЗ — камончали қозоқ халқ чолгу асбоби — қобизнинг уч-тўрт марта катта қилиб ишланган тури. Б. қобиз дастаси косаси билан бир бутун ёғочдан ишланмай, алоҳида ишланади. Товуши тўла, кучли, альтаг ишбатан бирмунча паст (йўғон). Б. қобизда ичакдан ясалган тўрт тор бўлиб, квинта ораллигида, катта октавадаги *до*, *со*ль ва кичик октавадаги *ре*, *ля*ларга соझланади. Ноталар бас калитида ёзилади. Умумий овоз ҳажми катта октавадаги *до*дан биринчи октавадаги *со*льга қадар.

БАСЕТЛЯ — камонча билан чалинадиган белорус торли халқ чолгу асбоби. Тузилиш шакли виолончелга ўхшаш. Қўпроқ халқ чолгу ансамблларида қўлланилади.

БАСОЛЯ — камонча билан чалинадиган украин торли халқ чолгу асбобларидан. Тузилиши белорус басетлясига ўхшайди.

БАССЕТГОРН (нем. Bassethorn) — 1. Пуфлама сөзлар тўдасига кирадиган чолгу асбоб. Альт-кларнет турларидаи бўлиб, қайрилиб ишланган булади. 1770 йилда ихтиро қилинган. 2. Альт-кларнет — бунинг тузилиши тўғри, фақат чалинадиган қисми, яъни муштуғи бир оз кайрилган. Бу чолгу асбоби 19-асрдан қўлланила бошланди. Б. нинг узунлиги 750-900 мм. Товуши мулоҳим; транспозиция қилинадиган чолгу асбоблари сирасига киради.

БАСТАИ НИГОР — мўмтоз куйлардан бири. Шашмақомда «Мухаммас», Хоразм мақомларида «Сақил» номи билан қўшиб юритилади.

BASSO, BASSI (итал. бассо, басси) — бас, баслар. Шунингдек, контрабаслар.

BASSO CONTANTE (итал. бассо контантэ) — юқори бас.

BASSO OSTINATO (итал. basso ostinato — тиргак бас) — мусиқа асарни кўйининг хар доим бас товушида такрорланиб туриши. Бу фақат юқори товушида эркин, турли ҳолатда ўзгариб, алоҳида куй ташкил қилиб боради. Уни кўпроқ 18—19-асрлардаги мусиқа асарларида учратиш мумкин. Б. остинато полифоник вариациянинг бир туридир. Яна бир тури бор: *пассакалья* деб аталади.

BATTERIE (фр. баттари) — урма чолгу асбоблар тудаси

BATTUTA (итал. баттуга) — 1. акцент, қаттиқ урни. 2. такт.

БАХШИ — ШОНР — думбира ёки дутор журлигида дoston йуллариини ижро этиш билан бирга, турли мавзуларда услари ҳам шеър ва dostonлар яратувчилар.

БАЦЗЯОГУ (ба — саккиз, цзяго — қирра маъносида) мембранали урма хитон чолгу асбоби. Б. биздаги доира шаклида бўлиб, гардини саккиз қирралидир. Гардига илон териси қопланади. Бу



Бацзяюгу

саккиз булакчадан еттитасига бир жуфтдан юнка ликончалар, саккизинчигенга эса ипак иш такиллади. Ижро жараёнида бир қул билан қопланган териға урилади. Б. жур булвучи чолгу асбоби сифатида фойдаланилади. Б. нинг гардини 52 мм. кенгликда бўлиб, диагонали буйича 175 мм.

БАЯН - ҳавони эскиб туриб тилчалар орқали товуш чиқарадиган клавишли чолгу асбоб, яъни хроматик гармонь. Б. оддий диатоник гармоникадан хроматик товушқатори билан фарқ қилади. Биринчи хроматик гармоника Россияда гулалик П. Белобородов томонидан 1870 йилда яратилган. Унинг дойиҳаси буйича оркестрда ижро этиш учун турли хилдаги хроматик гармоника (прима, секунда, альт, бас, контрабас в. б.) ишланган. Хроматик гармоникага «баян» номи атоқли рус гармоничси Я. Орланский-Титаренко (1877—1941) томонидан қадимий афсонавий рус қўшиқчиси Байн (Боян) номи берилган. Икки турли Б. бор: бири «тайёр». Б. жур қисми (чап томон)да учтатовушлик ва септаккордлари бор; иккинчиси «танланиб олинмадиган», яънидан ишланган аккордлари бўлмаган, бир неча октавали бас товушларига эга булган мукаммал хроматик гаммали. Б. ни ун қул тугмача (клавиш) лари катта октавадаги *си-бемоль*дан — туртинчи октавадаги *до* — *диезга* қадар бўлган хроматик товушқатор товушларидан тузилган. Чап қул тугмачаларидан икки қатори катта октавадаги *соль*дан кичик октавадаги *фа-диезга* қадар бўлган хроматик товушқаторининг айрим товушларидан тузилган. Қолган уч қатор тугмачалар эса хроматик товушликлари ва доминант септаккордлардан тузилган тайёр аккордлардир. Ун қул клавишлари мусиқа асарининг асосий куйини чалиш, чап қул клавиату-



Баян

ралари эса жур булиш учун хизмат килади. Б. ноталари икки қаторли нога йўлига скрипка ва бас калитида ёзилиб, булар аккорда билан бирлаштирилади. Чап қўлдаги аккордлар учун Б. (катта, мажор), М. (кичик, минор) ва 7 (доминантсектаккорд) билан кўрсатилади. Янги ишланган концертбон Б. ларда кичрайтирилган септаккордларни олиш учун чап қўл кнопокларни олти қатор қилиб ишланган. Б.нинг аккордеондан фарқи — ўнг қўл бармоқлари билан чалинадиган клавиатурада клавишалар уригга тугмачалар бўлишидadir.


БАЯГИ, БАЕТИ (оз.) — озарбайжон халқ ашуласи. Б. катта авжларга эга, шунга кўра буни кўпроқ профессионал ашулачи (гусан, ашуг)лар ижро этади. Б. га халқ чолғу асбобларидан тор, камонча ва созлар жур булади. *Миром*лар таркибида Гулистон Б Шероз каби киемлар мавжуд.

«БАХОР» — 1957 йилда ташкил этилган Ўзбек Давлат хотин-

килар рақе ансамбли, киска муддат ичиди кенг шуҳрат қозонди. Б» узбек рақслари билан бир каторда, бошқа халқлар рақсларини ҳам ижро қилди. 1961 йилдан бошлаб ижодий жамоа «Давлат рақе ансамбли» номи билан атала бошланди. 1979 йили «Б» га унинг ташкилотчиси ва бадний раҳбари, узбек рақсларининг мохир ижрочиси, халқ артистаси Мукаррама Турғунбоева номи берилди. Ансамбль чет эл давлатларига қилган гастролларида ҳам катта муваффақият қозонмоқда.

БАКСИ — қорақалпоқ халқ ашулалари ижрочиси. Одатда Б. лар дутор журлигида лирик ашулалар айтадилар. Туркулик Муса Б., шобозлик Жума Б., чимбойлик Шерназар Б. лар утга асрининг иккинчи ярмида яшаган қорақалпоқ халқининг атоқл. Б. лари булганлар. Кейинги даврда халққа танилган Б. лар Жапон Б. Шомуротов, Эшжон Б., Хожамберган Б., Қурбониев Б. лардир.

БЕКАР — альтерация белгиси *диез* ёрдамида ярим тон кутарилган ёки *бемоль* ёрдамида ярим тон пасайган товушларни асл ҳолига кайтариш, бекор қилиш учун қўлланиладиган белги. Б. белгиси пасайтирилиши ё кутариллиши лозим булган ноталарининг олдида ёзилади.



Агар асосий товуш *дубль-диез* бўлиб, бир бутун тон юқори кутарилган бўлса, Б. белгиси булардан бир диез ни йўқотиб ярим тон пасаяди.



Агар асосий товуш *дубль-бемоль* бўлиб, бир бутун тон пасайган бўлса, Б. белгиси булардан бир бемольни йўқотиб, ярим тон кутаради.

БЕМОЛЬ — товушларни ярим тон пасайтириш белгиси. Бу белги пасайтирилиши лозим бўлган нотанинг чап томонига қўйилади. Б. белгиси қалит олдида қўйилиши мумкин. Қалит олдида қўйилган бемоль (масалан: *си* — бемоль) шу сатрдаги ҳамма *си* ноталарини ярим тон пасайтиради. Тактлар орасида учраган, Б.




эса фақат уша тактдаги лозим булган нотанингина ярим тон пасайтиради. Б. ин ҳарфий курсаткичи ҳам бор. Бунда бемоль сузи урига es (эс) ёзилади. Асосий етти ноғона харф номлари билан ёзилганида булардан керак булганларини пасайтириш лозим бўлса қўйилади. Масалан: до — бемоль урига des (дэс), ре — бемоль урига res (рэс) ҳолида ёзилади. Фақат ми — бемоль — es (эс), фа — бемоль as (ас), си — бемоль b (бэ) тартибида, ёзилади. Бб (бэбэ) — си — дубль бемольнинг ҳарфий курсаткичи. Bes (бэс) ҳам дейилади.

B — DUR (Бэ — дур) — Си бемоль мажор тоналлиги.

BERCEUSE (др. барсэз) — алла қўшини.

BES (бэс) — си-дубль бемольнинг ҳарфий курсаткичи Bb тарзида ҳам ёзилади.



БЕШИНЧИ ОКТАВА — бир текис температураланган товушларнинг энг юқоригиси. Ундаги товушлар қўйидагича кўрсатилади мумкин: 1. Скрипка калитида ноталарин туртинчи октавада ёзиб, устига 8 рақами ва пунктир чизиқлар қўйиш нули билан:



2. Нота номларини лотинча кичик ҳарфлар билан кўрсатиб, бу ҳарфларнинг устига ўнг томондан 5 рақами ё устидан ёш чизиқ чизини нули билан кўрсатилади.

БЕШ ХИССАЛИ ТАКТ. $\frac{5}{4}$ ёки $\frac{7}{8}$ ўлчовида бўлган такт.

БИРБИНЕ — лигва халқининг пуфлама чолғу асбоби, амалиётда икки турни қўлланилади. Биринчиси — чолғу асбобининг учи кесилиб бунга махсус трость урнатилади, иккинчиси эса худди кларнетдагидек тростга эга. Биринчи турдаги Б. поход чўши ёки гоз патидан ясалиб, 100—120 мм. узунликда бўлади ёки 200 мм узунликдаги ёғочдан ясалади. Трубанинг юқори қисми II шаклида кесилиб, пастки қисмида эса балаанд-паст товушлар учун 3 та тешикча қовланади. Бундай Б. нинг товушқатори диатоник бўлиб, диапазони квартага тенг. Иккинчи турдаги Б. заранг дарахтидан ясалади. Бунинг юқори қисмига бир тростли кларнет мундштукига ўхшаш мундштук урнатилиб, пастки учига эса сийир шохи уланади. Турли товуш чиқариш учун 6 та тешиги бор. Товуш қатори диатоник. Б. тақомиллаштирилиб, сопрано, тенор, бас, контрабас турлари ясалган ва халқ чолғу асбоблари оркестрига киритилган. Товуш тешиклари сопи унга қадар қупайтирилиб, хроматик товушқаторига эга бўлган. Халқ уртасида қўлланиладиган Б. нинг товушқатори:



Қайта ишланган Б. нинг товушқатори:



БЕШКАРСАҚ — чолғу асбобисиз чапак чалиб ижро этиладиган давра кўйиғи, ушши. Бу ўшши (рақс)да даврадагилар чапак чалиб ашула айтадилар. Ҳайинчи давра уртасида рақсга тушади. Б. республикамизнинг Самарқанд, Бухоро, Кашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тўй ва сайил маросимларида ижро этилади.




БИЛИНА, БЫЛИНА — ривоят, дoston. Қадимий рус эпик достони. Б. да халқнинг қахрамонона ҳаёти баён қилинади. Б. охирета кўйсмон айтилади, кунин бир турда эркин ритмда қайтарилади. Б. да Илья Муромец, Садко, Алёша Попович сингари қахрамонларнинг баҳодирликлари баён қилинади. Б. ижросига гусли ёки бошқа бирор чолғу асбоби жўр бўлади.

БИРИҚМАЛИ (ТАРҚИБЛИ) ИНТЕРВАЛЛАР — қўшма интерваллар, октавадан кенг интерваллар бўлиб, октавага яна бир оддий интервалнинг бириктишидан ҳосил булади; масалан, октавага секунда қўшилса — *нона*, терция қўшилса — *децима*, кварта қўшилса *ундецима* ва х. к. интерваллар юзага келади.

Б. И. икки октавага қадар бориб, буларни (юқоридегидан келганларини) *дюддецима*, *тердецима*, *квартдецима* ва *квинтдецима* деб аталади.

БИРИНЧИ ОКТАВА — бир текис темперацияланган товушқаторнинг бир қисми, унда товушлар қўйидагича курсатилади ва ёзилади:

1. Скрипка калитида нота йўлининг биринчи чизиқ тагидаги қўшимча чизиқда турган *додан* учинчи чизиқдаги *си* га қадар бўлган оралиқда ёзилган товушлар. Б. октавадаги товушлар бас, тенор ва альт калитларида ҳам ёзилади.



2. Лотинча кичик ҳарфларнинг юқоридан ўнг томонига «1» рақами қўйилади: c^1 , a^1 , e^1 , f^1 ... ёки кичик бир чизиқ чизиб курсатилади.


3. Сунгги вақтда лотин ҳарфларни ўрнига do^1 , re^1 , mi^1 тартибда ёзиши ҳам қўлланилмоқда.

БИРИНЧИ СКРИПКАЛАР — торли ва симфоник оркестрлардаги скрипкачилар тудаси бўлиб, одатда мусика асарининг муҳим ва таъсирли қисми ҳисобланган биринчи (энг юқориги) овозни ижро этадилар. Шунинг учун Б. скрипкалар сони торли тўдадаги бошқа чолғу асбобларга нисбатан кўп булади. Улар симфоник оркестрда дирижёрнинг чап томонида, олдинда ўтирадилар.

БИР ТУРДАГИ МУСИҚА ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ — турли катта-кичикликда бўлиб, бир хил тузилишда ва ижро қилиш йўли ҳам бир хил бўлган чолғу асбоблари Буларнинг темирда кагга ўхшашлик булса ҳам товушининг баяндлик ва куч даражаси турличадир. Симфоник оркестрда — *флейта, гобой, кларнет, фагот, труба, тромбон* ва *скрипкалар*, рус халқ чолғу асбобларидан *домра, балалайка, гуслилар*, ўзбек халқ чолғу асбобларидан — *ғижжак, дутор* ва б. чолғу асбобларининг турлари бор. Бу чолғу асбоблари турларининг ўзига хос номлари ҳам бор. Масалан, скрипка турлари: *скрипка, альт, виолончель* ва *контрабас*; домра турлари: *пикколо, прима, секунда, альт, тенор, бас* ва *контрабас*. Реконструкцияланган дутор ва ғижжак турлари ҳам шу каби номлар билан аталади.

БИР ОВОЗЛИ МУСИҚА — *монодия* тарзида ривожланиб фольклор (маросим, меҳнат қушиқлари ва б.) ҳамда профессионал (мақом, мугом, дастгоҳ сингари) турларни ўз таркибига олган мусиқа. Б овозли мусиқанинг турли намуналари, асосан, Шарк (хусусан, ўзбек, тожик, озарбайжон ва б.) халқларининг мусиқа мероси тўғриси бизгача етиб келган. Европа халқлари мусиқасининг аксарияти куповозли мусиқа сифатида шаклланган. Ҳозирги кунда композиторларимиз олдида турган долзарб масалалардан бири Б овозли мусиқа ва куповозли мусиқа аъёнларини ўзвий боғлаш, унгувлантиришидир.


БИР ТУРДАГИ АККОРД — икки хил тоналликнинг турли погоналарда учрайдиган бир турли (умумий) аккорд. Масалан; *до-мажор*нинг биринчи погонасидан тузилган учтовушлик (аккорд) *соль-мажор*нинг тўртинчи погонасидан тузилган учтовушликка тенг, яна шу *до-мажор*нинг иккинчи погонасидан тузилган аккорд *ре-минор* тоналлигининг биринчи погонасидан тузилган ак-



кордга тенг. *До-мажор*нинг олтинчи погонасидан тузилган аккорд эса *ля-минор* тоналлигининг биринчи погонасидан тузилган аккордга тенг.

БИР ТУРДАГИ ОВОЗЛАР — фақат хотин-қизлар, ё фақат эркеклар овози

БИР ТУРДАГИ (жиҳсдаги) хор — фақат хотин қизлар ски фақат эркеклардан тузилган хор Хотин қиз ва эркеклардан тузилган хор — *аралаш хор* деб аталади.



Бишкур


БИР ҚИСМЛИ АСАР — алоҳида булакларга бўлимайдиган бир қисмли мусиқа асари. Одатда йирик чолғу мусиқа асари шум билан юритилади. Масалан, *симфоник поэма, увертюра* в. б. Шунингдек, бир қисмли *соната, концерт* ҳам бўлиши мумкин.

BIS (лот, бис — икки марта) — қайтармоқ. Кўрсатилган ё ижро этиладиган парчанинг икки марта қайтариллиши.

БИШКУР — бурят пуфлама мусиқа асбоби. Шакли, ижро этиш нули сурнайдагидек. Б. ёғочдан ясалади, уст томонида 7 та ва ост томонида битта тешикчаси бор; узунлиги 600 мм. Б. турли металл безаклар билан безатилади, кўпроқ оркестрлар таркибига қўшилади. Унинг қайта ишланган тури «жимбур» деб аталади ва бадний хаваскорлик тўғаракларида қўлланилади; садоси инглиз бурғусига ўхшаш.

БЛУЛ — пай тузилишида бўлган арман халқ пуфлама чолғу асбоби: ёғоч ичда ковак қилиниб ишланади. Узунлиги 400—600 мм. Уст томонида 7 та, остида эса битта тешикчаси бор. Б. диатоник товушқаторида кўпроқ подачилар орасида тарқалган. Товуши юмшоқ, манли.

В — **MOLL** (Бэ — моль) — си-бемоль минор тоналлиги кўрсаткичи.



Блул

BOGEN (нем. богэн) — смычок, камонча.

БОЗГУИ — кантариқ, маълум бир куй таркибидаги муайян булакнинг хар донм такрорланиб келиши. Кўпроқ мақомларнинг мушкилот (яъни чолғу) қисмида қўлланилади. Б. мақомдаги хар бир хонадан сўнг қайтарилади. Баъзан икки-уч хонадан сўнг бир Б. келиши ҳам мумкин. Масалан, Бузрук мақомининг мушкилотидagi «Тасниф»да хар бир хонадан сўнг Б. келса, шу мақомнинг «Таржеъ», «Гардун» ларида 2—3 хонадан сўнг бир Б. келади; хар донм бир турли қайтарилмай, кичик ритмик ва оҳанг ўзгаришлари билан ҳам келиши мумкин. Кўпинча Б. лар куй тугаллаишини таъминлайди. Мисол учун «Бузрук» мақомининг мушкилот қисмидаги «Тасниф» нинг бошланғич парчаси:



БОЗИНГАР — Бухорода раққос (ўйличи) шу ном билан юритилади.

БОЛАЛАР МУСИҚАСИ — болаларнинг ижроси ё тинглаши учун мўлжалланган мусиқа. Б. мусиқаси мактабгача тарбия ёшидаги, кичик ва ўрта ёшдаги болалар учун яратилган мусиқа асарлари мазкур даврларга кўра ажратилади. Яратилган ашулаларда болаларнинг айтиш имкониятлари (овозларининг хажми), болалар

нутқига алоҳида эътибор қилинади. Чолғу мусикаларида эса техника мураккаблиги, бармоқ имкониятлари ҳисобга олинади. Рус композиторлари Н. П. Чайковский, А. К. Лядов, М. П. Мусоргский, С. С. Прокофьев, Д. Б. Кабалевскийлар Б. мусиқасининг турли жанрларида асарлар яратдилар. Ўзбек муаллифларидан К. Абдуллаев, Икром Акбаров, А. Муҳамедов, Ғ. Қодиров, А. Норкужаев, А. Мансуров, Ш. Ерматов ва б. бу соҳага уз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

БОЛАЛАР МУСИҚА МАКТАБЛАРИ — бошланғич махсус таълим берувчи мактаблар. Б. мусиқа мактабларига мусиқий қобилияти бор мактаб ёшидаги болалар қабул қилинади. Унда мусиқа назарияси, турли чолғу асбоблар бўйича таълим берилади. Етти ҳамда ун-ун бир йиллик Б. мусиқа мактаблари бор. Республикада 310 га яқин Б. музика мактаблари мавжуд.

БОЛАЛАР ОВОЗИ — қ. *Альт, Дискант*.


БОЛЕРО (исп. Bolero) — 18-аср охирларидан бошлаб кенг тарқала бошлаган, жуфт бўлиб уйналадиган испан халқ рақси. 3/4 ўлчовда келадиган бу рақс уртача тезликда чалинади. Рақсга касгањеталар жур бўлади.

БОСТОН — вальс-бостон (Америкадаги Бостон шаҳри номидан олинган) — лирик, купроқ сентиментал характерда. 19-асрнинг охирги чорагида пайдо булган Америка салон рақси. Б. 3/4 ўлчовида бўлиб, унинг турларидан бири оғир ижро қилинадиган вальседир. Б. ининг характерли белгиси жўр қисмининг учинчи чорагида пауза келишидир.

БОСКИЧ, ПОҒОНА — гамма, товушқаторлардаги ҳар бир мусиқа товуши, муайян поғона. Ҳамма товушлар октаваларга бўлиниб, ҳар бир октавада 12 тадан товуш бор. Ўлардан еттигаси асосий поғона ҳисобланиб, бештаси альтерация қилинган, яъни қутарилган ёки пасайтирилган бўлади. Асосий етти поғона товушқатори — *до, ре, ми, фа, соль, ля, сидир*. Ҳар бир асосий товушнинг альтерация қилинган номлар билан ҳам аташ мумкин. Масалан, *до* товушнинг *си* диез ёки *ре-дубль бемоль, ре* товушнинг *до-дубль диез* ёки *ре-дубль бемоль* в. ҳ. Поғона номлари лотин ҳарфлари билан ҳам аталади:

До, Ре, Ми, Фа, Соль, Ля, Си
C, D, E, F, G, A, H

Альтерацияланган асосий погоналарнинг ҳарфий кўрсатилишида диез учун *is* (*до-диез-сис*) *дубль диез* учун *isis* (*до-дубль диез* — *сisis*) қўшилади. Альтерация қилинган бемоль учу



es (ре-бемоль — *des*), дубль-бемоль учун *eses* (ре-дубль бемоль — *deses*) қўшиб ёзилади.

Асосий погоналар рим рақамлари билан курсатилади ва бу погоналар маълум номларга эга (яна қ. *Лад погоналари*).

БОШЛАНГИЧ МУСИҚА НАЗАРИЯСИ — нота ёзуви ва мусиканинг асосий элементлари — товуш, товушкатор, аккорд тоналлик, ритм, метр, динамика, тембр ва Б. ни ўргатувчи мусиқа фани.

БОШ ТОНАЛЛИК — мусиқа асари бошланадиган ва тугалланадиган асосий тоналлик. Асар минор билан бошланган бўлса, унга номдош мажорда тугалланиши мумкин (*до-минор*даги пьеса *до-мажор*да тугаши мумкин). Баъзан йирик мусиқа асари Б. тоналлик номи билан юритилади. Масалан: *F—dur* — Фа-мажор сонатаси. Ля-мажор этюди, *g—mol* — *соль-минор* симфонияси в. б.

БОШЛОВЧИ ТОН — товушлар тизими (лад) нинг нотургун товуши бўлиб, тоникадан бир поғона паст ёки юқорида жойлашадиган ва шу тоникага томон тортилади. Ладнинг VII поғонаси пастки (ё кутарилувчи), II поғонаси эса — юқориги (ёки тушувчи) Б. тонлар сифатида ажралади. Одатда Б. тон деганда унинг кутарилувчи тури кўз олдимизга келади, чунки бу кутарилувчи Б. тон асосий тон (тоника) дан ярим тон оралиғида бўлиб, тоникага тортилиши ниҳоятда кучлидир. Бундай Б. тон натурал ва гармоник мажор, мелодик ва гармоник минор ладларида учрабди.



БОШ (АСОСИЙ) УЧТОВУШЛИКЛАР — мажор ва минор тоналикларида I, IV ва V погоналардан тузилган учтовушликлар. Мажор-минор оҳанг системасидаги Б. учтовушликлар доминансептаккорд ва каданс квартсекстаккордлар билан биргаликда мусиқадаги асосий гармоник воситалардандир.

БОҒЛОВЧИ ҚИСМ, БОҒЛОВЧИ ПАРТИЯ — соната шаклида, асосий партиясининг охирида, иккинчи мавзу — ёрдамчи партиясини тайёрловчи қисм. Б. қисм одатда бош партия мавзусининг кенгайтирилишини натижасида юзага келади. Экспозицияда Б. қисм бош тоналикдан ёндош тоналикка модуляцияланади. Репризада эса ёрдамчи партия тоналлиги узгарганлигига кўра, Б. қисм ҳам ўзгаради.

BRAVO, BRAVISSIMO (итал. браво — аъло даражада, гўзал) — концерт ва спектаклларда катта махорат билан ижро этган созанда, хонанда, раққосалар шунингдек, композиторни олқишлаш.

БРЕВИС (лот. *brevis* — қисқа) — қадимий нотациядаги бошқа узун ноталарга кўра қисқаси, икки бутун нота чўзимига тенг булган узунликдаги нота.

БРЁЛҚА — қ. *Жалеика*.


БРИНДИЗИ — зиёфатда айтиладиган давра қўшиғи.

БУБЕН (итал. *tomburino*) — урма чолғу асбоб. Б. ни тузилиши дойрага ухшаш, ноаниқ баландликдаги товушлар ҳосил қилади. Гардишларига бир жуфтдан кичкина тарелкачалар ўриятилган бўлиб, силкинганда жарангдор товуш беради. Баъзан гардишга кичик қўнғирроқчалар ҳам осиб қўйилади. Б. симфоник оркестрда ишлатилади.

БУҒ — сополдан шох (хўкиз шохи) шаклида ясалган ва тегиримончилар сигнал ўрнида қўллаган «чолғу» асбоби (тегиримон бугдой янчишга тайёрлигидан дарак берган).

БУЗРУК, БУЗРУҒ (улуғ, хурмат) — 1. Шашмақомдаги мақомлардан биринчиси (Хоразм мақомларида Б. иккинчи бўлиб келади). Бошқа мақомлардек Б. мақоми ҳам икки асосий қисмга бўлинади: мушкilot (Хоразмда чертим йўли деб аталади), наср (Хоразмда айтим йўли деб аталади). Чолғу мусиқаларидан иборат булган Мушкilotга — Тасниф, Таржиъ, Гардун, Мўхаммаси

Б. Мухаммаси Насруллои, Сақили Ислимхони, Сақили Султонлар киради. Хоразм Б. мақомининг чертм қисмида юқоридагилардан ташқари Нешрав, Сақили Ниёзхужа киради. Тасниф эса мақоми Б. ёки тани мақом номи билан юритилади Вокал мусиқаларидан иборат булган Насрга – Сарахбор, Тарона, Талқини Узола, Н. с-руллои, Насри Узола, Спориш, Уфарлар ва б киради. Хоразм Б. мақомининг айғим қисмига юқоридагилардан ташқари яна Су-вора киради. Са-рахбор қисми — мақоми. Б. номи билан юри-лади. 2. 13–17 аср ургаларида Марказий Осиё, Озарбаижон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган 12 мақомнинг ун иккинчиси. Унинг товушка ёри хозирги нота ёзувида қуйидагича:



БУКЦИНА (лот. *buccina*) — қадимий пуфлама чолғу асбоб-ларидан Б. қадимги Римда ҳарбий оркестр таркибида булган.

БУЛБУЛ — лойдан ясалган грузин пуфлама чолғу асбоби. Чалдиш учун иккита гешикчаси бор. Б. Турлича, кўпроқ хўроз за қуй шаклида ясалади. Б. кичик рангга буялиб, тилларанг ва коза чизиклар чизилади. Тембри юмшоқ -секин товушдан кучли ва чинкирик товушга кадар чиқади.

БУЛБУЛАҚ — торли чолғу асбобларига қуйиладиган ҳарр.к. Бу агама кўпроқ Тошкентда қулланилади. қ. *Харак*.

БУЛЬБА (белорусча — картошка) — белорус хотин-қизлағи-нинг ракс билан айтадиган замонавий халқ қўшиғи. Мусиқа ул-чови 2-4 да булиб, халқ меҳнат раклари характерида. Уйшоқи за жонли ижро этилади.



Булбул

БУМ — дойра зарбаларида пастки товуш. Нота ёзувида урма чолғу асбоблар каби Б. товушни чизик тагига ёзилади.



Баланд товуш «бак» деб аталади. «Бакка» сўзи бакнинг икки баробар тезлангани. Кенг тарқалган дойра усулларидан «Бум бакка, бум бак» нота буйича қуйидагича ёзилади.



Хоразмда «Бум»ни «Гун», «бак»ни «тоқ» дешилади.

БУРДОН (фр. *bourdon* — йўгон бас) бас товушининг ҳар доим бир хил баландликда чузиб турниш.


БУРРЕ (фр. *bourre*) — қадимий француз халқ рақси, 16-асрдан бери маълум. Халқ уртасида қўлланиб келинган Б. 3/8 ўлчовида бўлиб, саройда ижро этиладигани 4/4 ўлчовидадир. 17-асрда яшаган композитор Ж. Б. Люлли бу халқ рақсини опера ва балетга киритган. Б. ҳаракатчан, ёрқин булиб, куй тактолди (заттакт) билан бошланади.

БУРГУ, ҚУБУЗЧА 1. Айрим пуфлама чолғу асбобларнинг номи. Масалан, инглиз бурғуси. 2. Чўпонлар бурғуси туридаги рус халқ пуфлама чолғу асбоби. Б. да турли паст-баланд товушлар олиш учун махсус тешикчалар бор. Мис Б. нинг чалиш қисмига баъзан муштук қўйилади; хроматик товушларни олиш имконияти бор бўлса ҳам лекин амалиётда диатоник ҳолда қўлланилади. Тешикسىз Б. Россияда почта сигнали учун қўлланилган. Б. нинг катта-кичик турлари бўлиб, буларнинг умумий узунлиги 400 дан 800 мм. га қадар.


БУРГУЧИЛАР ОРКЕСТРИ — бурғу мусикаси — рус овчилари бурғусининг бирмунча ислоҳ қилинган туридан тузилган оркестр. Бу оркестр биринчи марта 18-аср ўрталарида Петербургда Я. А. Мареш томонидан тузилган. Б. оркестри учи қайрилиб ясалган мис бурғуларидан тузилган бўлиб, ҳар бир бурғу хроматик товушкаторидан биргина товуш бериш имкониятига эга бўлган. Б. оркестрдаги бурғулар 95 мм. дан — 2.250 мм га қадар узунликда, баъзан буларнинг сони 300 га қадар бўлган. Оркестрнинг умумий овоз ҳажми контроктавадаги лядан учинчи октавадаги ре га қадар: чолғучилар сони 40 тача бўлиб, ҳар бири бит-

та, баъзан навбат билан иккита, ҳатто учта бурғу чалганлар. Бурғунин ижро этиши ва ундан донм бир турдаги товуш чиқариш қийин ва мураккаб бўлиб, куч талаб қилади. Шунинг учун ҳам Б. о. крепостнойлик даврида ривож топган. 19-аср бошларида бу оркестр йўқола бошлайди.


БУСЛИК (Абу Салик, макоми буслик) — 13—17-асрларда Марказий Осиё, (асосан, ўзбек ва тожикларда) Озарбайжон ва Хуросон халқлари мусиқа илми ва амалиётида кенг тарқалган ун икки макомнинг учинчиси. Б. макомининг товушкатори ҳозирги фригий лади товушкаторига тугри келади:



БУТУН НОТА — нота узунлигининг энг асосийси бўлиб қўйиладиган шаклида бўлади. Бутун нота ярим, чорак, нимчорак, ўн олтилик, в. л. маида бўлакларга бўлинади.




БУТУН ПАУЗА — узунлик миқдори бўйича бутун нотага тенг бўлган пауза. Бутун пауза нота нўлининг туртинчи чизиги тагига чизилган қалин чизикдан иборат:




Бутун пауза бутун нотадек ярим, чорак нимчорак в. ҳ. бўлакларга бўлинади.


БУТУН ТОН — температураланган товушқаторда икки қўшни поғона оралигидаги паст-баландлик миқдори. Бутун тон иккита ярим тонга тенг. Ярим тонлардек, бутун тон ҳам интерваллар лиқдорини, яъни катта-кичиклигини аниқлашда улков мезони хизматини бажаради. Катта секунда, икки барабар орттирилган прима ва кичрайтирилган терциялар оралиги бир бутун тондан иборат.



БУТУН ТОНЛИ ГАММА — погоналар оралиги бутун тонлар (катта секунда) дан тузилган гамма. Унда 6 та товуш бор.



БУЧУМ — карнай тузилишида ёгондан ясалган молдаван халқ чолғу асбоби. Б. нинг узунлиги уч метрга қадар бўлади. Чаллинадиган (пуфлайдиган) қисмига кичик муштук қуйилади; товуши



Бучум

кучли ва узоқ масофалардан ҳам эшитилади. У кўпроқ подачиларда бўлади.

БЫЗ — Удмуртларда волника шу ном билан аталади.

БУЗ ТУРҒАН — кенг тарқалган чолғу куйларидан.

БУЛИНГАН КАДАНС — к. *Каденция*.

БУШ ТОР, ОЧК ТОР — торнинг бармоқлар билан дастага босилмаган ҳолати.


БУҒИЗ — дутор, тапбурларнинг даста ва косаларни бирлаштирувчи қисм.

В

В (итал. *volta*) — вольт сўзининг қисқартириб ёзилгани.

ВАЛТОРНА (нем. *waldhorn* — ўрмон бурғуси, итал. *cornò* — корно) — ўтган асрнинг 30-йилларига қадар кенг тарқалган пуфлама чолғу асбоб. Табиий товуш қаторидан бир неча товуш бера оlish имкониятига эга бўлган. 19-асрнинг 30-йилларидан бошлаб

қулланила болаётган вентиль механизмига эга булган В. транспозицияланувчи чолғу асбобларидан булиб, симфоник оркестрда *in F* (фа), пуфлама созлар оркестрида эса *in Es* (ми — бемо. ь), *in J* (соль), соллари ишлатилади. Овоз хажми (эшитилиши буйича) — контроктава *си*-бемольдан иккинчи октавадаги *ра*-га қадар бўлиб, бу ораллиқдаги ҳамма хроматик товушқаторда булган товушларни чалиш имкониятига эга. В. ноталари энг тишлишига нисбатан квинта юқори — скрипка калитида, кварта паст —



Валторна

бас калитида бўлади. Товуғи тембрининг майинлиги билан бошқа мис духовон чолғу асбобларидан фарқ қилади. *Сурдина* ёки ижрочи унги кули билан қарнай оғзини ёниш орқали В. товушини бирмунча пасайтиради: ногада (+) белгиси билан кўрсатилади, асли холдаги товушга қантиси учун ноль (0) куйилади. Симфоник оркестрда одатда туртта В. ишлатилади. Булардан биринчиси яқлазонлик, учинчиси юқори товушларни олиш, иккинчи ва туртинчиси пастки товушларни олиш учун ишлатилади.

ВАЛЬС (фр. *valse*) — икки кишидан булиб, охишта ўйналадиган рақс. Мусика улчови 3/4 да булиб, тез, уртача тез ва вазмин суръатларда булади. В. Австрия, Чехия ва Германия халқлари рақси асосида 18-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қулланилади. 19-асрда эса Европанинг ҳамма мамлакатларида кенг тарқалди. В. чолғу асбоблари билан ва вокал ҳолида булиши мумкин. В.



муסיқали саҳна асарлари (опера, балет, оперетталар) да қўлланила бошлади. Шунингдек, фортепиано, симфоник оркестр учун В. лар яратилди.

Ўзбек бастакор (К. Жабборов, Ф. Содиков, М. Мирзаев) ва композиторлари М. Бурхонов, С. Юдаков, М. Левиевлар ҳам узбекча оҳангларда вокал ва чолгу В. лар яратдилар. Биринчи узбек В. куйларини Ҳамза Хакимзода Ишвэй яратди.

ВАЛЬС-БОСТОН — к. *Бостон*.

ВАЛЬС-МАЗУРКА — утган асрининг урталарида Францияда вужудга келган бал рақси. 3/4 ёки 3/8 улчовларида ва мазурка суръатида ижро этилади. Бу рақс муסיқаси киска муддат ичида кенг тарқалди ва янги турлари пайдо бўлди.


ВАРҒАН (чанқовуз) — тирнама тилли чолгу асбоб. Темирдан ясалган рамкага пўлат «тил» урнаштирилади. В. ни оғзига икки лаб оралигига қўйиб «тил» бармоқ билан уриб ҳаракатга келтирилади. Оғиз буиллиги товуш берувчи резонатор хизматини бажаради. В. жуда кун халқлар орасида тарқалган.

ВАРИАЦИЯ — 1. Муסיқа асари мавзун, кунин ёки жур қисмининг турлашини. 2. Тез суръатда жонли ва яқка ижро этиладиган муамтоз рақс.

ВАРИАЦИЯЛАР (лот. *variatio* — ўзгартиш) — шакл жиҳатидан тугал муסיқа асариининг баъзи бир ўзгартишлар билан қайтарилиши. Мана шу ўзгартирилиб қайтарилган мавзу В. дейилади. В. халқ ва профессионал муסיқаларда узоқ вақтлардан бери қўлланилади. Муסיқа асарлари (соната, симфония кабилар) нинг айрим қисмлари ҳам В. шаклида ёзилади. Баъзан В. нинг шундай турлари ҳам буладикки, буида асосий мавзу ҳеч қандай ўзгартиришсиз қайтарилиб, унинг жур қисми ҳар бир қайтариқда ўзгаритилади (яна қ. *Писсакалья, чакона*).

ВАРИАЦИЈАЛИ МАВЗУ, МАВЗУ ВА ВАРИАЦИЈАЛАР — вариация тузилишидаги муסיқа шакли.

«ВАРШАВЯНКА» — рус ва поляк халкларининг жанговар руҳдаги қушини 1883 йили яратилган. Унинг бошланishi куйидагича:



ВЕРЖИНЕЛЬ, ВИРДЖИНЭЛЬ, ВИРГИНАЛ (анг. *viginal*) — кавесия турларидан булган ва 16—18-асрларда Англида хонадонларда чаллинадиган торли-клавишли чолғу асбоби. В.нинг товуши юмшол ва майин булиб, 16 асрда В. мактаби ва компо-зигорлари пайдо булган.


ВЕНТИЛЬ (нем. *ventil* — кланан) — муш к орқали чаллинадиган дуфлама чолғу асбоблар (валторна, труба в. б.) да ҳаво чиқарувчи труба йулларини узунлаштирадиган механизм. В. лардан бири ёки бир нула иккигасини босиш нули билан тулкинга ёриган ҳаво нули узаяди ва нағижада товуш ярим, бир, бир ярим тон пасаяди. Шу тартибда товушни беш ярим тонга қадар пасайтириш мумкин. В. ёрдамида натурал товушларни хроматик қилиш мумкин.

ВЕРТИКАЛ ХАРАКАТЧАН КОНТРАПУНКТ — бир нула икки ёки бир неча куйларнинг қушилиб келиши (полифоник қушилиши). Бир нула қушилиб келган бу куйлар турли интервал ҳосил қилишига қарамай, у ҳуусеиятларини йуқотмадилар. Бу контрапунктнинг энг куй тарқалган тури кушалок контрапунктидир.


ВЕСНЯНКА — рус, украин ва белорус халкларининг қадимий маросим ашуласи. Баҳорда ер чопини олдидан айтилади. Куйи кичик ҳажмда, оддий тузилишида.

ВИБРАЦИЯ (лот. *vibratio* — титраш, калтираш) — товушни тўлқинлашти. Торли чолғу асбобларда бармоқ босилган пардани кимирлатиб туриш нули билан В. ҳосил қилинади. Ашула айгида эса В. товуш берувчи аппаратни ҳаракатга келтириб туриш нули билан олинади. В. товуши узинга хос ранг-барангликка эга булади.

ВИНА — торли-гириама ҳинд чолғу асбоби. В.нинг ҳар хил шаклдаги турлари бор. Унда туртта асосий ва учта қушимча тор булиб, 19—24 та сурилувчи пардаси бор. В. тирноқлар билан ёки курсаткичи ва урга бармоқларга кийилган ноҳуилар ёрдамида чаллинади. Торлар турлича созланади.



Виола



Виолончел


ВИОЛА — камонча билан чалинадиган торли чолгу асбоб.

ВИОЛАЛАР (итал. *viola*) — камонча билан ижро этиладиган чолгу асбоблар. В. 15-асрда пайдо бўлиб, асосий турлари — *дискант*, *альт*, *тенор* ва *контрабаслардир*. Улар бир-бирларидан катта-кичиклиги ва овоз хажмлари билан фарк қилади. Ижрочилар В. ни икки тизза орасига ёки тизза устига қўйиб чалганлар; товуши секин ва маъни. В. нинг тузилиш шакли скрипкага ўхшайди. 5—7 тори бўлиб, квартага созланган. Дастаси кенг ва пардалар билан таъминланган. Харақ текис бўлгани учун аккордларни ижро этиши енгил. В. 16—18-асрларда Гарбий Европада якка хольича ва оркестрда қўлланилган. 17-асрдан бошлаб В. урнини скрипка турлари эгаллай бошлади. В. лардан фақат *виола да гамба* (тенор В.) узоқ вақтга қадар (18-аср охирига қадар) уз мавқени сақлаб келди.

V—LA, V—LE — *viola, viole* — сўзларининг қисқартиб, альт, альтлар деган маънода ўзлиши.

ВИОЛОНЧЕЛЬ (итал. *violoncello, violone* — контрабас сўзидан олинган бўлиб, кичрайтирилган деган маънони билдиради) — скрипка турига кирадиган, торли-камончали чолгу асбоб. В. 16-асрнинг биринчи ярмидан қўлланила бошлади. Унинг туртта тори бор. Худди скрипкага ўхшаш квинта ораллигида созланади. В. ни стулда утириб, учи илгичка таёқчасини полга тираб ижро этилади. 19-асрнинг иккинчи ярмига қадар В. га ўрнатилган бу таёқча бўл-

маган. В. товуши йўғон бас ва тенор регистрида Торлар катта октавадаги *до*, *соль* ва кичик октавадаги *ре*, *ля* товушларига созланади.



В нинг тўртинчи тури (*ля*) да ижро этиш имконияти қўлайлиги учун умумий овоз хажми анча кенг, яъни катта октавадаги *до*дан тўртинчи октавадаги *мига* қадар.



Бу беш октава оралиғидаги товушларни ижро этиш имкониятига эга бўлган В. ноталари бас, тенор ва скрипка каллиларида ёзилди. В. товуши мулоим, ширалидир. У ёлғиз чалинганидек, торли ва симфоник оркестрда ҳам муҳим урнини эгаллайди; торли кватретда эса пастки товушларни беришда масъулиятли вазифани бажаради. Симфоник оркестрда В. нинг сони 12 га қадар бўлади. В. нинг умумий узунлиги 1550—1560 мм бўлиб, корпуси 750 мм дур.

ВИОЛЬ Д'АМУР — торли-камонча билан чалинадиган чолғу асбоб бўлиб, виолаларнинг бир тури. 5—7 асосий ва 7 та қўшимча товуш берувчи торлари бор. Асосий торлар *d*, *fis*, *a*, *d'*, *fis*, *a'*, *d* (кичик октавадаги *ре*, *фа-диез*, *ля*, биринчи октавадаги *ре*, *фа-диез*, *ля* ва иккинчи октавадаги *ре*) га созланади. Ижрочи В. д'амурни худди скрипка чалгандек, елкага қўйиб чалган; товуши юмшоқ, майини. У 17-асрнинг охиридан қўлланила бошлаб, 18-асрда кенг тарқалади; 18-асрда эса айрим вақтларда опера ва симфоник оркестрда яқка чолғу асбоби вазифасини ҳам бажарди.

V. SORDINI (виа сордини) — *сурдинани* олин.

VIOLINO. VIOLINI (итал. виолина, виолини) — *скрипка*, *скрипкалар*.

VIOLONE (итал. виолёнэ) — *контрабас*.

VIOLONCELLO (қиёқартмаси — *cello*). **VIOLONCELLI** (қиёқартмаси — *celli*) — *виолончель*, *виолончеллар*.

VIVACE (итал. виваче) — жуда тез. Аллегро ва престо ўрта-лигидаги суръат.

VIVO (итал. виво) — қ. *Виваче*.

V—O—VIOLINO — сўзининг қисқартмаси.

ВИРТУОЗ (итал. virtuoso, лот. *virtus* — талант, виртуоз) — мусиқа асарларини зур маҳорат билан ижро этувчи созанда. Одатда В. лар мураккаб, таъсирчан мусиқа асарларини чаладилар. Бундай мусиқа асарлари куйроқ *этиюд* ва *концерт* шаклларида бўлади.

ВОДЕВИЛЬ (фр. vaudeville — vande viri) — 1. Мусиқа жўрлигида ижро этиладиган ингил ҳажвий асар. 2. Ҳажвий опера ва пьесаларда сахнада катнашувчиларнинг ҳаммаси томонидан ижро этиладиган накаротли кўшиқ. Бу ашула сатирик ёки кулгили бўлиб, сахна асари охирида айтилади.

ВОЖДЬ (лот. *dux*) — бош тоналликда келадиган асосий куй, *фуга* мавзун. Кун марта турлича қайтариладиган бу мавзудан бутун бир фуга яратилади. Фугада турли характердаги икки ё ундан ҳам кун мавзулар келиши мумкин, лекин уларнинг фарқи алоҳида қайд қилинмайди. Аксинча улар ўзаро боғланган бўлиб, бир йўла келиши ҳам мумкин.

ВОИХ (фр. *vue* — овоз, партия) куповозли мусиқада бир гуруҳ чолғу асбоблар ё бир хил товушдаги ашулачилар учун ёзилган нота.

VOX (лот. vox) — овоз.

ВОКАЛИЗ (фр. *vocalise*, лот. *vocalis* — угли товуш) — ашулачилар сўзсиз айтадиган машқ ё этюдлар. В. бирор угли ҳарфда айтилиб, ашулачиларнинг овозини юксалтириш, техник қийинчиликларни ўзлаштиришни кўзда тутиб айттирилади. Айрим композиторлар концертларда ижро этилишини мулжаллаб махсус В. лар ёздилар. Масалан, С. В. Рахманиновнинг «Вокализ», М. Равелнинг «Хабанера» шаклидаги В., шунингдек, Р. М. Глиэрнинг симфоник оркестр жўрлигида овоз учун ёзган концерти каби асарларда В. услубидан кенг фойдаланилган. Ресубликамизда ўзбек халқ мусиқаси оханглиридаги биринчи В. ни В. А. Успенский яратган.

ВОКАЛИЗАЦИЯ — сўзсиз ашула айтиш. В. махсус ёзилган мусиқа асари бўлиб, ашулачи овозини ўстириш учун қўлланилади. М. Ашрафийнинг «Сўзсиз қўшиғи» шу тарзда ёзилган.

ВОКАЛИСТ — ашулачи. Одатда бу атама махсус мактаб (мусиқа билим юрти, консерваториялар) да таълим олган ашулачиларга нисбатан қўлланилади.

ВОКАЛ КВАРТЕТ — 1. Тўрт ашулачидан тузилган ансамбль.

В. кватретлар эркаклар (икки тенор, баритон ва баслардан), хэтиш-кишлар (икки сопрано, меццо-сопрано ва контраaltoлардин иборат) ва аралаш (сопрано, меццо-сопрано, тенор ва баслардин иборат) турларидан иборат бўлади, сўнггиси жуда кам учрайди.

2. Тўрт ашулачи ансамбли учун яратилган асар.

ВОКАЛ МУСИКА — якка овоз (овозлар) ёки бирор чолғу асбоб (асбоблар) жўрлигида овоз учун ёзилган мусика асари.

ВОКАЛ САНЪАТИ — ашула айтиш санъати. Бу мусика санъатининг бир тури бўлиб, ашула айтиш маҳоратини яхши ўзлаштиришга асосланади. Ашула айтиш якка ҳолда, ансамбль ва хор билан бўлиши мумкин. В. санъати эстрада концертларида, опера, оперетта, мусикали драмаларда кенг қўлланилади.


ВОЛИНКА, ФОЛЫНКА — кўп халқларда учрайдиган қадимий пуфлама халқ чолғу асбоби. Тери ёки пуфакка бир неча най урнатылган бўлади. Махсус най орқали тери ичига пуфлаганда унинг ичи хаво билан тўлади. Бу хаво *резонатор* вазифасини бажариб, тери қўлтиқда сиқилганда бошка найларга қуйилган «тилча»лар товуш беради. Бу найлардан иккитаси куй берувчи бўлиб, бундан бошка доимий бас товушни берувчи най ҳам бор. Куй берувчи найлар икки овозли мусиқа товуши беради. В. ни ижрочи узлуксиз равишда най орқали пуфлаб туриши шарт; бошка чийларданги тешик пардаларни босиб орқали керакли куй ижро этилади. В. якка ва ансамблга қушиб ижро қилинади, ашулага жўр бўлиши ҳам мумкин. В. нинг турли хиллари ва номлари бор. Лунончи, украин ва белоруссларда *оуда*, молдованларда *чиплой*, ар-



Волинка

мапларда *паракалзук* ёки *тик*, грузинларда *гудаствири*, ажарларда *чибони*, озарбайжон халқида *тулум*, мариларда *шувур*, удмуртларда *быз*, чувашларда *шаппар* ёки *сарнай* дейилади. Шотландияда В. асосий миллий чолғу асбоб бўлиб, у ерда волникачилар оркестри ҳам мавжуд.

ВОЛЬТА (итал. *volta* — вольта) — бир нота ёзувида мусиқа асарининг маълум қисмини қайта такрорлашда турлича тугатиш учун қўйиладиган белги. Қайтариладиган қисмининг тугалланishi ҳар сафар турлича булиши мумкин. Бундай ҳолда, тугалланishiда ўзгартириладиган ноталар устига 1, 2 ракамлари қўйиладиги, бу ишора «биринчи такрор учун», «иккинчи такрор учун» деган маънони англатади. Агар мусиқа асарининг ўрта қисми қайтарилishi лозим бўлса, такрор белгиси такрорланishi лозим бўлган нотанинги ҳар икки томонига қўйилади.



VORSPIEL (нем. форшпиль) — увертюра, муқаддиманинги немисча ном.


ВОСИТАЧИ АККОРД — модуляция вақтида илгариги тоналликдаги охириги аккорд, яъни янги тоналликка кўчирувчи, модуляция қилувчи аккорд. В. аккорднинг янги тоналликка муносабати модуляцияни қайси тартибда қилиниши билан аниқланади, яъни диатоник ва энгармоник модуляцияда В. аккорд янги тоналликнинг бирор аккордига тенглаштирилади; лекин энгармоник модуляцияда аккорддаги айрим товушлар энгармоник ўзлаштирилади. Мелодик модуляцияда В. аккорд янги тоналликда учрамайди.

Г

Г. — гармоник сўзининг қисқартмаси, бу қисқартув кўпроқ ладларга хос.

W — 1. *Соль* товушининг харфий кўрсатмаси. 2. Ёзма бош ҳарф w-dur *соль-мажор*нинг қисқа кўрсатилиши. 3. Кичик ҳарф g-moll *соль-минор*нинг қисқа кўрсатилиши.

ГАВАЛ — далдама, кили, дачу — 1. Икки томонига тери қопланган урма барабан туридаги Доғистон халқ чолғу асбоби. Айланмаси 400—500 мм. Барабанга инсбатан бирмунча кенг, ёғоч



Гавал

ГАВОТ (фр. *gavotte* — гавот) — французларнинг қадимий халқ рақси. Охиста ва жоли ҳаракатда бўлиб, затакт (тактдан ташқаридаги нота, тула булмаган ёрдамчи такт)да икки нинчо-ракда келган 4/4 ўлчовли рақс. Г. 17-асрда саройда расм бўла бошлаб, 18-аср чолғу сунталарида қўлланила бошланди.

ГАДУЛКА (булгорларда гьдулка) — камонча билан ижро қилнадиган болгар торли халқ чолғу асбоби. 3—4 та асосий, яъни хуй таратувчи ва 9—10 та резонанс берувчи қўшимча тори бор. Г. нок шаклида бўлиб, қопқоғида товуш берувчи узун тешикчаси бор. Г. га қурилган харақ (кобылка) узун бўлиб, унинг келта оёқчаси қопқоққа, узун қисми эса қопқоқ тагидан резонанс берувчи тешикка келади. Ижро қилиш вақтида Г. ни тикка ушлаб, бармоқ тирноқлари билан торни секин чалинади, шунга кура Г. флажолет тебрида товуш беради.

ГАЗАХЫ — озарбайжон халқ рақси. Мусика $\frac{6}{8}$ да бўлиб, одатда бир туда эркаклар (купроқ ёшлар) рақсга тушади, рақс суръати тобора тезлашиб боради.

ГАЙДА — Булгорияда волинка шу ном билан аталади.

ГАЛОП (фр. *galop, galoper* — сакраш) — такти 2/4 лик, акраб, чаққон уйналадиган рақс. 19-асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлиб, кейинроқ кадрийл рақсининг охириги, тез ижро этиладиган қисми бўлиб қолди.

ГАМБАНГ — ясси тахтачалардан тайёрланиб, уриб чалинадиган Индонезия халқ чолғу асбоби Г. ёғоч ёки металл пластинкаларидан ясалади. Бу пластинкалар резонанс берувчи узун яшикчага урнаштирилади. Г. ёғоч болғалар билан уриб чалинади. Металл пластинкаларидан қилинган Г. *ганза*, ёғоч пластинкаларидан


гардишининг хар икки томонига тери қопланади (диаметри 350—400 мм.) Г. купроқ Доғистоннинг жанубида қўлланилади ва бу ерда халқ чолғу асбоблари ансамблига, иккита *зурна* билан қўшилиб ижро этилади. *Ағач қумуз* билан қўшилиб рақс мусиқаларини ижро этишда қўлланилади. Г. бармоқлар билан ёки ингичка таёқчалар билан уриб чалинади. 2. Озарбайжонда қўлланиладиган доиранинг номи.

ридан ясалгани Г. қайю деб аталади. Г. дан гамелан таркибида фойдаланилади.

ГАМЕЛАН — Индонезия миллий оркестри. Асосан уриб чалинадиган ксилофон туридаги чолғу асбоблардан тузилган бўлиб, бир неча торли камончали ва пуфлама чолғу асбоблар ҳам қўлланган.

ГАММА — октавадан кам бўлмаган оралиқдаги товушқаторнинг бир текис кутариллиши ёки пасайлиши. Г. юнонларда учинчи ҳарф номи бўлиб, у билан урта асрдаги энг пастки товуш, яъни катга октавадаги *sol* (G) товуши курсатилган.

ГАНГУ — ногора шаклидаги уриб чалинадиган хитой халқ чолғу асбоби. Г.нинг «коса» си каттиқ ёғочдан эгилиб ишланади. Тери ногорадагидек, ичаклар билан тортилман, мисдан ясалган калта михлар ёрдамида «коса» га қоқилади. Г. табуретка шакли-




Гангу


да ишланган тўрт «оёққа» қўйиб, йўгон калтакча билан уриб чалинади. Г. оркестрда кенг фойдаланилади. Г.нинг баландлиги 560 мм, кенг қисмининг диаметри 554 мм.

ГАНАТАУРЕ — латиш халқ пуфлама чолғу асбоби. Тўғри шох шаклида ёғочдан ишланган бўлиб, уст қисмидан пўстлоқ уралади. Асосан чупонлар орасида қўланилади.

ГАРДУН (фалак, осмон, тақдир) — Шашмақомнинг Мушкелот (чолғу) қисмидаги куй. Мақомларда Г. булишга кура, бу. ар. ни Г. ни Бузрук, Г. ни Рост, Наво ва х. к. тартибда аталди. Ирок мақомида учрамайди Г. мураккаб ўлчовда, яъни $5/4$, $2/4$, $3/4$ да келади. Дойра усули:



тартибда бўлиб, ҳажми у кадар катта бўлмайди. Мақомлардаги Г. ларнинг номи ва дойра усуллари бир турли булишга қарамай, куй жиҳатидан бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Хоразм мақомларидан фақат Рост мақомида Г. учраб, буни Пешрави Гардун, деб юритилади. У $2/4$ ўлчовида бўлиб, дойра усули:




тартибда.

ГАРМОН — рус чолғу асбоби гармониканинг узгартирилган тури. Диатоник товуш қаторига эга бўлган бу чолғу асбоби Хоразмда 19-асрдан кенг тарқалган. Хоразмнинг атокли ашулчиларидан Шерозий, Сафо Муғаннийлар ўзлари яратган Г. жўлигида ашула айтганлар. Хоразм хотин-қизлари — халфалар оралида ҳам Г. кенг тарқалган.

ГАРМОНИК ИНТЕРВАЛ — бир йўла эшитилган икки товуш оралиғи. Интервалнинг мелодик тури ҳам бўлади.




ГАРМОНИК ОҲАНГДОШ ТОВУШЛАР — тор ва турли шаклдаги найлар оралиғида булган ҳавонинг тўлқинланишидан ҳосил бўлган турли баландликдаги оҳангдош товушлар. Энг пастки товуш билан бир вақтда тўлқинланиб товуш берган жисмлар (оҳангдош товушлар ёки *обертонлар*) асосий товуш тембрини аниқлашга




ёрдам беради. Ҳамма Г. о. т. нинг эшитилишидан оддий товушқатор вужудга келади. Улар пастдан юқори томон белгиланиб кўрсатилади. Г. о. т. лар оралигидаги интерваллар юқори кўтарилган сари кичиклашиб боради ва соф октава, квинта, катта терция, икки кичик терция, уч катта секунда ва ҳ. к. ҳолда қисқариб боради. Тугмача ва вентиллари босилмай чалинган ҳар бир пуфлама чолғу асбоби Г. о. т. ларни беради.

ГАРМОНИК МАЖОР — мажор ладининг олтинчи поғонасининг ярим тон насайтирилган тури:




ГАРМОНИК МИНОР — оддий минор ладининг еттинчи поғонасининг ярим тон кўтарилган тури:



ГАРМОНИК ФУНКЦИЯ — гармоник ҳаракатдаги аккордда ладнинг аҳамияти, роли. Асосий Г. функциялар — *тони́ка*, *субдоминанта* ва *доминант*лардир.

ГАРМОНИКА, гармония, гармонь — ҳавони тўлқинлатиб, металл тилчалар орқали товуш чиқарадиган чолғу асбоб. Унинг чаладиган клавиатуралари тугмачали бўлади. Г. турли халқлар орасида кенг тарқалган чолғу асбоби. Рус Г. си рус халқ ашулалари ладига мосланиб ишланган. Хоразм областида кенг тарқалган Г. нинг тури гармон лад тузилиши ўзбек халқ мусиқаси табиатига мосланган Г. нинг турлари кўп. Масалан: икки қаторли Вена Г., *аккордсон*, *баян* ва б.



Гармоника

ГАРМОНИЯ (юн. *harmonia* — боғланиш, оҳангдошлик — бир йўла эшитилган бир неча товушларнинг ўзаро боғланишида яъниши. Г. факат бир тоналликда булган товушлар оҳангдошлигини таъминлабгина қолмай, тоналликлараро оҳангдошликни ҳам таъминлайди. Оҳангдошликнинг асосий тури *аккорд*дир. Г. мусиқа маданиятининг тобора юксалиши туфайли ўзгариб, бойиб бормоқда. Турли миллат халқлари композиторлари хилма-хил Г. ларни яратмоқдалар.

ГАРМОНИЯЛАШ — кўйга муайян гармоник тузилишдаги аккордлар танлаш. Тайёр кўйга монанд аккорд ёки қунчан тузилишдаги кўповозли мусикани жўр қилиш. Бирор кўйни Г. да композиторлар унга турлича уйғун товуш беришлари мумкин. Бу кўйни ижодий бойитиш демакдир. Ўзбек халқ кўйларини Г. *кўйовозли мусиқа* тарзибоғида муҳим аҳамиятга эга. Кўйларни Г. мусиқа ўқув юрларидаги гармония ва композиция дарсларида ургатилади.

ГАСТРОЛЬ (нем. *gast* — меҳмон ва *rolle* — роль) — ҳонанда, созанда ёки ансамбль, оркестр, хор каби ижрочи бутун биъ театрининг бошқа шаҳар, чет давлатларда тингловчи ва томошаланилар олдида чиқишлари.

ГЕКСАХОРД (юн. *hexachordos* олтига тор) — олти диатоник погонали товушқатор; юнонча *секста* интервалнинг аталishi.

ГЕЛИКОН (юн. *hlix* — эгилган) — оркестрдаги труба вази-фасини бажарувчи муштукли мис пуфлама чолгу асбоб. Г. фақат ҳарбий оркестрда қўлланилади. Пиёда ёки отда туриб чалишга қулайлик булсин учун Г. елкадан утказиб олинади. Овоз ҳажми худди трубадагидек.

ГЕНЕРАЛ-БАС (нем. *Jeneral bass* — умумий бас) — рақам кўрсаткичлари билан ёзилган гармониянинг ластки (бас) товушлари. Рақамлар ластки товуш ноталарни устига қўйилади. Г.-бас 16-аср охирида гомофонли-гармоник тузилиши (жўр қисми билан чалинган куй) да пайдо булди ва клавесин ҳамда органларда ижро этила бошланди. Ижрочи рақам кўрсаткичлари ёрдамида куй речитативга жүр булади. Г. басни ижро этувчи овозларининг тўғри боғланишига ва ўрта овозларнинг ҳамда аккорд безакларининг чиройли кушилшига диққат қилган. 17—18-асрда Г.-бас билан ижро эта олиш ҳар бир мусиқачи-ижрочи ва композитор учун шарт булган. 18-асрнинг ўрталаридан бошлаб мусиқа асари нота ёзувида аниқ ва тула ёзила олиниши имконияти яратилганидан сунг Г.-бас уз мавкени йўқота бошлади. Ҳозирги вақтда рақамлар билан кўрсатилган бас гармонияни ўрганшида қўшимча қўлланма тартибида фойдаланилади.

ГЕНЕРАЛ ПАУЗА — мусиқа асари ижро этилаётганида ҳамма ижрониларнинг бир вақтда, бир тактдан кам бўлмаган миқдорда пауза қилишлари, яъни тўхташлари. Одатда Г. пауза лотинча «W, P» харфлари билан қисқартирилган ҳолда кўрсатилади.

ГЕНЕРАЛ РЕПЕТИЦИЯ — бирор спектакль ё концертни оммавий кўрсатиш олдидан охириги марта бошдан-оёқ релетция қилиш (ижро этиш).

ГЕНСЛЕ — камончали қадимий поляк халқ чолгу асбоби. «Коса» си биздаги танбурга ўхшаш ўйилган булади ёки дутордек «қобирга» лардан тайёрланади. Учта торни квинта ораллигида созиланади. Ижро қилиш вақтида Г. горизонтал ҳолда ушлаб чалинади.

GES (гэс) — *соль-бемоль* товушнинг ҳарфий кўрсаткичи.

GES — DUR (гэс — дур) — *Соль-бемоль мажор* тоналлиги.

GESES (гэсэс) — *соль-дубль бемоль*нинг ҳарфий кўрсаткичи.

ГЕТЕРОФОНИЯ (юн. *heteros* — бошқа, *phono* — товуш, овоз) — бир куйнинг бир неча ашулачи томонидан импровизация (тайёр-гарликсиз ижро) қилинаётганда овозларни турлича ўзгариб кетиши. Г. ни унисон билан турли оҳангдош товушларнинг қўшилма-

сидан иборат деб бўлмайди. Г. чолгу асбобларида ижро этилган мусиқаларда ҳам бўлади.

ГИМН (юн.*hymnos* — тантанали қўшиқ) — бадний-рамзий маънога эга асар, қўшиқ. Г. нинг турлари кўп: Давлат Гимни, ниқилобий Г., харбий Г., талабалар Г. и ва б. Ҳар бир мустақил давлатнинг уз Г. булади ва расмий тантаналар, воқеаларда ижро этилади. Ўзбекистон Давлат Г. и (1993) композитор М. Бурҳонов томонидан А. Орипов шеъринга ёзилган.

ГИНО-ЛАДЛАР — доминантадан бошланиб доминантага қадар бўлган погоналардан тузилган товушқатор лад бўлиб, қадимги замон мусиқа назариясида қўлланилган. Бу ладда асосий *тоника* товушқатор уртасида келади. Г. Л — черков, урта аср, григорийан ладлари, деб ҳам юритилади.

ГИПОФРИГИИ ЛАДИ — гипо ладлар турларидан.


ГИТАРА — тирнама чолгу асбоб. Г. ҳақидаги биринчи маълумотлар 14—15-асрларга туғри келади. Испан Г. сида олтига тор бор. Бу торлар катта октавадаги *ми*, *ля*, кичик октавадаги *ре*, *соля*, *си* ва биринчи октавадаги *ми*ларга соланади. 16-аср охириларидан бошлаб бу Г. Европа ва Америкада қўлланила бошлайди. Россияда 18-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қўлланилди. Рус Г. нинг еттига торли бор. Бу торлар *о*, *w*, *н*, *d*, *g*, *h*, *d'* (катта октавадаги *ре*, *соля*, *си*, кичик октавадаги — *ре*, *соля*, *си* ва биринчи октавадаги *ре* товушлари)га соланади. Г. нинг яна бир тури Гавай Г. дир. Бунда олтига тор бўлиб, плектр билан чалинади. Торларни эса, махсус металл пластинкалар билан пардага босилади.

GES (гис) — *соля-диез*нинг ҳарфий кўрсаткичи.

GISIS (гисис) — *соля-дубль-диез*нинг ҳарфий кўрсаткичи.

G — MOLL (гэ — молль) — *соля-минор* тоналлиги.

ГЛИССАНДО (итал. *glissand* — сирганиб) — бир товушдан иккинчи товушга сирганиб ўтиш. Г. асосан торли чолгу асбоблари



Гитара



Гобой

ижросида учрайди; Г. фортепианода клавишлар устидан бармоқларини тез юргизиш билан юзага келтирилади.

ГОБОЙ (фр. *hautbois*, *haut* — баланд, *bais* — ёғоч, итал. *oboe*) — ёғоч пуфлама чолғу асбоб. У махсус қаттиқ ёғочдан (баъзан пластмассадан) шланади. Г. шаклан сурнайга ўхшаш бўлиб, унга инсбатан узунроқ ва товуши анча юмшок. 17-асрда эса қайта шланиб, унга клапанлар ўрнатилган; 18—19-асрларда клапанлар сони орттирилиб, ён тешикчалар ҳам қўшилган. Ҳозирги Г. ларда 20 дан ортиқ тешик ва клапанлар бор. Г.нинг узунлиги (тростисиз) 590—610 мм, овоз ҳажми кичик октавадаги *си* (*си*-бемоль) дан учинчи октавадаги *ля*га қадар. Ноталар скрипка калитида ёзилади. Опера ва симфоник оркестрларда. Г. алоҳида ўрин тутади; якка ҳолда, фортепиано жўрлигида ҳам чалинади. Г. турлари: 1. Кичик Г. асосий Г. дан соф кварта юқори товуш беради. 2. Альт-Г. ёки инглиз бурғуси. 3. Г. д'амур — асосий Г. дан терция паст товуш беради. 4. Геккельфон.

ГОЛОСНИК — торли халқ чолғу асбобларининг устки қопқондаги товуш берувчи тешикча.

ГОМОФОНИЯ (юн. *homos* — тенг, бир хил *phone* — товуш, овоз) — *күповозли мусиқа* тури, унда бир овоз (одатда энг юқориги) алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, қолган овозлар унга жўр бўлади.

“ЎЗБЕКИСТОН ҒУЗАЛИ” ДАН

М. Бурҳонов

ГОНГ — металдан ясалган, урма чолғу асбоб. Осиё халқлари орасида тарқалган, хиллари кўп; бир бутун бронза ё тушукадан ясалади; тўқмоқ билан уриб чалинади. Товуши аннқ балаандликка

эга эмас. Г. нинг бир тури симфоник оркестрда 18-асрнинг охирларидан бошлаб қўлланади. У там там ҳам деб аталади.

ГОПАК — шўх ва чаққонлик билан ижро этиладиган украин халқ рақси. Такт ўлчови 2/4. Г. нинг якка, жуфт ва кўпчилиги бўлиб ижро этиладиган турлари бор.

ГОРИЗОНТАЛ-ҲАРАКАТЧАН КОНТРАПУНКТ — куйлари горизонтал силжувчи контрапункт.

ГОРИ (нем. Horn — шох) — сигнал берувчи муштукли пуфлама чолғу асбоб (вентилсиз *труба*).

ГОС — уриб чалинадиган арман халқ чолғу асбоби

ГРАММОФОН — махсус юпқа пластинкаларга ёзилган мусиқаларини эшиттирувчи аппарат.

● **GRAN** (итал.) — катта.


● **G C** — gran cassa (гран касса) — катта барабан сўзининг кичиклаштирилгани.

ГРАНД-ОПЕРА — *Grand-Opera* (Катта опера) — Францияда миллий мусиқа ва рақс академияси ҳисобланмиш йирик давлат опера театри Парижда 1669 йили ташкил топган.

ГРУППЕТТО (итал. *gruppetto* — кичик группа, тўда) — одатда 4 ёки 5 нотадан иборат бўлган мусиқий безак; асосий товушнинг пастки ва юқориги қўшимча (ёрдамчи) товушлар билан алмашувчи, мелизмнинг бир тури. Г белгиси билан кўрсатилади. Бу белги лозим бўлган нотанинг устига ё икки нота оралинган қўйилади. Биринчи тури юқориги қўшимча товушда бошланган тўрт нотадан, иккинчиси биринчи асосий товушдан бошланган беш нотадан иборат. Агар Г белгисининг усти ё остига диез ёки бемоль қўйилса, қўшимча товуш узгаради (кутарилади ё пасаяди).



ГУАНЬ — қўш тростли соғлар тўдасига кирадиган хитой пуфлама чолғу асбоби. Г. махсус қаттиқ ёғочни узиб биздаги қўшнай шаклида ясалади, бамбук ё қамишдан ҳам қилинади. Чаладиган қисмига қамишдан ясалган қўш трост урнаштирилади. Г. нинг узуви корпусида саккизта тешик бўлиб, булардан еттитадан уст томонда бири қарама-қарши таг томонда бўлади. Г. ни келиб чиққан жойи Жанубий Хитойнинг Синь-зян областидир. Унинг катта-кичик турлари бор. *Дасуань* номи билан аталадиган каттасининг узулиги 230 мм. *Сяогуань* номи билан аталадиган кичик тури 190 мм. узунликда. Мундштук қисмининг узунлиги 50 мм, ташқи диамет-



Гудок

ри 18—20 мм, қалинлиги 2—2,5 мм. Товушқатори хроматик бўлсада, айрим товушларни юзага келтириш қийиндир. Г. ансамбль, оркестр ва яққа ҳолда қўлланилади. Овоз ҳажми дагуаньда $es^1—a^3$ (биринчи октава *ми-бемольдан* — учинчи октава *ля*) га, *сяогуаньда* $w^1—c^4$ (биринчи октава *ля-бемольдан* тўртинчи октава *до*) га қадар.

ГУДАСТВИРИ — Грузияда *волинка* шу ном билан аталади.

ГУДОК — камончали қадимий рус халқ торли чолғу асбоби. Бунинг уч торли бўлиб, биринчиси куй торли, иккинчи ва учинчилари эса унисон орқали созланиб, биринчи тордан квинта оралигида бўлади. Бу иккинчи ва учинчи торлар донийи очик, куй торига қўшилдиб ижро этилади. Г. гижжак чалгандек, тик ушлаб чалинади. Г. хор ва ашулага жўр бўлганидек, бошқа чолғу асбобларига қўшиб ҳам чалинар эди. Ансамблга қўшиб чалинганида бунинг турли овоз ҳажмидаги хиалари қўлланилар эди.

ГУЛЕР-ШАҲНОЗ — қ. *Шаҳнози гулёр*.

ГУЛУФАР — Хоразмда чолғу асбоблари ижросида қўлланиладиган *форшлаг*.

ГУЛ УЙИН — I. Қадимий ўзбек рақсларида чалинадиган दौरа зарбининг номи.



2. Ашула билан ижро этиладиган рақсли мусиқа.


ГУП — допранинг урта қисмига урилганда чиққан «бул» товушининг Хоразмда номланиши.

ГУСАН — илгарилари арман халқ ашулчилари шу ном билан юритилар эди.


ГУСЛЕ, гусля — торли-камончали жанубини славян чолгу асбоби. «Коса» си қўбуз шаклида ўйилган бўлиб, қопқоқ урнига тери қопланган. 1—2 кил торни бор. Ёй шаклидаги камонча билан чалинади. Ижрочи Г. ни чалганида чап қўл бармоқлари билан дастага торни секин босади. Г. халқ ашулаларига, эппик ашулаларга жүр булади.

ГУСЛИ — рус халқ торли тиризма чолгу асбоби Ёзма маълумотларга кура, Г 6-асрда ҳам бўлган. Г. нинг қадимий тури ёғочдан қилинган ясси яшик шаклида бўлиб, бунга бир неча ичак торлар тақилган ва бу торлар диатоник ҳолатда созланган. 14-асрдан бошлаб кўп торли Г. псалтирь қўлланила бошланди. Г. псалтирнинг тузилиш шакли биздаги чангга ухшашроқ. 17-асрда эса кенг хажмли столга қўниб чалинадиган кўп торли Г. ишланди, унга металл симлар тақилиб, хроматик тартибда созланади. Г. баъзан оёқчалар билан ҳам ишланган. Нихоят 20-аср бошларида Г. қайта ишланиб, унинг ансамблда фойдаланиш учун катта-кичик турлари (пикколо, прима, альт ва бас) ишлаб чиқилди. Бу баланд овозли катта-кичик Г. ларда 13—14 тор бўлиб, ҳаммаси ҳам бир турли созланади. Г. прима биринчи октавадаги мидан иккинчи октавадаги *сига* қадар бўлган овоз хажмига эга; ноталар скрипка калитида эшитилганича ёзилади. Г. пикколо унга нисбатан ок ава юқори созланади. Ноталар эшитилишига кура октава пастда скрипка калитида ёзилади. Г. альт Г. примага нисбатан октава юқори скрипка калитида ёзилади. Г. бас. Г. примага нисбатан икки октава пастда созланиб, ноталар бас калитида эшитилганича ёзилади (баъзан эшитилишига кура икки октава юқори калитида ёзилади).

Ҳозирги вақтда баланд товушли Г. билан бир каторда клавишли (педалли) Г. ишлатилади. Одатда Г. чалувчи икки қўл бармоқлари билан торни тирнаб чалади. Ортиқча жарангловчи товушлар чап қўл бармоқлари билан босиб йўқотилади. Клавишли Г. да эса ортиқча товушлар махсус ишланган механизм ёрдамида йўқотилади. Клавишли Г. медиаторлар ёрдамида чалинади; овоз хажми 5—7 октава оралигида хроматик товушқаторга эга. Унинг товуши чиройли булиши билан бошқа турли Г. лардан фарқ қилади. Г. ни дoston айтувчилар ишлатади. Ижрочи Г. ни тилгага куйиб чалади. Г ансамблда ҳам қўлланилади. Турли халқлар урта-сида Г. туридаги чолгу асбоблари бўлиб, улар Карелияда — *кан-*



Гусли



Гусли

теле, Эстонияда — *каннель*, Латвияда — *кокле*, Литвада — *канклес* деб аталади.

ГАЦУЛКА (украин — гуцулча) халк рақси. Такт ўлчови 2'4 булиб, хушчақчақлик билан ижро этилади.

ГУШАК (форс) — дутор, тапбур, гижжаклар «қулоғи».

ГУЯНДА (форс) — сузловчи, бяхши маъносига. I. Хоразмда ашулчилар, айниқса, мақом йулларини ижро этувчилар. Г. га чолгу асбобларидан тапбур, гижжак, балабон (буламон) ва доира-

лардан гузилган ансамбль жўр булган. 2. Вафот этган эркак ё аёлнинг яхши хислатларини, ҳаётдаги фаолияти ва етим колган болаларнинг мусибатларини ашулага солиб, қўшнқ айтувчи аёл.

Д

Д — ге товушининг ҳарфий кўрсаткичи; доминанта сўзининг қисқарттирилгани.

ДАБУ — мембранали Хитон урма чолғу асбоби. Д. биздаги дойранинг бир тури бўлиб. Хитон жанубидаги уйғур халқи орасида тарқалган.

ДАВЛУРИ — грузин халқ ракси. Такт ўлчови — $\frac{2}{4}$


ДАВРИЯ — тугалланган кичик бир мусиқа тузилиши бўлиб, бу турлича каданслар билан тугалланган икки жумланинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бу каданслардан биринчиси — гўёки савол билан тугалланувчи (кўпроқ ярим каданс ҳолатида) булиб, иккинчиси жавоб берувчи мукамал тугалланган каданс ҳолатида келади. Баъзан такрорий структура, яъни ҳар икки жумла бир турли куй асосида бўлса, баъзан такрорланмайдиган структура, яъни ҳар икки жумла турлича куй асосида келади. Д. даги жумлалар тенг масофада бўлганидек, кенгайтирилган Д. да икки жумла биринчисига нисбатан узун бўлади. Агар Д. бошланғич тоналликда тугалланса — бир тоналлик Д, агар иккинчи жумладан каданс биринчисига нисбатан бошқа тоналликда утса — модуляцияланувчи Д. деб аталади.

ДАГУАНЬ — к. *Гуань*.

ДАИНА — Литвада турли хил халқ ашуалари шу ном билан юритилади.

ДАЙРА, даيره — дойрага ухшаш грузин ва туркман урма халқ чолғу асбоби.

ДАКТИЛЬ (юн. *dactylos* — бармоқ) — шеър тузилиши назариясида мураккаб, уч турокли кием. Бунинг биринчиси кучли, иккинчи ва учинчилари кучсиз бўгини (— 0 0 ёки V — —). Баъзан шу тартибдаги мусиқа ритмининг элементи аниқланади.



Дала-фандир

ДАЛА-ФАНДИР — осетин торли тирнама халқ чолғу асбоби. Тузлиши козoқ думбираси шаклида бўлиб, текис қопкоғида товуш берувчи кун миқдордаги тешикчалари бор. Дастада пардалар бўлмайдн, икки ё уч тор тортилади. Умумий узунлиги 800—850 мм. 40-йилларда Д.—фандир қайта ишланиб, бунинг катта-кичик (шкколодан контрабасгача) турлари ясалган; 13—15 парда боғланган Жанубий Осетия автоном областидаги ашула ва рақс ансамбли оркестрига киритилган. Икки торли Д.—фандирнинг биринчи торн биринчи октавадаги *до*, иккинчи торн биринчи октавадаги *фа*га созланади. Уч торли Д.—фандир биринчи октавадаги *ми*, *ля*, иккинчи октавадаги *ре* (*ми*) га созланади.

ДАЛДАМА — қ. Гавал.

ДАП — қ. Дойра.

ДАРОМАД (форс.—кириш) — бошланғич қисм. Ашуланинг бошланғич қисми. Настки (бош) пардаларда чалинадиган (айтиладиган) бўлагн Д. термини кўпроқ *йирик шаклли ашула* («Куча боғи», «Грня» ва б.) *катта ашула* ва *мақом* йўлларига нисбатан қўлланилади.

ДАСТА (форс.) — торли чолғу асбобларда махсус, қаттиқ ёғочдан қилинган ва товуш берувчи косанинг юқори қисмига уриятилган турли шаклдаги ёғоч. Коса орқали Д. устидан тортилган торни турли жойда боғин йўли билан наст-баланд товушлар чиқади. Агар торни Д. нинг косасига яқин булган қисми боғилса, баланд (ингичка) товуш, аксинча, косадан узоқ булган қисми боғилса, наст (йўгон) товуш беради. Д. га ўзбек халқ чолғу асбобларида ичакдан қилинган парда боғланади. Ҳозирги давлат саноат корхоналарида чиқарилаётган ўзбек чолғу асбобларидан дутер, танбур ва рубобларда ичак парда ўрнига «доний» сурилмайдиган «чуп» пардалар ёпиштирилмоқда.

ДАУДИГЕ — литва халқининг муштукли нуфлама чолғу асбоби. қ. *Тримитас*.

ДАУДБАС — қирғиз халқ урма чолғу асбоби. қ. *Даулаз*.

ДАУДПАЗ — кичик *литавра* туридаги қадимий қозоқ урма халқ чолғу асбоби. Металлдан қилинган гардинига терг қопланади. Д. ни бизда *чиндаул*, қирғизларда *даудбас* деб аталади. Д. ни чалиш вақтида қўлда олиб юрганларидек, от эгарига боғлаб ҳам қўйганлар. Д. дан кўпроқ ҳарбий сигнал ва ов қилиш вақтида фондаланилган. Ҳозир қайта ишланган Д. Қўрмонғози номидаги Қозоқ Давлат халқ чолғу асбоблари оркестрига киритилган.

ДАФ, дэф — Арманистон ва Озарбайжон халқининг урма чолғу асбоби, ўзбек халқ чолғу асбобларидан дойра уларда шу ном билан юртилади.



Даулаз

ДАХУЛЭЙ торли тирнама хитой чолгу асбоби — қ. *Хулэй*.

ДАХЭНЧУЙ — пуфлама хитой чолгу асбоби — қ. *Ди*.

ДАСУ — қ. *Гавал*.

ДЕКАДА (юн. *deka* — унлик) — миаллий санъат Д. лари: халқларнинг санъат соҳасида қўлга киритган ютуқларнинг курсатилиш. Д. ларини ўтказиш анъанаси 1936 йилдан бошланди. Ўзбекистоннинг биринчи санъат Д. си 1937 йили, иккинчи адабиёт ва санъат Д. си 1951 йили, учинчиси эса 1959 йилда ўтказилди. 1956, 1963, 1969, 1982, 1993 йиллари Ўзбекистонда Қорақалпоқ автоном республикаси санъат ва адабиёти Д. си ўтказилди. Кейинчалик барча кардош республикалар Д. си Ўзбекистонда, ўзбек адабиёти ва санъати Д. лари кардош давлатларда ўтказиш олат тусига кирди. Баъзан Д. лар урнига — адабиёт ва санъат кунлари ўтказилади. 1994 йили Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг узаро адабиёт ва санъат кунлари ўтказилди.

ДЕМПФЕР (нем. *Dämpfer* — товушни пасайтирувчи) — фортепиано ториға ўриштирилган наматдан қилинган кичик ёстиқчадан иборат механизм. Хар бир клавиш торлари учун ўриштирилган. Д. фортепиано клавишининг босилиши билан механик равишда симдан кўтарилади. Бармоқ клавишдан олиниши билан Д. яна торға тегиб товушни тўхтатади. Фортепиано педалларидан унig томондагиси босилса ҳамма симлардаги Д. лар кўтарилади ва симнинг товуш беришига халақит бермайди. Д. бошқа чолгу асбобларида ҳам қўлланилади. Биздаги чангни чалганда чиққан қўшимча товушларини йўқотиш учун бармоқлар билан симлар босилар эди. Ҳозирги қайта шиланган чангларда ҳам махсус педаллар орқали Д. ўриштирилган.

DES (дэс) — 1. *Pe*-бемольнинг ҳарфий курсатилиши. 2. *Des*-

dur (*Ре-бемоль* мажор) тоналлигининг қисқартириб кўрсатилиши.


DES — DUR (дэс — дур) — тоникаси *Des (Ре-бемоль)* бўлган мажор тоналлиги, яъни *Ре-бемоль* мажор.

DESES (дэсэс) — *ре-дубль* бемольнинг ҳарфий кўрсаткичи.

ДЕТАШЕ (фр. *detache, detacher* — бузиш, ажратиш). Торликामончали чолғу асбобларда ҳар бир товуш камончани бир томон (паст ё юқорига) тортилишида олиш (ижро этиш).

ДЕТОНЛАШ (фр. *detonner* — бузиб чалмоқ) — муайян товуш баландлигини нотугри (ноаник) ижро этиш. Д. кўпроқ вокал санъатида қўлланилиб, товушни асосий баландлигига нисбатан паст олинганда айтилади. У чолғу асбобларининг нотугри ижро этилишида ҳам қўлланилади. Д. ижрочининг эшитув сезгиси ё ахамиятсиз ижро қилишидан келиб чиқади.

ДЕЦИМА (лот. *decima* — унинчи) — ўн поғона кенглигидаги интервал, 10 рақами билан кўрсатилади. Д. октавага терция кушилганидан ҳосил бўлгани учун октава ортидаги терция деб ҳам юритилади. Д. нинг кагта ва кичик турлари бўлиб, кагтаси 8, кичиги 7,5 тон оралиғида.



ДЕЦИМЕТ (нем. *Dezimett* лот. *decem* — ўн) — 1. Ўнта ижрочидан тузилган ансамбль. 2. Шундай ансамбль учун яратилган мусика асари. Бунда ҳар бир чолғу асбобининг ўзига хос партияси бўлади.

ДЕЦИМОЛЬ (лот. *decim* — (ўн, децимоль) — бир текис узунликдаги махсус ўнта нота бўлиб, буни саккиз нота узунлигида ижро қилинади. Бундай ҳолатдаги ноталарни бошқа ноталардан ажратиш учун ноталарнинг усти ё остига «10» рақами ёзилади. Д. нинг баробар икки булакка бўлиниши иккита *квинтоль* ҳосил қилади.



ДИ — найга ўхшаш Хитой чолғу асбоби: бамбукдан ясалади. Узунлиги 610—630 мм бўлиб, диаметри 25—30 мм. Д. чалинадиган томонидаги тешиги пўкак билан қаттиқ беркитилади. Унда 12 та тешикча бўлиб, бири чалиш учун, иккинчисига қамши ичи-

дан чиқадиган юпка пўстлоқ ёки юкча қоғоз ёпиштирилади; олти-таси турли баланд-паст товушларни чиқариш учун, қолган тўрт-таси эса пастки уч томонида жойлашган. Д. да ансамбль, оркестр ва яқка ҳолда ухшатиб ижро қилинади. Д. нинг юпка қоғоз ёпиштирилган ва уч томонидаги тўртта тешиги бўлмаган тури — *мэньди* деб аталади.

ДИАЛОГ (юн. *dialogos* — икки кишининг ўзаро сўзлашуви) — икки овоз ёки икки чолғу асбобда бир куйни навбат билан ижро этиши. Д. музикали драма, опера, оперетталарда айниқса кенг қўлланилади (икки персонаж Д. и).

ДИАПАЗОН (юн. *diapason* — ҳамма торлараро) — ашулачининг овози, чолғу асбоб, товушқатор, лад, куй в б. нинг товуш ҳажми. Овоз ва мусиқа асбобларидаги энг пастки ва энг юқори товуш оралиғи (интервали).

ДИАТОНИКА (юн. *diatonikos* — бир тондан иккинчи тонга ўтиши) — ладдаги асосий поғоналардан тузилган катор мусиқа товушлари. Табиий мажор, минор ва урта аср ладлари учун асос бўлган асосий етти поғонадаги тон ва ярим тонлар Д. га қиради.

ДИАТОНИК ГАММА — ладдаги асосий товушларнинг биринкетин юқори кўтарилиши ё пасайиши. Тула Д. гаммада еттита товуш бўлади.

ДИАТОНИК ИНТЕРВАЛЛАР — асосий диатоник товушлардан тузилган соф, кичик ва катта интерваллар. Д. интерваллар икки тўдага бўлинади: биринчиси соф (прима, кварта, квинта ва октавалар), иккинчисига катта ва кичик интервал (секунда, терция, секста ва септималар) қиради.

ДИАТОНИК МОДУЛЯЦИЯ — бир тоналлиқдаги схириг аккорд (воспитачи аккордининг) янги тоналлиқда учрайдиган шу номда бўлган товушларидан тузилади. Шунга кўра Д. модуляция тоналлиқлардаги биринчи ва иккинчи даражадаги модуляцияларда учрайди. Д. модуляцияда бир тоналлиқдан иккинчи тоналлиқка охиста, равои ўтилаётгандек туюлади.

ДИАТОНИК ТОВУШҚАТОР — альтерация белгиларисиз, яъни асосий поғоналар (*до, ре, ми, фа, соль, ля, си*) дан тузилган товушқатор. Поғоналари альтерацияли товушқатор бўлиши ҳам мумкин.

ДИАТОНИК ЯРИМТОН — товушқатордаги икки турли поғонадан тузилган *ярим тон* бўлиб, кичик секунда интервалини ҳосил қилади. Масалан, *до-ре-бемоль, ми-фа, фа-ди, соль* ва б.

ДИАТОНИК ТОН — диатоник бутун *тон*. Товушқатордаги

икки турли погонадан тузилган бутун тон. Масалан, *до-ре, ми-фа-диез, ля-си* ва б.


ДИВЕРТИСМЕНТ (фр. *divertissement* — кўнгил очиш, ўйин-кулги, томонна).— 1. Турли характердаги мусиқа пьесаларидан сюита тарикасида тузилган цикли асар, бу 18-асрда кенг тарқалган. 2. Кўнгил очиш, яъни тинглаш учун ёзилган енгил мусиқа пьесаси. 3. Турли рақслардан тузилган сюита. 4. Турли мазмундаги эстрада концерти.

ДИВИЗИ (итал. *divisi* — бўлиниш, ажрлиш. қисқартирилгани — *div*) — оркестрдаги торли-камонча билан чалинадиган чолғу асбобларда бир туда ижрочиларни икки ё бир неча бўлақларга бўлиб, ҳар бир бўлинган тудани қўш нота ёки аккорд товушларидан бирини ижро этиши. Қачонки Д. тугаб ҳамма биргаликда чалиши лозим бўлса, *inipono* (қисқачаси — *inipis*) ёки *pop divisi* — яъни бўлинмасдан, биргаликда деб ёзилади.


ДИГА — торли-камончалик латин халқ чолғу асбоби. Тўғри бурчакли шаклда бўлиб, пардалари бор. Дастлабки ҳолатда бит-та тор бўлган. Қайта ишланган Д. уч торли.

ДИПРАЛИШМА (узб.) — Хоразмда бир неча ашулачилар ўртасида утказиладиган мусобақа. Д. ўтмишда қуйидаги тартибда ўтган: ашулачилардан бири бошланғич «Сувора» ни бошланди. Бунинг тугаши билан иккинчи ашулачи шу ашулага бошқа бир шор газалини мослаб айтади. Шу тартибда бошқа ашулачилар ҳам янги газаллар билан «Сувора»ни қайтардилар. Ашула авжини яхши ва чиройли айтган ижрочи ғалаба қозонади.

ДИЕЗ (юн. *diesis* — кутариш) — товушларни ярим тон юқори кутариш белгиси. Д. белгиси кутарилиши лозим бўлган нотанинг чап томонига ёки калит белгисидан сўнг ёзилиши мумкин. Дастлаб кўтарилиши лозим бўлган нотанинг номи, сўнг диез ўқилади. Масалан: *до-диез, соль-диез, ля-диез*, ва б. Харфий кураятилишида Д. сўзи ўрнига *is* (ис) қўйилади. Масалан: *до-диез* ўрнига *cis* *соль-диез* ўрнига *dis* ва б.




Дига



ДИЛЕТАНТ (итал. *dilettante*, *dilettare* — хузур бермок) — санъат еки фаннинг бир соҳаси билан профессионал ҳолда эмас, аксинча, шунчаки хаваскорлик йўлида шугулланувчи.

ДИМИНУЭНДО (итал. *diminuendo* — кичрайтириб; қисқартмаси — *dim*) товушни аста-секин пасайтиб чалиш. Бу ҳарфий ёзма, махсус белги билан ҳам кўрсатилади:



Бу белги қаттиқ товушдан аста-секин пасайтириб бориш маъносиде:

F (форте) — қаттиқ, кучли; *P* (пиано) — секин деб ёзилади.

ДИНАМИКА (юн. *dynamikos* — кучли) — мусиқа товушларининг қаттиқ-секин ижро қилиниши. Д. да товушни турлича чиқариш, яъни бир нўла қаттиқ ёки секин, аста-секин кучайтириш ё секинлаштириш, айрим товушларини алоҳида таъкидлаб (қаттиқ) эшиттириш в. б. бўлиши мумкин. Д. нинг асосий турлари *forte* (форте нота ёзувида қисқартириб — *f* ҳолида ёзилади) — қаттиқ, кучли; *piano* (пиано, нота ёзувида қисқартириб — *p* ҳолида ёзилади) — секин; *crescendo* (крещендо — товушни аста-секин кучайтириш); *diminuendo* (диминуэндо — товушни аста-секин пасайтириш).

ДИНАМИК ТУСЛАР — мусиқа асарини ижро этишда бадний чиқишини назарда тутиб, товуш кучини ўзгартириш. Бунинг учун турлича белги ва курсаткичлар қўлланилади. Булардан энг муҳимлари:

P (пиано) — секин;

PP (пианиссимо) — жуда секин;

MP (меццо пиано) — ўртача секин (пианодан қаттиқроқ, фортедан секин);

F (форте) — қаттиқ кучли;

FF (фортиссимо) — жуда қаттиқ, кучли;

MF (мецце форте) — уртача қаттиқ;

CR (крещендо) — товушни тобора кучайтириб бориш.

DM (диминуэндо) — товушни секинлатиб бориш.

ДИНИЙ МУСИҚА — диний мазмунидаги мусиқа. Бу кўпроқ черковларда ижро этилади.

ДИПЛИНТО — грузин халқ урма чолғу асбоби (ноғорасимон), махсус лойдан ясалган иккита тувакча устига тери қопланади. Булардан бири кичик ҳажмда бўлиб, юқори товуш беради. Иккинчиси катта бўлиб, паст товуш беради. Д. иккита узун калтакча билан уриб чалинади; халқ чолғу асбоблари ансамблида қўлланилади.

ДИПЛОМАНТ — турли ижодий конкурс комиссияси қарорига кўра фахрий диплом билан мукофотланган шахс; олий ўқув юртини битирувчи.

ДИРИЖЁР — (фр. *diriger* — бошқариш, йўлга солиш) — мусиқа асарини ижро этувчи жамоалар (солистлар, хор, оркестр ва б) га раҳбарлик қилувчи санъаткор. Д. мусиқа асарини оммавий ижросига қадар ижрочи жамоа билан бўлган ҳамма тайёргарлик (репетиция)ни олиб боради. Асосий ижро вақтида эса (концерт ёки спектаклда) асарнинг ўйналиш тезлиги, динамик туслари, айрим тўда ё яқка ижрочиларини тўхташ ёки ижро қилиш вақтларини кўрсатиб туради; жамоани бирлаштиради, руҳлантиради ва асарини бадний ижроси учун ҳаракат қилади. Д. ун қўлида кичик таёкча ушлаб, мусиқа асаридаги тактларининг биринчи кучли сапоғини пастга тушириш билан кўрсатиб туради. Юз, қўл, бош ва гавда ҳаракатлари ва мимикалар билан асар моҳиятини кўрсатиб, қандай ижро этилишини билдиради.

DIS (дис) — 1. *Ре-диез*нинг ҳарфий кўрсаткичи. 2. Кичик ҳарфлар билан ёзилган. *dis, dis-moll (ре-диез минор)* нинг қисқартмаси.

ДИСГАРМОНИЯ — гармониянинг бузилиши, ҳамоҳангсизлик, чолғу асбоб созининг бузилиши.

6—2379.

DISIS (дисис) — *Ре-дубль-диез*нинг харфий курсатилиши.

ДИСКАНТ — 1. Болаларнинг баланд товуши Биринчи октавадаги *до* дан иккинчи октавадаги *соля* ораллигидаги овоз. 2. Вокал ансамблин хорда *ё* болаларнинг, *ё* хотин-қизларнинг юқори (сопрано) овоз партиялари.


DIS-MOLL (дис-молль) — тоникаси *dis (ре-диез)* бўлган минор тоналлиги, яъни *ре-диез* минор.

D-MOLL — (дэ-молль) — тоникаси *ре* булган минор тоналлиги, яъни *ре-минор*.


ДИССОНАНС (фр *dissonance* лот. *dissono* — созланмаган товуш) — тингловчининг безовта килувчи, гўё узаро қовушмаган (мунофират) товушлар. Қагта ва кичик *секунда*, *септима* ва *нона*, орттирилган *кварта* (учтонлик), кичрайтирилган *квинта* интерваллари *Д*. га киради. Қагта ва кичик учтовушликлардан бошқа ҳамма аккордлар ҳам *Д*.га киради. *Д*. ўткирлик, кескинлик, қайғу-уқубат ва бошқа шу каби ҳолатларни ифодалашда кучли қуролдирки, бу ҳайжонли ҳолатлар юқори нуқтага кутарилиб, сунг эмоционал охишта ва мулоийм товушларда очилиши, яъни *консонанс* (мулоиймат)га утиши билан тўла бир образ гавдалантирилади. *Д*. ни ўрниси, хаддан ташқари куп қўлланилиши формалистик муסיкага хос булган бемаъниликка олиб боради.

ДО — диатоник *до-мажор* товушқаторининг биринчи поғонаси. Асосий етти поғонали товушқаторда биринчи поғона.


ДО-БЕМОЛЬ МАЖОР — тоникаси *до-бемоль* булган мажор тоналлиги булиб, калит олдида етти бемоль келади; харфий курсатилиши *сес-диг* эшитилиши билан калит олдида бешта бемоль булган *си мажор*га тенг, яъни энгармоник тенг тоналликлардир (к. *Энгармонизм*).



ДО-ДИЕЗ МАЖОР — тоникаси *До-диез* булган мажор тоналлиги булиб, калит олдида етти диез белги и бор. Харфий курсатилиши *си — дир* Эшитилишига кура калит олдида бешта бемоль белгиси булган *Ре-бемоль мажор (d s-dur)* га энгармоник тенг тоналликдир (с. *Энгармонизм*).




ДО-ДИЕЗ МИНОР — тоникаси *до-диез* бўлган минор тоналлиги бўлиб, калит олдиди тўртта диез белгиси бор. Ҳарфий кўрсатилгани *cis-moll* бўлиб, *Ми-мажор* (*E-dur*) тоналлигига ёндошдир. Д. диез минорнинг асл (натурал), гармоник ва мелодик турлари бор. Агар асл Д. диез минорнинг VII погонаси ярим тон кўтарилса *гармоник*, агар VI ва VII погоналари кўтарилса *мелодик минор* тоналликлари ҳосил бўлади. Д. диез минорнинг номдош мажори *До-диез* мажордир.



ДОВУДИЙ, ДОВУДИЙ ОВОЗ (араб. ёқимли куй) — кучли ва ёқимли овоз маъносиди. Ривоятларга кўра, Довуд пайғамбар яхши машшоқ бўлган. Шу туфайли яхши хонадалар, (баъзан) созандалар маҳоратига баҳо берганда унга тенглаштирадилар.

ДОВУЛ — дойра шаклида, ҳар икки томонга тери қопланган қадимий ўзбек чолғу асбоби. Довулнинг гардишига ясалган дастани чап кўл билан ушлаб, таёқ билан уриб чалинади. Худди шу турдаги чолғу асбоби арманларда, *доол*, *дохол* деб аталади. к. *Дўл*


ДОЙРА (ўзб. дапп, чилдирма, чирманда) — ўзбек, тожик ва уйғур халқлари орасида кенг тарқалган, товуш баянлиги ноаниқ урма чолғу асбоб. Диаметри тахминан 400 мм бўлган, гардиши илгарилари узум зангидан қилинган; сўнгги вақтларда ёғочни эгиб ё кичик ёғоч бўлақларини бир-бирига улаб ясалади. Д. гардишига бузоқ ёки балик териси қопланади, қирқдан ортиқ ҳалқачалар тақилиб, булар Д.ни чалганда қўшимча садо беради. Д.




Дойра

да иккита асосий товуш бор. Биринчиси «бум» (Хоразмда «гуп»), иккинчиси баланд «бак» (Хоразмда «ток») деб юритилади. Кетма-кет келган иккита киска товуш «бакко» ёки «бакка» («так-так») ёки «бака» («така») деб юритилади. Д. кенг тарқалган чолғу асбоблардан бўлиб, унда турли ансамбль, оркестр ва яқка ҳолда ижро қилинади. Д. жўрлигидаги рақслар ўзбек ва тожик халқлари орасида жуда кенг тарқалган. Шашмақом дойра усулиси ижро қилинмайди. Бухорода ҳар бир мақом айтувчи хофиз, мақом усулларини Д. да усталик билан ўзлаштирган ва ўз ашулаларига жўр бўлган. Д. товушлари нотада пуфлама ва симфоник оркестрдаги урма чолғу асбоблариникидек бир чизикка ёзилади. Сўнги 60—70-йиллар орасида Д. усуллари этнограффольклористлар томонидан турли тартибда ёзилиб келинган. 1930-йиллардан бошлаб «бум» чизик остига, «бак» чизик устига ёзила бошланди. Шашмақомдаги ҳар бир куйнинг ўзига хос усули бор. Шунга қура, усуллар шу куй номи билан юритилади. Масалан, «усули Мухаммас» (Мухаммас усули), «Усули Талқин», «Усули Тасниф» ва б. Ансамблда халқ ашулаларига жўр бўлган «бумбакка-бумбак» усули нота бўйича қуйидагича ёзилади.

Дойра $\frac{2}{4}$




Кенг тарқалган «Гул уйин» рақси қуйидаги усуллар билан бошланади:




ДОЙРАЧИ — дойра чалувчи, ижро этувчи, Фарғонада чирмандачи, Бухорода доирадаст деб юритилади.

ДОИРА УСУЛ (ЗАРБ)ЛАРИ — хонанда, созанда, халқ чолғу асбоблари ёки рақсга жўр бўлиб, чалинадиган усул (зарб)лари. Улар турлича:

1. Рақс учун чалинадиган, бунда Д. усуллари анча мураккаб бўлиб, «якка қарс», «қуш қарс», «занг» ва шунга ўхшаш номларга эга. Булардан бир нечаси қушилиб, тўла бир рақс ўйини ҳосил бўлади. Кенг тарқалган рақс зарблари «Оқсатма», «Гул уйин», «Чор қарс» ва б. диг.




2. Халқ ашулаларига жўр бўлувчи Д. усуллари. Улар турлича бўлиб, айримларининг ўлчови бир турли бўлган ашулаларда қайтарилиши мумкин. Масалан:



3. Мақом йулларига жўр бўлувчи усуллар. Мақомларда бир турли ном билан аталадиган ҳамма куйларининг Д. усуллари бир хил. Масалан, олти мақомнинг ҳаммасида учраган «Тасниф»лар турлича куйда бўлса-да, деярли бир хил Д. усули билан ижро этилади.



Хамма «Насрулло»лар бир хил Д усулида ижро қилинади.



ДОИНА — молдаван ва румин халқ ашулаларининг кенг тарқалган тури. Бу ашулани чупонлар яратган. Одатда Д. икки қисмдан иборат бўлади. Биринчиси вазмин ва қайғули чупон ноласи. Иккинчиси — шод-хуррамлик ашуласи — рақс бўлиб, подаларнинг қайтиб келиши ифода қилинади. Кейинги даврларда Д. нинг мазмунини бирмунча кенгайтиди. Лирик, ишқий мавзулар қаторида эпик, қахрамонлик ва бошқа турдаги Д. лар пайдо бўлди.

ДОИРАДАСТ — к. *Дойричи*.

ДОЛ — икки томони тери билан қопланган донра шаклидаги ўзбек халқ урма чолғу асбоби. Эни тахминан 100 см булган бу гардншининг икки томонидаги терилар тасма билан тортиб боғланади. Илгарилари маҳалла коровуллари кечалари Д. чалиб, куча кезар эдилар. Шунингдек, хон саройидаги коровуллар алмашувида ҳам Д. чалганлар. Ҳозир Д. ишлатилмайди.


ДОЛИ — грузин, абхаз ва ажар халқларида урма чолғу асбоб. Кичик барабанчикига ўхшаб икки томонига тери қопланади,



Дол

уига нисбатан бир оз узунроқ. Д. бармоқлар билан, ё иккита кичик таёқча билан ҳар икки томонига уриб чалинади.

ДО МАЖОР — тоникаси *до* бўлган мажор тоналлиги. Қалит-олди белгиси йўқ. Ҳарфий курсаткичи — *C* — *dur* *До мажор* тоналлиги кетма-кет келган икки (I т., I т., 1/2 т. тартибида келган) тетракорднинг қўшилишидан тузилади. Д. мажор аккорди шу тоналликнинг I, III ва V погоналари товуши — яъни *до*, *ми*, *со*ль



ноталаридан тузиладики, бу биринчи поғона учтовушлиги деб аталади.


ДОМБУР монгол халқ чолғу асбоби, рус домрасининг бир тури.

ДОМИНАНТА (лот. *dominans* — ҳукмрон) — мажор ва минор ладларининг бешинчи поғонаси бўлиб, шу ладнинг бош поғоналаридан бири Д. топикадан квинта юқорида туради ва рим рақами V ёки латинча D ҳарфлари билан курсатилади. Шунингдек, мажор ва минор ладларининг бешинчи поғонасидан тузилган учтовушлик ҳам шу ном билан юритилади.


ДОМИНАНТАЛИ ҚАМАЙТИРИЛГАН СЕПТАККОРД — кичрайтирилган септаккорд, тузилишида доминанта функциясига кирувчи септаккорд. Ҳар бир гармоник мажор ва минор тоналликларидан биттадан кичрайтирилган доминанта септаккорди мавжуд бўлиб, бу VII поғонада тузилади.

ДОМИНАНТА ФУНКЦИЯСИ — мажор ва минор лад системасидаги доминанта уч товушлиги (V) ва доминантсептаккорд (V₇) функциясига кирувчи аккордлар. Бу аккордлар нотургун бўлиб, тоника учтовушлиги томон тортилади.


ДОМИНАНТСЕПТАККОРД — гармоник мажор ва минор тоналлигининг V поғонаси (доминантаси) дан тузилган септаккорд. Д. рим рақами V тагига 7 ёзиш билан (V₇) курсатилади. Д. ҳар доим тоника томон ечилишини талаб қилувчи аккорд, бунинг пайдо бўлиши тоналликни янада аниқлаб беради. Д. нинг тоника учтовушлигига ўтиши мажор-минор лад системасини тузишга асос бўлади ва унинг ечилиш номини олади.



ДО МИНОР — тоникаси До бўлган минор тоналлиги. Қалит олдида учта бемоль белгиси бор. Харфий — *c-mole* тарикасида курсатилади. Д. минорга тенгдош мажор — *Ми-бемоль мажор (Es-dur)* бўлиб, кичик терция оралигидадир. Д. минорга номдош мажор — *до мажордир*. Д. минорининг табий, гармоник ва мелодик турлари ҳам бор.



ДОМРА — торли тирнама рус халқ чолу асбоби Д уч булакдан иборат: коса (корпус), бўғиз (дастаси) ва бош қисми. Косага қопланадиган қопқоқ факаг арча дарахтидан тайёрланади. Қопқоғининг марказини қисмида товуш берувчи тешикчалар бўлади. Бу тешикчаларнинг ўнг томонида коса устига қаттиқ ёғочдан қилинган қобик қопланган. У қопқоқни тирнашидан сақлайди. Коса авраш (клен) ёки қайишдан тайёрланган егитга булак тахтачадан иборат. Д ни бўғизи ҳам қайишдан, дастаси каттик ёғочдан ясалади. Дастада ярим тон оралигида тузилган 18 та парда бор. 2, 5, 7, 10 ва 12 пардалар оралигида садаф тугмачалар ўрнаштирилади. Д. 16 асрда ҳам маълум бўлган. Илгарилари Д. нинг катта-кичик турлари бўлиб, улар домрушка, домра, домра-баснта номлари билан юритилган. 19-асрнинг охирида В. В. Андреев уч торли Д. ни қайта ишлаб, унинг катта-кичик турларини яратди ва буни рус халқ чолу асбоблари оркестрига кирит-



Домра

ди. Булар кичик Д, Д-пикколо, Д-альт, Д-тенор, Д-бас ва Д-контрабаслардир.

ДОМРА-АЛЪТ — торлари кичик октавадаги *ми*, *ля*, биринчи октавадаги *ре* га созланади. Овоз ҳажми кичик октавадаги *ми* дан иккинчи октавадаги *ля* га қадар. Ноталар скрипка калитида, эшитилишига кўра октава юқори ёзилади. Г. П. Любимов томонидан қайта ишланган тўрт торли Д. альт эса, квинта бўйича кичик октавадаги *до*, *соля* ва биринчи октавадаги *ре*, *ля* ларга созланади (худди скрипка тўдасидаги альтдагидек).


ДОМРА-БАС — ундаги учга тор катта октавадаги *ми*, *ля* ва кичик октавадаги *ре*га созланади. Овоз ҳажми катта октавадаги *ми* дан биринчи октавадаги *ля*га қадар. Ноталар бас калитида ёзилади. Г. П. Любимов қайта ишлаган тўрт торли Д. бас квинта бўйича худди скрипка тўдасидаги виолончелдек, катта октавадаги *до*, *соля*, кичик октавадаги *ре* ва *ля*га созланади.

ДОМРА-КОНТРАБАС — торлари контроктавадаги *ми* ва *ля*, катта октавадаги *ре*га созланади. Овоз ҳажми контроктавадаги *мидан* кичик октавадаги *соля*га қадар. Ноталар бас калитида, эшитилишига нисбатан октава юқори ёзилади. Г. П. Любимов қайта ишлаган тўрт торли Д.-контрабас торлари контроктавадаги *ми*, *ля*, катта октавадаги *ре*, *соля*ларга худди контрабасдек созланади.

ДОМРА-ПИККОЛО — биринчи октавадаги *си*, иккинчи октавадаги *ми* ва *ля*га созланади. Д.—пикколо уч торли домралар ичида энг юқори товуш, берувчи чолғу асбобдир: овоз ҳажми биринчи октавадаги *си* дан тўртинчи октавадаги *ми*га қадар. Ноталар скрипка калитида эшитилишига нисбатан октава пастда ёзилади. 20-аср бошларида Г. П. Любимов томонидан қайта ишланган тўрт торли Д.-пикколо квинта бўйича кичик октавадаги *до*, *соля* ва биринчи октавадаги *ре*, *ля*ларга созланади.

ДОМРА-ТЕНОР — торлари катта октавадаги *си*, кичик октавадаги *ми*, *ля*ларга созланади. Овоз ҳажми катта октавадаги *сидан* биринчи октавадаги *ми*га қадар. Ноталар скрипка калитида, эшитилишига нисбатан октава юқорида ёзилади. Г. П. Любимов томонидан қайта ишланган тўрт торли Д.-тенор квинта бўйича катта октавадаги *соля*, кичик октавадаги *ре*, *ля* ва биринчи октавадаги *ми*ларга созланади.

ДОРИЙ ЛАДИ —урта аср ладларидан бири. Дорий лади соф минор ладидан олтинчи поғонаси баланд бўлиши билан ажралади. Д. ладини ташкил қилган ҳар икки тетрахорд бир турлидир:



ДОРИЙ СЕКСТАСИ — 1. Соф минор ладининг олтинчи погонаси кутарилгани. 2. Дорий ладининг I—VI погоналаридан тузилган интервал.

ДОСТОН наسر ё назмий матнга асосланиб мусика билан айтиладиган поэма, эртак, тарих в. б. Бу достонларнинг куп қисмлари чолгу асбоб (дўмбира, дутор) жўрлигида маълум бир охангда айтиладики, бу *достон йули* деб юрнтилади.

ДОСТОНЧИ достон нўллارини ижро қилувчи бахши, шоир, жиров.


ДОСТОН ЙУЛИ — қ. *Достон*.

ДРАМАТИК МУСИҚА — 1. Драматик характердаги мусиқа. 2. Драматик кўринишлар билан боғланган мусиқа (опера ҳам шунга киради).

ДРАМАТИК СОПРАНО — хотин-қизларнинг ашулабоп драматик овози.

ДРАМАТИК ТЕНОР — эркакларнинг юкори овози. Операда ёркин драматик мазмундаги партияларни ижро қилиш учун энг қулай овоз.

ДРЫМБА — Украина ва Молдавияда қўлланиладиган тилли, тирнама чолгу асбоби. (Биздаги оғизда чалинадиган «чанг.») қ. Варган.




Дуадастанон

ДУАДАСТАНОН -- осетин халқининг торли тирнама, арфага ўхшаш чолгу асбоби.


ДУБЛЁР (фр. *doublur, doubler* — икки марта орттирмоқ) — спектаклда асосий ижрочининг ўрнига чиқувчи.

ДУБЛЬ-БЕКАР - қўш бекар. Дубль-диез ва дубль-бемольни бекор қилиш, яъни асосий товушни чалиш учун ишлатиладиган белги. Бу белги ҳозир ишлатилмайди. Дубль-бекарнинг вазифаси дубль-диезни бир бутун тон пасайтириб, дубль-бемольни бир бутун тон кўтариб асли ҳолга келтиришдир.


ДУБЛЬ-БЕМОЛЬ — қўш бемоль. Иккита ярим тон (бир бутун тон) пасайтиш белгиси. Бу белги пасайтирилиши лозим бўлган нотанинг чап томонига *bb* шаклида қўйилади, лекин ўқилганда дастлаб пасайиши лозим булган нота, сўнг белги ўқилади. Масалан: *ля-дубль-бемоль*, *си-дубль-бемоль* ва ҳ. к. Ҳарфий кўрсатилишида асосий харфга *eses* (эсэс) қўйилади. Масалан, *до-дубль-бемоль* — *ceses*. *ре-дубль-бемоль* — *deses* *соль-дубль-бемоль* — *gses*, ва. б. *Ми*, *ля*, ва *си* ноталарига дубль-бемоль қўйилганда бир оз ўзгаради. *Ми-дубль бемольни* — *eses*, *ля-дубль бемольни* — *ases* *си дубль бемольни* *bb* ёки *des* деб юритилади. Фортепианода *си-дубль-бемоль* учун — *ля*, *ля-дубль-бемоль* учун *соль*, *фа-дубль-бемоль* учун *ми-бемоль* клавишлари чалинади ва ҳ. к.



Нота йулида дубль-бемоль қўйидагича ёзилади:




ДУБЛЬ-ДИЕЗ — қўш диёз. Иккита ярим тон (бир бутун тон) юкори кутариши белгиси. Бу белги кўтарилиши лоним булган нотанинг чап томонига **x** шаклида қўйилади, лекин ўқилганда дастлаб нота, сўнг белги ўқилади. Масалан: *до дубль-диез, ре дубль-диез* ва б. Харфий курсатилишида асосий ҳарфга *isis* (исис)



қўшилади. Масалан: *до дубль-диезми — cisis, ре дубль-диезми — disis, фа-дубль-диезини — fisis* ва б. Фортепианода *до дубль-диез* учун — *ре, ре дубль-диез* учун — *ми, ми дубль-диез* учун — *фа* диёз клавишлари чалинади ва б.

Нота йўлида дубль-диез белгиси қуйидагича ёзилади:



ДУГОҲ, МАҚОМИ ДУГОҲ (ду — икки, гоҳ — ўрин, жой икки ўрин, икки парда) — *Шашмақомга* кирувчи мақомларнинг тўрттинчиси. Д. бошқа мақомлардек чолгу ва ашула қисмларга булинади, лекин улардан кўпроқ (40 дан ортиқ) куйларни ўз ичига олади. Унинг (мушклот) қисмига Тасниф, Пешрав, Гаржъ, Гардун,

Самовий, Мухаммаси Дугоҳ, Мухаммаси Чоргоҳ, Мухаммаси Ҳожи, Хужа, Мухаммаси Чор Сархона ва Сақили Ашқуллолар киради. Ашула (наси) қисмига Сарахбор (I—V тароналари билан), Талқини Чоргоҳ, Насри Чоргоҳ, Ораз, Ҳусайиний, Чоргоҳ, Савти, Муғулча, Сарахбори Оромижон Уфор ва б. киради. Д. шинг Хоразм вариантыда баъзи бир ўзгаришлар бор. Масалан, чолғу қисмида Таснифини — Мақоми Дугоҳ (Тани мақом) номи билан юритилади. Айрим қисмлар уринга Зарбулфатҳ, Пахта зарб ва Уфорлар киради. Ашула қисми Сарахбор номи билан аталиб, айрим булаклари уринга — Нақш, Баёғ, Суворалар киради.


ДУГОҲ ҲУСАЙИНИЙ — Тошкент, Фарғонада кенг тарқалган мақомсимон беш қисмли вокал (ашула) туркуми.

ДУДА — 1. Рус халқ пуфлама чолғу асбоби. Д. ни — дудка, сополь деб ҳам аташади. Бу чолғу асбоби худди биздаги найга ухшатилиб тешилган ёғоч найдан иборат бўлиб, товуши хуштак товушига ухшаш. 2. Волинканинг бошқача номи.

ДУДЕЛЗАК — Голландияда волника шу ном билан аталади.

ДУДҚА — 1. Флейта туридаги халқ чолғу асбобларининг ҳаммаси учун берилган ном. 2. Биздаги най шаклида бўлган белорус халқ чолғу асбоби. Д. ёғочдан (кунроқ зарангдан) ясалади. Умумий узунлиги 400—500 мм. Пуфлаб чалиш, тешикларни турлича очиб йўли билан икки ярим октава ҳажмдаги хроматик товушқатори олиш мумкин бўлса ҳам, тажрибада диатоник ҳолатда ишлатилади. Д. 1950 йил қанга ишланиб, клапанли механизм билан мукамаллаштирилди ва Беларус Давлат халқ чолғу асбоблари оркестрига киритилди.

ДУДУК, дудукки — қамишдан ясаладиган, гобой турига кирадиган кавказ халқларининг пуфлама чолғу асбоби. Узунлиги 300 мм бўлиб, бармоқлар босиб учун 9 та тешикчаси бор. Чали-



Дудук

надиган томонида кенг қилиб ишланган иккита тили бўлади. Одатда иккита дудукин ансамбль қилиб чалинади. Булардан бири асосий куйни ижро қилиб, иккинчиси донмий чўзилувчи товуш бериб туради (орган пункти). Бошқа чолғу асбобларга ҳам қўшиб чалинади. Грузин Давлат ашула ва рақс ансамблида Д. духовой чолғу асбобларининг бошловчися ролини ўйнайди. Д. нинг тембри юмшоқ, товушкатори диатоник тартибда, децима интервали хажмидадир. Тажрибали дудуқчи овоз хажмини бир оз кенгайтириш ва хроматик товушларни олиши мумкин.

ДУДЫ — чехларда волинка шу ном билан аталади.


ДУЗУЛУ — Хоразмда чолғу асбобларининг сози ё созланиши.

ДУНАСР — мақомларнинг бошланшидаги маълум бир қисмининг юқори пардаларда (авжда) қайтарилиши. Д. мақомларда октава маъносида кўлланилади.

ДУМА, думка — 1 Лирик, ғамгин характердаги ёки бирор қисса мазмунини айтиб берувчи украин халқ ашуласи. Д. тарихий воқеаларни ё халқ гурмушида учраган бирор муҳим ҳодисаларни ўз ичига олиши ҳам мумкин. Д. ни айтаётганда унга бандурада жўр бўлинади. 2. Украин ашулаларни характерда композиторлар томонидан яратилган чолғу ё вокал (ашула) асарн Масалан, П. И. Чайковскининг фортепиано учун ёзган «Думка»си, М. П. Мусоргскийнинг «Сорочин ярмаркаси» операсидаги Парася думкаси ва б.

ДУНСЯНО — пай шаклидаги қадимий хитой чолғу асбоби, қисқартириб *сяо* номи билан аталади.

ДУОДЕЦИМА (лот. *duodecima* — ўн иккинчи) — хажми ўн икки нотага ўз ичига олган интервал. Шунинг учун ҳам Д. 12 рақами билан кўрсатилади. Д. октавага квинта интервали қўшилишидан ҳосил бўлади. Д. соф, кичрайтирилган ва орттирилган бўлиши мумкин. Соф Д. — 9,5 тон, кичрайтирилгани — 9 тон ва орттирилгани 10 тон бўлади.



ДУОЛЬ (лот. *duo* — икки) — уч ҳиссали (3, 6, 9 ўлчовли) тактларда икки ҳиссали узунликлар тўдасининг келиши Шу тартибда келган икки ҳиссалликлар уч саноғи миқдорда ижро қилинади. Д. ни оддий узунликдаги ноталардан ажратishi учун ноталарнинг усти ё остига 2 рақами қўйилади. Масалан:



МУҚАДДАС ТУПРОҚ М. Карим шеъри
С. Жалил мусиқаси

Ызмин, улуғвор

сен бор сан ну рафшон бу зи мо ни

ДУПОЯ — ўзбек рақсларида кенг учрайдиган донра усули:



DUR — дур (лот. *durus* — дурус — қаттиқ) — мажор, мажор ладн.


ДУТОР (икки тор) — ўзбек, шунингдек, тожик, туркман ва уйғур халқлари уртасида кенг тарқалган торли тирнама чолғу асбоб. Д. икки қисмдан (даста ва косадан) иборат бўлиб, буларни бирлаштирувчи қисмини «бўғиз» деб аталади. Д. косаси уйма ё «қобирға»чаларнинг бирлашганидан қилиниши мумкин. «Уйма дитор» Самарқанд, Хоразм ва Туркمانистонда қўлланилиб, бир бўлак тут ёғочдан ўйиб ишланади. «Қобирға»ли Д. ҳам тут ёғочидан ишланиб, 8—10 бўлак юпка тахтачани эгиб бирлаштирилади. Коса устига ёпиштириладиган қопқоқ ҳам тут ёғочидан тайёрланади. Д. дастаси олма ёғочидан қилинади ва унга 13—14 ичак парда боғланади. Д. нинг умумий узунлиги 1200—1300 мм. Айрим жойларда 750—800 мм. Ипакдан қилинган икки тор *кварта* (ўрта парда сози), *квинта* (бош парда сози), *унисон* (қўш парда сози) ва *октаваларга* созланади. Булардан кўпроқ қўлланиладигани «Муножат» (квинта) ва «Тановар» (кварта) созларидир. Бу созлар аниқ бир баландликда бўлмай, ижрочи ва ашулачи хоҳиши бўйи-



Дуторлар

ча, турлича баландликда бўлиши мумкин. Д. ансамблда ва яқка соз сифатида қўлланилади. Овози паст, мантии бўлгани учун кўпроқ яқканавоз тарзида ижро қилинади. Шунинг учун ҳам махсус Д. куйлари бор («Роҳат», «Тўрғай», «Д. Баёти» ва б.). Ўзбек халқ чолғу асбобларидан Д. айниқса аёлларимиз орасида кенг тарқалган. Республикаимизда садафлар ва ўймакорлик билан чиройли дутор ясашда Уста Усмон Зуфаров машхурдир. Д. қаттадан ишланиб, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрига киритилган. Оркестрда Д. нинг аът, бас ва контрабас турлари қўлланилади.

МУШКИЛОТИ ЧОРГОҲ



ДУТОР-АЛЫТ — дуторнинг кичрайтирилган тури. Бунинг қопкоги тут урнига арча дарахтидан қилинади. Шпак торлар урнига ичак тор тортилади. Пардалар дастанни уйиб хроматик ҳолда доимий урнаштирилади. Торлар кварта бўйича биринчи октавадаги *ми* ва ляга соланади. Ноталар скрипка калитида, эшитилишига нисбатан октава юқорида ёзилади, ҳажми кичик октавадаги *ми* — *лядан* биринчи октавадаги *соль* ва иккинчи октавадаги *дога* қадар.

ДУТОР — БАС — дуторнинг катта қилиниб ишланган тури. Д. баснинг тўртта тури бўлиб, булар кварта бўйича тўртинчи тор катта октавадаги *до*, учинчи тор катта октавадаги *соль*, иккинчи тор кичик октавадаги *ля*ларга соланади; *ля* тури ичакдан қилинган бўлиб, қолганлари металлдандр. Ноталар эшитилиши бўйича, бас калитида ёзилади. Овоз ҳажми катта октавадаги *додан* биринчи октавадаги *сольга* қадар.

ДУТОР-КОНТРАБАС — дуторнинг жуда катта қилиниб ишланган тури. Д. контрабаснинг тўртта тури бўлиб, булар кварта бўйича; тўртинчи тор контр-октавадаги *ми*, учинчи тор контрактавадаги *ля*, иккинчи тор катта октавадаги *ре* ва биринчи тор катта октавадаги *соль*ларга соланади. Овоз ҳажми контроктавадаги *мидан* кичик октавадаги *ляга* қадар. Ноталар бас калитида, эшитилишига нисбатан октава юқорида ёзилади.

ДУТОР-ТЕНОР — халқ уртасида қўлланилиб келинган, лекин пардалари хроматик қилиниб, оркестрда қўлланиладиган дутор.

ДУТОРЧИ — дутор ижрочиси, созанда.

ДУХОВОЙ ОРКЕСТР — пуфлама ва урма чолғу асбобларидан тузилган оркестр. Д. оркестрга мис пуфлама чолғу асбобларидан — корнет, альт, тенор, баритон, бас, труба, валторна, тромбонлар; ёғоч пуфлама чолғу асбобларидан — кларнет, флейта (катта составда булар ёнига габой ва фагот қўшилади), урма чолғу асбобларидан — катта, кичик барабанлар, мис тарелкалар кирди. Д. оркестр товушлари баланд ва ўткир бўлгани учун кўпроқ очик ҳавода ижро қилинади.

ДУХОВОЙ (ПУФЛАМА) ЧОЛҒУ АСБОБЛАР — ёғоч ва металллардан ясалган пуфлама чолғу асбоблари. Уларда товуш турли узун-қисқа ва йўғон-ингичка трубалар ичидаги ҳавонини тулқинлатиш воситаси билан ҳосил қилинади. Д. Пуфлама чолғу асбоблардан чиқадиган товушларининг кучи, яъни регистри карнайнинг узун-қисқа ва кенг ё тор бўлишига боғлиқ. Агар карнай кенг (йўғон) бўлса, ҳаво тулқини сиёрак ва салмоқли бўлади, натижада


товуш паст эшитилади; тор (ингичка) бўлса, ундаги ҳаво тўлкини тез бўлади ва натижада товуш баянд эшитилади. Қарнайдаги ҳаво тўлкинларининг узгарishi, яъни турли баянликдаги товушларни ҳосил қилиш икки турли йўл билан бўлади: 1. Қарнайни каттик нуфлаш оркали оқорига гармоник товушларни ҳосил қилиш; 2. Қарнайдаги ҳаво йўлини чузини ё қисқартриш билан. Бунинг учун махсус асбоблар — клапан, вентиль, пистон ва б. лардан фойдаланилади. Д. нуфлама чолғу асбоблар — флейта, гобой, кларнет, фагот ва буларнинг катга-кичик турлари, иккинчиси — мис чолғу асбоблари валторна, труба, тромбон, туба, альт, тенор, баритон ва б. Д. нуфлама чолғу асбоблар кўпроқ симфоник ва духовой оркестрларда қўлланилади. Ўзбек халқ чолғу асбобларидан Д. нуфлама асбоблар тўдасига — карнай, сурнай, нап, қўшнай ва буламонлар киради. Қўшилми чолғу асбобларидан орган, гармонь, баян, аккордеон ҳам Д. нуфлама чолғу асбоблар қаторига киради.

ДУЧАВА — 1. Ўзбек рақсларида чалинадиган дойра усули.



2. Дорбозларнинг арқондан юқори кўтарилишида ижро қилинадиган куй (бу куй асосан сурнайда ижро қилиниб, бунга доира ва карнайлар жўр бўлади).

ДУ ЧАРХ — ўзбек рақсларида чалинадиган дойра усули.



ДУШКА — баъзи бир торли чолғу асбобларда резонанс (аксадо) вазифасини бажарувчи паст ва устки қонқоқлар уртасида куйилган қалтакча. Д. юқори қонқоқдаги тўлкини пастки қонқоққа утказади.

ДУЭТ (нем. *Duett* лот. *duo* — икки) 1. Икки ижрочидан тuzилган ансамбль. 2. Икки ижрочига мўлжаллаб яратилган мусиқа асари. Ижрочиларнинг ҳар бири узига хос алоҳида партияга эга бўлади. 3. Опера, оратория, мусиқали драмаларда қўлланиладиган вокал ансамбли. Д. асарнинг мусиқа драматургиясида муҳим роль уйнайди. Опереттада эса Д. ансамблини хореография элементлари билан боғлайди.

ДУЭТТИНО — кичик дуэт.

ДХОЛ — кичик погора шаклидаги арман халқ урма чолғу асбоби. Д. погорага исебатан бирмунча чузиноқ бўлиб, зурпага жүр бўлади. Хозирги кунда ишлатилмай қолиб кетган ўзбек халқ чолғу асбоби *дўл* билан Д. бир хил тузилишида.


ДЭФ, ДЯФ — Озарбайжон ва Арманистонда қўлланиладиган дойра.

ДЯНЬГУ — мембранали хитон урма чолғу асбоби. Биздаги довулни эслатади; ингичка узун таёқча билан уриб чалинади. Д. хуангу ва бикигу деб ҳам аталади.

ДУЛ — дойра шаклида бўлиб, икки томонига от териси қопланган урма чолғу асбоби. Гардинининг ичакдан қилинган кулогидан ушлаб, кичик таёқча билан уриб чалинади.

ДУМБИРА - 1. Торли тирнама ўзбек халқ чолғу асбоби. Дутор тузилишидаги Д. да илак ёки ичакдан қилинган иккита тор бўлиб, бу торлар кунрок кварта оралигида созилади. Д. дастасида боғланган ёки донми пардалар бўлмайди. Д. да бахшилар ўз дostonларига жүр бўлади-лар. Козоқ Д. си дастага боғланган пардалари билан ажралади. 2. Торли-тирнаб чалинадиган қозоқ халқ чолғу асбоби.

Домбыра номи билан бошқирд халқи уртасида ҳам кенг тарқалган. Д.нинг тузилиш шакли, узун дастаси, иккита тор тақилиши ва ишқоят, чалиниши билан ўзбек халқ чолғу асбобларидан дуторни эслагади. Д.нинг торлари дутордек, кварта, баъзан қвингага созилади, лекин созининг аниқ баландлиги ижрочининг созилишига боғлиқ бўлган. Икки турли Д. бор, бири — Ғарбий Қозоғистонда чалинадиган тури бўлиб, бунинг дастаси узун ва ингичка, дастага боғланган 12 та ичак пардаси бор. Иккинчиси — Шарқий Қозоғистонда чалинадиган тури. Бунинг дастаси калта ва йўғон; 7—9 пардаси бор. Ғарбий Қозоғистонда уч торли Д. ҳам қўлланилади. Бу Д. уч ва тўрт бурчакли



Думбира

шаклларда бўлади. Хар икки Д. нинг ҳам ижро қилиш техникаси мураккаб. 30-йилларда Д. қайта ишланиб, бунинг пикколо, **прима**, тенор, бас ва контрабас турлари ишлаб чиқилган. Пардалар хроматик қилиниб ишланган. 1934 йил ташкил қилинган Қўрмоғози номидаги Қозоғистон Давла: халқ қолғу асбоблари оркестрида Д. асосий ўрин эгаллайди.

Е

Е (лот э) - 1 Е — *ми* товушининг харфий курсаткичи. 2. Катта Е харфи *E — dur (Ми мажор)* тоналлигининг қисқартмаси. 3. Кичик *e* харфи *e-moll (ми-минор)* тоналлигининг қисқартмаси.

Е — DUR (Э — дур) — тоникаси *e (ми)* бўлган мажор тоналлиги, яъни *ми-мажор*.

EIS (эис) — *ми-диез*нинг харфий курсаткичи

Е — MOLL (э — молл) — тоникаси *e (ми)* бўлган минор тоналлиги, яъни *ми-минор*.

ЕНИЛ МУСИҚА — кенг омманинг тинглани ва осон тушуниб олиши учун қулай бўлган мусика. Е. мусиканинг асосий хусусияти мазмунан мураккаб бўлмаслиги, тез хотирада қолиши, кўйининг тушунарли бўлиши, мусиқа шакли оддий бўлишидир. Одатда Е. мусика хушчақчақ, шух бўлади. Унинг учун турли жанрдаги раке мусиқалари, раисодия, оперетта мавзуларидаги попури, фантазия, ҳазил эстрада ашулалари, романс ва ашулаларнинг айрим турлари характерлидир. Е. мусиканинг мумтоз намуналарини 19-асрда Н. Штраус, Ж. Оффенбах ва б. яратдилар. Жаз мусиқаси ҳам Е. мусикага киради.

ES (эс) — 1. *Ми-бемоль*нинг харфий курсаткичи. 2. Бош харф билан курсатилса *Es-dur (ми-бемоль мажор)* тоналлигининг қисқартмаси бўлади 3. Кичик *es* харфи *es-moll (ми-бемоль минор)* тоналлигининг қисқартмасидир.

ES-DUR (эс дур) — тоникаси *Es (ми-бемоль)* бўлган мажор тоналлиги, яъни *Ми-бемоль мажор*.

ES-MOLL (эс-моль) — тоникаси *Es (ми-бемоль)* бўлган минор тоналлиги, яъни *ми-бемоль мажор*

ESES (эсэс) — *ми-дубль бемоль*нинг харфий курсаткичи.

ЕТТИ ХИССАЛИ ТАКТ — улчов микдорн $7/4$ ёки $7/8$ бўлган такт. Бундай улчов Хоразм халқ ашулалари, шунингдек Тошкент, Фарғона ва Бухоро халқ ашулаларида учрайди.

ЕХУ — биздаги гижжак шаклида, торли камонча билан чали-


надиган хитон чолгу асбоби. Косаси учун кокос ёнгоқ палласи қўлланилади (кокос пальмаси Хитойда Ё. деб аталади.).

ҒИЛИШ — 1. Диссонанс товушларнинг консонанс товушларга ўтиши. 2. Потўргун лад погоналарининг тургун погоналарга ўтиши. Шунингдек, диссонанс аккордларининг консонанс аккордларга ўтиши.


Ё

ЕВВОНИ ЧОРГОХ — Тошкент, Фаргона хонандалари ижро қилган «Чоргоҳ»нинг чолгу асбобларисиз айтиладиган варианты бўлиб, бунда ҳар бир ижрочи узларича мелодик ўзгаришлар билан айтганлар. Мелодик ўзгариш асосан ашуланинг катта авж қисмида бўлиб, бунда хонанда ижрочилик маҳоратини намоён қилишга интилган (ашуланинг авж қисмини энг юқориги товушларда айтади, ашула ритмини бузилишига қарамай, узоқ муддат чўзиши ва х). Ҳозир бу тартибда ижро қилиш йўллари қўлланилмайди.


ЁН КАРС — узбек анъанавий рақсларида чалинадиган дойра усули:



ЁНДОШ (ПАРАЛЛЕЛЬ) ИНТЕРВАЛЛАР — бир турли кенгликдаги интерваллар бўлиб, бу товушларининг ёндош ҳаракатидан келиб чиқади.



ЁНДОШ (ПАРАЛЛЕЛЬ) ТОНАЛЛИКЛАР — мажор-минор лад системасида калитолди белгилари бир хил бўлган: бири мажор, иккинчиси минор тоналликлар. Оддий Ё. тоналликлар турдош товушга эга бўлиб, улар турли тоникада келадилар; бир-бирдан кичик терция оралигида ажраладилар. Булардан юқоригиси — мажор, пастгиси — минордир. Масалан, *до мажор* — *ля минор*, *фа мажор* — *ре минор*, *си-бемоль мажор* — *соль минор* ва б.



ЕНДОШ ОВОЗЛАР ОҲАНГДОШЛИГИ — бир гушли оралликдаги икки товушнинг паст ва юқорига баробар ҳаракати. Натижада, катор параллель интерваллар ҳосил бўлади.



ЕР-ЕР — ён йиғит уйланишида келин томон хотин-қизларни айтадиган ашула. Одатда қиз (келин)ни куёв уйига олиб келишда йулда ва куёв уйига етганда хотин-қизлар томонидан чилдирма журалигида айтылади.


ЕРДАМЧИ ПАРТИЯ — соната шакли экспозициясида бош партиядан сунг келадиган иккинчи партия — мавзу. Ё партия узга тоналликда ёзилди ва бу тоналлик мустақамланганлигидан сунг бошланади. Баъзан бош партиядинг тугалланишини ва Ё партиядинг бошланишини аниқлаш мумкин бўлмай қолади. Аксар вақт Ё партия бош партиёга нисбатан кўп ҳажмли ва аниқ кучли қадансда экспозицияни тугатади. Ё партиёда бир неча мавзу бўлиш ҳодисалари кўп учрайди. Репризада Ё партия асоси ёки унинг номдон тоналлигида қайтарилади.

ЕРДАМЧИ ПОГОНАЛАР — мажор ва минор ладларининг иккинчи, учинчи, олтинчи ва еттинчи (II, III, VI ва VII) погоналари бўлиб, гармоник тузиллиши бўйича асоси поғона (I, IV ва V) ларга нисбатан камроқ аҳамиятга эга.

ЕРДАМЧИ ТЕМА — соната шаклининг ёрдамчи партиёсида и таъсирли мавзу.

ЕРДАМЧИ ТОНАЛЛИК — асосий тоналликдан вақтинча бош-касига утилганда ҳосил бўлган тоналлик (к. *Оғишма*).

ЕРДАМЧИ УЧТОВУШЛИКЛАР — ладнинг ёндон II, III, VI ва VII погоналарида тузилган учтовушликлар.



ЁҒОЧ НАИ — к. *Най*.

ЁҒОЧ ПУФЛАМА ЧОЛҒУ АСБОБЛАР — симфоник ва б. оркестр таркибига кирадиган флейта, гобой, кларнет, фагот. Буларнинг гуруҳи симфоник оркестрда асосий тудалардан ҳисобланади, нотаси партитурада энг юқорида ёзилади. Бу чолғу асбоблардан флейта ва гобой камер ансамблларда, айниқса, кенг қўлланилади.

ЁҒОЧ УНИН — икки ёғочни бир-бирига уриб уйиш.

ЁҒОЧ КУБУЗ — қ. *Қумуз*.

Ж

ЖАВЗ — кокос ёнгогидан қилинадиган гижжак қутиси.

ЖАВЗНИИ — ун икки мақом шувбаларидан бирининг номи.

ЖАЗ (анг. *jazz* — джаз) — 19-аср охири 20-аср бошларида Америка Қўшма Штатларида пайдо бўлиб, тез вақт ичида бошқа давлатларга тарқалган мусика. Ж. га Америка негрлари мусиқасининг баъзи хусусиятларини, чуқуринчи: ритм, лад, чолғулаш, товуш чиқариши ва б. таъсир қилган.

Ж. мусиқасининг кўн тарқалган турлари: фокстрот, блюз, чарлстон, танго, румба, буги-вугилардир.

ЖАЗ-БАНД (анг. *jazz-band* жаз-оркестр) — жаз мусиқаларининг янро этувчи чолғу ансамбли ё оркестри. Ж. банд таркибига 4—6 саксафон, 2—4 труба, 2—3 тромбон, контрабас ёки труба, банжо, гавай гитараси, бир неча скрипка, фортепиано ва турлича уриб чалинадиган чолғу асбоблари кирди. Булар кенгайиши ё қисқариши мумкин. Ж. банд шундай оркестрни биринчи марта Америкада ташкил қилган ва унинг раҳбари булган негр Джазбо Броун юмига қўйилганлиги тахмин қилинади.

ЖАЛЕЙКА — найли рус пуфлама халқ чолғу асбоби. Ж. украин ва белорусларда ҳам тарқалган. Турли банд-наст товушларини олиш учун кичик ёғоч найда 3 дан 7 га қадар тешик-часи бор. Бир томонига ҳукиз шох шаклида қайин дарахти пустилогли урғилиб, иккинчи томонига чалиш учун камий найча уланади. Ж. нинг умумий узунлиги 140—200 мм, найчасининг диаметри 10 мм, дан ошмайди тешикли. Ж. нинг товуш қатори:




ЖУРНАВОЗЛИК 1. Ўзбек ижрочилигида бир саз(лар) билан бошқа саз(лар)га жур бўлиши; 2. Хоразмда мақомларнинг чертим йулларини танбур, гижжак, буламон ва доирада ижро қилиниши.

ЖУР ОВОЗ, ҚУШИМЧА ОВОЗ - хорда яккахон овозининг бошқа овозлар билан полифоник муносабатда бўлиши. Бир ёки бир неча Ж. овозлар мазкур қушимча овозларни давом эттириб, кенгайтириб мусиқа образини бойиғади.


3

ЗАКПФЕИФЕ - немислар *волинкани* шу ном билан аташади.
ЗАМЗАМА вокализация, ашуланинг сўзсиз ижро қилиниши.



Занг


ЗАНГ чармга урнаштирилган қўшироқлар. Ўзбекистон ва Тожикистонда уйинчи қўл ва оёқларига боғлаб уйнайди. «Занг» рақсидаги асосий доира зарби қўшидагича:



ЗАНГБОЗЛИК, ЗАНГБОЗИ (занг, қўшироқ, бозирақс) — яқка ё қўпчилик ҳолда ижро қилинадиган тожик хотин-қизлар рақси. Раққосалар қўл ва оёқларига кичик қўшироқчалар тақиб уйнайдилар. Рақсага асосан бир неча доира жур бўлади.

ЗАНГУЛА, МАҚОМИ ЗАНГУЛА (форс. қўшироқча) — 13—17-аср урталарида Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқла-

рида кенг таркалган ўн икки макомнинг саккизинчиси. Унинг товушкатори hozirgi транскрипцияда куйидагича бўлади:




ЗАРБ (урини) — торли чертма ё арма чолғу асбоблар (дўтор, танбур)да чалганда бармоқлар билан торларни чертиш ё дойран иурини

ЗАРБУЛ-ФАТҲ Хоразм макомларидан Дугохнинг чертма (чолғу) киемида Сақили Феруздан сунг ижро этиладиган кун.

ЗАТАКТ — *тактолди*, тўла бўлмаган бошланғич такт. Мусика асарининг бошланғичи гула бир такт ҳосил қилмаса 3. деб аталади. 3 да ноталар бир саноидан (кучли хиссадан) бошланмай, аксинча иккинчи ё учинчи саноқдан (кучсиз хиссадан) бошланади. 3. билан бошланадиган мусика асарининг тугаллаини ҳам тўла бўлмай, буларнинг ҳар иккиси, яъни тўла бўлмаган биринчи ва олирги такт йигиндиси тўла бир такт ҳосил қилини керак. Масалан:

ЗЕБО ПАРИ АШУЛАЛАРИДАН



ЗЕБО ПАРИ — Шашмакомнинг ашула қисмида келадиган катта авж бўлиб, намуд вазифасини бажаради. Шу авжин катта моҳирлик билан ижро этган ҳофиз ном билан аталган бўлиши мумкин.

ЗИДДИЯТ — аккордларни бир-бирига қушиида учрайдиган ҳодиса Икки қушин аккорднинг турли овозларида, бир турли поғона ҳар хил альтерация белгиси билан келиши. 3. да келган аккорд жуда уткир, кўпроқ нотўғри, кўпол эшитилади.




ЗИКР диний маросим. Э. Насом динига ҳок бўлиб, асосан масжидлар, шунингдек хотинларда қил мазордаги кишиларнинг ёйлашиб доира шаклида тек айланганидир. Буни «якка-хон» ҳофиз диний шеърларини муайян қўйилган овозда ижро этади, айрича кишилар эса айланиб «ё» олло. «ҳайё ҳув» ва бошқа шу каби сўзларда овоз чиқариб унга жўр буладилар!. Бундан маросим баъзан хотин-қизлар орасида ҳам учрайди.


ЗИНИШПИЛЬ (нем. *singspiel*, *singen* — ашула айтиш, уйнаш) — немис ва австрийе ҳажвий операси. Бунда сўз ашула ва раке билан алмашиниб келади. У 18-асрнинг ўртаси ва иккинчи ярмида кенг тарқалган.

ЗИР мусиқадаги балаид (нигичка) овоз. Чолғу торларининг товуш манбаи Э.нинг акси *бим*.

ЗИРАФҚАНД, **МАҚОМИ ЗИРАФҚАНД** — 13—17-аср урталарида Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган ун икки мақомнинг ун биринчиси ҳисобланиб, товушқатори ҳозирги нота ёзувида қуйидагича бўлади:



ЗИЧ ЖОЙЛАШИШ — турт овозли аккорднинг юқориги уч-овоз ораликлари октавадан охиқ булмаган вазияти, жойлашуви (бае ва ундан юқориги тенор овозлари оралиғи бундан мустаснодир).



1920 йиллар бошида Тошкентнинг «Оқмасжид» номли маҳалла масжидида жума кунлари, пенин намозидан сўнг зикр маросими булар эди. Хофизлар «Шаҳноз Гулёр», «Қуча боғи» каби йирик ашулалар қатори бошқа ашулаларни ҳам қўлларига патнис олиб чолғусиз ангар эдилар. Шунинг учун ҳам бу масжид «Зикр масжид» деб аталар эди. Ёшлар қатори мен ҳам мазкур маросимни масжид қарнисидаги томга чиқиб тамошо қилар эдим. II А.

ЗУРНА (сурнай сўзидан) — қамши тилча билан чалинадиган пуфлама чолғу асбоби. Озарбайжон, арман ва гуржи халқлари уртасида, Урта Осиёда эса ўзбек ва тожик халқлари, Хитой, Эрон ва бошқа Шарқ халқлари уртасида кенг тарқалган. Тузлиги шакли ва ижро этилиши бўйича ўзбек сурнайларидек 3. да одатдаги 8-9 тешикча бўлиб, буларнинг бири асосий тешикчаларга карама-қарши томонда бўлади. Қуiproқ халқ чолғу ансамбллада қўлланилади. Бунда уч ижрочи қатнашиб, булардан бири, яъни энг мохир ижрочи — уста асосий куйни чалади. Иккинчи ижрочи шу куй пардасидаги асосий поғона товушларини чушиб туради. Учинчи ижрочи уриб чалинадиган чолғу асбоб — *дохолда* шу куйга хос мураккаб турли усулларни ижро этади. Товуши баланд бўлгани учун 3. одатда очик ҳавода ижро этилади.

И

ИЖРОЧИ ашула аитувчи ёки бирор чолғу асбобида чалинадиган мусикачи. И. лар махсус ўқув юртларида (мусиқа билим юрти ва консерваторияларда) урта ва олий маълумот оладилар.

ИККИНЧИ ОВОЗ — 1. Куповозли мусиқа асарида юқориги иккинчи овоз. 2. Оркестр партитураларида бир хиллаги чолғу асбобларнинг иккинчиси. Одатда иккинчисига настки, унча мураккаб бўлмаган товушлар берилди. Партитурда И. овозни рақамча II рақами билан кўрсатилади.

ИККИНЧИ ОКТАВА — темпераня қилинган товуш катогорининг бир класми. И. октава ноталарига скрипка калитида, пога йулининг учинчи ва тўртинчи чизиклари орасидаги *до* дан юқориги биринчи қўшимча чизик устига ёзилган *сига* калар бўлган товушлар кирди. И. октава ноталари етти погонани кўрсатувчи лотвичи кичик харфлар устига қўйилган «2» рақами билан белгиланади (*c², d², e²* ва б.) Бу рақам уста-уст қилинган икки кичик чизиклар билан ҳам алмаштирилиши мумкин.



ИККИНЧИ СКРИПКАЛАР торли ва симфоник оркестрлардаги бир тўда скрипкачилар. Улар иккинчи товуш ёки биринчи асосий товушнинг янада кучайтириб бериш вазифасини бажарадилар. И. скрипка товушлари биринчи скрипка товушларининг босиб кетмаслиги учун уларнинг сони кам бўлади.

ИККИ ҚИСМЛИ ШАКЛ — мусиқа асарининг бир-бирига яқин икки мавзу материалдан тузилиши. Буларнинг ҳар бири бир даврий, яъни икки жумланинг бирга қўшилшидан иборат бўлади. И. қисмли шаклдаги 1, 2, ва 4-жумлалар мазмунан бир-бирига яқин, 3-чиси эса мавзу ва тошиқа жиҳатидан уларга карама-қарши ҳолатда бўлади; натижада И. қисмли шаклнинг иккинчи қисми келиб чиқадики, бу ўзининг тузилиши билан уч қисмли шаклга ухшаб кетади. И. қисмли шаклнинг биринчи қисми олдида бошланғич қисми, иккинчи қисми охирида — *кода* келиши мумкин.

ИЛМИ МУСИҚИЙ — ўтмиш Шарқда мусиқа тарихи назарияси ва эстетикасига оид фан, илм соҳаси.

ИМИТАЦИЯ (лот. *imitatio* — ухшатиш, эрташиш) — мусиқа асаридаги мавзу ёки унинг бир қисми чалинганидан сўнг, буни бошқа овозларда қайтарилиши. И. га *фуга* ва *полифония* шакллари асосланади; айниқса, *канон*да тартибли келади. И. дастлабки ё бошқа логона ва ритмда келиши мумкин. Унинг эркин ва аниқ турлари бор.

ИМПРОВИЗАЦИЯ (лот. *improvisus* — тусатдан, қутилмаган, тасодифий) — мусиқа асарининг бир нула ижод қилиниб, бадиҳа тарзида этилиши. И. концертларда ҳам бўлади, бундай ҳолда ижро эркин фантазия ёки берилган маълум бир мавзунинг турлича вариациялаш тарзида бўлиши мумкин. Композитор мусиқа образини яратиш асосида турлича мусиқа парчаларини тайёргарликсиз чалиб чиқади. Айрим ижрочилар узларининг концерт программаларига И. ни алоҳида номер қилиб ҳам киртадилар.

ИМПРОВИЗАЦИЯЧИ — олдиндан тайёргарчиликсиз мусиқа асари яратувчи — ижодкор, бадиҳа тарзида талқин этувчи — ижрочи.

ИНВЕНЦИЯ (лот. *inventio* — ўйлаб топиш, ижод этиш) — полифоник нъесага берилган ном. И. *прелюдия*, *фуга* турида бўлиб, эркин имитацияли тузилишда бўлади (буёқ немис композитори И. С. Бах клавиесни учун кўп миқдорда И. ёзган).


ИНГЛИЗ БУРҒУСИ — симфоник оркестр таркибига кирадиган ёғоч духовой чолғу асбоби. И. бурғуси — альта гобойи деб ҳам юриглади. Бунинг тузилиши худди гобойдек бўлиб, бир оз узунроқ. И. бурғусининг чаладиган қисми худди узбек сурнайидагидек бўлиб, бир оз эгилган бўлади. Овоз ҳажми бўйича кичик октавадаги *мидан* иккинчи октавадаги *си-бемольга* қадар. Ноталар скрипка калитида, эшитилишига нисбатан квинта юқорида ёзилади. Тембри гобойга нисбатан тўлароқ ва юмшоқ. Симфоник оркестр партитурасида И. Б. партияси ноталари гобойдан сўнг ёзилади. Одатда симфоник оркестрда битта И. бурғуси бўлади.

Инглиз бургуси


Р. М. Гленэр эса узининг «Фаргона байрами» номли увертюрасида 3, 4 гобойлар уринга иккита II. бургуси ишлатган. Баъзан со-
занда оркестрда гобой партияси ўринга II. бургуси ишлатади;

бундай ҳолда чолғу асбобини узгартишни *muta in suu* билан
курсатилади. Италияча II. бургуси *cornu inglese* (корно инглезе)
деб аталади.

ИНТЕРВАЛ (лот. *intervallum* — оралик, масофа) — аниқ ба-
ландликка эга булган икки товушнинг баландлик буйича оралиги.
II. товушлар бир нула эшитилса гармоник интервал, бирни кетин
эшитилса мелодик (куйсимон) интервал деб аталади. Асосий ин-
терваллар — *прима, секунда, терция, кварта, квинта, секста, сеп-
тима* ва *октавалардан* иборат.



Булардан ташқари таркибий интерваллар ҳам бор. Булар
октава орқали қушилган — *нона, децима, ундецима, дюдецима,
терцидецима, к्वартдецима* ва *квинтдецималардан* иборат:



II. лар тузилишларига кура *соф, кичик, катта, кичрайтирилган
орйтирилган*, икки марта орттирилган ва икки марта кичрайтирил-
ган булиб келади. Яна к. оддий II. лар гармоник II., мелодик
II., диатоник II. лар, хроматик II. лар., II. лар айланмаси, консонанс,
диссонанс.

ИНТЕРВАЛЛАР АЙЛАНИШИ — интерваллардаги товушлар-
дан бирини октава кутариш ё тушириш (айлантириш) натижа-
сида товушларнинг уз ўрнини узгартириши. Айланиш орқали юко-
риги товуш пастки, пастки товуш эса юқориги булиб қолади, катта
интервал — кичик, кичик интервал — каттага айланади. Орттирилган
интервал кичрайтирилган, кичрайтирилгани эса — ортирилганга
айланади (факат соф интервалларнинг айланиши софлигича қо-

лади). Оддий интервалларнинг айланшида фақат бир овоз октава кутарилади ё туширилади. Бу ҳолда асосий айланган интервалларни курсатувчи ракам ҳам доим тўққизга тенг бўлади. Масалан: прима (1) нинг айланшии октава (8) беради, секунда (2) нинг айланшии — септима (7), терция (3) — секста (6), кварта (4) — квинта (5), квинта (5) — кварта (4), секста (6) — терция (3), септима (7) — секунда (2), октава (8) — прима (1) лар беради:



Таркибий интервалларнинг айланшида ҳар икки овозни айлантириш лозим бўлади. Бу ҳолда асосий ва айлантирилган интервалларни курсатувчи ракам ҳар доим ўн олтига тенг бўлади. Масалан: нона (9) айланшии — септима (7) беради, децима (10) — секста (6) ва ҳ. к.

ИНТЕРВАЛ АСОСИ — интервалдаги пастки асосий товуш.

ИНТЕРВАЛЛАР КЕНГЛИГИ — интервалларнинг кенглиги энг пастки ва энг юқориги товушлар оралигида қолган ноғоналар сонига қараб белгиланади. Интервалларнинг кенглиги альтерация белгиларидан катъи назар аниқланади.

ИНТЕРЛЮДИЯ (лот. *inter* — ўртасида ва *ludus* — ўйин) — мусика асаридagi икки қисм оралигида келадиган кичик эпизод, яъни мусика нарчаси ёки кичик бир пьеса. И. куйрок опера, чолгу вариациялар оралигида келади.

ИНТЕРМЕДИЯ (лот. *intermedia* — ўртасида турувчи) — 1. Саҳна асарларида (опера, оперетталарда) парда оралиқларида чаллинадиган мусиқа.

2. Фугада навбатдаги мавзуга ўтишга тайёрловчи, боғловчи қисм.

ИНТЕРМЕЦЦО (лот. *intermezzo* — пауза, антракт) — эркин шаклда яратилган ва унча катта бўлмаган чолгу пьеса. Бу иб-

рани биринчи марга немис композитори Р. Шуман узининг фортепиано учун ёзган пьесаларида қўллаган. Рус композитори М. Мусоргский оркестр. учун И. яратган. Баъзан операда оркестр учун ёзилган аниқ эпизодлар ҳам шу ном билан юритилади.

«ИНТЕРНАЦИОНАЛ» (лот. *inter* — уртасида, *natio* — халқ. ниқилобнй гимн. «II». шеърини француз шoirи, Париж коммунари Эжен Погье (1816—1887) ёзган. Мусиқасини француз ишхиси Пьер Дегейтер (1848—1932) яратган. «II» биринчи марта 1888 йилининг июнь ойида Лилъ шаҳрининг ишчилар байрамида ижро қилинган Россияда эса 20-асрнинг бошларида айғилган.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ (лот. *interpretatio* — тушутириш, талқинлаш) — мусика асарининг ижодий ижро этилишидаги талқин. Мусика асарининг И. си ижрочи-созанда ёки хонанда (лар)нинг характер ва мазмунини баён қилишига боғлиқ.

ИНТОНАЦИЯ (лот. *intono* — қаттиқ айтаман) кенг маънода: бадний образин мусика товушлари билан тўғри ифода этиш. Тор маънода: 1. Мусиқа товушлари харакатида юкориги товушлар муносабати. 2. Мусиқадаги баланд-паст товушларнинг тўғри (аниқ) ижро қилиниши. Айниқса, ашула айтганда ёки пардасиз чолғу асбоблар (торли-камончали асбоблар) ижросида товушларни «соф» (аниқ) ё «пософ» (ноаниқ) эшитилиши. II. товуш баландлигини тўғри ё нотўғри ижро этилишини билдиради.


ИНТРОДУКЦИЯ (лот. *introduction* — муқаддима, дебоча) — I. Ириқ мусика асарлари, масалан, соната, симфония, увертюраларда мусикали кириш қисми. 2. Операда катта бир сачна ёки биринчи вокал ансамбли.

ИОНИЙ ЛАДИ — соф мажор товушкатори билан бир хилда булган лад.



ПРОК МАКОМИ, МАКОМИ ПРОҚ. I. Шашмақом таркибидagi макомларнинг олтинчиси. II. мақоми бошқа макомлардек, чолғу (мушқилот) ва ашула (наsr) қисмларига булган бир канча кўйлардан иборат. Прок макомнинг чолғу қисмига Тасниф, Таржив, Мухаммас, Сакил I—II ва Сақили Қалон қиради. Ашула қисмига Сарахбор (I—VI тароналари билан), Мухайяри Прок,

Чинбарни Прок ва Уфори киради. Хоразм вариантда чолгу қисмидаги Гасниф Мақоми Прок ёки Таин мақом деб аталади. Айрим қисмлари уринга Пешрав ва Уфор киради. 2. 13—17-аср урталарида Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган ўн икки мақомнинг туққизинчиси ҳисобланиб, товушқатори ҳозирги ўқилишида қуйидагича бўлади:



ИСЛАМЕН, ИСЛОМИЙ — тез суръатда ижро этиладиган кабардин ва адигей халқ рақси.

«ИСТ» — дойра усулларини чертилганда ораликда учрайдиган маълум миқдордаги тўхташ (пауза). Кўпроқ чорак пауза узунлигига тенг миқдорда саналади.

ИСФАҲОН, МАҚОМИ ИСФАХОН. 13-аср урталарида Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган ўн икки мақомнинг унничиси ҳисобланиб, товушқатори ҳозирги ўқилишида қуйидагича бўлади:



К

КАБАЛЕТТА (итал. *cabalare* — хаёл сурмоқ) — *ариозо* ёки *каватинанинг* унча катта бўлмаган тури. К. кўпроқ қаҳрамонлик характери билан ажралиб туради; ритмик тузилиши раван. У кўпроқ композитор Россия операларида учрайди.


КАВАЛ (Булгория, Албания, Молдова ва Туркияда шу ном билан аталадиган *флейта*) — пуфлама чолгу асбоби. К. биздаги най шаклида бўлиб, унда наст-баланд товушлар чиқариш учун еттига асосий тешикча бор. Сурнайдагидек, бир тешикча қарши томонда. К. нинг пуфлайдиган томони бир оз ингичкаланиб келади, узунлиги 500—900 мм. Одатда узун лажмадагиси уч қисмга бўлинади.

КАВАТИНА (итал. *cavatina*) — операнинг кичик бир арияси бўлиб, одатда лирик характерга эга. Ариядан оддий шакли ва ашула тузилишида бўлиши билан ажралади. К. мураккаб шаклда ҳам бўлиши мумкин. Унча катта бўлмаган чолгу пьесасини ҳам баъзан шу ном билан атайдилар.

КАДАНС. (фр. *cadence*, ита *cadenza* — тугаланиш, хотима) — к. *Каденция*.

КАДАНС КВАРТСЕКСТАККОРДИ — биринчи поғона кватр-секстаккорди булиб, $1/64$ тарзида ёзилди, каданснинг кучли ё исбатан кучли хиссасида келади. К. кватрсекстаккорди субдоминанта ва доминанта аккордлари оралигида келади ва охириги тугалланиш тонкасини бурттириб беради. Мажор-мишор лад системасида К. кватрсекстаккорди мухим гармоник воситадир.

КАДЕНЦИЯ (итал. *cadenza*, лот. *cad're* инглизчама, тугалланиш) — 1) Тартибли ҳолатда эшитилаётган мусиканинг тугалланган, бир мақсадга келиб тухтагани ёки мусика асарининг бутунлан тамом бўлгани булиб, бу бошқача *каданс* деб ҳам аталади. К. мусика асарини фақат тугалланганлигини аниқлаб қолмай, булакларга ҳам булади. Шунга кура каданслар: а) мукамал К., яъни аккордлар асосий ҳолатда ва биринчи поғона тоника учтовушлигининг мелодик ҳолатида тугалланиши; б) ном-камал К., яъни юқоридаги тартибларга тўғри келмайдиган ҳолатда тугаши; в) тўла К., яъни тоника учтовушлиги билан тугалланиши; г) ярим К., доминанта, баъзан субдоминанта аккордида тугалланиши; буланган К. тугалланишдаги доминанта функциясининг тоника учтовушлиги уринга бошқа бир аккорд билан, купрок олдинчи поғона учтовушлиги билан тугалланиши; д) автентик К., доминанта ва тоника функцияси билан битиши; е) плагал К. субдоминанта ва тоника функцияси билан тугаши; ё) мураккаб К. — субдоминанта, доминанта ва каданс кватрсекстаккорди билан тугалланиш ҳолатларида келади.



2. Виртуоз шаклида бўлган мусиқа асари одатда чолғу концертида бирор қисми ёки хотимасининг импровизация характерида тамом булиши. К. да ёлғиз бир чолғу асбоби фортепиано, скрипка ва б. ижро этиб, ҳеч қандай ансамбль ё оркестр жур бўлмайди; чолғучининг ижрочилик маҳорати мураккаб, қийин бўлган турли

аккорд ва пассажлар билан курсатилади. 19-асрнинг биринчи ярмига қадар К. ижрочи томонидан ижод қилинган.

КАДРИЛЬ (фр. *cuadrille*, исп. *cuadrilla* — тўрт кишилик туда) — Европа халқларининг кўп қисмида тарқалган рақс. Мусика улчови $2/4$ бўлиб, 5—6 хил ҳаракатлардан иборат. Бу ҳаракатларнинг ҳар бири ўз номига эга бўлиб, унга хос жўр бузувчи мусиқаси бор. 17-асрнинг охиридан 19-аср охирига қадар К. кенг тарқалган рақслардан бўлган. К. турли номлар билан рус, украин, белорус, литва, латви ва эстон халқларида тарқалган. Рус халқи уртасида К. нинг областлар буннча турли вариантлари ҳам бор.

КАКОФОННЯ (юн. *kakos* — бемаъни, бузук; *phono* — товуш) — мусиқада носозлик, қулоққа ёқмайдиган хунук, ёқимсиз товуш.

КАЛИТ — 1. Нота йўлининг бошига қўйиладиган махус белги бўлиб, товушнинг баландлиги ва номини аниқлаб беради. Чолғу асбобларидан чиқадиган товушлар турли баландликда бўлишига кура ҳар хил калитлар қўлланилади. Калитларнинг скрипка (ёки *соля* калити), бас (ёки *фа* калити), сопрано, меццо-сопрано, альт, тенор ва баритон турлари бор. Булардан кўпроқ қўлланиладиганлари скрипка, бас, альт ва тенор калитларидир.

Бу калитларда биринчи октавадаги *до* нотаси куйидагича ёзилади:



2. Фортепиано, арфа, чапг ва шу каби чолғу асбобларини созилашда «қулоқ» ни бурайдиган махус асбоб.

КАЛИТОЛДИ БЕЛГИЛАР — калитдан сўнг қўйиладиган альтерация белгилари. Калитдан сўнг қўйилган альтерация белгилари шу номда бўлган ҳамма октаваларга таъсир қилади. Масалан, калитдан сўнг *фа* диез қўйилган бўлса, ҳамма октавадаги *фа* товушлари ярим тон кўтарилиб келади. Агар мусиқа асаринда калитолди белгилари керак бўлмаса, с ўзгарса, *бекар* белгиси қўйилади.

КАЛИТОЛДИ БЕЛГИЛАРНИ УЗГАРТИШ — янги тоналликка кура калитолди белгиларини қўйиш ёки мавжуд белгиларни йўқотини (агар янги тоналликда бу белгилар учрамайдиган бўлса), сўнг керакли янги белгиларни ёзини. Калитолди белгиларини ўзгартини бир тоналликдан иккинчисига кўчиб (модуляция қилиб), янги тоналликда узоқ турилган тақдирдагина қўлланилади. Маса-

лаи. 1 Козловскийнинг «Улугбек» операсида Улугбек ариозасида Фа-минордан Фа-мажорга кичирилади, яъни калитолди тўрт бемоль уринга бир бемоль қолади.

КАМАЙТИРИЛГАН (КИЧРАЙТИРИЛГАН) ИНТЕРВАЛЛАР — погоналар сонини ўзгартмай туриб, кичик ва соф интервалларнинг ярим тон камайтирилгани. Масалан, кичик терция $1\frac{1}{2}$ тон, агар бу терциядан ярим тон олиб ташланса, камайтирилган терция бўлиб, бир тонга тенг бўлади:




Соф квинта уч ярим тон, агар бу квинтадан ярим тон олиб ташланса — уч тон бўлиб, камайтирилган квинта булади:




К. интервалларни қисқартиб, кам деб ёзилади. Октава оралигидаги К. соф ва кичик интервалларни (погоналар сонини ўзгартмай туриб) бир бутун тон камайтирилса — икки бор камайтирилган интервал булади. Масалан, агар соф квинтани ($3\frac{1}{2}$ тон) бир бутун тон камайтирилса, икки марта камайтирилган квинта бўлиб $2\frac{1}{2}$ тонга тенг булади.




КАМАЙТИРИЛГАН КВИНТА — уч тонга тенг бўлган 5 погонга оралиги уч ярим тонга тенг бўлса — соф квинта булади. Одатда камайтирилган квинта сўзи қисқартирилиб кам 5 тартибда ёзилади:



КАМАЙТИРИЛГАН СЕПТАККОРД — уч кичик терция ҳосил булган септаккорд. Бу септаккордда иккита камайтирилган квинта, битта камайтирилган септима учрайди. Камайтирилган септаккорднинг негизда камайтирилган учтовушлик булади (*ми-маоль-си-бемоль-ре-бемоль*). Камайтирилган септаккорд *и.ч⁷*. (*кам.⁷*) тарзида қуратилади.



КАМАЙТИРИЛГАН УЧТОВУШЛИК — терция бўйича келган учтовушлик (кичрайтирилган учтовушлик), оралиғи икки кичик терция (камайтирилган квинта)дан тuzилган учтовушлик.



«**КАМАРИНСКАЯ**» — тез суръатда хушчаққлик билан ижро этиладиган рус халқ рақси булиб, $\frac{2}{4}$ ўлчовида келади. Одатда. «К» бир неча марта турли вариацияларда қайтарилади. Буюк рус композитори М. И. Глинка «К» асосида симфоник оркестр учун «Камаринская» номли геннал йирик асар яратди. П. И. Чайковскийнинг фортепиано учун етган «Болалар альбоми»да шу ном билан аталувчи шёса бор.

КАМБИНАТА (итал. *combiare* — ўзгартириш, алмаштириш) — тактининг кучсиз ҳиссасида келувчи ёрдамчи (кумакчи) нота. Қ. ечилиши лозим булган янги аккорд тоғидан ҳар доим пастанини тартибида ҳаракат қилади. Аксинча юқорилашни камдан-кам учрайди.


КАМЕР МУСИҚА (итал. *camera* — уй, хона, палата) — оркестр ва хорлардан фарқ қилувчи кичик бир тудда ижрочилари учун яратилган чолғу ё вокал мусиқа. Қ. мусиқасига дуэт, трио,

квартет, шуниндек ёлғиз бир чолғу асбоби учун ёзилган кичик хажмдаги мусика пьесалари ҳам киради. Масалан, фортепиано, скрипка ва фортепиано ва бошқа бирор чолғу асбоби учун ёзилган соната, фуга, ноктюрналар. Вокал мусикаларидан романс ҳам К. мусикасига киради. К. мусикасини энг кўп ижро этувчи жамоатторли квартетдир.

КАМЕР КОНЦЕРТИ — камер мусиқа асарларидан тузилган концерт.

КАМЕР ОРКЕСТРИ — асосан, 17 -18- асрларда оркестр учун яратилган мусика асарларини ижро этувчи чолғу ансамбли. Композиторлар томонидан махсус шундай ансамбллар учун яратилган мусика асарлари бор. К. оркестри одатда 12–20 ижрочидан тузилади. Бунга камончали торли туда, шуфлама ёғоч чолғу асбобларидан флейта, гобой ва б. киради. Баъзан кадимки чолғу асбобларидан -клавесин, виола да гамба ҳам киритилади. Хтмишда К. оркестри дирижёрсиз ижро этилган: ижрочиларга биринчи скрипкачи раҳбарлик қилган. Хозирги К. оркестрларнинг аксарияти дирижёрга эга.


КАМЕРТОН (нем. *kammerton, kamme* — ун. хона ва тон -товуш) — музйян баландликка эга булган ва аниқ товуш берувчи кичик бир асбоб. К. ижрочилик амалиётида чолғу асбобларни созилаш учун ишлатилади. *A capella* ижрочилигида хор раҳбари асарнинг унчовушлигини К. ёрдамида аниқлаб, хордагиларга сепки эшиттиради, яъни хор овозини «созлайди».



Камертон

КАМОНЧА — гижжак, скрипка ва буларнинг турли шаклдан катта кичик хилларида товуш чиқариш воситаси (сепчюк). К. ёғочига от думининг қили тортилади ва бунга камифоль суртилади.

КАМОНЧАЛИ ТОРЛИ ЧОЛҒУ АСБОБЛАР — бунга скрипка, аялг, виолончель ва контрабаслар, турли халқларининг чолғу асбобларидан гижжак (Кавказда камонча), қубу, гулок, дига, сато ва б. киради. Торлари баланд созилидиган бошлаб саналади, яъни баланд товуш берувчиси — биринчи тор, ундан пастроги — иккинчи тор ва х. к.




Қанклес

КАНИТЕЛЬ — сирғалишнинг олдига олиш мақсадида чолғу асбобларнинг торлари, камоннинг пастки қисмига ураладиган сим.

КАНИФОЛЬ — мумга ухшаган сарғиш-қизил модда бўлиб, камонча қилларига суртिलाди.

КАНКЛЕС — *гуслига* ухшаш тирнаб чалинадиган литва халқ торли чолғу асбоби. К. да диатоник тарзда тортилган 5—12 тор бор. К. тизза ёки столга қўйиб чалинади. Унинг умумий узунлиги 800—900 мм. Қайта ишланган К. ларда 22 тага қадар тор бор. Торларни хроматик тартибда тез ва осонликча ўзгартиш учун махсус мослама урнатилган. Қайта ишланган К. нинг бас ва контрабас турлари ҳам мавжуд.

КАННЕЛЬ — тирнаб чалинадиган эстон халқ торли чолғу асбоби, *гуслига* ухшашдир. 7—9 та торни бор. К. ни тизза ёки столга қўйиб ижро қилинади. Умумий узунлиги 600—900 мм. Қайта иш-



Каннель

ланган К. да 30 га яқин тор бўлиб, булардан айримлари жуфт тақилади.

КАНОН (юн *kanon* — қонда, нусха) — 1. Бир куй бир неча овозда олдин-кетин қайтариладиган *кўповозли мусиқа*. К. даги куй бир овозда тугалланмасдан иккинчи овозда бошланади; иккинчи, учинчи овозларда куй деярли ҳеч қандай ўзгаришсиз қайтарилса-да, ритмик жиҳатдан баъзи бир ўзгаришлар билан ҳам келиши мумкин. К. нинг қўшканон тури ҳам бор. Бунда бир йўла турли овозларда иккита куй қайтарилади. К. *имитация*нинг бир тури. 2. Бармоқлар билан тирнаб чалинадиган арман халқ торли чолғу асбоби (яна к. *Қонун*).

КАНТ (лот. *cantus* — ашула, қушиқ) — 17—18-асрларда чолғу асбоблар жүрисиз ашулачилар ансамбли, хор ижро этган поляк, рус ва украин қушиқлари. Булар асосан уч овозли тузилишда куплет шаклида бўлган.

КАНТАБИЛЕ (итал. *cantabile* — ёқимли, *cantare* — ашула айтиш) *кўповозли мусикада* бир овознинг алоҳида бурттириб ижро қилиниши. Куй ёки мусиқа пьесасининг оҳангдор, мулоҳим характерда ижро этилиши. Баъзан чолғу пьесалар ёки унинг бирор қисми ҳам К. деб юритилади.

КАНТАТА (итал. *cantata, cantate* — ашула айтмоқ) — яқка хонадалар, хор ва оркестр учун ёзилган йирик вокал симфоник мусиқа жанри. К. ҳозирги турмушнинг муҳим воқеаларини ёки тарихий даврини хор, ария, ансамбль ва чолғу мусикаларида таъсирлаб беради. К. нинг ҳар бир қисми тугалланган био маънога эга. К. таитанали, лирик ва эпик характерда бўлади. Ўзбекистон композиторлари ҳам бу жанрда тарихий ва замонавий мавзуларда асарлар яратдилар. Композитор С. Юдаковнинг «Мирзачўл» номли қапгатасимон вокал-симфоник сюитаси (Ғафур Ғуллом шеъри) Давлат мукофотига сазовор бўлган. Сўнгги йилларда республика композиторлари замонавий мавзуларда қатор К. лар яратдилар. Рашид Хамроевнинг «Гулгун пойтахтим», Икром Акбаровнинг «Меннинг шаҳрим» ва бошқа К. лар шулар жумласидандир.

КАНТЕЛЕ — *сусли* шаклидаги торли тирнаб чалинадиган қарей халқ чолғу асбоби. К. яхлит ёғочдан уйиб ясалади. Илгарилар К. га диатоник тартибда бешта тор тақилган бўлса, ҳозир улар сонин 30 га яқинлашган. К. тизза ё столга қўйиб, яқка холда ашулачиларга жур бўлишда ва оркестрда чалинади. Кейинги йилларда бу чолғу асбоби қайта ишланиб, торлар хроматик тартибда 25 га гача кўпайтирилди ва турли қатта-кичик (пикколо, прима, альт, бас ва контрабас) турлари ишлаб чиқи. ди. Товуш ҳажми икки окта-

вага кадар кенгайтирилди. Катта-кичик К. лардан «Кантела» ансамбли тузилди.

КАНТИЛЕНА (итал. *cantilena* — оҳанг, ашула) — сероҳанг, завқли куй, мулоийм овоз.

CANTO (итал. канто) — 1. Ашула, накорат, ашулачи партияси. 2. Юқори овоз, сопрано, дискант.

КАНТУС ФИРМУС (лот. *cantus firmus* — мустаҳкам, узгармайдиган) — полифоник мусиқа асарларида бошловчи куй бўлиб, ҳеч қандай узгаринсиз турли контрапункт товушлар билан бир неча марта қайтарилади.

КАНЦОНА (итал. *canzone* — ашула) — 15--16-асрларда полифоник тузиллида бўлган куповоли ашула. 16-аср охириларида ричеркар ёки fuga типидagi кичик чолғу пьеса ҳам шу ном билан аталган. 19-20-асрлардан бошлаб «сузсиз қушиқ» даражасидаги куйини К. дейилган.

КАНЦОНЕТТА (итал. *canzonetta* — кичик ашула) — унча катта бўлмаган канцона.

КАПЕЛЛА (итал. *capella* — кичик бутхона) — профессионал хор жамоаси. К. симфоник, халқ чолғу асбоблари оркестри ёки елғиз фортепиано журлигида мусиқа асарларини ижро этади. Агар К. чолғу асбоблари журлигисиз хор асарларини ижро этса *a' kapelli* деб аталади. Ўзбекистон Давлат филармонияси қошида 1952 йили ташкил топган профессионал ўзбек хор К. си мавжуд. Баъзан чолғу ансамбли ҳам К. деб аталади (масалан, Украина давлат бандурачилар капелласи).

КАПЕЛЬМЕЙСТЕР (нем. *capellmeister* — капелла раҳбари) — оркестр ёки хор жамоаларининг раҳбари, дирижёри.

КАПРИЧЧО (итал. *capriccio* — каприз, ишқ) — ёқимли, уйноқли ва моҳирона ижро қилинадиган чолғу пьеса. Буюк рус композиторларидан П. И. Чайковскийнинг «Итальянча каприччио», Н. А. Римский — Корсаковнинг «Испанча каприччио» лари шу типдаги ажойиб асарлардандир. Композиторлар К. да кўпроқ халқ куйларидан фойдаланадилар.

КАРНАЙ — ўзбек пуфлама мусиқий асбоби



Карнай

булиб, мисдан ясалади; узунлиги икки метрдан ошқоқроқ. К. байрамларда, тантанали маросимларда сурнай, ногора (баъзан, дойра)га кушиб чалинади. К. да асосий товушдан юқори соф квинга ёки кичик септима интервали чалинади.

КАРНАЙЧИ — карнайда куй ижро қилувчи.


КАРТИНА (манзара, куруниш) — 1. Саҳна асарларида парда (акт)нинг бир киеми. К. маълум бир тугалликка эга булиб, илгариги ва сунги курунишларни ажратади. К. оралиқларида танаффусе (антракт) булмаи, қисқа бир муддатга парда ёпилади.

КАРТУЛИ — грузин халқ рақси. Узоқ вақтга қадар лезгинка (грузинча — *деқури*) деб аталган. Қарталиния ва Кахетия халқлари орасида юзга келган. Мусика улчови $\frac{6}{8}$. Одатда халқ чолгу асбобларидан тuzилган ансамбль (дудук, зурна ва дул) журлигида ижро қилинади. К. ни жуфт бўлиб уйналади.

CASSA (итал. касса) — *барабан*.

КАСТАНЬЕТАЛАР (исп. *castanetas*, лот. *castanea* — каштан дарахти) кичик ҳажмдаги урма чолгу асбоби булиб, икки уч дона ёғоч тахтачаларининг бирикмасидан иборат. К.нинг оркестрга қўшиб чалинадиган ва бармоқларга боғлаб чалинадиган турлари бўлади. Оркестрга кушиб чалинадиган турининг кичик дастачаси бор. Ёғоч тахтачаларини силкитиш орқали товуш чиқазилади. К. купроқ Испания, Жанубий Италия ва Американинг айрим жойларида таркалган. К. чалувчи ўз рақсига ўзи жур бўлади. Симфоник оркестрда К. испан ва неаполитан характеридаги рақс мусикаларини ижро қилишда қўлланилади.


КАТТА АВЖ — катта ашула ва мақомларда энг юқорини *кавж*. Бир неча хил авжлар булади. Булардан энг юқорини товушларда келадигани асарнинг К. авжи, деб аталади. Катта ашула ё мақом-



Қастаньета.лар

ларнинг асосий шўъбалари ижро этилганда К. авж қисми ашулачи ҳофизларнинг энг моҳирларига топширилади.

КАТТА АШУЛА — Фарғона водийсида, қисман Тошкентда ижро этиладиган ашуланинг бир тури. К. ашулага ҳеч қандай чолғу асбоби жур бўлмайди, ижрочи ҳофизнинг қўлида кичик бир патнис ёки ликочча бўлади. Патнис товунини маълум даражада баланд чиқаради, товунини бир томонга йуналтириши ва усулини йўқотмай, чертиб туриш учун хизмат қилади (шунинг учун К. ашула баъзан «патнис ашула» ҳам дейилади). К. ашула ажро этувчининг овози баланд ва нафаси кенг (узун) бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам бу ашулани кўпроқ профессионал ашулачилар ижро этишади. Одатда К. ашулани икки, баъзан уч-тўрт ашулачи одатда тик турган ҳолда ижро этади. Ашуланинг бошланғич қисмини биринчи ашулачи бошлайди, у тухтаб, иккинчи ашулачи давом эттиради. Ашуланинг авж қисмини эса учинчи ашулачи (агар икки киши бўлса — биринчиси) бошлайди. Ашуланинг авж қисмида ёки тушириш қисмида бошқа бир ашулачи унга ҳамроҳ бўлиб, тугалланиш қисмини ҳамма ашулачилар баробар айтиб тамомлайдилар. Кўпроқ речита-




тив ва декламацион характерда бўлган бу ашула жанрининг сўзлари тингловчига аниқ эшитилади. К. ашулада кўпроқ Навоий, Мўминий, Фуркат, Завқий, Хазиний ва Мискинларнинг лирик, ишқий ва диний шеърлари айtilган. Ижрочилар кўпроқ. «Бир келсин», «Кун эрди», «Аданганман», «Шафоат», «Нома ёзмадинг», «Бир келиб кетсин» каби К. ашулаларни жуда севиб айтадилар.

КАТТА БАРАБАН — қ. *Барабан*.

КАТТА КЛАРНЕТ — қ. *Кларнет*.

КАТТА ОКТАВА — температурали товушқаторнинг бир бутун қисми. К. октавадаги товушлар қўидаги ҳолатда кўрсатилади (belgilanadi). 1. Бас калитида пастки иккинчи қўшимча чизик-



даги *додан* нота чизигининг иккинчи чизигидаги *сига* кадар. 2. Лотинча бош ҳарфлар (С, D, E, F ва б.) билан.

КАТТА САМОЪ — ўзбек рақсларида чаллинаган дойра усулининг номи.

КАТТА СЕПТАККОРДЛАР — терция бўйича тузилиб, паст ва юқориги товушлар оралиги катта септима ҳосил қиладиган аккорд. К. септаккордлардаги интерваллар турли ҳолатларда келиши мумкин. Катта ортирилган катта мажор, катта минордек турлари бор. Булардан катта мажор септаккорди кўпроқ қўлланади. К септаккордлар бирмунча кескин эшитилади.

кат. ортл. септаккорд	кат. маж. септаккорд	кат. мин. септаккорд
		
ув. 7	6 маж. 7	6 мин. 7

КАТТА СИМФОНИК ОРКЕСТР — икки-учтадан ёнч инфляма (флейта, гобой, кларнет, фаготлар ва буларнинг турлари), тургта валторна, икки-уч труба, уч тромбон, туба, литавралар ва б. турлича урилиб чаллинадиган асбоблар ва нилоят, камонча билан чаллинадиган асбоблар (14—18 та биринчи скрипка, 12—16 та иккинчи скрипка, 10—14 та альт, 8—12 та виолончель, 6—10 та контрабаслар) дан тузилган ва энг кўп қўлланиладиган симфоник оркестр тури. Булардан ташқари, арфа, фортепиано ва бошқа чолгу асбоблари ҳам оркестр таркибига киритилади. К. симфоник оркестр 19-аср урталарида шаклланган.

КАТТА ФЛЕЙТА — к. *Флейта*.

КАТТА УЧТОВУШЛИК — энг яқин ораликда (терция бўйича келган ҳолатда) пастдан катта, сўнг кичик терция ҳосил қилган учтовушлик. Бу терциялар йиғиндиси соф квингани ташкил қиладди. Катта учтовушликни — мажор учтовушлиги деб ҳам аталади.

КАТТА УНИН — дойра, ногоралар (баъзан сурнай) журлигида ижро этиладиган ўзбек рақсларидан булиб, тузилиши сикта шаклида.

КАЯГЫМ — *гуслиевмон* тирнаб чаллинадиган кўп турли корейс халқ чолгу асбоби. К. да ҳар бир тор учун алоҳида харак урнатилади. Бу хараклар товушни узгартиш учун сурлиши мумкин. К.

да утириб ижро қилинади. Ўзига хос овоз тўлқинлари ҳосил қилиш учун чап қўл бармоқлари билан харак устидаги тор босилади. К. турлича катта-кичикликда бўлиб, катта К. *номунго* деб аталади. Республикамизда «К» номли корейс халқ ашула ва рақ ансамбли мавжуд.

КВАРТА (лот. *quarta* — тўртинчи) — тўрт ноғона оралиғидаги интервал. К. 4 рақами билан курсатилади. К. нинг соф, камай-тирилган, орттирилган ва икки марта орттирилган турлари бор.



КВАРТА ДОИРАСИ — калитолди белгилари 1 дан 12 бемольга қадар купайиб борувчи 12 та бемоль тоналликлари. К. доирасида калитолди белгилари доиранинг чап томон ҳаракатига кўра биттадан ортиб боради (C—F—B—ES ва б.) Охириги Deses тоналлиги C—dur тоналлигига энгармоник тенг. К. доираси хроматик товушқаторидаги 12 товушининг ҳар бирдан тузилган бемоль тоналликларидан иборат.

ХРОМАТИК ТОВУШ ҚАТОРИДА БЕМОЛЬ ТОНАЛЛИКЛАРИНИНГ ТАРТИБИ
БИЛАН КЕЛИШИ

C Deses	Des	Eses	Es	Fes	F	Ges	Ases	As	Bb	B	Ces
a ⁰ = 12 ⁰	5 ⁰	10 ^b	3 ^b	8 ⁰	1 ⁰	6 ²	11 ²	4 ²	9 ²	2 ²	7 ^b

КВАРТА-КВИНТА ДОИРАСИ — энгармоник бир-бирига тенг кварта-квинта доирасининг қўшилиши. К-квинта доирасининг кўрсаткич белгилари 12 жуфт энгармоник тенг диез ва бемоль тоналликларини ўз ичига олиб, булар доирада ўнг томон боришда (соат милнининг юриш томонига) диезлар ортиб боради. Тескарсига, яъни чап томон боришда бемоллар ортиб боради. Натижада хроматик товушқаторидаги 12 та товушининг ҳар бирдан иккитадан бир-бирига тенг (бири диезли, иккинчиси бемолли) энгармоник тоналликлар ҳосил бўлади. Ҳар бир энгармоник тенг тоналликлардаги альтерация белгилари (диез ва бемоль)нинг умумий йиғиндиси 12 та тенг. Масалан: H—dur (5 та диез) ва Ges—dur (7 та бемоль), fis—dur (6 та диез) ва Ges—dur (6 та бемоль) ва б.


КВАРТДЕЦИМА (лот. *quarta—decima* — ун тўртинчи) — ўн тўрт ноғонадан тузилган интервал. К. 14 рақами билан кўрсатилади. К. октава (8) га септима (7) нинг қўшилишидан тузилади. К. ни кичик ва катта турлари бўлади.

ХРОМАТИК ТАРТИБДА КЕЛГАН
ДИЕЗ ВА БЕМОЛЬ ТОНАЛЛИКЛАРИ

C	0 [#]	Deses	12 ^b	12 белги
Cis	2 [#]	Des	5 ^b	"
D	2 [#]	Eses	10 [#]	"
Dis	9 [#]	Es	3 ^b	"
E	4 [#]	Fes	8 ^b	"
Eis	11 [#]	F	1 ^b	"
Fis	6 [#]	Ges	6 ^b	"
G	1 [#]	Ases	11 ^b	"
Gis	8 [#]	As	4 ^b	"
A	3 [#]	Bb	9 ^b	"
Ais	10 [#]	B	2 ^b	"
H	5 [#]	Ces	7 ^b	"
His	12 [#]	C	0 ^b	"

КВАРТЕТ — 1. Тўрт кишилик вокал ёки чолгу ансамбли. Қ. турлича бўлиши мумкин: икки скрипка, бир альт ва бир виолончелдан тузилса — *торли кватрет*; флейта, гобой, кларнет ва фаготлардан тузилса — *ёғоч асбоблар Қ.* н бўлади. Вокал Қ. — сопрано, альт, тенор ва бас овозларидан иборат бўлиб, аралаш Қ. деб аталади. Икки тенор, баритон ва бас овозларидан тузилса — эркаклар Қ. н дейилади. Икки сопрано, меццо-сопрано ва контральто овозларидан тузилса — хотин-қизлар Қ. н бўлади. Бу Қ. лар ичида энг кўп тарқалган ва мусиқа адабиётида энг бойи торли Қ. дир. 2. Тўрт созанданинг ижро этини ё тўрт ашулачининг айгиши учун яратилган мусиқа асари. Бу шаклда торли Қ. учун композиторлардан Моцарт, Бетховен, Шуман, Григ, Чайковский, Бородин, Танеев, Глазунов, Глиэр, Шостаковичлар бир қанча асарлар яратдилар. Торли Қ. асарлари соната шаклида ёзилди. Республикамиз композиторларидан В. Мейен, Икром Акбаров, Д. Зокиров, С. Юдаков, А. Берлин, Б. Гненко, Д. Соатқулов ва б. торли Қ. учун бир қанча мусиқа асарлари яратдилар.

КВАРТОЛЬ (лот. *quartus* — тўртинчи) — тактадаги кетма-кет келган туртта нимчорак ё ўн олтиталикни одатдаги уч нотага теши келиши, Қ. курсивда ёзилган 4 рақами билан курсатилади.



КВАРТСЕКСТАККОРД — квинта тони пастда келган учтовушлик, яъни учтовушликнинг иккинчи айланмаси. Қ. 6_4 рақамлари билан белгилади. Масалан, *до-ми-соль* учтовушлигида *до* — асосий тон, *ми* — терция тони, *соль* — квинта тони:




терц. тони (3)

асосий тон (1)

квинта тони (5)

Бу ҳолатдаги учтовушликни унинг асосий ҳолати дейилади. Агар булардан *соль* нотаси (квинта тони) басда келса Қ. бўлади. Қ. турли ҳолатда келиши мумкин, лекин басда ҳар доим квинта тони




бўлиши шарт. К ни ҳамма поғона учтовушликларидан тузини мумкин.

КВИНТА (лот. *quinta* — бешинчи) — беш поғона кенглигидаги оралиқ бўлиб, 5 раками билан курсатилади. К. нинг соф, кўпайтирилган ва камайтирилган турлари бор.



КВИНТЕЦИМА (лот. *quinta-dicima* — ўн бешинчи) — ук беш поғона кенглигидаги оралиқ бўлиб, 15 раками билан курсатилади. К. икки октаванинг қўшилшидан тузилади ва соф ҳолда 12 тон булади.



КВИНТЕТ (итал. *quintetto*, лот. *quintus* — бешинчи) — ижроидан тузилган ансамбль. Торли кватретга кларнет қўшилса бу туда квинтетга айланади. Агар торли кватретга фортепиано қўшилса, бу фортепианоли К. деб аталади. Шунингдек, вокал К. ҳам бўлади. 2. Беш ижрочи учун ёзилган вокал ёки чолғу мусиқа асари.

КВИНТА ДОИРАСИ — калитолди белгилари 1 дан 12 диезга қадар ортиб борувчи 12 та диез тоналликлари. К. доирасида калитолди белгилари доиранинг ўнг томон (соат миллининг харакати бўйича) ортиб боради (С—W—D—A—E ва б.). Охириги *his* то-

наллиги *c-dur* тоналлигига энгармоник тенг. К д. си хроматик товушқаторнинг 12 товушининг ҳар биридан тузилган диез тоналликларидан иборат.


ХРОМАТИК ТОВУШҚАТОРИДА
ДИЕЗ ТОНАЛЛИКЛАРИНИНГ ТАРТИБИ БИЛАН КЕЛИШИ

B \flat = C	C \sharp	D	D \sharp	E	E \sharp	F \flat	G \flat	G \sharp	A	A \sharp	H
1 \sharp = 0 \sharp	2 \sharp	3 \sharp	4 \sharp	5 \sharp	6 \sharp	7 \sharp	8 \sharp	9 \sharp	10 \sharp	11 \sharp	12 \sharp


КВИНТА ТОНИ — аккорд (учтовушлик ва септаккорд) лардаги квинта тони. Аккорднинг терция бўйича тақсим қилинганида биринчи товуш — асосий тон, иккинчи товуш — терция тони ва учинчи товуш — К. тони бўлади.



КВИНТОЛЬ (лот. *quintus* — бешинчи) — бир текис келган нимчорак ё ўн олтилик бешта нотанинг одатдаги тўртта ногага тенг бўлиши. К. курсив билан ёзилган 5 рақами билан кўрсатилади.



КВИНТЕСКТАККОРД — септаккорднинг биринчи айланмаси, яъни терция тони басда келган секстаккорд. К. $\frac{6}{5}$ рақамлари билан кўрсатилади.



КЕМАНЧА — қ. *Камонча*.

КЕНГ ЖОЙЛАНИШ — туртовозли аккордлар жойлашганда иккинчи ва туртинчи овозлар оралиги октавадан ортик бўлган жойланиш. Биринчи (энг пастки — бас) ва иккинчи овозлар оралиги бундан мустасно.



КЕНГ МЕНЗУРАЛИ ПУФЛАМА ЧОЛГУ АСБОБЛАР — карнайи аста-секин кенгайиб борувчи хроматик тузилишдаги мис пуфлама чолгу асбоблар. Турли товушлар олиш учун уларга вентиль уриштирилган. Бу тўдага альт, тенор, баритон ва баслар кирди. Улар духовон оркестрининг асосини ташкил этади. Россияда биринчи марта Ҳарбий оркестрида (1826 йил), чет давлатларда эса, шундан чорак аср кенни қўлланила бошланди. Мис пуфлама чолгу асбоби туба ҳам шу тўдага кирди.

КЭС. кьос (кўс) — катта ногора шаклидаги уриб чалинадиган озарбайжон халқ чолгу асбоби; гардишининг ҳар икки томонига эчки териси қопланган; учи қайрилган чуп билан уриб чалинади; сурнай билан қўшилиб, ўзига хос чолгу ансамбли ташкил қилади. Қ Озарбайжонда кичик ногора, Арманистонда гос деб урилади.

КЕЛСЕ гусли шаклидаги тирнаб чалинадиган чуваш халқ торли чолгу асбоби. К. нинг корнуси ёғочдан ясалиб, унга 34 га қадар ичак торлар тортилади.

КИНОФИЛЬМ МУСИҚАСИ — кинофильмларда эшитиладиган чолгу ва вокал мусиқа. Дастлабки даврларда (20-йилларда) экранда куйилаётган кинога фортепиано, ансамбль ёки кичик оркестр жўр бўлиб турган. Кинодаги воқеанинг боришига қараб мусиқа характери ҳам узгарган. Овозли кинонинг яратилиши билан (1932) мусиқа товушлари ҳам махсус киноленталарга олина бошланди. Шу даврдан бошлаб мусиқа кинода муҳим урин эгаллади. Атоқли рус композитори Д. Д. Шостаковичнинг «Учрашув» (1932) кинофиль-

мига ёзган шу номли кўшиги лейтмотив вазифасини бажарган. И. Дунаевскийнинг «Цирк» кинофильмига ёзган мусиқаси (1936) даги «Ватан ҳақида кўшиги» халқимизнинг сеvimли асарларидан бўлиб қолди. Мусиқа кинофильмдаги воқеани бурттириб, бадийлаштириб беришда муҳим вазифани бажаради. К. мусиқасида композиторлар халқ мусиқасидан ҳам фойдаланадилар. Фильмга ашула ва хорлардан ташқари, якка чолғу асбоблар, ансамбль, халқ чолғу асбоблари оркестрлари ва симфоник оркестрлардан фойдаланилади. Мусиқали кинофильмларда, мусиқали кинокомедияда, тарихий-биографик мусиқа фильмларда (композитор, дирижёр, ашулалар ҳаётидан олинган фильмларда), кино-концерт, кино-опера, хореографик киноларда мусиқа асосий урнида туради. Айрим композиторлар кинофильмлар учун яратган мусиқалари асосида сюита ва кантаталар яратдилар. Масалан, атоқли рус композиторларидан С. Прокофьев «Александр Невский» номли кинофильм учун яратган мусиқаси асосида кантата, А. Хачатурян ва бошқа бир қанча композиторлар кинофильмлар учун ёзган мусиқалари асосида симфоник сюиталар яратдилар. Кинофильмлар учун ёзган ашула, марш, увертюралар концерт репертуарларидан жой олди.

20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларида «Ўзбекфильм» киностудияси томонидан ишлаб чиқилган «Равот қашқирлари», «Иккинчи хотин» кинофильмлари учун В. А. Успенский махсус мусиқа ёзган эди. 50-йиллардан кейин яратилган «Ўзбекфильм» махсусотида ўзбек композиторлари (М. Бурҳонов, Ик. Акбаров, С. Юдаков, М. Левнев, Д. Зокиров ва б.) ижоди салмоқлидир. «Иби Сино», «Мафтунингман», «Ҳамза», «Навой», «Фурқат» каби фильмлар учун ёзилган ашулалар ва айрим куйлар ижроичилар репертуаридан муносиб жой олди. М. Бурҳонов, Ик. Акбаров, С. Юдаковлар ҳам кино учун ёзган мусиқалари асосида сюиталар яратдилар. Сунгги йилларда композиторларимиздан Р. Вильданов, Ф. Янов-Яновский, М. Маҳмудов, Н. Зокиров, С. Жалил, Э. Қаландаров ва б. лар бадий фильм, мультфильм ва телефильмлар учун мусиқалар яратдилар.

КИЧИК БОШЛОВЧИ СЕПТАККОРД — мажор-минор лади системасидаги II ва VII поғона септаккордлари. Ўз тузилишида ярим кичрайтирилган септаккордларга эга бўлса К. бошловчи септаккорд деб аталади.

КИЧИК ДОМРА — рус халқининг торли тирнама чолғу асбоби домранинг В. В. Андреев томонидан қайта ишланган тури. Унда учта тор бўлиб, биринчи октавадаги *ми*, *ля*, ва иккинчи октавадаги *ми* дан учинчи октавадаги *ля* га қадар. Ноталар скрипка калитида ёзилади.

КИЧИК КЛАРНЕТ, кларнет нинкколо - кагга кларнет шаклида ва тузилишида бўлиб, фақат унинг кичрайтирилган тури. Шунинг учун ҳам юқори регистрда товуш беради К кларнет транспозицияланувчи чолгу асбоблари туридан бўлиб, *ми-бемоль (in Es)* созидагиси қўлланилади; товуши нотада ёзилганига нисбатан бир ярим тон (кичик терция) юқори эшитилади; овоз ҳамми уч октавадан кўпроқ бўлиб, эшитилиши буйича кичик октавадаги *соль* дан учинчи октавадаги *си* га қадар, тембри ўткир ва чиқироқдир. Симфоник оркестр партитурасида ноталари кларнет партниси (ноталари) устига ёзилади. Илгарилари К. кларнетнинг *ре* созидагиси (*in D*) ҳам қўлланилган.

КИЧИК МАЖОР СЕПТАККОРДИ — қ. *Кичик септаккорд*.

КИЧИК НАЙ — найнинг энг юқори товушлар берадиган тури. Ово: ҳамми иккинчи октавадаги *ре*дан тургинчи октавадаги *соль* га қадар; ноталари скрипка калитида, эшитилишига нисбатан октава пастда ёзилади

КИЧИК НОГОРА — қ. *Барабан Ногора*.

КИЧИК ОКТАВА — темперацияланган товуш қаторининг бир қисми; ноталари бас калитида нота йўлининг икки ва учинчи чизиклари оралигидаги *до* дан бешинчи чизик устидан *си* гача бўлган ораликда, шунингдек, альт, тенор ва скрипка калитларида ҳам ёзилади.



КИЧИК ОКТАВА

К. октава ноталари латинча кичик ҳарфлар билан ҳам кўрсатилади (*c, d, e, f, g, a, h*).

КИЧИК СЕПТАККОРДЛАР — терциялар буйича тузилган септаккорднинг умумий оралиги кичик септима ҳосил қилса кичик септаккорд булади. К. септаккорднинг қуйидаги турлари бор: 1) кичик мажор ёки доминантсептаккорд (асосий мажор учтовушлиги ва кичик септима); 2) кичик минорд ёки оддий кичик септаккорд (асосида минорд учтовушлиги ва кичик септима); 3) ярим кичрайтирилган септаккорд (кичрайтирилган учтовушлик ва кичик септима). Бу септаккордлар эшитилишда майин, айниқса, мажор ва минордagi гармоник функцияга эгадир.




КИЧИК СИМФОНИК ОРКЕСТР — 18-аср ўрталаридан 19-аср ўрталарига қадар кенг тарқалган оркестр. Бу оркестр таркибида иккитадан ёғоч пуфлама чолғу асбоблар (2 флейта, 2 гобой, 2 кларнет, 2 фагот), мис чолғу асбобларидан 2 валторна, 2 труба, урма чолғу асбоблардан литавралар ва торли камонча билан чалинадиган чолғу асбоблари (8—12 биринчи, 6—10 иккинчи скрипка, 4—8 аълғ ва виолончель, 2—4 контрабас) бўлган.

КИЧИК УЧТОВУШЛИК — кичик ва катта терциялардан тузилган умумий йиғиндиси *соф квинта* бўлган учтовушлик. К. учтовушликдаги настки терция—кичик, юқоригиси катта терция бўлиши шарт.

К. учтовушлик минор учтовушлиги, деб ҳам аталади. Чунки, минор ладнинг биринчи погонасидан тузилган учтовушлик минор учтовушлиги (тоника учтовушлиги) бўлади.

КИЧИК ФЛЕЙТА, флейта пикколо — ёғоч пуфлама чолғу асбоблари ичида энг баланд (ингичка) товуш берадиган флейта тури. К. флейта симфоник ва баъзан духовой оркестрда қўлланиб, най



Кичик флейта

шаклида, найдек чалинадиган чолғу асбоби. Овоз ҳажми тахминан уч октавага яқинлашиб, эшитилиши бўйича иккинчи октавадаги *редан* бешинчи октавадаги *дога* қадардир. Ноталар скрипка калитида, эшитилишига нисбатан октава пастда ёзилади. К. флейта тембри чиройли қаттиқ (форте) товушда оркестрдаги чолғу асбоблари товушидан ажралиб туради. Симфоник оркестрда бир ё икки К. флейта қўлланилади. Партитурада катта флейтадан юқори, яъни симфоник оркестр партитурасининг энг юқориги нота чизиғида ёзилади. К. флейта (*флейта пикколо*) оддийча пикколо деб ҳам аталади.

КЛАВЕСИН (фр. *clavesin*, — клавиесн) — 16—18-асрларда қўлланилган торли-клавишли тирнама чолғу асбоб бўлиб, Германияда— *клавицимбел*, Италияда—*челладо*, Англияда—*вирджинэль* деб аталган. 18-аср охириларида К. уринин фортепиано олди.

КЛАВИАТУРА (нем. *klaviatur* лот. *clavis* — калит) — фортепиано, орган, аккордеонлардаги клавишларнинг маълум бир тартибдаги йиғиндиси.

КЛАВИКОРД (лот. *clavis* — калит ва юн *chord* — тор сузларидан олинган) — торли, урма клавишли чолғу асбоби. *Цимбали* қайта ишланиб, клавишли механизм билан қўшилишидан яра-

тилган чолғу асбоб. К. 15-асрдан мавжуд бўлган. Россияда 16-асрда клавесин билан бирга пайдо бўлган. К. узун туртбурчак шаклида бўлиб, тортилган торлар ҳам бир хил узунликда. 46 клавиш учун 22—26 тор тортилган; 18-аср бошларида қайта ишланган К. да ҳар бир клавиш учун алоҳида тор торилди. Илгарилари К. диатоник созда бўлиб, овоз ҳажми 3—3,5 октава бўлган. Хроматик создаги К. 16-асрда пайдо бўлди. 18-асрда эса овоз ҳажми 5 октавага қадар кенгайиб, товушни баландлатиш мақсадида бир товушдаги айрим торлар 2—3, ҳатто 4 га қадар орттирилди. К. товушни паст бўлишига кўра фақат хонадонлардагина қулланилган. 19-аср бошларидан К. ўзини фортепиано эгаллади.

КЛАВИР (нем. — *klavier*) — вокал-симфоник мусиқа асарларининг (опера, оратория, кантата в. б.) овозлар ва фортепиано ёки ёлғиз бир фортепиано учун мослаб кўчирилган нусхаси.

КЛАВИША, клавиш (лот. *clavis* — калит) — мусиқа чолғу асбобларини урганда ё босганда ички механизмларни ҳаракатга келтирувчи восита, рычаг. Рычаг урилганда (босилганда) тор, пластинка ва б. лар тўқнига кириб, товуш ҳосил бўлади. Орган, баян ва аккордеонлардаги К. ларни босилганда трубалардаги ҳаво иўли очилиб товуш пайдо бўлади. К. лар оқ суяк ё оқ шеллулоид билан қопланган бўлиб, бу оқ К. деб аталади. Айрим қисми эса қора К. деб аталади.

КЛАВИШЛИ ЧОЛҒУ АСБОБЛАР — бармоқлар билан клавишларига уриб чалинадиган чолғу асбоблар.

КЛАПАНЛАР — пуфлама чолғу асбобларда товуш йўлини очини ё беркитиш учун қўлланиладиган механизм. К. ларни турлича бо-силлини орқали паст-баланд товушлар пайдо бўлади.

КЛАРНЕТ (нем ва фр. *klarinete*, лот. *clarus* — аниқ товуш) — ёғоч пуфлама чолғу асбоблар тўдасига кирадиган, биздаги сурнай йўсинидаги чолғу асбоб. Товушни юмшоқ, майин, аммо кучли бўлиши К. нинг оркестрдаги вазифасини кучайтиради. К. турли ҳиссиётларни беришга қобил асбоб. Ёғоч чолғу асбоблар ичида унинг товуши жуда таъсирлидир. К ноталари скрипка калитида ёзилди. Ёзилган нотага нисбатан паст товуш беради. К. нинг *in B* (*си-бемоль*) турида ноталар ёзилишига кўра катта *секунда*, К. нинг *in A* (*ля*) турида ноталар ёзилишига кўра, кичик терция пастки товушни беради. Шунга кўра К. да керакли товуш олиш учун



Кларнет

ноталар бир ё бир ярим тон юқори ёзилди. Овоз ҳажми тўрт октавага яқин, яъни эшитилиши бўйича кичик октавадаги, *до-диез* ё *редан* учинчи октавадаги *фа-диез* ё *со*га қадар. К. баланд товушли флейта ва паст (бас) товушли фагот оралигини тўлдирди. К. яқка ҳолда ижро қилинганидек, симфоник, духовой ва жаз оркестрларига қўшиб ҳам чалинади.

ёзилиши /1a B/

ёшитилиши:


ёзилиши /1a A/

ёшитилиши:

КОБЗА (турк) — ғарбий Украинада қадимий тирнама халқ чолгу асбобларидан. К. Молдавия, Руминия ва Венгриянинг айрим жойларида ҳам учрайди. К. да 4 та асосий ичак тор ва 4 та (жуфтланувчи) металл торлар бор. Асосий торлар кварта ва квинта бўйича қатта октавадаги *до*, *со* ва кичик октавадаги *ре*, *со*га соланади. Халқ чолгу асбоблари оркестрида К.нинг бир-мунча узгартирилган турлари қўлланилади.

КОБЗАРЬ — илгарилари *кабза*, сунг *бандура* жўрлигида ашула айтувчи (17—19-асрларда яшаган) украин халқ ашулачилари.

КОБИЛКА — илгарилари ҳаракатини шундай дейишган.



Кобза

КОДА (итал. *coda*, лот. *cauda* — дум) — айрим мусиқа асарларининг охирида келадиган қўшимча қисм бўлиб, бу асарнинг тузилиш шаклини аниқлашда ҳисобга кирмайди. К. мусиқа асарининг охириги қисми асосий тоналликда қаданс билан тугаллангандан сўнг, бу тугалланишни янада мустақкамлайди. К. да тоника аккорди бир неча марта қайтарилиши ё мукаммал қаданс аккордларининг келиши билан мустақкамланади. Баъзан субдоминанта донраси томон модуляция оғинмаси бўлиши мумкин. К. миқдори аниқ бўлмай, бир неча аккорддан кенг бир тузилишга қадар бўлиши мумкин. Бундай ҳолда асосий мавзу материали қўлланилади.

КОЗА — Польшада *волинка* шу ном билан аталади.

КОЛОКОЛА — турли катта-кичикликдаги трубалардан иборат, урма мис чолғу асбоб. Аксарияти тахминий, аниқ товуш баландлигида бўлади. Буларнинг умумий овоз ҳажми хроматик товушқаторида тузилган бир, бир ярим октавага бориб етади (катта октавадаги *фадан* биринчи октавадаги *дога* қадар). Бу узун-қиска трубалар ёғочдан қилинган рамкага осплади; умумий узунлиги икки метрга яқин. Ёғоч болғачалар билан уриб чалинади. К. симфоник ва опера оркестрларида қўлланилади. Баъзан оркестрда табиий К. ишлатилади.

КОЛОКОЛЬЧИКЛАР (нем *Glockenspiel*, итал. *campanilli* фр. *carillon*) — юққа металлдан ишланган урма чолғу асбоб 25—32 та юққа металл пластинкалар хроматик ҳолатда созланиб, ёғоч тахтачага икки қатор жойлаштирилади. Пастки қаторда турган пластинкалар фортепианодаги оқ клавиш, юқориги қаторда турганлари эса қора клавиш хизматиини бажаради. Овоз ҳажми иккинчи октавадаги *додан* тўртинчи октавадаги *дога* қадар. Яъни, икки октавага тенгдир. Ноталар эшитилишига нисбатан октава пастда ёзилади. Қўнғироққа ўхшаш товуш бериб, металл, баъзан ёғоч



Колокольчиклар

болгачалар билан чалинади. Симфоник ва опера оркестрларида фортепиано клавишлари турида яшикка ишлангани қўлланилади. Ҳарбий оркестрларда эса К. металдан қилинган трубаларга ўрнаштирилади. К. тартибли ҳолда созланган қўнгироқчалардан ҳам тузилади.

9-асрда бир печа куйини ижро қилиш учун К қўлланила бошланилади: 15-асрда эса Ғарбий Европада (айниқса, Нидерландия ва Францияда) кенг тарқалади. 17-аср бошларида К. Олмонияда қайта ишланиб, онда ҳам қўлланила бошланади ва «қўнгироқли фортелиано» номини олади. Симфоник оркестр партитурасида К ноталари там-там ва ксилофонлар ўртасида ёзилади.

КОЛОРАТУРА (итал. *col'atura* — безаш) — куйини турли майда ўлчовдаги товушлар билан безаш. К. ижрочи-ашулачининг маҳоратига боғлиқ. К. 17-асрда Италия операларида пайдо бўлиб, 18-асрда кенг тараққий қилди. К. ашулаларда композиторлар томонидан ижод қилинганидек, ижрочи-ашулачилар томонидан ҳам импровизация қилинади.

КОЛОРАТУРАЛИ СОПРАНО — хотин-қизларнинг энг юқори ўйноқи овози. Овоз ҳажми кичик октавадаги *сидан* учинчи октавадаги *ми, да-диеза* қадар. Композитор М. И. Глинка «Руслан ва Людмила» операсида Людмила учун, шунингдек, Н. А. Римский-Корсаков, В. Моцарт, Ж. Верди ва б. К. сапрано учун махсус асарлар яратдилар. Рус композиторларидан Р. М. Глиэр, К. сапрано ва оркестр учун концерт яратди. Р. Глиэр ва Т. Содиқовларнинг «Гулсара» операсидаги Асал (Гулсаранинг дугонаси) партияси ҳам К. сапрано учун ёзилган.

КОММА (лот. *comma* — бўлак) — мусиқа акустикасида энг кичик тинглаб, ажратиб бўлмайдиган интервал (бир бутун тоннинг $\frac{1}{8}$ булагини). Пифагор К. си бир бутун тоннинг $\frac{1}{9}$ булагига тенг. Иккинчи октавадаги *до* (c^2) ва биринчи октавадаги *си-диез* (his^1) оралигида c^2 дан квинта бўйлаб юқорига кўтариб октава қуйи туширилишидан ҳосил бўлади.

КОМПОЗИТОР (лот. *compositor* — ижодкор) — мусиқа асарини яратувчи ижодкор. Профессионал К. лар олий мусиқа мактаби — консерваториянинг композиторлик факультетини ташкил олади. Халқ ижодиётида мохир хонанда ва соҳнадашлардан бастакорлар чиқади. К. маълум бир мавзунинг бадний тасвирлаганидек, халқ ижодиёти, яъни фольклордан фойдаланиб ёки шу фольклор материалини узгартмаган ҳолда, уни бойитиб, баднийлаштириб беради. К. ларнинг ижоди халқ ижодиёти билан чамбарчас боғланган; улар гоёвий ва бадний жиҳатдан юксак савиядаги мусиқа асарларини яратувчи ижодкордирлар: опера, кантата, оратория, сим-

фония ва кичик шаклдаги асарларининг асосий мавзуси — даврийнинг буюк шишоотлари булган курилишлар, ватанпарварлик, халклар дустлиги гоёсини талкин этишдан иборат. Республикада махаллий профессионал композиторлар 40-йиллардан бошлаб йирик мусиқа асарлари ярата бошладилар.

КОМПОЗИЦИЯ (лот. *compositio* — тузиш, ташкил этиш) —

1. Мусиқа асарининг ижодий ҳолаги, мусиқа ижодиёти. 2. Тугалланган мусиқа асари. 3. Мусиқа асарининг тузилиши, яъни мусиқа асарининг шакли.

КОНКУРС (лот. *concursus* — тўқнашиш, мусобақа) — турли ижрочилар (одатда кўпроқ чолгу ижрочилар) ўртасида ўтказиладиган мусобақа. Мусобақа районлараро, шаҳарлараро бўлганидек, жаҳон мамлакатлари ўртасида ҳам ўтказилиши мумкин.

КОНСЕРВАТОРИЯ (итал. *conservatorio* лот. *conservo* — сақлаш, ушлаш) оли мусиқа ўқув юрти. Илгарилари Италияда ота-онасиз етим болаларини турли ҳунарларга ургатувчи мактаб К. деб аталган (биринчи марта 1537 йили Неаполда ташкил қилинган). 17-асрда бу етимхонада мусиқа ўргатила бошланади ва бу асосий мангулотга айлана боради 18-асрга келиб, Италияда К. мусиқа ижрочилари, композиторлар тайёрлай бошлайди. Бу ерда Европанинг бошқа мамлакатларидан келиб тарбияланадилар. 1793 йили Парижда ташкил қилинган Миллий мусиқа ва декламация консерваторияси, ҳозирги турдаги К. га утишда муҳим босқич бўлди. 19—20-асрларда Европанинг йирик шаҳарларида К. лар ташкил қилина бошланди. Россиядаги энг кекса консерватория Санкт-Петербургдаги (1862 йили ташкил қилинган). Н. Римский-Корсаков номидаги Ленин орденли ва Москвадаги (1866 йили ташкил қилинган) П. И Чайковский номидаги икки марта Ленин орденли К. лардир. Ўзбекистондаги Тошкент Давлат К. си 1936 йили ташкил қилинган. (1931 йили ташкил қилинган Олий мусиқа мактаби заминида), у турли чолгу асбоблар (мис ва ёғоч пуфлама, торликамонли чолгу асбоблар, фортепиано) ижрочилари, мусиқа назариячилари ва тарихчилари, яққохон ашуланилар, композиторлар, хор дирижёрлари тайёрлайди. Айрим К. ларда халқ чолгу асбоблари факультети ҳам бор. Бундай факультет Тошкент давлат К. сида ҳам мавжуд (1948 йилдан), 1972 йили Шарқ мусикаси кафедраси очилган.

1975 йилдан бошлаб Тошкент К. си М. Ашрафий номи билан аталади.

КОНСОНАНС (лот. *consonantia* — келишган товушлар) — барабарга чалинадиган юмшоқ ва осойишта эшитиладиган икки ва undan ortiq tovuш Шарқ мусиқа назариясида мулоҳимат

деб аталади. К. товушлар диссонанс (мунофарат) товушлар билан алмашиб келади. Бошқача айтганда, К. барқарор интервал ёки барқарор аккорддир. К. га соф прима, квинта, октавалар, катта ва кичик терция, сексталар, айрим вақтларда соф кварта интерваллари, аккордлардан катта ва кичик учтовушлик кирadi.





КОНТРАБАС (итал. *contrabasso*, кичқаримаси — *basso* — торли камонли чолғу асбобларининг энг каттаси. К.нинг тузилиши скрипка шаклида бўлиб, жуда катта (узунлиги икки метрга яқинлашиб боради) бўлгани учун ижрочи чолғу асбобини тик турган ёки махсус балаид курсига утиргани ҳолда чалади. К.нинг чалини йуеши торли камонча билан чалинатган чолғу асбобларига ўхшаш бўлса ҳам овоз имконияти бирмунча чегаралангандир. К. да туртта тор бўлиб, булар кварта оралигида, контроктавадаги Ми, Ля, катта октавадаги Ре, Сольларга созланади. К.нинг овоз хажми ижро қилини ноудлашнингга кура 3 қадар кенг эмас, энг пастки товуш контроктавадаги Ми, энг юқоридагиси эса биринчи октавадаги мидир. К. ноталари энигилигига нисбатан октава юқорида, бас ва скрипка калитларида ёзилади. Яқка ҳолда жуда кам қўлланилади. К. оркестрда камер ансамбллари, хусусан, квинтетларда қўлланилади. Симфоник оркестр партитурасида К. ноталари (партияси) ҳаммадан пастда ёзилади.

КОНТРАБАС БАЛАЛАЙКА — балалайканинг катта шаклда ишлангани бўлиб, энг пастки товушларни беради. К. балалайка контроктавадаги Ми (E_1) Ля (A_1) ва катта октавадаги Ре (D) ларга



Контрабас

созланади. Овоз ҳажми контроктавадаги *Мидан* кичик октавадаги *сольга* қадар Ноталар бас калитида, эшитилишига нисбатан октава юқорида ёзилади.


созланиши: (ёзилиши "буйича")		овоз ҳажми: (ёзилиши "буйича")	
эшитилиши:		эшитилиши:	

К. балалайкалар чармдан қилинган мизроб билан ижро қилинади.



Балалайкалар

КОНТРАБАС КОБИЗ — қozoқ халқ чолғу асбоблари оркестрининг торли-камончали тудасидаги энг катта чолғу асбоб. Бу чолғу асбоб—симфоник оркестрининг камончали тудасидаги контрабасни чалгандек тик туриб чалинади. К. қобизнинг дастаси ҳам алоҳида ёғочдан ясалади. Туртта тури кварта оралигида, контроктавадаги *Ми*, *Ля* ва катта октавадаги *Ре*, *Соль*ларга созилади. Ноталар бас калитида ёзилишига нисбатан октава паст товуш беради. Умумий овоз ҳажми контроктавадаги *Мидан* кичик октавадаги *сольга* қадар.



Контрабас қобиз

КОНТРАЛЬТО (итал. *contralto*) — хотин-қызлар овозининг пасткиси, йўғони. Овоз ҳажми кичик октавадаги *сольдан* иккинчи октавадаги *сольга* қадар. Бундан пастки товушлар кам ишлатилади. К. хорда альт деб юритилади.


КОНТРАПУНКТ (лог. *punctum contra punctum* — нуқтага қарши нуқталар, яъни нотага қарши ноталар) — 1. Ҳозирги кунда оҳангдорликка эга бўлган икки ё бир неча куйнинг бир йула келиши. 2. Асосий мавзу билан бир вақтда эшитиладиган куй. 3. Товушларнинг К. ҳолатга келишини урганувчи фан бўлиб, улар қатъий услубдаги ва эркин услубдаги К. номлари билан икки турда қўлланилади.

КОНТРАФАГОТ (итал. *contra fagotto* — ёғоч пуфлама чолғу асбоблар ичида энг паст, йўғон товушлиги). К. фаготнинг бир тури бўлиб, тузилиши унга ўхшаш; фаготга нисбатан октава паст товушга эга. Эшитилиш бўйича овоз ҳажми субконтроктавадаги *Си-бемоль* ёки контроктавадаги *Додан* кичик октавадаги *сольга* қадар.

ёзилиши бўйича:



эшитилиши бўйича:




К. ноталари эшитилишига нисбатан октава юқорида эзилади. Тембри фаготга ухшаш. К. 17-асрди ўзгартирилган бўлиб, симфоник оркестрда кўп қўлланила бошлаганидан сўнг, 19-асрнинг охирида ҳозирги ҳолатига яқинлаштирилди. Симфоник оркестр партиясида К ноталари фагот билан валторна уртасида эзилади.

КОНТРАНС (англ. *country dance* — қишлоқча рақс) — инглиз халқ рақсларидан бўлиб, рақсга тушувчилар гуруҳи навбат билан бир ҳаракатни қайтарадилар. К бир-бири кетидан келган бир канча рақсни бирлаштиради. К баъз рақслари сифатида Европада 19-асрда кенг тарқалган. Ўлчови 2_4 ёки 6_8 . В. Моцарт, Л. Бетховен ва б. лар ижодиётида К мусиқа жанри сифатида берилган.

КОНТРОКЛАВА (лот. *contra* — қарши) — текис темпацияланган товушкаторнинг бир қисми. К ноталари бас калитида нога йулишиги пастки бешинчи қўшимча чизигидаги *до*дан пастки иккинчи қўшимча чизикдаги *сигача* бўлган ораликда эзилади.



К. ноталари остига «1» рақами қўйилган лотинча бош ҳарфлар билан ҳам кўрсатилади. (C₁, D₁, E₁, F₁ ва G₁). «1» рақами ўрнига кичик бир чизиқ чизилиши ҳам мумкин. Сўнги вақтларда *До*, *Ре*, *Ми* ҳолда эзилиши ҳам қўлланила бошланди. Пастки 4—5 қўшимча чизикларни ёзиш ва ўқиш мураккаб бўлгани учун К ноталари октава юқорида (катта октава ўрнида) эзилиб, тагидан октава пастда ижро қилиш белгиси бўлган «8» рақами ва пунктир чизиклар қилинади:



КОНЦЕРТ (итал. *concerto*, лот. *concestare* — мусобакалашмоқ) — 1. Симфоник оркестр ёки халқ чолғу асбоблари оркестрининг жанри билан ёлғиз бир чолғу асбоби ёки овоз учун йирик шаклда ёзилган мусиқа асари. К. кўпроқ уч қисмдан иборат булади. Биринчи қисм — драматик характерда, тез ижро қилинади, *соната аллегросси* шаклида, иккинчи қисми — лирик характерда, салмоқли (анданте) суръатида, одатда уч қисми шаклда, учинчи қисми — финал, тантанали рақс тарзида (одатда рондо шаклида) эзилади. Мазкур қисмлар бошқа турли шаклда ҳам бўлиши мумкин. Рус композиторларининг турли чолғу асбоблари учун ёзган жуда кўп К.

лари бор. Чунончи, буюк рус композитори П. Чайковскийнинг фортепиано ва скрипка К. лари дунёга машҳурдир. Композиторлардан А. Хачатурянининг скрипка, Р. Глиэрининг овоз билан оркестр, Г. Мушелъининг фортепиано учун ёзган К. лари репертуарлар нчида салмоқли жой олган. Ўзбек композиторларидан Икром Акбаров, С. Ҳайитбоев, Р. Ҳамроев, С. Жалиллар скрипка билан симфоник оркестр учун К. лар яратган. Б. Гусенко, И. Зокиров, Р. Абдуллаевлар фортепиано ва симфоник оркестр, шунингдек композиторларимиз альти, гобой, труба каби созлар ва оркестр учун К. лар яратдилар. И. Ҳамроев чапг ва ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри учун К. лар яратдилар. 2. Мусиқа асарлари ва рақсларнинг купчилик олдида ижро этилиши. Бундай К. программаси турлича бўлиши мумкин. Чунончи, симфоник оркестр, ашула ва рақс К. и, халқ чолғу асбоблари оркестри К. и, халқ ижодиёти К. и, камер К. и, байрам К. и ва б.

КОНЦЕРТИНА (анг. *concertina*) — олти бурчакли кичик қўл гармончаси. Клавишлари босилганда тайёр аккорд эмас, фақат биргина товуш беради. К. хроматик тузиллишда бўлиб, бунинг турлича овоз ҳажмидаги хиллари бўлади.

КОНЦЕРТИНО (итал. *concertino*) — 1. Бир қисмдан иборат булган кичик ҳажмдаги *концерт*. 2. *Концерто* *гросс*даги якка ижро қилинувчи чолғу асбоблари.

КОНЦЕРТМЕИСТР (нем. *konzertmeister*) — 1. Оркестрда бир турли чолғу асбоблари тудасидаги биринчи (бош) мусиқачи. К. бошқа созадаларни узига эргаштириб боради; айрим вақтларда якка узи (соло) ижро этади. Симфоник оркестрда одатда бундай К. вазифасини биринчи скрипкачи бажаради; унинг зиммасига оркестрдаги чолғу асбобларини тўғри созлаш вазифаси юкланади. Симфоник оркестрдаги иккинчи скрипкачилар, альтчилар, виолончелчиларнинг ҳам етакчи К. и бўлади. 2. Опера артистлари (якка-хон солистлар), турли чолғу асбоблари (скрипка, кларнет ва б.) да ўрганувчи студентлар, ашулачилар билан машғулот ўтказувчи, уларнинг ижро этиладиган мусиқа асарларини ўрганишда ёрдам берувчи ва концертларда уларга жўр бўлувчи пианиночи — аккомпанементчи.

КОНЦЕРТ ЗАЛЛАРИ — очиқ концертлар уюштириш учун қурилган махсус зал. Залнинг ҳар бир қисмидан нормал товуш эшитилиши учун акустикасига аҳамият бериб, махсус жиҳозлар билан таъминланган бундай К. залларида катта ижрочи жамоалар томонидан концертлар уюштирилади. Камер (унча катта бўлмаган) концертлар учун махсус кичик заллар бўладики, бунда ёл-

ғиз ашулачи, чолгучи, камер чолғу асбоблари, вокал ансамбль (трио, квартет ва б) лари қатнашади. Тошкентда «Баҳор», «Халқлар дўстлиги», «Туркистон» каби йирик К. з. мавжуд.


КОНЧЕРТО ГРОССО (итал. *concerto grosso* — катта концерт) — бир неча кисмдан иборат бўлган концерт. К. гроссода оркестрдаги ҳамма чолғу асбоблар овози алоҳида ажратилган бир тўда якка ижро этувчи чолғу асбоблар (концертино)га қарама-қарши қўйилади. Бу жанр 17 ва 18-аср композиторлари учун характерлидир.

КОРДЕБАЛЕТ (фр. *corps de ballet*, *corps* — шахсий состав, *ballet* — балет сузидан) — бир тўда раққос ва раққосаларнинг бир вақтда уйинга тушуви, ўзига хос балет хори.

КОРИФЕЙ (юн. *koryphaios* — нўлбошчи, бошлиқ) — 1. Қадимги юнон театрида хорда группани бошқариб боровчи ашулачи 2. Балетда раққ ансамблини бошқариб боровчи раққос ё раққоса.

КОРНЕТ (фр. *cornet* лот. *cornu* — шох, бургу) — кўпроқ духовой оркестрда қўлланиладиган мис толғу асбоб. К. товуши труба тембрига яқин, лекин маини. Бармоқлар билан босиладиган вентиллар урнига тумалар урилатилган. Овоз ҳамми эшитилиши бўйича октавадаги шидан учинчи октавадаги дога қадар. К. ни *си-бемоль* ва *ляга* созланган турлари бўлиб, кўпроқ биринчиси қўлланилади. Ноталар калитолди белгиларисиз ёзилади. *Си-бемоль* (in B) К. учун ноталар эшитилишига нисбатан бир тон. *Ля* (in A) К. учун бир ярим тон юқори ёзилади. К. да ижро имконияти бой; духовой оркестрда асосий куйларни ижро этади; симфоник оркестрда 1—2 К. бўлади. Ноталар труба ноталаридан пастда ёзилади.

КОСА — торли чолғу асбобларидаги ёғоч коса бўлиб, унга тор тортилади. К. садо беришда тордан чиқадиغان товушни кучайтиради, бошқача айтганда резонанс беради.



Корнет

бўшлиқ. Чолғу асбобларининг К. лари а ясалади. Масалан, дутор К. си 8—10 та бир-бировига ёпиштирилишидан тузилади. Бу тахтачалар қобирга дейилади. Танбур ва гижжақда эса бутун бир ёғочни уйиб қилинади. Хоразм ва Самарқандда дутор К. сининг бир бутун ёғочдан ишланган турли бўладикки, бу қазма (уйма) *дутор* деб аталади. Сўнгги вақтларда танбур ва гижжақлар ҳам қобиргалардан ишланмоқда.

КОЧАРИ — арман эркаклар рақси. Мусиқа улчови $2/4$. Вазмин бошланиб, қўлларни ушлаб аста-секин тезланади. Қ. ни доира бўлиб, қўлларни ушлаб бир-бировларини елкаларига икки томон қўла ташлаб ижро қилишади. Бошловчининг ишораси билан рақс ҳаракати ўзгартирилади.

КРАКОВЯК — поляк халқ рақси, кескин ритмли, синкопали бўлиб, улчов миқдори $2/4$. Суръати жонли, 19 ва 20-аср бошларида бал рақси сифатида кенг тарқалган. Опера, балет, оперетта, фортепиано пьесаларида К. мусиқа жанри тарзида фойдаланилган.

КРЕШЧЕНДО (итал. *crescendo* — зўрайиб) — чалинаётган мусиқа асарининг суръатини узгартмай, товуш кучини аста-секин зўрайиб бориши. Қ. қилиниб чалинадиган ноталар тагига (*crescendo*) қисқартиб *cresc.* деб ёзилади ёки махсус белги қўйилади. Масалан, мусиқа асарининг айрим қисми секин (*P* — пиано) товушдан қаттиқ (*f* — форте) товушига аста-секин кучланиб борса, бу ҳолда *P—f* белгиси қўйилади.

КРОН — ҳаво йўлини чўзувчи махсус трубача бўлиб, мис пуфлама чолғу асбобларда қўлланилади. Чўзилиши товушнинг пайсантиради (созини узгартади).

КРИЖАЧОҚ — белорус ва поляк халқ рақси. Улчови $2/4$ бўлиб, салмоқли суръатда бошланиб, аста-секин тезланади. Мусиқаси хушчақчақ характерда.

КСИЛОФОН (юн. *ulon* — ёғоч ва *phone* — товуш, итал. *silofono*) — турли узунликдаги ёғоч тахтачалардан ярим тон оралигида терилган, товуш миқдори маълум баландликдаги урма асбоб. Тахтачалар 3—4 катор тартиби билан хроматик тузилишида ўрнаштирилади. Қ. икки ёғоч болгача билан уриб чалинади. Қ. нинг узинга ҳос товуши оркестрдаги ҳамма чолғу асбоблардан ажралиб туради. Овоз ҳажми биринчи октавадаги *сидан* бешинчи октавадаги *дога* қадар боради. Қ. ноталарни эшитилишига нисбатан октава пастда ёзилади. Сўнгги ярим аср мобайнида Қ. симфоник оркестрда қўлланила бошланди. Қ. ноталарни симфоник



Ксилофон


оркестри партитурасида кўнгироқча ва челеста партиялари урта-сида ёзилади.

КУИ (юн. *m lodi* ашула айтиш, *m los* — ашула ва куй-лаш) — турли баанд ва у.уликдаги товушларнинг маълум бир ритм ва ладда бадний ҳолатда келиши. Мусиқа асари бир ё бир неча К. дан тузилиши мумкин. К. асарининг асоси ҳисобланади. Гармонизация қилиниш билан К. нинг характери узгарishi мумкин. К. нинг энг характерли уриши унинг оҳангдор бўлишидир. Чолгу мусиқа К. лари вокал мусиқа К. лар билан яқин бўлишига қарамай, булар турлича тузилишда ва кенгайиб, ривожланиб боришида фарқ қилади. Ашула айнишга ишбаган, катта имкониятларга эга булган чолгу асбобларида К. мураккаб булади. Демак, К. мусиқадаги асосий ифода воситалари булган лад, ритм, метр ва тембрни узичига олади. Шунинг учун бировозли мусиқа ҳам, кўповозли мусиқа ҳам, асосан, К. билан эсда қолади (яна қ. *бастакор, композитор*).

КУЛИС (кулиса) — мис пуфлама чолгу асбоби — тромбоннинг бир қисми. Тромбоннинг букилган қисми ҳаракатга келтирилиб, тулкнлланувчи хаво йулини чузини ё қисқартириши мумкин. Натижанда наст ва баанд товуш чиқади.

КУЛЬМИНАЦИЯ (лот. *cu men* — чўққи) — мусиқа асари ё унинг маълум бир қисмининг энг юқориги нуқтаси, *авжи*. Масалан, симфониянинг бирор бир қисмидаги К.

КУМУЗ (ағач — кумуз) — Донистон торли халк тирнама чолгу асбоби. Тузилиш шакли дозоқ дўмбрасига ухшаш, фақат кочаси учун. К. олатда мевали дарахтлар (урик, тут ва б.) дан ясалади. К. нинг турлича хиллари бўлиб, булар бир-биридан нарда ва торларнинг миқдори билан фарқ қилади. Ҳозирги қанга ишланган К. да уч тор булиб, нардалар доний урианштирилган; унинг прима, альта ва бас гурлари бор; *товушкатори хроматик* тартибда ишланган. К. чармдан қилинган плектрда бир йўла хар



Куюкле

уч торли чертиш нули билан чалинади. Бу торлардан биринчисида асосли куй чалиниб, қолган иккиси журлик вазифасини бажаради. Торларнинг учинчи ва иккинчиси биринчи октавадаги *ре*, биринчиси эса биринчи октавадаги *со*га созланади. 14 торли К. шиг овоз ҳамми биринчи октавадаги *редан* иккинчи октавадаги *ля*га қадар. К. оркестра ва елғиз ашулачига жур булишда фойдаланилади.

КУОКЛЕ, кокле — латин халқининг торли тирнама чолғу асоби. К. гусли туридаги чолғу асоби бўлиб, биздаги чангни эслатади. К. бундан 20—25 йиллар аввал қайта ишланган.

КУПЛЕТ (фр. *cuplet* — строфа, банд) — бир неча бор қайтариладиган қушиқнинг бир банд шеърда қайтарилши. Куй иккинчи марта янги шеър билан қайтарилши мумкин. К. куп вақт бошловчи ижроси билан бошланиб, нақарог билан тугалланади. К. ни турли сузлар билан бир неча марта қайтарилшидан куплет шакли хосил бўлади.

КУПЛЕТ ШАКЛИ — икки қисмли нақарот ва куплетдан тuzилган вокал асари булиб, бир неча марта турли шеърлар билан қайтариллади. Хар бир қайтарилшида куплет шеърлари ўзгариб, нақаротдаги шеър ўзгаришсиз такрорланилади. Хор ашулаларида куплетни куп вақт яккахон ашулачи айтиб, нақаротни хор ижро этади. К. шакли халқ фольклори, оммавий қушиқларда куп учрайди.

КУПЮРА (фр. *coupure, coupe* — қирқмоқ) — мусиқа асарини

қисқартмаси. Қисқартышын ижрочи ўз холиши бўйича киритишын мүмкин булганидек, баъзан композитор томонидан нотада ҳам курсатиледи.

КУРАНТА (фр. *courant* — оқувчи, югурувчи) — қадимий француз рақси: дастлаб $2/4$ сунг $3/4$ ўлчовида булади. Жонли харакаатлар билан ижро этилади. 17—18-асрларда тург қисмли раке сўнгасишнинг иккинчи қисми К. булган.

КУТИЛМАГАН МОДУЛЯЦИЯ — кутилмаган ҳолда бир-бирига яқин булмаган тоналликларга ўтиш.

КУУ — қирғизларда чолғу асарларининг умумий номи. Буларнинг аксари программали булади.

КУЧЛИ ВАКТ қ. *Кучли хисса*.

КУЧЛИ ХИССА — тактнинг кучли (акцентли) хиссаси. Тактлардаги ноталар ўлчов миқдорига кўра, кучли ва кучсиз хиссаларга бўлинади. 2 ва 3 ўлчовли тактларда биринчи хисса кучли қолганлари одагда кучсиз хисса бўлади. 4 ўлчовли тактда эса, биринчи кучли. 3-си кучлироқ хисса бўлиб келади. К. хисса кучли вақт ҳам деб аталади.

КУЧСИЗ ВАҚТ — к. *Кучсиз хисса*.



Кыяк (кыбк)

КУЧСИЗ ХИССА — тактнинг кучсиз (акцентсиз) хиссаси кучсиз вақт ҳам деб аталади.

КУЯВЯК — поляк халқ рақси, мазурканинг бир тури булиб, бир текис оҳангда бўлиши билан ажралиб туради.

КЫЯК (кыбк) — козоқ кубизи турида, камонча билан чалинадиган қирғиз халқ торли чолғу асбоби. К. да 2та тор булиб, камонча от думи қилидан қилинади. Чалиш вақтида унғ қул бармоқлари билан қил тортилиб чалинади. К. нинг умумий узунлиги 600 мм га яқин. Торларнинг иккинчиси кичик октавадаги *си*, биринчиси эса, биринчи октавадаги *фи*га созланади. 30-йилларда К. қайта ишланиб унинг прима, альт,

бас ва контрабас турлари ишланган. Булар қирғиз халқ чолғу ас-
боблари оркестрида қўлланилади.

КВЯКЧИ -- қўш торли, камонча билан чалинадиган қирғиз
халқ чолғу асбоби кыяк ижроси.

КЮИ (кю) — қозоқ ва қирғиз халқ чолғу мусиқаси К. қозоқ-
ларда кўпроқ дўмбира, қирғизларда — қомуз ва б. да ижро эти-
лади. Кюи К. дар маълум бир мазмун, программага эга. К. ни
атоқли халқ созандалари яратади. Қирғиз К. ёрқин оҳангда бў-
либ, шакли кичик бўлақларга бўлиниши билан характерли. Қозоқ
К. эса куйини кенг бир бутун бўлиб бирлашган бўлиши билан
характерли. К. қомузда уч овозли, дўмбирада икки овозли бўлиб
эшитилади. К. учун параллел кварта, квинта, доимий бас товуши
эшитилиши жуда характерлидир.

КЮГЕН — қирғиз халқи уртасида кенг тарқалган ишқий-лирик
халқ ашулалари.

КЮИШИ — думбира ва қубизларда ижро этувчи қозоқ халқ
созандалари.

КЯМАНИ — камонча билан чалинадиган арман торли халқ
чолғу асбоби.

КЯМАНЧА, КАМОНЧА — торли камонча билан ижро этила-
диган халқ чолғу асбобларидан. К. озарбайжон, арман ва грузин
халқлари уртасида жуда кенг тарқалган. Шунингдек, аксарият
шарқ халқларида К турли номлар билан қўлланилади. К. бизда
ғижжак дейилади. К. да 3—4 тор бўлиб, булар кичик октавадаги
соль, биринчи октавадаги *ре*, *ля* ва иккинчи октавадаги *мига* соз-
ланади.

КҮЗГУСИМОН РЕПРИЗА — соната шаклида экспозициянинг
қисмларини тескари тартибда қайтарилиши, яъни аввал ёрдамчи
партия, сунг асосий партия келади.

КУМАҚДОШ НОТА — I Асосий аккорд товушидан секунда
юқори ё куйида келган нота. V аккорд товушига қайтади. К. нота
турлари: а) юқориги ё пастки қўшимча ноталар; б) ёзилган ак-
кордлар пардасидаги товушлардан келган диатоник қўшимча но-



талар ёки ярим тон кутариб ё пасайтириб ёзилган аккордлар тоналлигидаги товушларда келган хроматик қўшимча ноталардир. 2. Асосий товушдан секунда юкори ё қуни келган товуш — *мелизм*.

КУМАКЧИ ТОВУШ — к. *Қумакчи нота*

КУПОВОЗЛИ МУСИҚА — маълум баландликда булган бир неча овознинг бир йўла эшитилиши.


ҚУС НОГОРА — катта ногора шаклидаги уриб чалинадиган қадимий урма халқ чолғу асбоби. Қ. ногора Фарғона водийси ва Тошкентда қўлланилган (ҳозир деярли қўлланилмайди). Фарғона водийсида Қ. ногоранинг мохир ижрочиларидан бири Мирзажон Орипов булган. Қ. ногорада одатда сурнай, карнайлар билан биргаликда, баъзан ёлғиз холда ижро этилган.

КУЧМА (СИЛЖУВЧАН) КОНТРАПУНКТ — овозларни аралаштириб бериш асосидаги полифоник таъбирлаш. Масалан, юкориги овозни настига, аксинча, настигени юкорига силживиш вертиккал — силжувчан контрапункт, мавзунинг кайтарилишида овозларни бир оз олдин ё кенин бошлаш — горизонтал — силжувчан контрапункт деб аталади. Қ. *Полифония*.

Л

ЛАБ ГАРМОНЧАСИ — пуфлама чолғу асбоб. Металл пластинкага урилатилган металл тилчалар икки тахтача уртасига жойлаштирилади. Хар бир тилчага ўйилган тешикларга пуфлаш иўли билан турлича товуш чиқарилади. Л. гармончасида бир, икки ва ундан ҳам кўп қатор баланд-наст тешикчалар бўлади.


ЛАГАН УЙИН, ТОГОРА УЙИН — халқ чолғу асбоблари журлигида ижро этиладиган, Фарғона водийси, шунингдек Тошкент



Лаб гармончаси

ва Тожикистоннинг айрим жойларида кенг тарқалган кадимий халқ рақсларидан. Л. ўйинида раққос ҳар икки қўлида қайроқ чалиб бошига куйилган сопол лаганини ўйин жараёнида белига туширади ва яна бошига чиқазади. Хоразмда бу ўйин «Қоса ўйин» деб ағалади.

ЛАД — 1. Турли баландликда бўлган товушларнинг узаро алоқаси, беқарор товушларнинг бир тоникага интилиши, узаро боғлиқ товушлар тизилмаси. Ладдаги товушлар тоникадан иборат консонанс аккорд, яъни тоника учтовушлиги томон тортिलाди. Л. даги асосий учтовушликда пастки (тоника) товуши асосий тон деб аталиб, терция ва квинта товушлари шу Л. даги III ва V поғона товушлардан тузилади. Поғоналар рим рақамлари билан тоникадан юқори томон саналади:



Поғоналардан *гамма* тузилади. Л. даги тоника тоналликни аниқлайди. Масалан, мажор ладада тоника *до* бўлса, тоналлик *до-мажор* бўлади. Л. етти асосий поғоналардан тузилса — дн-тоник, булар ораллигидаги ярим тонлар, яъни 12 та товушдан тузилса — хроматик бўлиб келади. Л. лар бир-бирларидан таъсирчанлик имкониятлари ва характери билан ажралади. Л. қондалари асосида куй тузилади, у эса журнаво товушлар боғланишини ҳосил қилади. 2. Чолғу асбоблари дастасига уриштирилган ичак, металл ва ёғоч пардалар. Буларини босиб чалиш орқали турли баланд-паст товушлар чиқарилади.

ЛАД АЛЬТЕРАЦИЯСИ — ладдаги беқарор товушларни ярим тон кутариш ё пасайтириш орқали унинг барқарор товушга бўлган яқинлигини кучайтириш. Л. альтерацияси орқали беқарор товушлар барқарор товушларга яқинлашиб, хроматик интерваллар ҳосил қилади. Л. альтерацияси белгилари калит олдида эмас, кутарилиши ё пасайиши лозим бўлган ноталар олдида қўйилади. Мажорда II ва IV поғоналар кутарилиб, тоника учтовушлигининг терция ва квинтасига бўлган торттилишини кучайтиради, II ва VI поғоналар пасайтирилиб, тоника учтовушлигининг асоси ва квинтасига бўлган торттилишини зурайтиради.



Минорда II поғона пасайтирилиб тоникага бўлган торттилишини кучайтиради, IV поғона кутарилиб тоника учтовушлигининг квинта тонига бўлган торттилишини зурайтиради. IV поғонанинг


пасайиши тоника учтовушлигининг тершии тонига булган торт-лишини кучлантиради. Оддий минорда VII погонанинг кутарилди-ши гармоник минорни узгартиради ва бошловчи тон хосил килади; бу билан тоникага булган мелодик тортлиши кескинлашади. Гармоник минорда VI погонанинг кутарилиши мелодик минорни яра-тади. Бу билан VI погонанинг тоникага тортлиши гармоник VII погона (яъни бошловчи тон) орқали пайдо булади



ЛАД МОДУЛЯЦИЯСИ — тоникаси сақланган холда ўзгарган лад. Масалан, *бе-мажордан — до-минорга*, *ре-мажордан — ре-минорга*, *ми-минордан — ми-мажорга* қилинган модуляция. Бош-качасига помдош тоналликларга модуляция деб ҳам аталади.


ЛАД-ТОНАЛЛИК — лад ва тониканинг бир вақтда аниқла-ниши (масалан, е - диг. а — тэ / ц ва б.). Л. тоналлик термини амалиётда тоналлик деб юритилади.

ЛАД ПОГОНАЛАРИ — ладдан товушларнинг тоникадан бошлаб юқори томон рим рақамлари билан курсатиладиган по-гоналари.



Мажор-минор лад системасидаги бу погоналарнинг ладдаги ҳолатлари, яъни мавқеларига кура номлари бор:

- I — тоника (пастки);
- II — юқори ва бошловчи тон;
- III — юқори медианта;
- IV — субдоминанта (пастки доминанта);
- V — доминанта (юқори);
- VI — пастки медианта;
- VII — пастки бошловчи тон;
- VIII — юқори тоника.




Булардан I, IV ва V погоналарни — асосий (бош) погоналар II, III, VI ва VII погоналарни қўшимча (ёрдამчи погоналар, VIII поғона юқорига тоника, деб юритилади.


ЛАДНИНГ ЁНДОШ ПОҒОНАЛАРИ — ладда асосий погоналардан ташқари ёндош погоналар ҳам булади. Булар ладнинг II, IV, VI ва VII погоналаридан иборат. Шулардан тузилган аккордлар қўшимча аккорд булади.

ЛАДНИНГ ТУРГУН ПОҒОНАЛАРИ — мусиқани тугаллатиш қобилиятига эга булган лад погоналари. Ҳар бир ладдаги тўла ўрнашган товуш тоника (I-поғона)дир. Мажор-минор лад тизимида III ва V погоналар ҳам маълум даражада тургун поғона бўлиб келади.

ЛАДНИНГ НОТУРГУН ПОҒОНАЛАРИ — ладлардаги тургун товушлар томон иштиловчи погоналар. Мажор-минор тизимидаги ладда II, IV, VI ва VII погоналар, яъни тоника учтовушлигига қирмайдиган ҳамма товушлар нотургун погоналардир.



ЛАЗГИ — Хоразм воҳасида кенг тарқалган халқ рақси, Л. вазмин, бир текис ҳаракатдан тобора тезлашиб ва жонланиб боради. Л. хотин-қизлар ва эркаклар орасида баробар тарқалган.



* Беҳризалар оралиғи жуда кўп қайтарилади.

ЛАЙЗОНГУЛ — эрта баҳорда очиладиган гулга қарата айтилган кўплетли кичик қўшиқ.

ЛАЛУ — Доғистон халқларининг тилчали пуфлама чолғу асбоби.

ЛАНГ УСУЛИ — қ. *Усули ланг*.


ЛАПАР — бир ёки икки ижрочи томонидан навбат билан аниқлашган бандли ашула шакли. Л. кўпроқ ҳажви-танқиди, турмушдаги айрим камчиликларни характерловчи мазмуни бўлади ва раке билан ижро этилади.

ЛАРГЕТТО (итал. *largetto*) — андантега яқин вазмин суръат.

ЛАРГО — (итал. *largo* — кенг) — 1. Мусиқада кулланиладиган энг вазмин суръат. 2. Махсус номга эга бўлмаган ва шу суръатда ёзилган мусиқа асари.

ЛАУРЕАТ (лог. *laureatus* — дафна дарахтининг баргидан ясалган гулчамбар кийгизмоқ) — махсус мукофот, унвон билан рақдирланган киши ё жамоа.

ЛЕГАТО (*Legato* — боғлаб, силлиқлаб) — бир товушдан иккинчи товушга тухтовсиз ўтиш. Л.нинг тескариси *стаккато*. Л. сузи уринга махсус қавссимон белги — *лига* қўйилади. Бу белги боғлашиб ижро этилиши лозим бўлган ноталарни қамраб олади:



Л. белгиси билан боғланган турли бандликдаги товушлар узилмай, боғлашиб ижро этилади.


ЛЕЗГИНКА — Доғистон ва умуман Кавказ халқлари уртасида кенг тарқалган раке. Л. жонли, тез характерда, вазмин, бир текис ҳаракатдан тибора тезлашиб борадиган раке. Такт ўлчови 6,8 да бўлиб, кўпроқ синкопали бўлиб келади.

ЛЕЙТМОТИВ (нем. *Leitmotiv* - оҳанг олиб борувчи) опера, балет, оперетта, мусиқали драма, программали чолгу мусиқа асарларида муайян образбон бир мавзу бўлиб, асар қаҳрамонлари ё маълум бир қисмида келиши (такрорланиши) мумкин.

ЛИБРЕТТО (итал. *Libretto* — китобча) - 1. Театрга мосланган йирик мусиқа асарининг мукамал ёзма матни. Л. мусиқали драма, опера, оперетта ва балетларнинг бадний-ғоявий асоси. Операнинг муваффақиятли чиқиши Л. га боғлиқ. Л. учун бадний асарлар, турли тарихий ё замонавий муҳим воқеалар асос бўлиши мумкин. Л. мусиқа шакли (ария, хор, ансамбль речитатив, раке номерлари ва б.) ҳусусиятини кўзда тутиб яратилади. Либретточи, Л. ни композитор билан ҳамкорлик, унинг яқиндан иштирокида яратади; баъзи композитор берган сценарий, яъни булғуси асарининг қисқа мазмуни ва тузилиш режаси асосида Л. ёзади. Композитор операни ёзиш жараёнида Л. ни тузатиш, тулдирриш ё қисқартириш мумкин. Баъзан композитор яратаётган операсига

Ўзи Л. ёзди. 2. Балет ёки пантомиманинг сценарийси, матни. 3. Опера, оперетта, балет, мусикали драма, кинофильмларнинг қисқача маъмуидан иборат алоҳида нашир қилинган театр программалари ё Л. тушамлари. Ўзбек операларидаги кунгина Л. лар («Бурун», «Гулсара», «Дилором» ва б.) ни драматург Комил Яшин ёзган. Шунингдек, Ойбек, Зулфия, С. Абдулла, Х. Гулом, Ж. Жабборов каби адиблар ҳам қатор Л. лар яратган.

ЛИГА (лот. Liga — боғлайман) — нота ёзувида бир хил баландликдаги ноталарни узаро боғлаб, уларнинг узунлигини орттирувчи махсус (горизонтал) қавсча. Л. билан боғланган бир хил баландликдаги ноталарнинг иккинчиси алоҳида урилмайди, узунлик микдори эса биринчи нотага утади.



Л. ноталарнинг остидан ҳам боғланади. Вокал асарларда Л. сўзнинг бир бўғинида келган бир неча товушларни боғлайди.



ЛИДИЙ ЛАДИ — табиий ладлардан булиб, товуш қатори табиий мажордан IV погонаси баланд булиши билан ажралиб туради:



Лидий ладнинг тоникаси билан IV поғона оралиги орттирилган кварта (лидий кварта си) ҳосил қилгани учун бошқа ладларга нисбатан кам қўлланилади.

ЛИМБА — мўгул ҳаққининг пуфлама чолғу асбоби; биздаги най, хитойдаги ди тузилишида; узунлиги 600 мм бўлиб, бамбук, баъзан ёғочдан ясалади. Л. Бурятиястонда ҳам учрайди.

ЛИРА (лот. Lyra) — I. Қадимий юнон торли тирнама чолғу асбоби; қайрилган ёй оралига торлар тортилади. Л. ни чап қўл-

да ушлаб, унг қул бармоқлари билан плектр ёрдамида товушлар чиқазилган. Л. нинг умумий шакли мусиқа эмблемаси қилиниб қабул қилинган. 2. Украина ва Белоруссиянинг торли, қадимий халқ чолгу асбобларидан. Л. нинг умумий тузилиши гитарани эс-лагади. 3—6 тури бор. Л. оралигига жойлаштирилган гилдирак-чаларни ҳаракатга келтириш орқали товуш чиқазилади. Гилдирак-чалар унг қул бармоқлари билан махсус дастани айлантирилиши орқали ҳаракатга келтирилади. Чўзи қул бармоқлари билан Л. нинг ён қисмидаги клавишлар босилади. Клавишлар 8—11 та; товушқатори диатоник. Четдаги торлар квинта интервали оралигида созилади. Булар ижро вақтида ўзгармай, ҳар донм бир товуш беради, натижада донмий эшитилиб турувчи товуш — орган пункти ҳосил булади. Л. 17-асрда пайдо бўлиб, кунроқ кун мусиқа-чиллар уртасида тарқалган. Л. нинг бирмунча ишланган тури 19-асрдан бошлаб қулланила бошланди.

ЛИРИК юмшоқ, майин ва ижрочилик хусусиятига бой бўлиши билан бошқа турдагилардан фарқ қилувчи овоз (бу кунроқ ашулачиларга хос).

ЛИРИК-ДРАМАТИК — ашулачилар овозига хос атама бўлиб, лирик ва драматик товуш оралигини, яъни ҳар икки хусусиятни ўз ичига олган овоз.

ЛИРИЦА — камонча билан чалинадиган югослав халқ торли чолгу асбоби. Нок шаклида ёғочдан ясалган бўлиб, текис юпка қонқоғида иккита резонатор тешиги бор. Л. да 3 та тор бўлиб, булар куйидагича созилади:



Л. дан кунроқ ракета жўр бўлишда фойдаланилади.

ЛИРУ — тростли карел халқ пуфлама чолгу асбоби. Л. ёғочдан ясалиб, устидан канин пуслук уралади. Л. нинг трубаеси якка кават трость билан таъминланган. Трубада турли баланд-паст товушлар чиқазини учун 4—5 тешик бор. Л. нинг узунлиги 400 мм га яқин.


ЛИТАВРАЛАР (юн. *poly* — кўп ва *tantra* — барабан) — маълум баландликка эга булган урма чолгу асбоби. Л. мис қозон шаклида бўлиб, устига тери қонланган. Тери винтлар ёрдамида тортилиб ё бушатилиб, маълум товушга созилади. Л. дастлаб Осетё халқлари орасида пайдо бўлиб, Европaga 15-асрда келган. Л. нинг катта, урта ва кичик турлари бор. Ноталар эшитилишига



Литавралар

нисбатан октава юқори ёзилди. Симфоник оркестрда бир неча Л. (камидан иккита) қўлланилади. Л.нинг сози мусиқа асарининг бошланғич қисмида ва композиторнинг кўрсатиши буйича асар ўрталарида келиши мумкин. Бундай ҳолда Л. учун пауза берилиб, сози узгартирилади. Асар оралигида Л. бошқа пардага созилаётган лозим бўлса, партитурада унинг партияси ёзилган нота чизигига *п* деб ёзилади. Л. учун юмшоқ қилиниб ишланган махус таёқчалар билан уриб чалинади. Товуши катта ногора товушига ухшаш. Симфоник оркестрда Л. яқка ижро қилишда қўлланилиб, пастки бас аккордлари тўла эшитилишига кўмаклашади. Сўнги вақтларда механизациялаштирилган Л. қўлланила бошланди. Бундай Л. лар махус ричаглар ёрдамида созилади. Ричаглар қўл ва оёқ билан бошқариладиган педаллардан иборат. Симфоник оркестр партитурасида Л. ноталари мис пуфлама чолғу асбоблар тагида ёзилади.

ЛОКРИЙ ЛАДИ — табиий ладлардан бўлиб, товушқатори оддий минор ладдан II ва V ногоналарининг паст бўлиши билан ажралиб туради:



1. Ладининг тоникаси билан V погонаси оралиги кичрайтирилган квинтага теги булгани учун бу лад Бадний асарларда жуда кам учрайди.

ЛОЛА САЙЛИ — эрта баҳор лола гули очилганда бог-далаларда утказиладиган байрам — сайил. Л. С. да айтиладиган маълум қушиқ ва ашулалар бўлган. Композитор А. Ф. Қозловский Л. с. га бағишлаб симфоник оркестр учун йирик мусиқа асарни яратди. «Лола» номи билан аталган уч қисмли бу симфоник сюита қуйидаги мазмунни ўз ичига олади: 1. Лола терувчиларнинг бозор майдонида тўпланиши ва уларни кузатиш. Куча манзаралари. 2. Фарғона богларидаги тун. 3. Толачиларнинг кайтиши. Толалар билан юриш.

ЛУР — 1. Подачилар чаладиган най тузилишидаги пуфлама чолғу асбоб. Бурғуга ўхшаган бўлиб, чаладиган мундштуги олинимайди. Л. Скандинавияда тарқалган. 2. Қадимий пуфлама чолғу асбоб, кайрилма мис най. Мис пуфлама чолғу асбобларидек мундштук билан таъминланган. Қарнайнинг иккинчи томони кенг, бир текис. Товушкатори табиий. Л. нинг турли хиллари бўлиб, қадимий Скандинавия ярим оролидаги халқлар уртасида ва Гاربий Европанинг шимолида тарқалган.


ЛЮТА — мандолинанинг бас товуши берадиган тури. Л. торлари виолончелдагидек катта октавадаги *до*, *со*, *ля* ва кичик октавадаги *ре*, *ля* товушларига соझланади.

ЛЮТНЯ — қадимий Шарк халқларининг тирнама чолғу асбоби. *юд*. Европага урта асрда араблар томонидан келтирилган. 15—16-асрларда Л. яқка ҳолда, ашулага жўр бўлишда ва ансамблга қушиб чалишда қўлланилган. 17—18-асрга келиб, Л. узурини скрипка ва клавесинга беради. Жанубий Европадаги олти торли гитара ва мандолинларининг келиб чиқиш манбаи Л. дир.


ЛЮФТПАУЗА — мусиқа асарини ижро этиш жараёнида кичика муддатли сукунат.

ЛЯ (ля) — 1. Етти асосий погоналардан бирининг номи. Бунинг харфий кўрсаткичи А ёки а ҳолида ёзилади. 2. Транспозицияланувчи чолғу асбобларининг сони бўлиб, нога чизигида ёзилган нотага нисбатан бир ярим тон паст товуш беради. Бу созда кларнет ва корнет қўлланилади ва бу *in A* деб кўрсатилади.


ЛЯ-БЕМОЛЬ МАЖОР — тоникаси *Ля-бемоль мажор* тоналлиги; иккинчи атилиши *As — dur*. Қалитдан сунг тўрт бемоль (*си-бемоль*, *ми-бемоль*, *ля-бемоль* ва *ре-бемоль*) ёзилади.



Айрим пьесалар шу ном билан аталади. Чунки, бу пьесада асосий тоналлик *ля-бемоль мажор* булиб, тугалланиши хам шу тоника (*ля-бемоль*) да бўлади. *Ля-бемоль мажор* аккорди *ля-бемоль* нотасида тузилган *мажор* катта учтовушлигидан иборат булиб, булар *ля-бемоль*, *до* ва *ми-бемольдир*. *Ля-бемоль мажор*нинг тоника учтовушлиги I поғона учтовушлигидир. *Ля-бемоль мажор*нинг калитолди белгилари *бас* калитида қуйидагича ёзилади:




ЛЯ-БЕМОЛЬ МИНОР — тоникаси *ля-бемоль минор* тоналлиги, *ас* — *тол* деб хам аталади. Калит олдида еттита бемоль (*си-бемоль*, *ми-бемоль*, *ля-бемоль*, *ре-бемоль*, *со-ль-бемоль*, *до-бемоль* ва *фа-бемоль*) бор. *Ля-бемоль минор* энгармоник *со-ль-диез минор*га тенг.



Ля-бемоль минор тоналлигининг VII поғонаси ярим тон кўтарилса — *гармоник*, VI ва VII поғоналари кўтарилса — *мелодик минор* бўлади. Асосий тоналлиги *ля-бемоль минор* бўлган айрим пьесалар шу ном билан аталади; тугалланиши хам шу тоналликда (*ля-бемольда*) бўлади. *Ля-бемоль минор* аккорди *ля-бемоль* нотасидан тузилган минор (кичик) учтовушлигидан иборат булиб, булар *ля-бемоль* минорнинг тоника учтовушлиги, яъни I поғона учтовушлигидир.

*Ля-бемоль минор*нинг калитолди белгилари *бас* калитида қуйидагича ёзилади:




ЛЯВОНИХА — хушчақчақ, енгил рақсли белорус халқ кўти. Рақсга тушувчи мусиқа шаклининг ҳар бир охириги қўёғи билан ерга уради. Суръати тез, такт улчови 2/4, ҳаракати билан текис нимчорак ҳисобида боради.

ЛЯ-ДИЕЗ МИНОР — тоникаси *ля-диезли минор* аёс. *тол* деб хам аталади. Калитолдида еттита д

до-диез, соль-диез, ре-диез, ля-диез, ми-диез ва си-диез) бор. Ля-диез минор энгармоник си-бежоль минорга тенг.




Ля-диез минорнинг VII поғонаси ярим тон кўтарилса — гармоник, VI ва VII поғоналари кўтарилса — мелодик минор булади. Асосий тоналлиги ля-диез минор бўлган айрим пьесалар шу ном билан аталади, тугалланиши ҳам шу тоналликда (ля-диезда) булади. Ля-диез минор аккорди ля-диез нотасидан тузилган минор учтовушлигидан иборат бўлиб, булар ля-диез минорнинг тоника учтовушлиги, яъни I поғона учтовушлигидир. Ля-диез минорнинг калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:




ЛЯ МАЖОР — тоникаси Ля бўлган мажор тоналлиги, А — dur деб ҳам аталади. Калитолдида учта диез (фа-диез, до-диез ва соль-диез) бор.



ЛЯ — мажор аккорди ля нотасидан тузилган мажор учтовушлигидан иборат бўлиб, булар ля, до-диез ва ми товушларидан тузилади. Бу ля-мажорнинг тоника учтовушлиги, яъни I поғона учтовушлигидир. Ля-мажорнинг калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:



— тоникаси ля бўлган минор тоналлиги, а — moll калитолди белгиси йўқ.



мол
счиде
ритм а
тонали
си (фа)

Ля-минорнинг VII поғонаси кўтарилса — гармоник, VI ва VII поғоналари кўтарилса — мелодик минор бўлади.



Ля-минор аккорди ля нотасидан тузилган минор (кичик) учтовушлигидан иборат бўлиб, булар ля, до ва ми товушларидир. Бу ля — минорнинг тоника учтовушлиги, яъни I поғона учтовушлигидир.

М

МАВРИГИ ХОНИ — Бухорода лирик характердаги рақслар билан ижро этиладиган туркумли қўшиқлар ва ашула йуллари.

МАГНИТОФОН (магнит ва юн. phone — товуш) — товушни электр ёрдамида махсус магнит плёнкаси ёки кассетага ёзадиган ва эшиттирадиган аппарат (мослама).

МАДРИГАЛ (итал. madrigale — она тилидаги қўшиқ) — 16-асрда 4—5 овозда айтила бошлаган қўшиқ — хор. Бу кўпроқ Италия, сунг Англияда кенг тарқалган. М. бадний жихатдан ривожланган бўлиши билан бошқа ашула-хорлардан фарқ қилган. Кўпроқ лирик-психологик мазмунда ривожланган.

МАЖОР, МАЖОР ЛАДИ — тургун товушлари катта (мажор) учтовушлигини хосил қилган лад. Мажор Dur (дур) деб ҳам аталади. Бу тургун учтовушликка бошқа нотургуналари торталади. М. да 7 поғона булиб, булардан I—III ва V поғоналари тургундир. М. ладнинг бир неча тури бор, булардан энг асосийси табиий мажордир.



МАЖОР АККОРДИ — мажор учтовушлиги.


МАЖОР ГАММАСИ — мажор ладидаги ҳамма поғоналарнинг тартиби билан юқори (I дан VII поғонага қадар) ёки қуйидан (VIII дан I поғонага қадар) мелодик ҳолатда келиши.

МАЖОР СУБДОМИНАНТАСИ — мажор ладнинг IV поғо-

насидаи тузилган учтовушлик. Бу катга (мажор) учтовушлиги хосия килади.

МАЖОР ГУЗНИЛМАСИ — мажор ладнинг номи.

МАЖОР УЧТОВУШЛИГИ — катта ва кичик терциялардан (умумий йиннидиси соф квинта) тузилган учтовушлик. Бу учтовушликнинг настида катта, юқорисида кичик терция бўлиши шарт. Мажор учтовушлиги катта учтовушлик деб аталади.



кичик терция /кич.3/

катта терция /кат.3/

Мажор учтовушлиги консонандир.


МАЖОР-МИНОР ЛАД СИСТЕМАСИ — фақат айрим товушлардагина эмас, комплекс аккордларга, биринчи навбатда, мажор ё минор тузилишидаги доминантсептаккорд ва тошиқа учтовушлигига таянувчи ладлар тизими. Мажор тизим асосида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки лад яъни мажор ва минор ладлари ётади. 17 асдан бошлаб Ғарбий Европа мусикасида М — минор лад системаси асосий ўрни ола бошлаган.

МАЗУРКА (пол. mazurk) — ритми жуда равшан ва характерли бўлган поляк халқ рақси Такт ўлчови $\frac{3}{4}$ ёки $\frac{3}{8}$ бўлиб келади. Акцент одатдагича тактларнинг биринчи ўлчовидагина эмас, бошқа жойларда ҳам келиши мумкин. М. суръати турлича, яъни салмоқли суръатдан тезроқ ижро қилинишигача ётади. 19-асдан бошлаб М. Европада бал рақси сифатида кенг тарқалади. М. мусиқа жанри сифатида опера, балет, чолғу мусиқаларида қўлланилади. Поляк композиторлари Ф. Шопен ва К. Шимановскийлар ижодида М. бадний жиҳатдан кенгайиб, юқори поғонага кўтарилди.

«МАНАС» — қирғиз халқининг қаҳрамонлик эпоси (достони). «М.» рецитатив ҳолатда ижро этилади. Ҳозирги даврда М. нинг тўла варианты ёзиб олинган.

МАНАСЧИ — «М.» ни ижро этувчи. М. бу жанрни чолғу асбоби журлигисиз, оҳанглаштириб айтади.

МАНДОЛА (итал. mandola — торли асбоб) — торли тирнама уднинг узгарувидан келиб чиққан соз; мизроб билан ижро этилади. М. да 8 та турт жуфт тор бўлиб, катта октавадаги *соль*, кичик октавадаги *ре*, *ля* ва биринчи октавадаги *мига* соझланади. Поталар скрипка калитида, эшитилишига нисбатан октава юқориди ёзилади.



Мандолина

МАНДОЛИНА (итал. *mandolino* — кичик мандола) — торли тирнама *ud* асосида яратилган соз; мизроб билан чалиниди. М. нинг кенг тарқалган турларидан бири неополитан М. си бўлиб, бунда 8 та тор бор. Бу торлар иккитадан (унисон) бўлиб, скрипкадек кичик октавадаги *со*, *ля*, биринчи октавадаги *ре*, *ля* ва иккинчи октавадаги *ми*ларга соланади. Поталар эшитилганидек скрипка калитида ёзилади. М. нинг тузилиши буйича икки турли бор: биринчиси дугтор шаклида, фақат дастаси анча қисқа, иккинчиси текис косалик (Португалия тури).

МАНУАЛ — (лот. *manualist* — қўл билан) — 1. Органининг бармоқлар билан босиладиган клавиатураси. 2. Клавесин, фисгармония каби чолғу асбобларининг клавиатуралари.

МАРИМБА — 1. Ксилофон туридаги пластинкали урма чолғу асбоб. М. Африка халқлари ва Америкада (кўпроқ Марказин Америкада) тарқалган; пластинкалари ёғочдан ясалган бўлиб, овоз бериши учун қовоқлар устига жойлаштирилган. Резонанс берувчи қовоқ урнига трубадар қўйилиб, булар устига металл пластинкалар урнаштирилган, ҳозирги ксилофон ҳам М. дейилади.

2. Конго ва Шарқий Африканинг айрим ерларида тарқалган тирнама ёғоч чолғу асбоб. Бу Африканинг бошқа ерларида *цанца* деб юритилади.

МАРОСИМ МУСИҚАСИ — халқ орасидаги турли маросимларда ижро қилинадиган мусиқа.

МАРОСИМ ҚУШИҒИ — турли маросимларда айтиладиган халқ қушиқлари. Тўй маросимларида айтиладиган ё сурнайда чалинадиган «Ёр-ёр» ва турли лапарлар, болаларни ухлатишда оналар томонидан айтиладиган «Алла»лар, мотам маросимларида айтиладиган марсиялар шулар жумласидандир.

МАРСИЯ — яқин кишисининг вафотидан сўнг, гам-алам инфодасида хотин-қизлар томонидан чолғу асбобсиз айтиладиган ашула.

MARCIA (итал. *marci*) — марш.


МАРШ (фр. *marche* — юриш, олдинга ҳаракат қилиш, марш) — харбий юришларда, парадларда иштирок этувчиларни руҳлантириш, уларнинг ҳиссиётларига таъсир этиш мақсадида ёзилган мусиқа асари. Такт ўлчови 4_4 (баъзан 2_4 6_8) бўлиб, равон ритмда, куйи равшан бўлади. М. нинг суръати ва мусиқа характери билан бир-биридан ажраладиган хиллари бор бўлиб, турли саналарда ижро қилинади. Бу М. хушчақчақ суръатда ва характерда яратилади; бадиий образларда турлича шаклдаги М. лар чоғу мусиқаларида фойдаланилади. М. жанридан опера, балет, симфоник мусиқа асарларида ҳам фойдаланилади. Концертларда ижро этиш ва ашула қилиб айтишда ҳам М. мусиқаси қўлланилади.

МАСЛАС — уд чоғу асбобида урта баянликдаги товуш берувчи учинчи тор.

МАСНА — уд юл у асбобида урта баянликдаги товуш берувчи иккинчи тор.

МАТЛОТ — матрослар рақси; такт ўлчови икки ҳиссали.

МАТОУЦИНЬ — камон билан чақинадиган хитон ва мугул халқ торли чоғу асбоби. М. келиб чиққан Мугулистонда *моринхир* деб аталади. М. нинг корпуси травешия шаклида бўлиб, унга тери қопланади. Қопкоғига турли ранг ва шаклдаги нақшлар чиқилади. М. нинг ён қисми ҳам шу тартибда безатилиб, бунга резонанс тешиклари уйилади. Дастаннинг учига отнинг бош шакли ясалади (матуоцинь — от бошли цинь демак). М. даги отнинг думидан килинган икки тури квартага созланади. Камоннинг ёғоч



Матуоцинь

кисми бамбукдан ясалиб, унда ижро этилганда флажолет ва қўш ноталар кенг қулланилади. М. нинг узунлиги 1000 мм атрофида.

МАШҚ (машқ, малака хосил қилиш) — Тошкент, Фарғонада чолғу мусиқаси баъзан шу ном билан юритилади.

МАЭСТРО (итал. *maestro* — ўқитувчи, уста) — оркестр, ансамбль раҳбари (дирижёр, концертмейстер) нинг ҳурмат билан аталлини. Бу ном бирмунча эскириб қолган бўлишига қарамай, мусиқачилар (оркестрантлар) ўртасида хозирга қадар қўлланиб келади.

МАКОМ (турар жой, урин, парда) — мусиқа чолғу асбобларида парда ва товушлар уришини билдирган. М. сўзи турли маънода ишлатилган. Абу Наср Фаробий ва Абу Али ибн Синолардан бошлб бутун Ўрта Осиё мусиқа назариячилари «мақом» сўзини аниқ бир лад маъносида ишлатганлар. М. Шарқ халқлари ўртасида қадим замонлардан мавжуд бўлган; созанда, хонадалар томонидан яратилган ва тобора тараккий топа бошлаган мусиқа жанридир. 13--18-асрларга келиб, Ўрта Осиё, Хуросон ва Озарбайжон халқлари мусиқасида *ун икки мақом* мавжуд бўлган. Булар — Раҳовий, Хусайний, Зағули, Рост, Ушшоқ, Наво, Буслик, Ҳижоз, Ироқ, Исфахон, Зирафқанд ва Бузруклардир.

Хозирги кунда М. кўп асрлардан бери сақланиб келаётган ва хозир мавжуд бўлган мусиқа мероси асарларини билдиради. М. ни халқ мусиқасининг бошқа жанрларидан ажратадиган характерли белгилари, уларнинг ҳажми катталиги ва кўп қисмлилигидир. Ўзбекистон ва Тожикистонда узоқ асрлардан бизгача етиб келган олати М. бўлиб, *Шашмақом* номи билан машҳур. Булар: Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ироқлардир. Хар бир мақом икки катта қисмга бўлинади. Биринчиси — фақат чолғу асбобларда ижро этиладиган қисми бўлиб, буни *мушилот* (Хоразмда *чергим* йўли) дейилади; иккинчиси — чолғу асбоблар жўрлигида айтиладиган ашула қисми, буни *наср* (Хоразмда *айтним* йўли) деб аталади. Бу қисмларнинг хар бирида бир неча куй бор. Хар бир мақом ашула билан ижро қилинадиган рақс мусиқаси — уфар билан тугалланади. Шашмақом куйларини ижро қилганда, албатта, дойра усул бериб туриши шарт. Дойрасиз М. ижро этилмайди. Шунинг учун ҳам Бухорода хар бир мақом айтувчи ҳофиз дойра чертишни яхши билган. Хар бир М. шохобчаларининг ўзига хос дойра усуллари борки, булар хар бир М. нинг бир номдаги қисмларида қантарилади. Шунга кўра, бу усуллар «Мухаммас усули», «Талқин усули», «Тасниф усули» ва ҳ. к. номлар билан юритилади.

Шашмақом куйлари биринчи марта 1923 йили проф. В. А.

Усненский (1879—1949) томонидан Бухоронинг машҳур созанда, ҳофизлари Ота Жалол ва Ота Ғиёслар ижросида нотага ёзиб олинган. Лекин Бухоро халқ маориф нозирининг курсатмаси бўйича мақомларнинг наср қисми ашула йўлларининг сўзлари ёзилмай қолдирилган. Шунга қарамай «Шашмақом»нинг ноталари илк мартаба 1924 йили Москвада чоп қилинган.

МАҚОМЧИ — мақом йўлларини ижро қилувчи ашулачи ва соҳнадалар. Шашмақом куйларини ижро этиш анча қийин ва мураккаб. Бу йўлларни тула узлаштириб олиш узоқ вақт қунт билан ишлашни талаб қилади. Ўзбекистонда халқ орасида танилган атоқли мақомчилар — Ота Жалол, Ота Ғиёс, Леви Бобохонов (Левича), Ҳожи Абдулазиз, Юнус Ражабий, Фахриддин Содиков, Домла Халим Ибодов, Михаил Толмасов, Уста Шоди ва б. бўлган.

Мақом йўлларини синчиклаб ўрганиб, бунга ўзбек мумтоз шоирларининг шеърларидан танлаб, буларни ёш истеъдодли ашулачи соҳнадаларга ургатишда академик Юнус Ражабийнинг хизмати катта.

МАҚОМ АНСАМБЛИ — мақом йўлларини ижро этувчи созанда ва хонадалар тўдаси. Ансамбль мақомнинг мушқилот ва наср қисмларини ижро этувчи созанда ва хонадалардан ташкил топади. Илгарилари мақомчилар ансамбли 2 та таңбурчи, бир дуторчи, бир қубуачи (ёки гижжакчи), дойра ва 2—3 ашулачи (хонадалардан) тузилган. Одатда, хонадалардан бири дойрадастлик вазифасини бажарган. 60-йиллардан бошлаб диёримизнинг турли областларида тузила бошланган М. ансамблларида созанда ва хонадалар таркиби бирмунча кенгайтирилиб, хотин-кизлар ҳам жало қилина бошланди. Бундай М. ансамбли дастлаб академик Юнус Ражабий раҳбарлигида (1959) Ўзбекистон телевидение ва радиозинтириш Давлат компанияси қошида тузилди. Академик Юнус Ражабий вафотидан сўнг бу М. а. устоз анъаналарини ривожлантириб келди, 1989 йилдан бошлаб унинг номи билан атала бошланди.

МАҚОМИ БУЗРУҚ — қ. *Бузруқ мақоми.*

МАҚОМИ ДУГОҲ — қ. *Дугоҳ мақоми.*

МАҚОМИ ПРОҚ — қ. *Проқ мақоми.*


МАҚОМИ НАВО — қ. *Наво мақоми.*

МАҚОМИ РОСТ — қ. *Рост мақоми.*

МАҚОМИ СЕГОҲ — қ. *Сегоҳ мақоми.*

МЕДИАНТА (лот. mediantis — тенг иккига бўлувчи) — мажор-минор ладлари системасидаги поғона бўлиб, тоника билан

доминанталардан бирининг оралигида келади. Юқори ва пастки М. лар бор. Юқори М.—III поғона: бу I ва V поғоналар оралигида, яъни тоника билан доминанта (юқориги) уртасида келади. Пастки М.—VI поғона, IV ва VII поғоналар оралигида, яъни пастки доминанта (субдоминанта) билан тоника уртасида келади.




МЕДИУМ — ашулачи хотин-қизларнинг урта товуши (регистри).

МЕЙСТЕРЗИНГЕР (нем. Meistersinger — уста ашулачи) — 14—17-асрларда Германиядаги мусиқачилар уюшмаси (цехи)да шоир — ашулачи.

МЕЛИЗМ — куйин турлича киеқа товушлар билан безатувчи белгилар. 17-асрдан бошлаб қўлланила бошланган М. ларга *форшлаг, группето, мордент, чизилган мордент, трель* ва б. киради.

МЕЛОДЕКЛАМАЦИЯ — мусиқа (одатда фортепиано, баъзан оркестр) журлигида бадний уқини (аксарини шеърлар ўқилади). Бу кўпроқ мелодраматик характерда бўлади.

МЕЛОДИК МИНОР — минор ладнинг бир тури. Табиий минор ладнинг VII поғонаси ярим топ кўтарилишидан гармоник, VI ва VII поғоналари кутарилса, мелодик минор ҳосил бўлади. Демак, мелодик минорни гармоник минолда VI ва VII поғоналари оралигидаги $1\frac{1}{2}$ тонни (орттирилган секундан), бир бутун тонга (катта секундага) ўзгарини билан ажралади.



М. минорида VI—VII поғоналарни кутариши учун қўйилган альтерация белгилари калитолди белгилари ҳисобига кирмайди; шунинг учун бу VI—VII поғонани кўтарувчи белгилар кўтарилиши лозим булган ноталар олдига ёзилади. VI—VII поғоналарни кутариши учун диез, дубль-диез, агар тоналликда калитолди белгилари бемолли бўлса, бекар қўлланилади.

табiiий минор: I II III IV V VI VII VIII

гармоник минор: VI VII

мелодик минор: VI VII

7 МЕЛОДИК МИНОР ГАММАСИ — асосий погоналарни пастдан юқорига (I дан VIII погонага қадар) ё юқоридан пастга VIII дан I погонага қадар) мелодик тартибда келиши.

МЕЛОДИК ИНТЕРВАЛ — бирин-кетин эшитилган товуш оралиғи; овознинг паст-баландлигидаги фарк. Бир йўла икки овознинг эшитилиши — гармоник оралиқ бўлади.

МЕЛОДИК ҲОЛАТ — аккорднинг тақсимланиши. Бунинг кай тариха келиши юқори овозда қандай товуш келишига кўра аниқланади. Масалан, учтовушликда асосий тон M. ҳолати (буни нота устига ёзилган «1» рақами билан кўрсатилади), терция тон M. ҳолатида («3» рақами билан кўрсатилади) келиши мумкин. Агар септаккорд бўлса, аккорд септима тон M. ҳолатида (буни «7» рақами билан кўрсатилади) келиши мумкин.

МЕЛОДРАМА (юн. *melos* — ашула ва *drama* — ҳаракат) —

1. Мусиқали драматик пьесанинг монолог ва диалогларида мусиқа жүр булиши ё урин билан чалиниб туриши. Операдагидек ашула қилиб айтмай, кўпроқ сузлайди, декламация қилади. Бу жанр 19-асрдан бошлаб қўлланила бошланди. 2. Мусиқа билан берилган драматик асар қисми. 3. Мелодекламация туридаги концертларда ижро этиладиган асар.

МЕЛОМАН — мусиқа ва ашулани жуда яхши курувчи киши, муҳлис.

МЕНЗУРА (лот. *mensura* — ўлчов) — мусиқа асбобларида овоз юксақлигининг ўлчови: мусиқа асбобларида товуш чиқадиغان тешикчаларининг жойи, торининг узунлигини белгиловчи ўлчов бирлиги.

МЕНЗУРАЛИ НОТАЦИЯ — 12—16-аср, яъни ўрта аср мусиқа товушларининг ёзув системаси. Унга қадар булган нота ёзув системаси товушнинг фақат баландлигини ёзиб, узунлик миқдорини аниқламаган эди.

МЕНУЭТ (фр. *menuet*, *menu* — кичик, майда) — текис ҳаракатлар билан салмоқли суръатда ижро этиладиган қадимий француз халқ рақси. Такт ўлчови уч ҳиссали. М. чолғу мусиқасида қўлланила бошлангандан сўнг жонли характер ва тез суръатга кўчади. 19-асрнинг дастлабки йилларига қадар цикли соната шаклида ёзилган симфониянинг учинчи қисми ва бошқа чолғу мусиқа асарларидаги М. урини *скерцо* эгаллади.

МЕССА (итал. *messa*, фр. *messe*, лот. *missa*) — католикларнинг ибодат вақтида ижро этишларига мўлжалланиб, лотин тилида яратилган кўп қисмли хор бўлиб, бу асар чолғу асбоблари журлигида ё журлигисиз айтилади.

МЕТАЛЛОФОН — к. *Колокольчиклар*.

МЕТР. МУСИҚА ЎЛЧОВИ (фр. *titre*, юн. *metron* — мезон) — мусиқадаги кучли ва кучсиз ҳиссаларининг бир текис алмашиниб туриши. М. турлича ўлчовларда келиши мумкин: 2, 3 ҳиссали бўлса — *оддий* М., 4, 6, 9, 12 ҳиссали бўлса — *мураккаб* М. (бир


АЛИҚАМБАР
(Хоразм халқ кўши)

хуш


ритм

челоб

турли бир неча оддий тактлардан тузилган), 5, 7 ҳиссали бўлса — аралаш, мураккаб М. (турлича ўлчовдаги 2,3 ёки 3,2 оддий тактлардан тузилган). Бир неча ҳиссалардан тузилган тудаларнинг қайтарилишиндан такт ҳосил бўладики, бу доимий қайтарилади. Булардан ташқари, текис бўлмаган М. лар ҳам бўлади, бунда тактлардаги ҳиссалар турлича келади. М ритм ҳаракатларини ўлчов миқдорини аниқлаб берувчи система ҳамдир.



Метроном



МИЁН (урта, бел) — авжи миён — урта авж.

МИЁН ПАРДА — урта парда.

МИЁНХОНА (урта хона) — куйнинг ўрта қисми. М. сўзи кўпроқ мақомнинг мушқилот, яъни чолғу қисмида қўлланади.

МИРЗОБ. МЕЗРОБ. МЕДИАТОР (лот *m diator* — восита-чи) — 1. Фил, тошбақа суяги, металл, ёғоч ва қаттиқ теридан қилинган кичик мизроб, нохун. Бунинг учи нигичка, ўткир бўлиб, бармоқлар билан торлар тириаб чалинади. М. баъзи бир торли асбоблар — домра, мандолина, рубобларда қўлланилади. Танбур чертилганида унғ қўлининг кўрсаткич бармоғига кийгизиладиган нохун М. нинг бир туридир; плектр деб ҳам аталади.

2. Торли чолғу асбобларини созлаш.

МИКСОЛИДИЙ ЛАДИ — табиий ладлардан бўлиб, товушқатори табиий мажор ладининг VII поғонаси наст бўлиши билан ажралиб туради.




М. ладининг тоникаси билан VII поғона оралиғи катта септима ўрнига кичик септима (миксолидий септимаси) келади. М. лади кўтарилувчи, юқорига бошловчи тошнинг йўқлиғи билан характерланади. Ўзбек мусиқасида М. лади кўп учрайди.

МИ МАЖОР — тоникаси *Ми* бўлган мажор тоналлиги, E-dur — (э-дур) деб ҳам аталади. Қалитолдида тўртта диез (*фадиез, до-диез, соль-диез* ва *ре-диез*) бор.




М. мажор аккорди *ми* нотасидан тузилган мажор (катта) учтовушлигидан иборат бўлиб, булар *ми, соль-диез* ва *си* товушларидир. Бу М. мажор — тоника учтовушлиғи, яъни I поғона учтовушлиғидир.


М. мажорнинг калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:



МИ МИНОР — тоникаси *ми* бўлган минор тоналтиги бўлиб, е-толл э-моль) деб ҳам аталади. Калитолдида битта диез (*фа-диез*) бор.



М. минорнинг еттинчи погонаси кўтарилса *гармоник*, VI ва VII погонаси кўтарилса *мелодик минор* булади. М. минор аккорди *ми* нотасидан тузилган минор (кичик) учтовушлигидан иборат бўлиб, булар *ми*, *соль* ва *си* товушларидан тузилади. Бу М. минорнинг тоника, яъни I поғона учтовушлигидир. *Ми-минор*нинг калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:



МИНИАТЮРА (фр. *miniature*, итал. *miniatura*) — унча катта бўлмаган мусика пьесаси. Масалан, фортепиано учун М, вокал М. си, оркестр М си ва ҳоказо.

МИННЕЗИНГЕР (нем. *Minnesinger*, *Minne* — мухаббат, *Singer* — ашулачи) — ўрта асрлар (12—15-асрлар)даги немис рицарлари — шоир ва муסיқачилар (яна к. *Мейстерзингер*).

МИНОР, МИНОР ЛАДИ (итал. *minore* — кичик минор) — тургун товушларидан кичик (минор) учтовушлиги ҳосил булган лад. М. иккинчи турда *толл* (моль) деб ҳам аталади. Бу тургун учтовушликка бошқа нотурғунлари тортилади. М. да етти поғона бўлиб, булардан I—III ва V поғоналари турғундир. М. нинг турлари — табий М., гармоник М. ва мелодик М. дир.

МИНОР АККОРДИ — қ. *Минор учтовушлиги*.

МИНОР ГАММАСИ — минор ладидаги ҳамма поғоналарнинг тартиби билан юкори (I дан VIII поғонага қадар) ёки куни (VIII дан I поғонага қадар) мелодик ҳолатга келиши. к. *гармоник минор гаммаси*, *мелодик минор гаммаси*

МИНОР ТУЗИЛИШИ — минор лади, минорнинг иккинчи турли аталishi.

МИНОР УЧТОВУШЛИГИ — учтовушликни ташкил қилувчи терциялардан биринчиси (пастгиси) кичик, иккинчиси (юқоригиси) катта терция ва умумий йиғиндисин соф квинта бўлган учтовушлик, иккинчи хил айтганда кичик учтовушлик.

MINUETTO (итал. минуэтто) — қ. *Менуэт*.

МИНЬОН (фр. minyon — жуда кичик) — 1. Жуда кичик ҳажмдаги рояль. Одатда бунинг узунлиги 1200—1450 мм бўлади. 2. Вельте миньон — механиклаштирилган фортепианонинг фирма номи билан аталган тури. М. нинг тешилган ленталарига ижрочи (пианист) уйнаган мусиқа ёзилади. 3. Характери бўйича вальсга яқин бўлган рус бал рақси. Бу рақс 19-аср охирилари, 20-аср бошларида пайдо бўлган. Бу рақс $\frac{3}{4}$ улчовида.

МИРЗАИ — якка уйналадиган Эрон халқ рақси. Бу рақс арман, озарбайжон ва гуржиларда ҳам тарқалган. Ўлчови $\frac{3}{8}$, $\frac{6}{8}$ бўлиб, кўпроқ хотин-қизлар томонидан вазмин ижро қилинади.

МИС ПУФЛАМА АСБОБЛАР — мисдан ясалган пуфлама мусиқа асбоблар, симфоник оркестрда алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Шунингдек, пуфлама мусиқа асбобларидан алоҳида оркестр ҳам тузиладики, бу *духовой оркестр* деб аталади. Бу оркестрда мис чолғу асбобларидан ташқари бир неча ёғоч пуфлама ва урма асбоблар ҳам бўлади. М. пуфлама асбоблар якка ҳолда ва ансамбллар таркибида чалинади. Мис пуфлама чолғу асбоблари тудасига — труба, корнет, валторна, альт, тенор, баритон, бас, тромбон, туба ва б. киради. Айрим халқларнинг миллий чолғу асбоблари ичидан ҳам М. пуфлама асбоблар учрайди. Ўзбек халқ пуфлама мусиқий асбобларидан карнай мисдан қилинади. Илгарилари пай ҳам мисдан қилинар эди, шунинг учун ҳам унинг *мис най, ёғоч най, ғаров най* турлари бор.

МИС НАИ (узб.) — қ. *Най*.

М.М. — «Мельцель метрономи» сузларининг қисқартирилгани.

МОДЕРАТО (итал. moderato) — мусиқада кулланиладиган allegro (аллегро) ва allegretto (аллегретто) оралигида келадиган уртача тезликдаги суръат.

МОДЕРАТОР (лот. moderator — тўхтатувчи) — пианино, ва роялларда товушни насайтириш учун қўлланиладиган махсус ричаг.

МОДУЛЯЦИЯ (лот. modulatio — ривож қилиш, итал. модуляция, овозни мавж урдириш, товланиш) — мусиқа асаридан бир тоналликдан иккинчи тоналликка кўчиш. Янги тоналликка кўчиш охиста, маълум тайёргарликдан сўнггина эмас, кўтилмаган ҳолда, кўққисдан бўлиши ҳам мумкин. М. нинг диатоник, хроматик ва энгармоник турлари бор. М. га оғишма ҳам киради. Оғишма асо-

сий тоналликдан янги бир тоналликка қисқа муддатга ўтиш ва яна асл тоналликка қайтишдир.

МОЛДОВЕНЯСКА — молдован халқ рақси. М. хушчақчақ, ҳор билан ижро этиладиган ёшлар рақси. М. тез ва давра бўлиб ўйналади. Мусиқа ўлчови 2_4 .

MOLL (молль, лот. mollis — моллис, юмшоқ, буш) — минор пардасининг белгиси; парда тоналликларини аниқлаш учун тониканинг ҳарфий кўрсаткичини қўшиб айтилади. Масалан, a-moll — ля-минор, c-moll — до-минор, f-moll — фа-минор ва б.


MOLTO (мольто) — кўп, жуда; *allegro molto* — жуда тез.

МОНОДИЯ (юн. monos — бир ва ode — ашула) — куйнинг якка ё ансамблда журсиз ёлғиз ижро этилиши. Агар ансамблда бўлса, унисон ё октава тартибида ижро этилади. Кун Шарқ халқлари, хусусан, ўзбек мусиқа мероси М. нинг хилма-хил кўринишларига бой.

МОНОДРАМА (юн. monos — бир ва drama — якка) — бир киши ижросига мулжалланган драма.

МОНОТОНЛИ (юн. monos — бир, якка, tonos — диққат билан) — бир тонли, бир товушли, яъни якка овозли. Шунингдек, бир хил, бир товушнинг кучайтирмай, пастламай қайта-қайта бир текис такрорланиши.

МОНОХОРД (юн. monos — бир, chorde — тор) — 1. Тор ва унинг айрим қисмдаги товуш баландлигини аниқловчи махсус асбоб. М. товуш берувчи узун бир қути шаклида бўлиб, бунга тор тортилади, бу торга махсус харақ ўрнатилган. Харақ торни ҳар бири ўзинча товуш берувчи икки бўлакка ажратади. Резонанс берувчи қопқоқ шкалага бўлинган. Баъзан М. ва қисқартирилган торлардан чиққан товуш билан тафовутлаш учун махсус бўш тор ҳам тортилади. 2. Бир торли кадимий юнон тирнама чолғу асбоби. 3. Бир торли чолғулар номи. 4. Фортепианога ўрнаштирилган махсус механизм бўлиб, унда болгачалар урадиган 2—3 тор ўр-



Монохорд

нига фақат бир тор урилади. Ҳозирги фортепианода М. вазифасини чап педаль бажаради. 5. 18-асрга қадар тарқалган клави-корд.

МОРДЕНТ (итал. *mordente* — ўткир, учи ўткир) — *мелизм* турларидан бири бўлиб, уч нотанинг тез чалинишини кўрсатади. М. белгиси — ноталар устига ёзилади. М. да — асосий товуш, ёрдамчи товуш (бир ногона юқори ё паст турган) ва яна асосий



товуш ижро этилади. Оддий М. лардан ташқари икки карралк чизилган М. лар ҳам бўлади.

МОРИНХУР — Мўғулистон республикасида кенг қўлланиладиган торли камонли чолғу асбоб (яна қ. *Матуоцинь*).

МОТЕТ (лот. *motetus, motus* — сўз) — 12—14-асрларда ай-тилган кўповозли ашула. Бунда бир йўла бир неча ўзига хос қўшиқлар айтилган. Баъзан бу қўшиқлар турлича сўзлар билан бир йўла ижро этилган. Кейинчалик кўповозли полифоник тузилишдаги а' капелла учун яратилган асарлар.

МОТИВ (итал. *motivo* — мусиқий мотив, куй, мавзу, оҳанг) — 1. Мусиқа мавзусини ифодаловчи кичик бир мусиқа бўлаги — оҳанги. М. одатда кучли ҳиссага эга бўлган тактдан иборат бўлади. 2. Мусиқа асарини қайта кенгайтириб ишланишида маълум хусусиятга эга бўлган мавзунинг характерли қисми. 3. Турмушда — куй, оҳанг кўпинча бир маънода ишлатилади. «Куйи қанақа?» дейиш ўрнига «Оҳанги қанақа?» деб ишлатилади.

МОГОЛДОК УНИНИ — баданини турлича ҳаракатга киргизиб ўйнаш усули.

МУҒАМ, МУҒОМ (оз).— 1. Озарбайжон халқ мусиқаси лади. Озарбайжон мусиқасининг куй бойлиги лад системасини ҳам кенг тараққий этишига асос бўлди. 70 дан ортиқ М. лад бўлиб, булардан энг муҳимлари — Рост (Рост), Шур, Сегоҳ, Шуштэр, Чаргях

(Чоргоҳ), Баяги Шираз (Баёти Шероз), Хумаюнлардир. М. гаммалари катта, кичик ва кўпроқ орттирилган секундалардан тузилади. Айрим М. лар товушқатори бир октавага сиғмайди. Товушқаторидаги айрим погоналар юқориги октаваларга бир турли келмай, турлича келади. Масалан, пастки октавадаги *си*, юқориги октавадаги *си-бемоль* бўлиб пасаитиб келади. 2. Сюита ва рансодия турлидаги вокал чолғу циклли мусика асарлари. Озарбайжон халқ ва профессионал мусика жанри. Хар бир асар бир М. ладида тузилади ва шунга кура шу тузилган М. номи билан юртилади. М. бадеха (импровизация) тартибида тузилган катта қисмлардан иборат бўлиб, ракс (ранг) ва ашула (тасниф) билан алмашиниб туради. М.нинг вокал қисмида классик шоирлардан Низомий, Фузулий газаллари ва ҳозирги шоирларнинг лирик шеърлари айтилади.

МУҚАММАЛ КАДАНС — к. *Каданс*.

МУҚАММАЛ МОДУЛЯЦИЯ — бир тоналликдан иккинчисига ўтиб, янги тоналликда мустаҳкамланган модуляция.

МУНДШТУК (нем. Mund — лаб, stuck — парча). 1. Пуфлама чолғу асбобларининг лабга қўйиладиган қисмига уриштирилган қалпоқча. 2. Қларнет, саксофонга ўхшаш чолғу асбобларининг пуфланадиган қисми.

МУРАББАЪ — тўртлик. Ўзбек классик поэзиясида шеърини шакл М.нинг биринчи, иккинчи ва учинчи мисралари қофиядош, сандларнинг туртинчи мисраси қофиядош бўлади. Баъзан қофиядош бўлмай келган учинчи мисрасига, одатда, ашуланинг авж қисми туғри келади.

МУРАББАИ КОМИЛ — Хоразм мақомларидан Ростнинг чертим (чолғу) бўлимига кирувчи куй. Бу куй 19-асрда яшаган бастакор, шоир Комил Хоразмий томонидан киритилган бўлиб, *Муҳаммас* дойра усулида ижро этилади.

МУРАББАИ РОСТ — Хоразм мақомларидан Ростнинг чертим (чолғу) бўлимидаги куй.

МУРАККАБ КАДАНС — турли ҳолатдаги ногургун аккордлардан тузилган каданс. Субдоминанта ва доминанта функциясидаги аккордлардан тузилган тўла каданс — биринчи турдаги М. каданс, каданс квартаккорди билан келган тула каданс — иккинчи турдаги М. каданс деб аталади.

МУРАККАБ КОНТРАПУНКТ — икки ё undan кўп овознинг полифоник қилиниб, бир нота эингилиши. Бунда интервалларнинг маъдум миқдорда ўзгарishi билан булар орасидаги ритмик тафовутга қарамай, мусиканинг мазмуни бузилмайд.

МУРАККАБ ТАКТЛАР — бир неча кучли ҳиссаларга эга

бўлган тактлар. М. тактлар оддий тактларнинг қўшилишидан хосил бўлади. Бу оддий тактлар бир турли ўлчовда ё турлича ўлчовда бўлиши мумкин. Агар оддий тактлар бир турли ўлчовда бўлса, бунини мураккаб такт дейилади.

$$\frac{2}{4} + \frac{2}{4} + \frac{2}{4} = \frac{6}{4}$$

$$\frac{3}{4} + \frac{3}{4} + \frac{3}{4} = \frac{9}{4}$$

$$\frac{4}{8} + \frac{4}{8} = \frac{8}{8}$$

$$\frac{2}{4} + \frac{2}{4} = \frac{4}{4}$$

Агар М. тактлар хосил қилган оддий тактлар турлича ўлчовда бўлса, аралаш мураккаб такт деб аталади:

$$\frac{2}{4} + \frac{3}{4} = \frac{5}{4}$$

$$\frac{2}{4} + \frac{3}{4} + \frac{2}{4} = \frac{7}{4}$$

$$\frac{4}{8} + \frac{3}{8} = \frac{7}{8}$$

МУРАККАБ УЧ ҚИСМЛИ МУСИҚА ШАКЛИ — к. *Уч қисмли шакл.*

МУСАББАИ РОСТ — Хоразм мақомларидан Ростнинг чертим (чолғу) бўлимидаги куй.

МУСИҚА (юн. *musike, musa*) — турли-туман товушлар билан бадний образ яратиб берувчи, ғоявий-эмоционал мазмунга эга булган санъатнинг бир тури. Инсоннинг жамиятда тутган мавқеи, маданий-тарбиявий, ғоявий ташкилотчилик ролида мусиқа юксак ўринда туради. Ҳар бир халқнинг мусиқаси миллий хусусиятига кўра бир-биридан фарқ қилади. Халқ мусиқаси узоқ йиллар давомида шаклланиб, баднийлашиб, юксак поғонага кўтарилди, халқнинг бой хазинасига айланди. Халқ мусиқаси билан мустаҳ-

кам боғланган ҳолда профессионал мусиқа ҳам тараққий қилиб келдики, унинг вужудга келишига моҳир созанда, бастакор ва композиторлар ва ҳиссаларини қўшдилар. Мусикадаги образларни гавдалантириб берувчи асосий элемент — мусиқа товушидир. Мусиканинг асоси кўйдир. Бундан ташқари ритм, лад, метр, гармониялар унинг муҳим воситаларидандир. Мусика ижро этилиши бўйича икки асосий турга бўлинади: чолғу мусикаси, иккинчиси вокал, яъни ашуллани мусиқа. Мусиқа бировозли (монодия) ва куповозли (полифония, гомофония) бўлади. Булар куп жиҳатдан бир-бирдан фарк қилади. Маълум бир мавзуда яратилган чолғу мусикаси программали мусиқа деб аталади. Вокал мусикаси эса бирор чолғу асбоби журлигида ижро қилинади. Айрим куповозли хорлар чолғу асбоблари журлигисиз ижро қилинадики, бу а' капелла деб аталади. Мусиқа сахна асарлари: опера, оперетта, мусиқали драма, балет, драма ва киноларда муҳим роль ўйнайди.

МУСИҚА АКУСТИКАСИ — мусиқа товушларининг ҳосил бўлиши, тузилиши ва созланишини ўрганувчи фан. Бу физика фани акустикасига асосланган бўлиб, турли шаклдаги мусиқа чолғу асбобларида товушларнинг ҳосил бўлишини, уларнинг тембри, яъни «ранг-баранглигини», баланд-пастлигини, каттиқ ёки секинлигини ўрғанади.

МУСИКА АСАРЛАРИ ТАҲЛИЛИ — 1. Турли характердаги мусика асарининг мазмуни, услуби, шакли ва мусиқий хусусияти бўйича илмий текшириш иши олиб бориш. Бу илмий текшириш мусика асарининг маълум бир турида бўлиши мумкин. Бундай ҳолда олиб борилган илмий ишга қараб гармоник таҳлил, шаклий таҳлил, полифоник таҳлил ва ғ. к. деб аталади. 2. Мусиқа билим юр்தлари ва консерваторияларда ўрганиладиган асосий назарий фанлардан бири.

МУСИКА АСБОБЛАРИ — чолғу мусиқа асбоблари. Маълум бир тембрда мусика товушлари берадиган асбоблар. Профессионал мусиқа чолғу асбоблари уч гуруҳга бўлинади: торли, пуфлама ва урма. Торли (торларнинг тебраниши орқали товуш берувчи чолғу асбоблар) уз навбатида яна турларга бўлинади. Улар *камончали* — скрипка, альт, виолончель ва контрабас, *тирнама* — арфа, болгачалар билан уриб чалинадиган фортепиано (рояль ва пианино), *пуфлама*, яъни карнай ичидаги хавонинг тўлқинланиши орқали товуш берувчи чолғу асбоблари эса ишланши қуроллари орқали мис пуфлама — труба, альт, тенор, баритон, бас, тромбон, туба, валторна, ёғоч *пуфлама* — флейта, гобой, кларнет, фагот ва буларнинг катта-кичик турлари киради. Айрим ёғоч пуфлама чолғу асбоблар — металл, пластмасса, ҳатто ойнадан ҳам ясалади.

Ўрма чолғу асбоблари эса маълум бандликка (муайян созга) эга бўлмаган — катта ва кичик барабан, бубен (дойра, тарелка, треугольник (учбурчак), кастанъета (қошиқ), там-там ва б., аниқ бандликка (созга) эга бўлган — литавра, ксилофон, колокольчиклардан иборат. Мазкур чолғу асбоблар ва уларнинг турлари профессионал чолғу асбоблар ҳисобланиб, булардан ташқари ҳар бир халқнинг ўзига хос чолғу асбоблари бор. Булар ҳам ўз навбатида турларга бўлинадилар (қ. *халқ чолғу асбоблари*).

МУСИКА БИЛИМ ЮРТИ — ўрта маълумотли мусиқа кадрлари етказиб берадиган махсус ўқув юрти. М. билим юртига етти йиллик мусиқа ҳамда саккиз йиллик (ва ундан ортиқ) умумий маълумотга эга бўлганлар қабул қилиниб, ўқув давомида мусиқада урта ва ун йиллик умумий маълумот оладилар. Республикада илк мусиқа билим юрти Туркистон халқ консерваторияси номи билан 1918 йили ташкил қилинган. Мусиқа билим юртларимизда — фортепиано, торли ва пуфлама чолғу асбоблар, ашула (вокал), мусиқа тарихи ва назарияси, хор дирижёрлиги, ўзбек халқ чолғу асбоблари булимлари мавжуд. Ҳозир республикамизнинг деярли ҳамма вилоятларида М. билим юртлари (баъзилари санъат билим юртлари) бор.

МУСИҚА ДИКТАНТИ (лот. dicto — буюраман) — бирор мусиқа парчасини эшитиб ёзиш. Ўқувчиларнинг эса эслаб қолиш ва эшитув қобилиятини тараққий қилдириш учун сольфеджио машғулотида қўлланилади. Диктант — ритмик, мелодик ва гармоник ҳолда ёзилиши мумкин. Шунингдек, 1, 2, 3 ва 4 овозли диктантлар ҳам бўлади.

МУСИҚА КОНКУРС (ТАНЛОВ)лари — созада, хонанда, композиторлар мусобақаси. М. конкурслари илгаридан эълоп қилинган шартлар асосида бирор давлат ёки давлатларaro миқёсда ўтказилади. Конкурсада етук баҳоланганлар ҳайъат ҳаками томонидан турли урин ва мукофотларга тақдим қилинади, уларга *лауреат* унвонлари берилади. Биринчи композиторлик конкурси (Рим мукофоти буйича) 1803 йили Францияда ўтказилган. Бу М. К.и Париж консерваториясининг композиция курсини битирувчилари учун эълоп қилинган эди. Кейинчалик композиторлар учун мусиқанинг турли жанрлари (қўшиқ, ашула, романс, опера, балет ва б.) яратиш буйича ҳам К. лар ўтказилган булди. Ҳозирги кунда панки ижодкорлар, балки турли йўналишдаги созада, хонандалар, муайян жанр (мас. мақом, катта ашула, алла) ижроси соҳасида ҳам К. лар ўтказилмоқда.

МУСИКА НАЗАРИЯСИ — кенг маънода мусиқа композицияси, таҳлили, ижрочилиги ва б. ни ўрганувчи фан. У мусиқа

эстетикаси билан ҳам боғлиқдир. М. н. куй, ритм, чолгулаштириш, гармония, полифония, метр, мусиқа шаклларини урганиш ва таҳлил қилиш каби соҳаларни ўз ичига олади. Шунингдек, мусиқа ижрочилиги анъаналарни ва услубларини ишлаб чиқувчи илмий-услубий фанни ва мусиқа укуви (сольфеджио) қобилиятини устиришни ҳам ўз ичига олади. Тор маънода М. И. бошлангич ва урта мусиқа ўқув юртларида ўзлаштириладиган фан.

МУСИҚА ПСИХОЛОГИЯСИ — мусиқа ижодиёти ва санъаткорлар қобилиятини ўрганувчи назарий фан. М. н. да мусиқа қобилияти, таланти, ижрочилик имкониятлари (эшитув қобилияти, эладларни сезиш, ритм, эслаб қолиш ва б.) урганилади.

МУСИҚА САВОДИ — мусиқа назарияси ҳақида бошлангич таълимот. Болалар мусиқа мактабларида М. с. бошлангич мусиқа назарияси курсига киради.

МУСИҚА ТАНКИДЧИЛИГИ — мусиқа асарларини бевосита таҳлил қилиш, баҳо бериш. М. т. фақат асарнинг узинигина эмас, унинг ижросини ҳам баҳолайди. М. т. га мусиқа соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳамда турли концерт ва спектакллар, боситиб чиққан нота ва б. га газета, журналлар орқали эълон қилинган бадний-танкидий тақризлар киради.

МУСИҚА ТАРИХИ — 1. Мусиқа санъатининг пайдо бўлишидан ҳозирги замонга қадар бўлган тараққиёти 2. Мусиқа тараққиётини урганувчи фан — мусиқашунослик. Унга ҳамма давр ва барча халқлар мусиқа маданияти тарихини ўз ичига олувчи умумжаҳон мусиқа тарихи, мусиқа жанрлари ва шакллари тарихи, ижрочилик санъати, тарихи, мусиқа таълими тарихи ва б. киради. М. Т. муайян дастурлар асосида олий мусиқа ўқув юртларида ўқиладиган фан.

МУСИҚА ТОВУШИ — аниқ баландликка эга бўлган товуш — тон. М. т. маълум тартибда ташкил қилинган мусиқа тизимига киради.

МУСИҚА ТУЗУМИ — тусиқада қўлланиладиган товушларнинг узаро боғланишлари. Ҳозирги температураданган М. т. товушкатори бир-бирига тенг 12 та ярим тондан иборат М. Т. *диалогони* октаваларга бўлинади.

МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИ — қ. *Халқ мусикаси*

МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИСТИКАСИ — қ. *Мусиқа этнографияси*.

МУСИҚА ШАКЛИ — мусиқа асарининг композицияси, туси тузилиши. Бунга мусиқанинг куй, ритм, гармония ва бошқа воқеалари киради. М. ш. — тор маънода муайян мусиқа асарининг тузилиши, қисмларининг бир-бирига бўлган боғланишидир. М. ш.

элементлари оханг, жумла ва давриядир. Оддий икки қисмли шакли — икки қисмининг бир-бирига қарама-қарши қўйилиши ва биринчи қисмининг қайтарилишидан (қайтариқ узғариб келиши ҳам мумкин) иборат. Куплет шакли — бир мусиқанинг турли шеърларда қайтарилишидан тузилади. Вариация шакли — бир мавзунинг баъзи бир узғаришлар билан бир неча бор қайтарилиши. Бир хил мусика парчасининг бошқа (янги) парчалар орасида қайтарилиб келиши *рондо* деб аталади. Мураккаб икки қисмли ва мураккаб уч қисмли шакл — бир неча даврияларни ўз ичига олган оддий шакллардан тузилади. М. ш. лари ичиде кенг тараққий қилгани *соната* шаклидир. Циклли шакллар — ўзига хос бир неча қисмлардан тузилади (масалан, соната цикли, сюита). Қуй қисмли тузилиш — опера, балет, оратория ва б. ларга характерлидир. Муайян М. ш. га тунмандиган мусиқа асарлари ҳам бўладики, бу *эркин шакл* деб аталади. Масалан, прелюдия, фантазия ва б. Рондо-соната каби аралаш шакллар ҳам учрайди. Полифоник шакллар — канон, фуга, полифоник вариациялар ўзига хос алоҳида гуруҳ ҳисобланади.

МУСИКА ЭСТЕТИКАСИ — мусиқа санъатининг моҳияти, воқеликка муносабати, ижтимоий роли, бадний шакллари ва услубларини урганадиган фан. М. эстетикаси мусиқа образлари характерини, шакл ва мундарижасини ҳам ўрганади. Мусиқадаги гоёвийлик, халқчилик принциплари М. эстетикасининг асосидир. М. эстетикаси мусиқанинг бошқа санъат турлари билан алоқаси, болашлигини ҳам ўрганади.

МУСИКА ЭТНОГРАФИЯСИ — мусиқа фольклори, мумтоз куй ва чолгу мусиқа, мусиқа билан боғланган барча халқ маросимларини ўрганувчи фан. М. ёзиб олинган халқ мусиқаси намуналари ва буларнинг асл ҳолда эшитиб таҳлил қилишга таянади; халқ мусиқасининг ҳаётдаги роли, ўзаро таъсири, унинг бошқа санъат турлари билан боғлиқлиги ва, шунингдек, профессионал бастакор, композиторлар ижодиётида фойдаланишини ҳам ўрганади. Ўзбекистонда М. Э. билан биринчи марта профессор В. Успенский шугулланди; у республикамизнинг вилоятларига мусиқа экспедициялари ташкил қилиб, ўзбек халқ мусиқа бойлиқлари, хусусан мақомлар, ашула ва катта ашула каби жанрлар, шунингдек «Қирил гўл», «Тола», «Навруз» сайиллари ва буларда ижро этиладиган куй ва қушиқларни тўплади ва ўрганди.

МУСИКА ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ — мусиқа санъатига оид барча маълумотлар келтирувчи узига хос мусиқий комустлар.

МУСИКА ХАВАСКОРЛИГИ — бирор касб билан шугулланувчи, асосий иш ва ўқишларидан бўш, ҳордиқ чиқариш соатла-

рида домини мусика машгулотлари олиб борувчилар фаолияти. М. х. тугараклари Ўзбекистонда кенг тарқалган. Улар яккама-якка, турли ансамбль, оркестр ва хор жамоаларида қатнашишди. М. х. тугаракларининг қулайиши мусика маданиятимизнинг ривож топиши, омма ўртасида кенг тарқалишида муҳим омил бўлди. Хаваскор мусиқа ва хор тугаракларидан профессионал жамоалар, атоқли мусика арбоблари моҳир ашулачилар етишиб чиқди. Марказий Осиё халқлари мусиқани асрлар давомида модия тарзида ижро қилиб келган бўлса, кўповоқли услуб жорий этилишида мусика хаваскор тугараклари уз хиссаларини кушмоқдалар. Илгарилари Козогистон, Туркменистон ва Киргизистонда рақс санъати бўлмаган ё жуда ибтидоий ҳолда бўлган бўлса, ҳозир бу республикаларда юзлаб хаваскор рақс тугараклари гашкил қилинган. Хар йили туман, шаҳар, вилоят, республикалар миқёсида мусиқа хаваскорларининг куриклари, фестиваль ва олимпиадалари ўтказилиб туради.

МУСИҚАЛИ ДЕКЛАМАЦИЯ — 1. *Мелодикация*нинг иккинчи номи. 2. Речитатив ҳам шу ном билан аталади. Бундан вокал мусика, ашуланинг декламация (речитативли) услуби М. Д. билан узвий боғлиқ. 3. Сузни вокаллаштириб, *речитатив* ҳолда айтиши.

МУСИҚАЛИ ДИКТАНТ — мусикани тинглаб юзига ёзиш, *сопфеджио* курсининг таркибий қисми. М. диктантларининг бир овозли, икки овозли, гармоник, полифоник ва б. турлари бўлиши мумкин.

МУСИҚАЛИ ДРАМА — 1. Дастлабки даврда Италияда опера шу ном билан аталган. 16—17-асрларда бошқа мамлакатларда ҳам операнинг пайдо бўлиши туфайли 19-асрга келиб, М. Д. атамаси истеъмодан қолди. 19-аср урталарида Германияда композитор Р. Вагнер уз операларини «М. Д» номи билан атаган. Унинг «Нибелунглар улуғи», «Тристан ва Изольда», «Парсифаль» каби опералари тузилиши жиҳатдан драмага яқин бўлган. Булар хар бир актининг тугалланмаганлиги, ансамбль, хор, балет ва б. ларнинг деярли қўлланилмаганлиги билан ажралади. 2. Чолгу ва вокал мусиқа асосий урин эгаллаган драматик асар. Бундай жанр узоқ даврлардан бери Ҳиндистон, сунгра Хитой мусиқа театрларида ривожланиб келган. XX асрда М. Д. жанри Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистонда кенг тарқалди. Дастлабки даврларда бундай саҳна асарларидаги мусиқалар фақат халқ куйларидан тузилган. Саҳнадаги воқеанинг боришига кўра халқ мусиқалари халқ чолгу асбоблари журлигида олиб борилган бўлса, кейинроқ кичик симфоник оркестр қўшилган. Ўзбекистонда М. Д. театри 1929 йили тузи-

либ, у 1939 йили опера театрига айланди ва ўша йили Муқимий номидаги Ўзбек Давлат Муסיқали театри ташкил қилинди. Бу турдаги М. Д. театрлари Ўзбекистоннинг деярли ҳамма областларида мавжуд. Тўхтасини Жалиловнинг «Тоҳир ва Зухра» мусиқали драмаси фақат Муқимий номидаги театр саҳнасида бир ярим минг мартадан ортиқ курсатилади, у шунингдек, чет эл (Хитой)да ҳам намойиш этилган. Т. Жалилов жами 40 га яқин, сунги йилларда бастакорлардан Ю. Ражабий, К. Жабборов, Ғ. Тошматов, композиторлардан — М. Левнев, Ик. Акбаров, С. Бобоев, Д. Зокиров, М. Тожиёв, Р. Хамроев, С. Жалил, М. Юсунов, Р. Ҳайитбоев, М. Маҳмудов, М. Бафоев ва б. лар Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театри ва вилоятлардаги мусиқали-драматик театрлар учун турли мавзуларда асарлар яратган, Дастлаб М. Д. ҳолида ярашилган айрим асарлар кейинчалик опералаштирилди. Масалан, Р. Глиэр ва Т. Содиқовлар «Гулсара», «Лайли ва Мажнун», В. Успенский ва Г. Мушеллар «Фарҳод ва Ширин», Т. Жалилов ва Б. Бровцилар «Тоҳир ва Зухра» асарларининг опера вариантларини яратдилар.

МУСИҚАЛИ КОМЕДИЯ — бу атама ўтмишда опереттага нисбатан қўлланилган. Хозир Марказий Осиё, Кавказorti давлатларида *мусиқали драма*га яқин, лекин ҳажвий йўналишда бўлган асарлар М. К. деб аталади.

МУСИҚАЧИ — 1. Мусиқа санъатининг бирор турини (композитор, дирижёр, скрипкачи, ашулани, мусиқа тарихчиси ва б.) эгаллаган профессионал касб эгаси. 2. Созанда, чолғучи.

МУСИҚАШУНОС — мусиқа фанининг бирор соҳасида ишловчи мутахассис. М. илмий-тадқиқот соҳасида илмий ходим, танқидчи, мусиқа ўқув юртлари ўқитувчиси, лектор, нашрларда муҳаррир ва ҳ. к. бўлиши мумкин. М. олий маълумотни консерваториянинг мусиқа тарихи ва назарияси факультетида, ўрта маълумотни эса мусиқа билим юртларининг ана шундай бўлимларида олади.


МУСИҚАШУНОСЛИК — мусиқа ҳақидаги фан. Бунга мусиқа тарихи, назарияси, мусиқа этнографияси, мусиқа акустикаси, мусиқа психологияси, мусиқа танқидчилиги ва б. килади.

МУСИҚИЙ (мусиқа) — Шарқда ўтмишда (баъзи мамлакатларда ҳозир ҳам) мусиқа атамаси.

МУСИҚОР — қ. *Шэмаме*.

МУСТАҲЗОД — «Наво» мақоми «Наср» (ашула) қисмининг иккинчи шубҳасига кирувчи ашулалардан.


МУХАЙЯР (ихтиёрли) — Шашмақомдаги Ироқ мақомининг наср (ашула) бўлимида келадиган ашула йўлларидан. Дойра зарбжа:




МУХАЙЯР ЧОРГОХ НАМУДИ (Намуди мухайяри чоргох) — қ. Намуд.

МУХАММАС (бешлик) — 1. Ўзбек мумтоз шеъриятида муайян шакл бўлиб, бунда биринчи банднинг ҳамма беш мисраси узаро бир-бирига қўфиядош, кейинги бандларнинг тург иўли — узаро, бешинчи мисраси эса — биринчи бандга қўфиядош булади. М лар асосида айтиладиган ашулалар газал-ва мураббаълардагидек кўп бўлмасада, йирик ва кичик шаклдаги ўзбек халқ ашулаларида учраб туради. Масалан, «Баёғ III» (Муқимий газали), «Гиря» (Навойи газалига Муқимий мухаммаси), «Фигон» (Фурқат газали), «Оромчижон» (Завқий газали), «Найларам» (Хислат газали) ва б.

2. Шашмақомнинг мушқилот (чолгу) бўлимидаги албат куйлардан Хар бир мақомнинг мушқилот қисмида 2—3 М учрайди ва булар М. ва Ушшоқ, М. и Насруллойн, М. и Баёт, М. и Хусайний, М. и Ажам деб юритилади. М. лар $\frac{4}{4}$, $\frac{2}{4}$ улчовида келади. Дойра усули узун ва мураккаб:



М ларнинг дойра усуллари ва куй гузилиши анча мураккаб бўлишига қарамай, халқ орасида мақомларнинг кенг тарқалган қисмларидандир. Хоразм мақомларининг М. идаги дойра усули микдор жиҳатидан бир хил узунликда бўлса ҳам, ритмик жиҳатдан бир оз фарқ қилади. Хоразм М. сининг дойра усули куйидагичадир:



Мақомларда айрим М. ларни ижод этган ашулачиларнинг куйидаги куйларга қўшилиб юритилади. Масалан, «Хоразм» М. и Насруллойн, М. и Хожихўжа, М. и Мирзаҳаким ва «Хоразм» М. и ташқари, Хоразм мақомларида М. и Феруз ҳам мавжуд.

МУХАММАСИ АЖАМ — Шашмақом системасидаги Сегоҳ мақомининг мушқилот (чолғу) бўлими куйларидан. М. Ажам Мухаммас дойра усулида ижро этилади.

МУХАММАСИ БАЁТ — Наво мақомининг мушқилот (чолғу) бўлими куйларидан. М.и Баёт Мухаммас дойра усулида ижро этилади.

МУХАММАСИ ДУГОҲ — Шашмақомдаги дугоҳ мақомининг мушқилот (чолғу) бўлими куйларидан.

МУХАММАСИ ЖАДИД — Хоразм мақомларидан Ростнинг чертим (чолғу) бўлимида *мураббаъи Комилдан* сунг ижро қилинадиган куй.

МУХАММАСИ ЖАДИДИ ФЕРУЗ — Хоразм мақомларидан *Ростнинг* чертим (чолғу) бўлимидаги Мухаммаси Феруздан сунг ижро этиладиган куй. У мақомга 19-асрда киритилган бўлиб, Мухаммас дойра усулида ижро этилади.

МУХАММАСИ МИРЗА ХАКИМ — *Шашмақомдаги* Сегоҳ мақомининг мушқилот (чолғу) бўлимидаги куй.

МУХАММАСИ НАВО — *Шашмақомдаги* Наво мақомининг мушқилот (чолғу) бўлимидаги куй.

МУХАММАСИ НАСРУЛЛОЙИ — *Шашмақомдаги* Бузрук мақомининг мушқилот (чолғу) бўлимидаги куй.

МУХАММАСИ ПАНЖГОҲ — *Рост мақомининг* мушқилот (чолғу) бўлимидаги куй. Хоразм мақомларида эса М.и Панжгоҳ — Ироқ мақомида келади.

МУХАММАСИ РОСТ — Хоразм мақомларида Ростнинг чертим (чолғу) бўлими куйларидан.

МУХАММАСИ СЕГОҲ — Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг мушқилот (чолғу) бўлимидаги куй.

МУХАММАСИ УШШОК — Шашмақомдаги Рост мақомининг мушқилот (чолғу) бўлими куйларидан.

МУХАММАСИ ФЕРУЗ — Хоразм мақомларидан Бузрук ва Ироқнинг чертим (чолғу) бўлими куйлари. Бу куйлар мақомга 19-асрда киритилган.

МУХАММАСИ ЧОР САРХОНА — Шашмақомдаги Дугоҳ мақомининг мушқилот (чолғу) бўлими куйларидан.

МУХАММАСИ ЧОРГОҲ — Шашмақомдаги Дугоҳ мақомининг мушқилот (чолғу) бўлими куйларидан.

МУХАММАСИ ХОЖИХУЖА — Шашмақомдаги Дугоҳ мақомининг мушқилот (чолғу) бўлими куйларидан.

МУХАММАСИ ХУСАЙНИЙ — Шашмақомдаги Наво мақомининг мушқилот (чолғу) бўлими куйларидан.

МУШҚИЛОТ (қийинчиликлар, оғирликлар) — Шашмақом йўл-

ларининг чолғу бўлими. Хоразмда *М. чергим йўли* деб юритилади. **М.** нинг асосий қисмлари — Тасниф, Таржиъ, Гардун, Мухаммас ва Сақялардир.

МЮЗЕТ — Францияда волинканинг қайта ишланган тури.

МЮЗИК ХОЛЛ (инг. music-hall — концерт зали) — ўнга хос алоҳида программа ва тематик номерлардан тузилган концерт репертуари булган эстрада театри.

МУҚАДДИМА (бошловчи мусиқа) — 1. Театр томошаларида парда очилиши олдидан ижро этиладиган чолғу мусиқаси, пьеса. 2. Сювтаннинг биринчи қисми.

МУҚАДДИМАИ ДУГОҲИ ҲУСАЙНИЙ — Хоразм мақомларидан Наво ва Дугоҳининг наср (ашула) бўлимидаги ашулалар.

МУҚАДДИМАИ НАСРИ АЖАМ — Насри Ажам муқаддимаси. Шу куйга қадар ижро этилувчи кичик бир парча.

МУҚАДДИМАИ НАСРИ УЗЗОЛ — Хоразм мақомларидан Бузрукнинг айтим (ашула) бўлимидаги ашулалардан бўлиб, Насри Уззолнинг муқаддимаси, яъни шунга қадар ижро этиладиган кичик бир ашула. Наср дойра усулида ижро этилади.

МУҚАДДИМАИ НАСРИ ҲИЖОЗ — Хоразм мақомларидан Дугоҳ ва Сегоҳнинг айтим (ашула) бўлимидаги ашулалардан: Насри Ҳижознинг муқаддимаси, яъни шунга қадар айтиладиган кичик бир ашула. Бунда Наср дойра усулида ижро этилади.


МУҚАДДИМАИ ТАЛҚИН — Хоразм мақомларидан Сегоҳнинг айтим (ашула) бўлимидаги ашулалардан. Талқиннинг муқаддимаси, яъни шунга қадар ижро этиладиган кичик бир ашула бўлиб, Талқин дойра усулида айтилади.

МУҒАННИЙ — Хоразмда ашулачи — хонанда шу ном билан аталади.

МУҒУЛЧА — Шашмақом наср (ашула) бўлимининг иккинчи гуруҳ шуббаларига кирадиган ашулалар. Мақом номига кўра Муғулчан Бузрук, М.и Наво, М.и Дугоҳ тартибида аталади.

Н

НАВО (куй, оҳанг) — I. 13—17-асрларда Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқлари ўртасида кенг тарқалган ун икки мақомнинг учинчиси ҳисобланиб, товушқатори ҳозирги ўқилишида эолий ладга, яъни:



га тўғри келади. 2. Шашмақомга кирувчи мақомлардан учинчи. Н. мақоми бошқа мақомлардек чолғу (мушкитот) ва ашула (наsr) бўлимларига бўлиниб, булар бир печа куйлардан иборат; чолғу қисмига Тасниф, Таржиб, Гардуи, Ораз, Баёт муҳаммаси, Ҳусайн муҳаммаси ва Сақиллар киради. Ашула қисмига Сарахбор, Тароналар, Баёт талқини, Баёт наsrи, Ораз, Ҳусайни ва Баёт уфарлари киради. Н. мақомининг Хоразм вариантда баъзи бир ўзгартишлар бор. Масалан, чолғу бўлимида тасниф Мақоми Н. (ёки Тани мақом) деб аталади ва айрим қисмлари ўрнига Пешрав, Пешрав занжири, Ним сақил ва Уфарлар бор. Ашула бўлимида Сарахбор, Мақоми Наво (Тани мақом) деб аталади ва айрим қисмлари ўрнига Суwора ва Нақшлар киради.

НАВРУЗ эскича қуёш йили ҳисобида янги йил кирган кун: Шарқ халқларида баҳорда ўтказиладиган Янги йил байрами. Тошкент ва Фарғонада «Қизил гул сайли», «Лола сайли» ҳам деб аталади.

НАВРУЗИ АЖАМ — Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг наsr (ашула) бўлими биринчи гуруҳи шўбаларидаги ашулалардан.

НАВРУЗИ САБО — қ. *Сабо*.

НАВРУЗИ ХОРО — Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг наsr (ашула) бўлими биринчи гуруҳи шўбаларидаги ашулалардан бири.

НАЙ — қадимий ўзбек пуфлама халқ мусиқа асбоби. Н. Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб, ансамблда, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида муҳим ўрни тутати; якка ҳолда ҳам чалинади. Овоз ҳажми кенглигидан халқ куйларида, мақомларда қўлланилади. Товуши баланд бўлганидан ансамблда кўпроқ бошловчилик вазифасини бажаради. Бармоқлар билан беркитиладиган олти тешикча диатоник товушқаторига эга. Умумий овоз ҳажми биринчи октавадаги лядан тўртинчи октавадаги рега қадар. Ноталар скрипка калитида эшитилганича ёзилади. Бармоқлар билан тешикчаларни тўла ё ярим беркитиш ва турлича пуфлаш йўли билан турли баланд-паст товушлар чиқазилади. Н.ни пуфлайдиган ва бармоқлар билан босилдиган биринчи тешикча ўртасида яна бир тешикча булиб, бунга юпқа қоғоз ёпиштириладиган, бу асосан хитойларда қўлланилади. Хитойда Н. фаровдан ясалиб, бу тешикчага фаровдан чиқадиган юпқа парда ёпиштирилади. Бу товушни тўл-


қинлатиб чиказишга ёрдам беради. Н. нинг иккинчи учида доимий очик турадиган туртта тешикча (иккиси икки ёнда, колган иккиси ост томонда) айрим пардалардаги говушларни юмшатиб бериш учун хизмат қилади. Н. шинг умумий узунлиги 500—600 мм. Н. ёғочдан, гаровдан ва мисдан ясалади. Шунга қура, «ёғоч най», «гаров най», «мис най» деб аталади. Сунгги йилларда Н. ни кич-райтирилиб ишланган турин ишлатила бошландики, бу кичик най деб аталди. Н. Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Эрон ва Жанубий Хитойда ҳам қулланилади.

НАЙРЕЗ — ўн икки мақом таркибидаги шўъба.

НАЙЧИ — най чалувчи созанда.

НАМУД (кўриниш, ўхшов) — бирор ашула маълум бир қисмининг иккинчи бир ашула таркибида қайтариллиши. Н. Шашмақом ашула булимнинг авжларида кўп учрайди. Мақомларда учрайдиган Н. лар: Н.и Дугоҳ, Н.и Сегоҳ, Н.я Баёт, Н.и Наво, Н.и Ўззол, Н.и Ушшоқ, Н.и Ораз, Н.и Насруллои, Н.и Мухайяри Чоргоҳлардан иборат булиб, буларнинг аталишидан мақомнинг қайси шўъбасидан олинганлигини билиб олиш мумкин. Бир мақомдан олинган Н. иккинчи мақомда фойдаланилганда шу мақом шўъбасининг куй ҳаракати, тузилиши ва дойра усулларига мослаштирилади. Н. йирик шаклдаги халқ ашулаларида ҳам учраши мумкин.

НАСР (сочма, галаба, кўмак) — 1. Шашмақомнинг ашула (вокал) бўлими. Хоразмда Н. *айтим йўли* дейилади. Н. нинг асосий булаклари сарахбор, талқин, насрлар булиб, буларнинг турлича вариантлари бор. 2. Мақомларнинг ашула қисмида талқин таронасидан сўнг келадиган ашула. Улар—Насри Ўззол, Насруллои. Н.и. Ушшоқ, Н.и Сабо, Н.и Баёт, Н.и Дугоҳ, Н.и Чоргоҳ, Н.и Сегоҳ каби номлар билан юритилади. Н.лар $\frac{2}{4}$ улчовли оддий такт ва бунинг қўшилшидэн ҳосил бўлган $\frac{6}{4}$ ли мураккаб тактларда келади. Н. нинг дойра усули куйдагича:



Хоразм мақомларидаги Н. ларда добра усулининг қуйидаги варианты учрайди:



Н. лар тузилиш ҳажми билан катта ва дианазони кенгдир. Шунга кўра, ҳар бир Н. да бир неча намуд келади. Н. лар мураккаб бўлишига қарамай, халқ ўртасида кенг тарқалган. Масалан, Н.п. Ушшоқнинг — Ушшоқи Самарқанд, Тошкент, Фарғона Ушшоғи, Ушшоғи Ҳуқанд, Ушшоқи Содирхон, Еввойи Ушшоқ (катта ашула йўли) вариантлари бор. Н. ларда Ушшоқ, Мухайяр, Чоргоҳ, Ораз, Наво ва б. намудлар, Зебо пари, Турк каби авжлар учрайди.

НАСРИ АЖАМ — Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан, наср дойра усулида ижро этилади.

НАСРИ БАЕТ — Шашмақомдаги Наво мақомининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан.

НАСРИ НАВРЎЗИ ХОРО — қ. *Насри хоро.*

НАСРИ САБО — қ. *Сабо.*

НАСРИ СЕГОҲ — Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан.

НАСРИ ОРАЗ — Шашмақомдаги Наво ва Дугоҳ мақомларининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан.

НАСРИ УЗЗОЛ — Шашмақомдаги Бузрук мақомининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан.

НАСРИ УШШОҚ — қ. *Ушшоқ.*

НАСРИ ХИЖОЗ — Хоразм мақомларидан Сегоҳнинг айтими (ашула) бўлими ашулаларидан; наср дойра усулида ижро этилади.


НАСРИ ХОРО — Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан. Хоразм мақомларида «Насри Наврўзи хоро» деб юритилади.

НАСРИ ЧОРГОҲ — қ. *Чоргоҳ.*

НАСРИ ҲУСАЙНИЙ — Шашмақомда Наво ва Дугоҳ мақомларининг наср (ашула) бўлими ашулаларидан.

НАСРУЛЛОЙИ — 1. Шашмақомдаги Бузрук мақомининг наср (ашула) бўлими биринчи шўбасидаги ашула. 2. Тошкент, Фарғонада кенг тарқалган чолгу куйи бўлиб, бир неча қисмдан иборат.

НАСРЧИ — Шашмақомдаги наср йўлларини (Тарона, Мўғулча ва Савтларни) ижро этувчи ҳофиз. Н. ҳофиз сифатида Леви Бобоҳон, Домўлла Ҳалим Ибодов, Уста Шоди Азизов, М. Толмасов,



Нақра

ака-ука М. ва Г. Муллакандовлар танилдилар. Н. лар Савтхон деб ҳам аталади.

НАҚАРОТ (ўз, қайтариш) — ашуланинг бир неча бор қайтариладиган қисми. Н. деярли бир турли жумлалар билан қайтарилади.

НАҚРА — ногора шаклидаги урма мусиқа асбобининг қадимги номи. Н. нинг бир йўла турлича катталиқдаги бир нечаси қўлланилган. Н. одатда лойдан ясалган.

НАҚШ (куй, ашула) — 1. Ашула ораллиғида ижро қилинадиган чолғу мусиқа. 2. Нақши Баёт (Баёт II. и) — Баёт ашуласи. Нақши Ажам (Ажам Н.и) — Ажам куйи.

НАҚШИ ИРОҚ НАФУРДИМ — Хоразм мақомларидан Ироқнинг чертим (чолғу) бўлимидаги куй.

НАҒМА — мусиқа асарининг асосий элементларидан бир қисми. Н. лар бирикмасидан куй ва ашулалар таркиб топади. Халқ ўртасида эса куй, ашулалар Н. деб ҳам юритилади.

НАҒМАИ ОРАЗ — Шашмақомда Наво мақомининг мушқилот (чолғу) бўлимидаги куй номи.

НЕАПОЛИТАН СЕКСТАККОРДИ — минорда субдоминанта аккордларидан бирининг альтерация қилиниши, яъни иккинчи поғонанинг асосий тони; пасайтирилган секстаккорд (учтовушликнинг биринчи айланмаси). Н. С. кўпроқ 18-асрдаги неаполитан опера

a - moll h - moll c - moll

||₆⁻¹ ||₆⁻¹ ||₆⁻¹

мактабининг композиторлари томонидан қўлланилганлиги учун шу ном билан аталган.

НЕВМЛАР (юн. нешта — белги) — нота ёзувининг қадимги турларидан. Европа черков муסיқасида ўрта асрларда пайдо бўлди. Н. турлича белгилар (чизиқча, нуқта, вергул ва б.) дан ва уларнинг ўзгартирилишидан иборат бўлиб, товушнинг муайян баландлигини аниқламас эди. Н. ашулачи учун илгаридан маълум булган куйни эсга олиш, унинг юқорига ё пастга тушуви ва муסיқа безакларини белгилаб берар эди. Кўповозли муסיқанинг тобора тараққий этиши мазкур нота ёзувини ислоҳ қилинишига олиб келди.


НЕЙ (оз) — пуфлаб чалинадиган Озарбайжон халқ чолгу асбоби. биздаги найнинг бир тури.

НЕНІА (итал. нэниа) — мотам ашуласи, марсия.

НИМ (ярим) — Шашмақомда «Ним сақил» номли шўъба бўлиб, бу ярим вазминли маънони билдиради. — қ. *Ним сақил*.

НИМЧОРАҚ НОТА — бутун нотанинг саккиздан бир бўлаги. Н.н. ёзуви чорак нотадан ўнг томонга чизилган «думчаси» (байроқчаси) билан ажралади. Н.н. нинг тўғри чизиги билан байроқчаси юқори ёки қуйи томон чизилиши мумкин. Бирин-кетин Н. ноталар алоҳида-алоҳида ёки қўшилиб ёзилиши мумкин.

НИМЧОРАК ПАУЗА — узунлик миқдори нимчорак нотага тенг бўлган пауза.



НИМ САКИЛ (ярим вазли сақил) — Хоразм мақомларидан Навонини чертим (чолғу) бўлимидаги куй. *Сақил* дойра усули билан ижро этилади.

NINA — паппа (итал. Нинна-нинна) — *алла*.

NOBILE (итал. нobile) — олижаноб, мардонавор.

НОВЕЛЕТТА (итал. novellotta — кичик ҳикоя) — қиска мавзунинг алмашуви нағижасида лирик ёки драматик характердаги бир неча эпизодлар узгаргани таассуротини берувчи пьеса. Бу пьеса жуда кам учрайди.


НОКТЮРН (фр. nocturne — тунги, кечки) — 19-аср бошларида тарқалган лирик характердаги пьеса. Купроқ ҳаёлий орауларни тараннум қилувчи чолғу мусиқаси. Вокал тури кам учрайди. Н даги асосий куй мавзун мунгли, хушоҳанг бўлишига кўра, узинга хос чолғу «ашула» бўлиб эшитилади. Одатда фортепиано учун, баъзан бошқа чолғу асбоблари, хатто ансамбль учун яратилган турлари ҳам учрайди.

НОЛА (инглаш) — ашула айтганда сўзнинг бир бўғинида овозни титратиб чўзиш.

НОМДОШ ТОНАЛЛИКЛАР — турли ладларда бўлиб, тоникаси бир хил бўлган тоналликлар. Масалан, *до мажор* ва *до минор*, *соль мажор* ва *соль минор* ва б. Бир номдаги *мажор* ва *минор* тоналликлари кварта-квинта доврсияга кўра ҳар донм уч альтерация белгиси билан ажралади. Мажор тоналлигининг III ва VII погоналари минор тоналлигининг шу погоналарига инсбатан ҳар донм ярим тондан юқори булади.


НОМУКАММАЛ МОДУЛЯЦИЯ — бир тоналликдан иккинчи тоналликка ўтиб, янги тоналликда мустақамланмаган модуляция (яна қ. *Оғшима*).

НОНА (лог. пона — тўққизинчи) — I. Тўққиз поғона кенглигида булган интервал, бу 9 рақами билан кўрсатилади. Октавага се-



$$8 + 2 = 9$$

кунда қўшилишидан ҳосил бўлади; шунга кўра, октава орқали келган секунда маъносидан тушуниш мумкин. Н.нинг катта ва кичик турлари бор. Катта нона 7 тонга тенг бўлиб, *катта 9* (К.9) деб курсатилади. Кичик нона, 6,5 тонга тенг бўлиб, *кич. 9* (кич. 9) деб курсатилади.




2. Терция бўйича келган нонаккорднинг энг юқори товуши, нона тони.

NON (итал. нон — йуқ, эмас, *N. legato* — нон легато) — боғланмаган.



NON TROPPO (нон троппо) — унча эмас.

NON DIVISI (итал. нон дивизи — бўлинмаган) — ижрочилар гуруҳининг бўлмайд, иккитали ва аккордли ноталарни ўйнаши (чалishi).

НОНАККОРД — терция интервали бўйича тақсим қилиниши мумкин бўлган 5 товушдан тузилган аккорд.



Н. септаккорд (7) га терция қўшилишидан ҳосил бўлади. Унинг катта ва кичик турлари бор. Катта Н. катта *нонадан*, кичик Н. кичик *нонадан* тузилади. Лад поғонасидан тузилган Н., яъни *доминантнонаккорд* бошқаларга нисбатан кўпроқ қўлланилади.




НОНЕТ (итал. *nonetto*) — 1. Тўққиз созанда ёки шунча ашу-лачидан тузилган ансамбль.

2. Цикли соната шаклида 9 созанда учун ёзилган мусика асари

НОТА (лот. итал. *nota* — белги) — мусиқа товушларини ёзиб кўрсатадиган махсус белги. Мусиқа товушлари қисқа ва узун бўлишига кўра буларни ёзиб кўрсатадиган белгилар (ноталар) ҳам турли шаклда — узун ва қисқа бўлади. Энг узун нота



шаклида ёзилиб, бу бутун Н. деб аталади. Энг қисқа Н.



шаклида ёзилиб, бу $\frac{1}{64}$, яъни бутунни олтмиш тўртдан бири деб аталади. Булардан ташқари, ярим чорак, нимчорак, ўнолтиталик ва ўттиз иккиталик Н. лар бўлади.

НОТАЛАР ГУРУХЛАНИШИ — узунлик микдори қисқа бўлган ноталарни (нимчорак, ўнолтиталик ва б.) тўдаларга бўлиб, қўшилиб ёзилиши. Чолғу мусиқаларида такт ўлчовига кўра лозим бўлган ноталарнинг қўшиб ёзилиши вжрочи учун бирмунча қулайлик яратади. Масалан:




Вокал мусиқаларида ноталарни тўдаларга бўлиб қўшиб ёзиш такт ўлчовига кўра эмас, сўз бўғинларига кўра, яъни бир сўз бўғини икки-уч нотада чўзилса мана шу ноталарни қўшиб ёзиш мумкин. Агар ҳар бир сўз бўғинига алоҳида нота бўлса, булар (бу жуда қисқа нота бўлишидан қатъи назар) қўшилмай алоҳида ёзилади:

ЎЗБЕК ХАЛҚ АШУЛАСИ "САБО" ДАН!

ММ 1/80

а-лом, эи марх- дор шо-| җа. кув-
рай дий- дор, деб, кел-дим.

НОТА ЙУЛИ — беш ёндош чизик; буларга ноталар ёзилади. Н. йўли пастдан юқори томон саналади (пасткиси биринчи бўлиб, өнг юқоригиси бешинчидир).



Ноталар чизикларга, чизик ораларига, биринчи чизик остига ва бешинчи чизик устига ёзилади:

чизикларга:

чизик
оралиқтарига:


биринчи
чизик остига:

бешинчи
чизик устига:

Бу ноталар II товуш, яъни II поғонадан иборат бўлиб, бир ярим октавани ўз ичига олади. Бу ҳажми кенгайтиш учун биринчи чизик остига ва бешинчи чизик устига қисқа ёндош чизиклар чизилиб, шуларга ноталар ёзилади. Бу қисқа чизиклар — *қўшимча чизиклар* деб аталади. Биринчи чизик остидагилар — пастки қўшимча чизик, бешинчи чизик устидагилар — юқори қўшимча чизик номи билан юритилади.



Буларни тартиби билан бир қатор қилиб ёзилса қўйидаги ҳолатда булади:



Н йўли 14-асрдан бошлаб қўлланган Россияда бу беш чизик системаси 16-аср охирида Киевда, 17-аср бошларида Москвада қўлланила бошлаган.

НОТА ЁЗУВИ — мусиқа товушларини ёзиб кўрсатувчи график белгилар йиғиндиси. Нота ёзув шакллари турли халқларда ва турли вақтларда турлича булган. Қадимий вақтларда нота ёзувлари ҳарфий булган. Ғарбий Европада 10-асрга қадар ишлатилган қадимий юнон ҳарфий нотациялари жуда мураккаб бўлган. Ҳозир қўлланиб келаётган бу Н. ёзуви билан бир қаторда чолғу мусиқаларини ёзиш учун табулатура, яъни рақамли бас қўлланилган (табулатура ҳозир ҳам камдан-кам қўлланилади). Ҳарфий нотация баъзи бир узгарилар билан ҳозирги вақтда Хиндистонда, рақамли система эса халқ чолғу асбоблари (балалайка, домра ва б) да қўлланиб келинади.

НОТА ЁЗУВИ ЧИЗИКЛИ ТИЗИМИ — қ. *Нота ёзуви*.

НОТАЦИЯ (лот. *notatio* — ёзиш, белгилаш—нотация) — махсус график белгилар воситасида мусиқа асарларини ёзиш йўли (қ. *Нота ёзуви*).

NOTTURNO (итал. *ноттурно* — кечки) — қ. *Ноктюрн*.


НОХУН — узбек халқ чолғу асбобларидан танбурни чалишда ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғига кийдирилган, металлдан ясалган махсус асбоб — «тирноқ».

НОГОРА — уриб чалинадиган ўзбек халқ чолғу асбобларидан. Н. совождан ясалиб, устига эчки ёки кийик териси қопланади. Н. нинг кунинча иккитаси чалинади; ҳажм жиҳатидан биричиси иккинчисига нисбатан кичикроқ бўлади. Н. маълум бир созга эга эмас. Шунга қура, товуши ҳам аниқ бир баландликка эга эмас. Ногоралардан биричиси (кичиги) — *бак*, яъни баланд, иккинчи-



Ногора


си — *бум*, яъни паст товуш беради. Ногора олов ёки офтобда қиздирилиб, товуши баландлаштирилади. Турли байрам, сайил ва кўпчилик тўпланган йиғилишларда катта ногора нишлатилади. Бу *кўс ногора* деб аталади. Н. ингичка узун калтакча (чўп) билан уриб чалинади. Н. да асосан иккита товуш (бак ва бум) бўлгани учун бунинг ноталари бир чизиқда қуйидагича ёзилади:



Чизиқ тагидаги ноталар — бум, чизиқ устидаги ноталар эса бак товушини билдиради. Н. Ўзбекистондан ташқари бошқа Шарқ мамлакатларида ҳам қўлланилади.

НОГОРАЧИ — уриб чалинадиган ўзбек халқ чолғу асбоби — ногора чалувчи созанда.

НУҚТА — 1. Нота ва паузаларнинг узунлигини оширувчи белги. Н. нота ва паузаларнинг унг томонига қўйилади. Н. қайси бир нота ё пауза ёнига қўйилса, ўшанинг узунлигини ярми миқдорда оширади (чўзади). Масалан, чорак нота ёнига қўйилган Н. чоракнинг ярми, яъни нимчоракка тенг:



Ноталар ёнига фақат бир эмас, икки, ҳатто уч Н. қўйилиши ҳам мумкин. 2. Н. нота бошининг уст ё остига қўйилса, қисқа товушлар билан узиб-узиб чалиниши, яъни *стаккатони* билдиради.

НЮАНС (фр. nuance — оҳанг, тус) — товуш оҳангдошлиги. Муסיқада динамик ўзгаришлар ва товушларнинг эшитилиш характери ни ўзгартириш (булар аксари итальян тилида ёзилади) белгилари. Масалан, dolce — майин, мулойим, appassionato — серзавқ в. б. Н. ни қўллаш ижро қилинадиган муסיқа асарининг шакли, айрим жойларини бўрттириш ёки аксинча, секин берилишига, шунингдек, иж-рочилик маҳоратига боғлиқ.

О

ОБЕРЕК — жонли, ҳазилсимон характердаги поляк халқ рақси. Одатда, донра бўлиб ўйналувчи оммавий ракс билан тугалланади. Муסיқа ўлчови $\frac{3}{4}$ ёки $\frac{3}{8}$ да. О. рақси *мазуркага* яқин бўлиб, ритми бир текис ва ўйини содда бўлиши билан ажралиб туради. Обертас деб ҳам аталади.

ОБЕРТОН (нем. Oberton, Ober — юқори) — к. *Гармоник оҳангдош товушлар*.

ОБОЕ, oboi (итал. образ. обон) — гобой.

ОБОН — қирғизларда оҳанг, куй шу ном билан юритилади.

ОВОЗ ЁЗИШ — пуқ, садо, муסיқа ва шу кабиларни турли техник воситалар — магнитофон лентаси, граммафон пластинкаси, кино плёнкаси в. б. билан ёзиб олиш.

ОВОЗЛАР ЙУНАЛИШИ — кўп овозли муסיқа асарларида ҳар бир овоз ҳаракати. Бир вақтда эшитилаётган икки ёки кўп овознинг

бир-бирига булган муносабатн. О. II. узича мустақил ҳаракат қилаётган, бир асосий (юқори) куйчан овозга бўйсунувчи аккорд, ё фигурация тартибда келиши мумкин. О. II. түгри, яъни бир томон (паст ё юқорига) ёндош, қарама-қарши (турли томон ҳаракат қилувчи) ва бири бир балаандликда туриб, иккинчиси ҳаракат қилувчи ҳолда булиши мумкин.

ОВОЗЛАРНИНГ КАРАМА-ҚАРШИ ИЮНАЛИШИ — бир вақтда икки овознинг турли томон ҳаракати, яъни бир товушнинг юқори, иккинчисининг паст томон кетиши.

ОДА (юн. *ode* — ода, қасида) — бирор шахс ёки бирор воқеага бағишлаб, мақтов тариқасида ёзилган таптанали характердаги мусиқа асари. Ода атамасн бадний адабиётдан олинган.

ОДДИЙ ИНТЕРВАЛЛАР — примадан октавага қадар кенгликда булган интерваллар. Асосий интерваллар деб ҳам аталади. Улар қаторига прима, секунда, терция, кварта, квинта, секста, септима ва октавалар кирати.

ОДДИЙ КОНТРАПУНКТ — икки ва ундан куп овознинг полифоник қўшилиши (бир вақтда эшитилиши); бундаги интерваллар ёки булар уртасидаги ритмик муносабат ўзгартирилиши орқали мусиқий маъно ўзгаради.

ОДДИЙ ТАКТЛАР — бир акцентга эга бўлган тактлар; тактда келган улчовларга қараб, оддий тактлар икки ва уч ҳиссали бўлади. Ҳамма оддий тактларнинг биринчи ҳиссаси кучли, яъни акцентли, қолганлари кучсиз, яъни акцентсиз булади.



ОДДИЙ ФУГА — бир мавзу (бир овоз)ли *фуга*.

ОКТАВА (лот. *octava* — саккизинчи) — 1. Кенглиги саккиз пофона бўлган оралик (паст ва юқориги *до*, паст ва юқориги *ре* в. б). Октава 8 рақамн билан курсатилади. Октава соф, камайтирил-

ган ва орттирилган булади. Соф октава 8 поғона ва 6 тон бўлиб, *c*, 8 деб кўрсатилади. Соф октава иккита бир турли номдаги товушнинг паст ва юқорида қайтарилишидир (пастки ва юқориги *ми*, пастки ва юқориги *фа* в. б.). Қамайтирилган октава 8 поғона ва 5,5 тон бўлиб, *кич.* 8 деб ёзилади (*до* ва юқориги *до-бемоль*, *ре* ва юқориги *ре-бемоль* в. б.). Орттирилган октава 8 поғона ва 6,5 тон бўлиб, *орт.* 8 деб ёзилади (*до* ва юқориги *до-диез*, *ре* ва юқориги *ре-диез* в. б.).





Соф октава айланиши — соф прима, қамайтирилган октаванинг айланиши — орттирилган прима, орттирилган эса — қамайтирилган примадир. 2. Бир текис температураланган товушқаторнинг бир қисми бўлиб, бунга 12 хроматик ёки 7 диатоник поғона товушқатори киради (*додан* юқориги *сига* қадар булган оралиқ). Мусиқада қўлланиладиган шкалалар 7 тўла, 2 тўла бўлмаган октавалардан иборат. Энг пастгиси субконтроктава фортепианода 2–3 энг пастки, юқоригиси 5 октава 1–2 юқориги товушлардан иборат. Ҳар бир октаванинг номи бор ва бу поғоналар махсус график белгилар билан кўрсатилади. Субконтроктавадаги *Ля*, *Си-А-Н*, контроктавадан — *c*₁, катта октава — *C*, кичик октава — *c*, биринчи октава — *c*¹, иккинчи октава — *c*², учинчи октава — *c*³, тўртинчи октава — *c*⁴ ва ниҳоят, бешинчиси *c*⁵ тартибда кўрсатилади (таблицага қаралсин). 3. Эркакларнинг энг пастки овоз тури (бас товуши). Бу овоз ҳамма *A*₁ (контроктавадаги *Ля*) дан бошланади, айрим ашулчиликларда эса бундан ҳам паст бўлиши мумкин. Бундай *O*. — бас профундо деб аталади.

ОКТЕТ (нем. oktett, лот. octo — саккиз) — I. Саккизта созанда

(маншоқ) дан тузилган ансамбль. 2. Ҳар бирининг ўзига хос партияси бўлган саккиз ижрочи учун ёзилган мусиқа асари.

ОЛТМИШ ТҮРТТАЛИК НОТА — бутун нотанинг олтмиш тўртдан бир бўлаги, яъни бутунга нисбатан олтмиш тўрт марта тез товуш берадиган нота. 64 лик нота нимчорак шаклида ёзилиб, ёки чизиги тўртта бўлади. Бу нимчоракда (ярим чоракда) саккизта 64 лик, бир чоракда эса 16 та 64 лик нота бор. Бир чоракка тенг булган 16 та 64 лик «бир» саногида урилади. Чорак ва нимчораклардек, 64 лик нотанинг чизигини пастга ёки юқорига қарата чизиш мумкин.

Олтмиш тўртталиқ ноталар кўп вақт қўшиб ёзилади:



ОЛТМИШ ТҮРТТАЛИК ПАУЗА — олтмиш тўртталиқ нотага тенг бўлган пауза —



шаклида ёзилади, узунлик миқдорини оширади.

ОЛИМ-ШУВУР — «тилча» ли марий халқ пуфлама чолғу асбоби. Ингичка қамини ёки похол чупидан ясалади. Баланд-паст товушлар олиш учун 2—3 тешиги бор.

ОЛЯНДРА — молдованларнинг хор журлигида ижро этиладиган қадимий халқ рақси. Рақс бир текис ижро қилиниши билан характерли. Мусиқа улчови 3/4 уртача тезликда ўйналади. О. кўпроқ хотин-қизлар томонидан ижро этилади, деҳқонлар тўйида биринчи тантанали рақс сифатида ҳам ижро қилинади.

ОММАВИЙ ҚУШИҚ — бастакор ва композиторлар томонидан профессионал ашулачи, ҳаваскор мусиқачи ва кенг омма ижросига мўлжаллаб яратилган қўшиқ. О. қ. халқ ўртасида қанчалик кўп айтилса ва кенг тарқалса, у халқ мусиқа амалиётига шунчалик сиқ

гиб боради, унинг халқ уртасида турли йўл (вариант)лари пайдо булади. Республикамиз бастакорлари — Т. Жалилов, К. Жабборов, Ф. Содиков, Н. Хасанов, М. Мирзаевлар, композиторлардан С. Юдаков, М. Левиев, Д. Зокиров, Н. Акбаровларнинг О. қ. лари халқимиз уртасида кенг тарқалган.

ОПЕРА (итал. *lot opeга* ижод, асар) — мусиқали-драматик асар. О. да нутқнинг маълум бир исми ёки деярли ҳаммаси куйланади. Унда мусиқа санъатининг бир неча тури булиши мумкин. Бошланишидаги увертюра (муқаддима)си, пардалар оралигида чалинадиган антрактларидан ташқари, арня, арнозо, дуэт, терпет, квартет, хор, речитативларни уз ичига олади. Драматургия, тасвирий санъат (декорация, костюм) ва хореография (рақс) О. да салмоқли ўрин эгаллайди. О. нинг тузилиши асарнинг гоаявий мақсади, сюжет характерини сценария режаси бўлган либретто аниқлайди; асосий мақсаднинг тула-тўкие бадний гавдалантирилишини композиторлик маҳоратига боғлиқ.

О.16- асрнинг охири (1597)да Италияда «мусиқадаги драма» номи билан пайдо бўлган. Тарихий воқеалар, ўзгаришларга кўра, опера турли жанрларда тараккий қилди. У тарихий қаҳрамонлик, тарихий-романтик, эпик, халқ ҳикоя-афсоналари, лирик, драматик, ҳажвий в. б. жанрларда яратилди. Шунга кўра, О. буффа, О-водевилл, О.-серия каби номлар билан аталади.

О.-буффа — ҳажвий опера бўлиб, у ҳам 18- асрда Италияда пайдо бўлган. Унда халқ ашулалари асосий урин эгаллаган.

О.-водевиль — енгил мусиқали комедия. 18- асрнинг иккинчи ярмида Францияда бу жанр профессионал театр жанри қаторидан ўрин олади.

О.-серия — афсонавий ё қаҳрамонлик жанридаги Италия опера-си. Бу О. да хор ва балет деярлик қўлланмаган. У 18- аср охири ва 19- аср бошларида майдонга келган неаполитан опера мактабида шакланган. Бу жанрда бир қанча Италия композиторлари асар яратганлар.

Россияда О.18- асрнинг иккинчи ярмида бунёдга келиб, рус классик О.сининг равнаки 19- асрдан бошланди. Рус миллий мусиқа мактабининг ривожини унинг бунёдга келишига замин булди. Рус О.си мазмунга бой бўлиши, куйларнинг оҳангдор ва кенг кўлам-лилиги, халқчиллиги, мусиқий шаклларнинг аниқлиги билан ажралиб туради. Гоаявий ва бадний жихатдан у энг юкори босқичга кўтарилди. Рус О. санъатига М. И. Глинка асос солган. Глинканинг «Иван Сусанин», «Руслан ва Людмила» си, А. С. Даргомижскийнинг «Сув париси», М. П. Мусоргскийнинг «Борис Годунов», «Хованщина», А. П. Бородиннинг «Князь Игорь», Н. А. Римский-Кор-

саковнинг «Рождество арафасидаги тун», «Май кечаси», «Олтин хўрозча», П. И. Чайковскийнинг «Евгений Онегин», «Пиковая дама», «Ноланта» О. лари рус санъатининг ифтихоридир.

19-асрда Украинада, 20-асрда Озарбайжон, Арманистон ва Грузияда, кейинчалик бошқа республикаларда ҳам О. санъати ривожлана бошлади.

Ўзбекистонда О. жанри 1939 йили «Бурон» операси билан вужудга келди. С. Н. Василенко ўз шогирди М. Ашрафий билан яратган бу асар республикамизда О. санъатининг тараққийси учун дастлабки поғона бўлди. Шундан кейин Р. М. Глиэр ва Т. Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун», Мухтор Ашрафийнинг «Дилором», Р. Ҳамроевнинг «Зулматдан зиё», «Номаълум киши», С. Болоевнинг «Хамза», Ик. Акбаровнинг «Сўгд элининг қоплони», У. Мусаевнинг «Мангулик», П. Зокировнинг «Сохидаги туқнашув», шунингдек сўнги йилларда С. Жалилнинг «Зебуннисо», М. Бурҳоновнинг «Алишер Навоий», Р. Абдуллаевнинг «Садоқат», «Хева ордени» каби О. лари яратилди. Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» (Ҳамза асари асосида) — биринчи ўзбек ҳажвий операси республикамиздагина эмас, балки қатор республикалар, шу жумладан, Москва («Ромэн») ва Польша (Лодзь шаҳри) театрларида ҳам саҳналаштирилди.

Собир Бобоев биринчи болалар О си «Ерилтош» ни яратди.

ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ — опера ва балет асарларини кўрсатувчи катта ижодий жамоа. Россиядаги энг тажрибакор ва кекса О. ва б. т. Москвадаги Катта театрdir. У 1776 йили ташкил қилинган. Иккинчиси—Ленинграддаги театр 1860 йили очилган. Республикамиздаги О. ва б. т. 1939 йили Тошкентда Ўзбек Давлат мусиқали театри асосида ташкил қилинди. У ҳозир Алишер Навоий номидаги Ўзбек Академик Катта театри номи билан аталади. Бу театр саҳнасида рус, Фарбий Оврупо классиклари, Ўзбекистон ҳамда қўшни республика композиторларининг опера ва балетлари кўйилмоқда. 1964 йили Самарқандда ҳам О. ва б. т. очилган. 1992 йилда Хамид Олимжон номидаги ўзбек мусиқали драма театри билан бирлаштирилди.

ОПЕРЕТТА (итал. operetta, фр. operette — кичик опера) — шўх, қувноқ характердаги мусиқали сахна асари бўлиб, бунда айрим нутқлар ашула қилиб айтилса, айримлари фақат сўз билан бериллади. О.18-аср ўрталаридаги ҳажвий опера заминиде юзага келган. О.да асосий ўринни лирик характердаги мусиқа, ҳазил кўшиқ, дуэт, турли вокал ансамбллар, хор ва қўшиқли рақс саҳналари эгаллайди.

1972 йили республикамизда ҳам О. театри ташкил қилинди.


Унинг сахнасида республикамиз композиторларидан Э. Солиховнинг «Пари Ойгулнинг совгалари», «Хўжа Насриддин» ва б.О.лар кўрсатилмоқда.

ОПУС (лот. opus — асар) — композитор яратган мусиқа асарини тартиби билан номерлаб бориш учун қўлланиладиган атама, Баъзан композитор бир О. номери билан бир неча пьесаларини номерлайди. Одатда, О. сўзи қисқартирилиб, латинча — *op*, ёки русча — *ол*. деб ёзилади. Сўнгги вақтларда бу атама ўрнига асар деб ҳам ёзила бошланди.

ОРАЗ — Шашмақомдаги Наво ва Дугоҳ мақомларининг наср (ашула) бўлимида келадиган ашула нўли. Шунга қура. Наср О. и деб юритилганидек, О.и Наво, О.и Дугоҳ деб ҳам аталади. Ода Зебо пари каби авж учрайди. Бундан ташқари, Наво мақомининг чолғу бўлимида Нағмаи О. куйи мавжуд.

ОРАЗ НАМУДИ, НАМУДИ ОРАЗ — қ. *Намуд*.

ОРОМ — Ўзбек рақсларида чалинадиган дойра усулининг номи.



ОРАТОРИЯ (итал. oratoria, лот. oro — сўзлайман) — кантатага ўхшаш яққохон ашулачилар, хор ва симфоник, баъзан халқ чолғу асбоблари оркестрлари учун ёзилган кўп қисмли йирик мусиқа асари. О. одатда драматик мавзуда бўлса-да, сахнада кўрсатиш учун эмас, концертларда ижро этиш учун мўлжалланади. О. кантата ва опералар билан деярли бир вақтда пайдо бўлган. О. кантатадан ҳам жихатдан катталиги, эпик-драматик характерда бўлиши, мавзунинг кенглиги билан фарқ қилса, операдан драматик ривож ўрнига қиссасимон бўлиши билан ажралади. О. да арня, речитатив, вокал ансамбллари, хор қатори, чолғу мусиқалари ҳам бўлади. О. нинг лирик-эпик мавзусини очиб беришда хор ва чолғу мусиқа катта ўрин тутди. О. нинг ҳар қисми ўзига хос, мустақил тугал бир асардек бўлади. Республикамизда шоир М. Шайхзоданинг «Тошкентнома» дostonи асосида композитор Ик. Акбаров шун номадаги О. сини яратди. Шунингдек, М. Маҳмудов «Тошкент садоси», М. Бафоев «Тошкент хақида қўшиқ» ва б. О. лар яратдилар.


ОРГАН (лот. organum, юн. organon — қўрол, асбоб) — ҳаво ёрдамида чалинадиган клавишли йирик чолғу асбоб. О. узун-қисқа,

йўгон-ингичка трубалардан иборат. Унда бармоқлар билан чалинадиган клавиатура (мануал)дан ташқари, оёқ билан босиладиган (педаль) клавиатуралари ҳам бўлади. О. да 1 дан 5 га қадар мануаллар (ҳар бири 48 дан 77-ча клавишли) ва бир педаль (32 клавишли) бўлади. Баъзан (ҳозирги О.ларда) иккинчи педаль ҳам қўлланилади. О. да бир неча минг труба бўлиб, улар регистрларга бўлинадди. Унинг ноталари уч нота чизигига ёзилади. Бармоқлар билан чалиш (мануаллар) учун икки нота чизиги, оёқ билан босиш (педаль) учун бир нота чизиги қўлланилади.




Мануалларнинг овоз ҳажми контроктавадаги *до* дан тўртинчи октавадаги *сольга* қадар (юқоридаги ўнг томондаги нота).

Педаль ҳажми — катта октавадаги *додан* биринчи октавадаги *сольга* қадар.



О. даги ҳар бир труба маълум тембрда бир товуш беради. Турлича созланган бир хил тембрдаги бир неча трубалардан О.нинг бир регистри ҳосил бўлади. Бир неча регистрнинг қўшилиб чалиниши оркестрдек товуш беради.

О.нинг энг содда тури миллодан илгари ҳам бўлган. 14—18-асрлар давомида О. Ғарбий Европада кенг тарқалди. *Фортепиано-*



Орган


нинг кенг тарқалиши билан О. камер ва симфоник оркестрда кам ишлатила бошлади. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган О. мураккаб механизмлар билан таъминланиб, бир ижрочи томондан (баъзан бир-икки ёрдамчиси билан) ўйналиши учун қўлланишга тўлдирилган. Трубалар учун хаво тўпловчи мешлар электр ёрдамида тўлдирилади.

Республикамизда О. учун мусиқа асарини биринчи бўлиб Г. А. Мушель яратди. У яратган 3 ва 4 қисмли сюиталар, поэма ва токкаталар шулар жумласидандир. Бу асарлар ўзбек халқ муси-

қаси ва оҳанглари асосида яратилган. Буларнинг айримлари Москва «Музыка» нашриётида, «Токката» эса Лондонда нашр қилинган.

ОРГАН ПУНКТИ — бир товушнинг басда узок вақт чўзилиб туриши ёки бир хил баландликдаги товушнинг басда қайтариллиши. Бу вақт юқоридаги товушларда мусиқа асарининг аккордлари (басдаги чўзилаётган товушдан катъи назар) алмашиб туради. Иккинчи турли О. пункти «педаль» деб аталади. О. пункти тоника ёки доминантада тузилади. Баъзан бир йула икки товуш О. пункти бўлиб келадики, буни *қушалоқ*. О. пункти деб аталади. Бундай О. пункти бир йўла тоника ва доминантада келади (бу кўпроқ халқ мусиқаларида учрайди). О. пункти бирор ритмик шакл ёки кичик бир куйнинг куп марта қайтарилишида тузилиши ҳам мумкин.

ДАВЛАТ ҲАЙИНИ
(Осетин халқ мусиқаси)



ОРКЕСТР (юн. orchestra — қадимги юнон театри саҳнаси олдидаги майдонча) — турли чолғу асбобларда чалувчи созандалардан тузилган жамоа бўлиб, шу таркиб учун яратилган мусиқа асарини ижро этади. Камер чолғу ансамбллар (квартет, квинтет ва бошқалар) дан О. нинг фарқи шундаки, баъзи созандалардан унсонда чалувчи тўдалар тузилади. О. даги чолғу асбобларнинг тўдалари ва тузилишларига кўра, улар турлича бўлади. Чунончи, симфоник О., пуфлама созлар (духовой) О., торли О., халқ чолғу асбоблари О. лари в. б. Симфоник О.га торли-камончали, пуфлама ва урма чолғу асбоблари кирса, пуфлама созлар Ои га мис ва ёғоч, пуфлама ҳамда урма чолғу асбоблари киради.

Ўзбек Давлат филармонияси ва Ўзбекистон радио кўмитаси қошида тузилган ўзбек халқ чолғу асбоблари О.и турли миллатлар мусиқасини нота билан чалишга имкон берадиган қилиниб, қайта ишланган созлардан ташкил топган. Ўзбек халқ чолғу асбоблари О. да турли катта-кичикликда температура ялангиб ишланганига кўра, унда энг паст (йўғон) ва энг баланд (ингичка) товушларни чалиш мумкин. Бу О. га қуйидаги чолғу асбоблар киради: а) катта най, қўшнаё ва сурнайлардан иборат пуфлама ёғоч чолғу асбоблар; б) катта ва кичик чанглардан иборат торли урма чолғу асбоблар; в) катта-кичик рубоблар ҳамда дуторлардан иборат тирнама чол-

ғу асбоблар; г) дойра ва ногоралардан иборат урма чолғу асбоблар ва ниҳоят, д) катта-кичик гижжаклардан иборат камонли торли асбоблар.

ОРКЕСТРЛАШТИРИШ — 1. Мусиқа асарини маълум бир оркестрга, чунончи, симфоник, духовой, халқ чолғу асбоблари оркестрлари, гурли камер ансамбллари (трио, квартетлар)га тағбиқ қилини, мослаш. 2. Мусиқий истилоҳда О. ни баъзан *чолғулаштириш* деб ҳам аталади. Бу атама кичикроқ оркестрларга, баъзан вокал ансамбль ва хорларга нисбатан қўлланади. Композитор мусиқа яратар экан (агар яратилаётган асар симфоник ё бошқа бирор оркестр учун яратилиши кўзда тутилса), уни оркестрнинг қайси асбоблари ижро этишини ҳисобга олади. Фортепианони кўзда тутиб ёзилган асарни оркестрга мослашда ижодий куч ва тажриба бўлиши керак. Бундай ҳолда оркестрдаги чолғу асбобларни яхши биллишдан ташқари, композиторнинг ижодий фикри, асар мазмунини тула урганиб чиқиш лозим. Чунончи, асарнинг характери, мусиқанинг қандай жанрда яратилганлиги, унинг куй тузилиши, гармония, ритм хусусиятларини синчиклаб ўрганиш зарур бўлади. Чолғулаштирилган асар мазмунини, бадийлигини янада бўрттиришда оркестрнинг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам чолғулаштирилган асарнинг маҳорат билан ижро этилиши муҳим аҳамиятга эга. Аксинча, буш чолғулаштирилган гоаявий ва бадий жиҳатдан юксак мусиқа асари бадий кучга эга бўлмайди. Чолғу асбобларининг тобора такомиллашиб бориши, ижрочилик маҳоратининг янада юкори погоналарга кўтарилиши О. ни мураккаб ижрочилик техникасининг ривожига бўйсундирилган ҳолда амалга оширишни тақозо қилади.

ОРТТИРИЛГАН ИНТЕРВАЛЛАР — погоналар сонини ўзгартирмай туриб катта ва соф интервалларни ярим тон орттирилгани, масалан, катта терция 2 тон, агар бу терцияга яна ярим тон қўшилса, икки ярим тон бўлиб, орттирилган терция бўлади:



Соф квинта уч ярим тон, агар бу квинтага яна ярим тон қўшилса, тўрт тон бўлиб, орттирилган квинта ҳосил бўлади.

Орттирилган интерваллар қисқартиб, орт. деб ёзилади. Октава оралигидаги орттирилган интерваллар:

0 т. 2 1/2 т.
соф. 1 орт. 1

1 т. 1 1/2 т.
соф. 2 орт. 2

2 т. 2 1/2 т.
соф. 3 орт. 3

2 1/2 т. 3 т.
соф. 4 орт. 4

3 1/2 т. 4 т.
соф. 5 орт. 5

4 1/2 т. 5 т.
соф. 6 орт. 6

5 1/2 т. 6 т.
соф. 7 орт. 7

6 т. 6 1/2 т.
соф. 8 орт. 8

Соф ва катта интервалларни (погоналар сонини ўзгартмай туриб) бир бутун тон оширилса — икки бор О. интерваллар ҳосил бўлади. Масалан, катта терция (2 тон) га яна бир бутун тон қўшилса, 3 тон бўлиб, икки бор орттирилган терция ҳосил бўлади:

2 тон 3 тон


3 тон 3 тон

орт. 4 орт. 4


ОРТТИРИЛГАН КВАРТА — уч тонга тенг бўлиб, бирин-кетин келган тўрт поғона оралигидаги интервал. Агар 4 поғона оралиғи икки ярим тонга тенг бўлса — *соф кварта* бўлади. Одатда, О. кварта сўзи қисқартирилиб *орт. 4* тартибда ёзилади. О. кварта *третон* (учтон) га тенг.

ОРТТИРИЛГАН СЕПТАКҚОРД — қисқартирилган ҳолатда уч катта терциядан ҳосил бўлган *септакқорд*. О. септакқордда иккита

орттирилган квинта, битта орттирилган септима учрайди. Унинг негизида орттирилган учтовушлик бўлади (*фи-ля, до-диез, ми-диез*). О. септаккорд қисқартиб *орт. 7* шакли да кўрсатилади.



ОРТТИРИЛГАН УЧГОВУШЛИК — терция бўйича келган, оралиги икки катта терция (орттирилган квинта) дан тузилган учтовушлик.



ОРТТИРИШ — мусиқа мавзуси ёки унинг бирор оҳанги қайтарилганда ҳар бир товуш ё паузанинг ритмик миқдорини икки баробар чўзиш (қ. *Имитация*).

ОСТИНАТО (итал. *ostinato* — ўжар, қунтли) — кўп марта қайтарилувчи куй ёки ритмик тузилиш (қ. *Бассо остинато, усул*).

ОТАШБОЗЛИК — олов билан ўйналадиган рақс. Ҳייинчи саксовул кумирини чўғ бўлган вақтида оғзига солиб ўйнайди. О. кўпроқ Хоразм ва қисман Фарғонада тарқалган.


ОТЛИҚ АСКАРЛАР ТРУБАСИ — ҳарбийларда сигнал учун қўлланиладиган мундштукли пуфлама чолғу асбоб, *горн*нинг бир тури. Бу асбобда обертоннинг пастки икки товушидан бўлак катта октавадаги *ми-бемоль* дан табиий товушкаторини чалиш мумкин. Амалӣетда 12-обертонга қадар қўлланилади. Мундштуксиз умумий узунлиги 450—470 мм.

ОФИКЛЕИД — мундштукли пуфлама чолғу асбоби. *и* — га ўхшаш ингичкаланиб борган труба бўлиб, баланд-паст товушлар олиш учун клапанлар бор. О. нинг альт, бас ва контрабас турлари бўлади. Булардан кенг тарқалгани О. бас бўлиб, духовой ва симфоник оркестр таркибига киргизилган 19-асрнинг 30-йилларида О. ўрнини труба эгаллаган. Ҳозирги вақтда О ни Франция, Италия ва Жаңубий Американинг ҳарбий духовой оркестрида учратиш мумкин.

ОЧИҚ ТОР — босилмай, очиқ турган тор. О. торда товуш ююриги «шайтон харак» билан пастки харак оралигидаги тордан тўлқинланади. О. тор *буш тор* деб ҳам аталади.

ОКИН — қозоқ, қирғиз халқларидан чиққан халқ шоири — ашулачи ва машшоқ. Булар, одатда, халқ чолғу асбобларидан дўм-бири журлигида ашула айтадилар. О. лар халқ ашулалари, речитатив характеридаги янги асарларни бадиха — импровизация қилдилар, яъни тайёргарликсиз янги асар яратадилар.


ОҚСАТМА — ўзбек рақсларида кенг учрайдиган доира усули.



ОГИШМА — номукамал модуляция, яъни эски (асосий) тоналликдан янги тоналликка ўтиб, бу янги тоналликда мустаҳкамланмай яна эски тоналликка қайтади. Кенг тарқалган О. доминанта доираси огишмаси (D) ва субдоминанта доираси огишмаси (S) -ниче негикиселә (вълте) киче линкювек додир еркевдоҳ 'нег-евәүң игвнвгвти екөнчек вилгәл О пәвоә 'нәя — JHVXO


даётганда ашулачи тўхтаб, созандалар томонидан чалинадиган чолғу парча Тошкент, Фарғонада О. одатда асосий куй жумласи маъносида қўлланади.

ОҲАНГДОШЛИК — бир неча товушларнинг бир йўла эшитилиши. О. нинг асосий турлари қуйидагилар: а) унисон — бир хил баландликда бўлган бир неча товушнинг бир йўла эшитилиши; б) интервал — турли баландликда бўлган икки товушнинг бир йўла эшитилиши; в) аккорд — турли баландликда ва турли номда бўлган, учдан кам бўлмаган товушларнинг бир йўла эшитилиши.



П

ПА-ДЕ-КАТР (фр. pas — қадим, рақс, quatre — тўрт) — 1. Англиядан келиб чиққан бал рақси, Россияда 19-аср охирида пайдо бўла бошлади. Мусиқа ўлчови 12_8 . 2. Балетда — тўрт киши ижро этадиган рақс.



Пайсо

ПА-ДЕ-ПАТИНЕР (фр. pas de patineur — яхмалакчи рақси) — Бал рақси. Россияда бу рақс 19-аср охирларида пайдо бўлди. Мусика ўлчови — 4.

ПАЙСО — хитой халқ пуфлама чолғу асбоби. П. турлича узунликдаги бамбукдан ясалган трубалар маҳсус мосламага ўрнатилди, уларнинг пастки кесилган қисми эса берк бўлади. Ҳар бир труба биргина товуш беради. Илгарилари трубалар сони 12 га қадар, аста-секин 16 га қадар орттирилган. П. нинг товушқатори диатоник тартибда тузилган. Манбаъларда ёзилшича, П. қадимдан харбий ва рақс мусиқаларида қўлланилган. П. нинг умумий баландлиги 354 мм, кенлиги 390 мм дир.

ПАНДЕРО — доира тузилишидаги испан урма чолғу асбоби.

ПАНДУРИ — торли тирнама чолғу асбоб. Гуржистон, Абхазия ва Ажаристонда тарқалган. Тузилиш шакли қозоқ думбирасига ўхшаш. П. да учта тор бўлиб, улар қуйидагича созланади.



П. да бармоқлар ёки плектр билан ижро этилади. П. нинг умумий узунлиги 750 мм. Ҳозирги вақтда П. нинг қайта ишланган тури

қўлланилади. Оркестрда унинг прима, альт ва тенор турлари бор. П. ноталари эшитилишига нисбатан октава юқорида скрипка кали-тида ёзилади.

прима: созланиши овоз ҳажми

альт:

тенор:

ПАНЖГОХ — 1. Шашмақомдаги Рост мақомининг мушқилот (чолғу) бўлимидаги мухаммас. 2. Хоразмда — «олти яриминчи мақом». П. фақат чолғу (чертим) йўлларида иборат бўлиб, бунга П. Пешрав, Сақили вазмин, Сақили Феруз шоҳий, Мухаммас ва Мухаммаси Ушшоқ каби кўйлар кирди.

ПАНТОМИМА — 1. Турли ҳаракат ва мимикалар билан фикр ва ҳиссини ифодалаш. 2. Сўзсиз, турли ҳаракат, мимика ва му-сиқа жўрлигида бадний образни таваллаҳ қилиб берувчи театр ту-ри. 3. Балет санъатининг асосий элементларидан бири.

ПАН ФЛЕЙТАСИ — қадимий пуфлама ёғоч чолғу асбоби; най-шаклидаги бир неча узун-қисқа найчалар бириктирилган тузил-ди. Найчалар камин, бамбук, ёғоч ёки суякдан бир учи ёпиқ қи-линиб тайёрланади. Бу узун-қисқа найчаларни бирга қўшиб бо-ланганидек, баъзан, бармоқларга терилади. Чалинганда ижрочи най-чаларнинг очиқ томонини навбат билан оғизга қўйиб пуфлаб ча-лади. Хар бир найча фақат бир хил садо беради; садонинг ба-лаанд-пастлиги найчанинг ҳажмига боғлиқ. Пан исмли афсонавий юнон худоси номига қўйилган П. ф. сининг овоз ҳажми найчалар-нинг сонига боғлиқ. Найчалар баъзан 20 ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. У яқка ҳолда, турли ансамблларга қўшиб ҳам чалинади. Турли регистрдаги П.ф. ларидан тузилган ансамбль алоҳида тембр-га эга.

ПАРАКАПЗУҚ — волинка туридаги арман халқ пуфлама чолғу-асбоби.

ПАРАЛЛЕЛЬ ТОНАЛЛИКЛАР — бири-бирдан кичик терция ораллида жойлашган, бир хил товушлар, калит белгиларига эга булган мажор ва минор тоналликлар. Товушлар таркиби бир хил булишига қарамай, уларнинг ҳар биринини функцияси (лад системасидаги урни) турличадир. (Мас. *До мажор—ля-минор, Ре-мажор—си-минор, Ми-бемоль-мажор—до-минор* ва х. к.).

ПАРАФРАЗА (юн *paraphrasis* — хикоя қилиб бериш, қисқача мазмунини айгиб бериш) — виртуоз характердаги чолғу пьеса. П. учун халқ куйлари, опера, балет, романслардан олинган куйлар асос булади. П. тузилиши бўйича *фантазия*га яқинланса ҳам ўзининг оддийлиги билан ундан фарқ қилади. Ж. Вердининг «Риголетто», П. П. Чайковскийнинг «Евгений Онегин» опералари мавзусида Ф. Лист яратган П. лар шулар жумласидандир.

ПАРДА (тўсиқ) — 1. Мусиқа чолғу асбобларининг маълум бандликдаги товушларини олиш учун чап қул бармоқлари билан босиладиган урни П. — дугтор, танбур, рубобда ичак, металл ёки ёғочдан ясалади. Чангда эса П. уриладиган торлардир. 2. П. дугтор, танбур, рубобга ўхшаш чолғу асбобларда дастага боғланадиган, қуй ичагидан қилинган ип 3. Мусиқали сахна асарларининг тугал йирик қисми—*акт*.

ПАРТИТА (итал. *partita* — бўлақларга бўлинган) — 17—18-асрларда рақсбоп пьесалардан тузилган сюита ёки орган учун ёзилган *хорал* куйга вариациялар.

ПАРТИТУРА (итал. *partitura* — бўлинган, тақсимланган) — ансамбль, хор, оркестр мусикасининг нота ёзуви. Барча ижрочиларнинг *партия*лари ост-уст тик бир қанча нота йулларида П. да ёзиладики, булар бир йўла ижро этилишини билдириб туради. Партияларнинг тақсимланиб келиши юқоридан қуйи томон турдош чолғу асбоблар бўйича келади. Ўз навбатида бир турдаги чолғу асбобларнинг энг юқори регистрлиги юқорида, қолганлари регистри бўйича пастки сатрларда ёзилади. П. симфоник, духовой, халқ чолғу асбоблари оркестрлари, кuartет, квинтет, хор в. б. лар учун булиши мумкин.

Симфоник оркестр П. сида энг юқоридаги пуфлама ёғоч чолғу асбоблари (флейта, гобой, кларнет, фагот ва буларнинг турлари), сўнг пуфлама мис (валторна, труба, тромбон, тубалар), урма чолғу асбоблар (литаврлар, учбурчак, қошиқ, дойра, катта-кичик барабан, тарелка, там-там, ксилофон, челеста), арфа, фортепиано, торли-камончали асбоблар (I ва II скрипкалар, альтлар, виолончеллар, контрабаслар) жойлашади. Шунингдек, духовой оркестр, халқ чолғу асбоблари оркестри, камер оркестрларнинг ўзига хос

МУКАННА
(Сюитанинг бошларич қисми)

Adagio, Tempo assai rigoroso

В. Успенский

The musical score is arranged in a standard Western format with the following parts from top to bottom:

- Picc.** (Piccolo)
- 2 Fl.** (Two Flutes)
- Ob.** (Oboe) with dynamic marking *p*
- Clarinet**
- 2 Clarinet** (Two Clarinets)
- 2 Bassoon** (Two Bassoons) with dynamic marking *poco sf*
- 4 Cor(F)** (Four Cor Anglais) with dynamic marking *p*
- 2 Tr-bc(B)** (Two Trombones B)
- Campanella di cammello** (Campanella di cammello) with dynamic marking *p*
- Safale** (Safale) with dynamic marking *p*
- Pialtil** (Pialtil)
- Cassa** (Cassa)
- Campanella** (Campanella)
- Агр2** (Agrophone 2)

The score includes various musical notations such as dynamics (*p*, *poco sf*), articulation (*consord*), and performance instructions. The key signature is one flat (B-flat major/D minor) and the time signature is 3/4.

Flute

Adagio Tempo assai rigoroso

Violin I

Violin II

Voice

Violoncelli

C. basso

П. тузилишлари мавжуд. Хор П. сида юқорида хотин-қизлар овози (сопрано, альт) қуйида эркаклар овози (тенор, бас) ёзилади.

ПАРТИЯ — 1. Ансамбль, оркестр, хор катнашчиларидан бирининг ски унисон ҳолда ижро этувчиларнинг ноталари. 2. Соната шаклининг экспозициясида асосий мавзулар бош П., ёрдамчи П., яқунловчи П. сифатида келади.

ПАССАЖ (фр. passage — ўтиш) — тез суръатда ижро этиладиган мусиқа асарининг бир қисми. Одатда П. бир (юқори ё қуйи) томон йўналган булади. П аккордлараро, гаммага ўхшаш, хроматик тузилишда ва б. бўлиши мумкин.

ПАССАКАЛЬЯ (исп. pasac — ўгиш, calle — куча) — 1. 17—18-асргача қадимий испанча ракс. Францияда Людовик XIV даврида яқка ракс тарикасида кенг тарқалиб, вазмин, уч хиссали ўлчовда ижро этилган. Ж. Б. Люллининг французча опера ва балетларида ҳам қулланилган. 2. Вариация шаклида орган учун ёзилган мусиқа пьесаси. Бунда куй ҳар доим басда қайтарилади, яъни *бассо остинатонинг* бир тури бўлиб, уч хиссали ўлчовда келади.

ПАСТКИ БОШЛОВЧИ ТОН — VIII поғона, яъни юқориги тонавкадан ярим тон пастда бўлган VII поғона номи. Бошқача айтганда кутарилувчи, бошловчи тон ёки оддий қилиб айтганда — бошловчи тон.

ПАСТКИ ДОМИНАНТА — қ. *Субдоминанта*.

ПАСТКИ МЕДИАНТА — мажор-минор лади таркибидаги VI поғона. Римча VI рақами билан кўрсатилади.

ПАСТКИ ОВОЗ — кўповозли мусиқада энг пастки, бас товуши. Икки овозли мусиқанинг пастгиси ҳам шу ном билан юритилади.

ПАСТКИ ТЕТРАХОРД — тоналликларда учрайдиган икки тетрахорднинг биринчиси, яъни пастгиси. Бошқача айтганда, I поғонадан IV поғонага қадар булган оралиқ, интервал.

ПАСТКИ ТОНИКА — ладларнинг I поғонаси. Ладнинг VIII поғонаси юқоринги тоника деб аталади.

ПАСТОРАЛЬ (лот. *pastoralis* — чўпонча) — 1. Қишлоқ хаётидан олинган, идиллия мавзудидаги (осоишта турмушни тасвир этувчи) кичик опера, пантомима, балет. 17—18-асрларда сарой санъатида П. катта урин эгаллаган. 2. Маълум программада тасвирий характерда қишлоқ турмуши, табиат куринишларини тасвирлаб берувчи чолгу пьеса ёки циклли асар (*соната, концерт, симфония* в. б).

ПАТЕФОН — грамафон пластинкаларини эшиттирувчи махсус механик аппарат П. биринчи марта франсуз Пате фирмаси томонидан чиқазилган. Шунинг учун ҳам П. номи шу кишининг фамилияси ва юнонча «*phone*» — товуш сузидан олинган.

ПАТНИС АШУЛА — чолгу асбоблари жўрлигисиз айтиладиган ўзбекча ашула тури. Одатда ашулачи қўлига кичик бир патник олиб айтади. қ. *Катта ашула*.






ПАУЗА (юн. *pausis* — тўхтатиш, тиниш, дам олиш) — 1. Вақтинча жим туриш, яъни мусиқа асарининг бирор қисмида ёки айрим овозларидан товуш чиқазмай тўхташ. 2. Маълум бир муддат тухташ белгиси. П. товушларининг узун-қисқаликларидек улчовларига тенг. П. лар бутун чорак, нимчорак, уюлтиналик, уттиз иккиталик, олтинш тўртталик бўлиб келади. П. ларининг унги ёнига қўйилган нуқта уларнинг узунлигини ярим миқдорда оширади, иккинчи нуқта эса, биринчисининг ярмига тенг бўлади (220-бетдаги минос).

ПАХТА ЗАРБ, ФОХТИЙ ЗАРБ — Хоразм мақомларидан Дугоҳнинг чертим (чолгу) бўлимидаги куйлардан.

ПАХТА УЙИН — ўзбек хотин-қизлар рақси. Бу рақсда ер чопилиши ва чигит экиллишидан то пахтани териб олишга қадар бўлган меҳнат жараёни рақс ва турли ҳаракатлар билан кўрсатилади. П. ў. фақат дойра журлигида ижро этилиб, дойра усулларини уста дойрачи Уста Олим Комилов 1937 йили Москвада ўтказилган


паузалар:

нуқтали паузалар:



Ўзбек санъати ва адабиёти биринчи декадаси олдидан (1936) яратган. Рақсларни эса Тамарахоним саҳналаштирган. II. у. дойра усулларидан бир неча нам.на (221- бетга қаранг).

ПЕДАЛИЗАЦИЯ — фортепианода куй ижро этилганда педалдан фойдаланиш. II. фақат товушни чўзиш учунгина эмас, товуш-




ни «безаш», тембрни ўзгартишга ҳам хизмат қилади. П. фортепиано техникасида катта аҳамиятга эга. Арфада П. механизмлари товушни кўтариш ё пасайтишга хизмат қилади.

ПЕДАЛЬ (лот. *pedis* — оёқ) — айрим чолғу асбобларда оёқ билан босиладиган махсус ричаг. Фортепианодаги П. товушни пасайтириш ёки чўзиш учун хизмат қилади. Бу П. лардан ўнг томондагиси босилганда *демпферлар* кўтарилиб: урилган (чалинган) тордаги тўлқинланиш тугалланишига қадар клавишда бармоқлар босиб турилган ё турилмаган бўлишидан қатъи назар, товуш чўзилади. Чап томондагиси босилганда эса, торларга уриладиган болғачалар ўз ўрнини ўзгартириб, товуш бирмунча секин, паст чиқади. Органдаги П. катта клавишлардан тузилган клавиатураларга ўхшаб, орган чалувчи буни оёқ учи ёки товон билан босади. Натижада органдаги энг пастки товушлар эшитилади. Арфадаги П. эса бир создан бошқа созга ўтиш учун, литаврадаги П. ҳам созни ўзгартишга хизмат қилади. Қайта ишланган ўзбек халқ чолғу асбобларидан чангга ҳам педаль қўйилмоқда. Бунинг вазифаси чангдаги шовқинли товушни учириниш (йўқотиш) учундир.

ПЕНТАТОНИКА (юн. *penite* — беш, *tonos* — тон) — октава ораллигидаги турли баландликка эга бўлган беш товушли тизим. П. товушқаторидаги погоналар ораллиги бутун тон (катта секунда) ва бир ярим тон (кичик терция) лардан иборат бўлади (фортепианонинг қора клавишлари ораллигидек). Ярим тонсиз П. кўпроқ тарқалган бўлиб, у *ангемитон*, яъни ярим тонсиз П. деб аталади. Катта секунда ва кичик терция интерваллари ўз ўринларини алмашиб келишларига кура, бешта П. ладлари ҳосил бўлади. П. ладларининг эшитилиш характери мажор ва минорга бир оз яқинлашиб келади. (222-бетнинг юқорисидagi мисол).

Юқоридаги мисоллардан биринчиси, яъни биринчи товушқаторидан мажор учтовушлигини, бешинчи товушқаторидан эса минор учтовушлигини тузиш мумкин. Тўртинчи товушқатор — мажорга, учинчиси эса минорга бир оз яқинлашиб келади. Иккинчисида —



Пианино

ПЕШРАВИ ДУГОХИ ФЕРУЗ — қ. *Пешрав.*

ПЕШРАВИ ЗАНЖИРИ — қ. *Пешрав.*

ПЕШРАВИ ЗАРБУЛ ФАТҲ — қ. *Пешрав.*

ПИАНИЗМ — фортепианода ижро этиш санъати. Консерваторияларда «Пианизм тарихи ва назарияси» деган махсус дарс утилади.

ПИАНИНО (итал. piano, pianoforte — фортепиано сўзининг қисқартирилгани; pianino — кичик пиано) — фортепианоннинг бир тури. П. 18-аср охирида қайта ишланиб, 19-асрнинг 20-йилларида ҳозирги шаклга кирган. П. нинг ромига тортилган торлар тик ўрнатилганига кура, роялга нисбатан кичикдир. П. нинг торлари ёниқ яшиқда бўлгани учун товуши паст эшитилади. Овоз ҳажми роялдагидек булиб, фақат юқориги регистри бир оз камроқ. П. кўпроқ уйларда, профессионал ансамблларда қўлланилади. Концертларда асосан рояль қўлланилиб, П. дан жуда кам фойдаланилади. Ижро техникаси П. ва роялда бир турли.

ПИАНИНОЧИ — фортепиано чалувчи ва буни ўзига касб қилиб олган созанда.

ПИАНИССИМО (итал. piano — оҳиста, секин) — мусиқа асарининг жуда секин ижро этилиши. П. ни қисқартиб, лотинча *pp*, ҳарфлари билан кўрсатилади. Қ. *Динамика*.


ПИАНО (итал. piano — секин, бўш) — секин ижро этиш. П. ни қисқартиб, латинча *P* ҳарфи билан кўрсатилади.

ПИАНОЛА (инг. *pianola*, фр. *piano*) — фортепианода куй чалиш учун ўйлаб топилган махсус асбоб. П. 19-аср охирида пайдо бўлди. Фортепианонинг ҳар бир клавиши устида П. болгачалари ўрнаштирилган бўлиб, шу орқали клавишлар урилиб, керакли товушлар олинади.

ПИАТТИ (итал. *piatti*) — тарелка (музиқа асбоби).

ПИККОЛО (итал. *piccolo* — кичик) — кичик флейта (*flauto p.*) ни қисқартиб П. дейилади. (Қ. *Кичик флейта*).

ПИЛЛА УЙИНИ — ўзбек хотин-қизлари рақси. Бу рақсда қурт боқиш, парвариш қилиш, пилларни йигиб олиш ва бундан ипак тайёрлаш жараёни рақс ва турли ҳаракатлар билан кўрсатилади. Рақс охирида ипакдан тўқилган шойи рўмол билан рақсга тушилади. П. ўйин фақат дойра жўрлигида ижро қилиниб, дойра усуллари ни моҳир дойрачи Уста Олим Комилов 1934 йили яратган. Рақсларни эса Тамарахоним саҳналаштирган. П. ўйини усуллари дан намуналар:




ПИПА — лютня туридаги тирнэб чалинадиган хитой халқ торли чолғу асбоби. Илгарилари Хитойда лютня туридаги барча чолғу асбоблар (масалан, *жуань*, *юецинь*) лар П. деб аталган. П. энг амаллий чолғу асбоби ҳисобланиб, оркестр учун ёзилган йирик музиқа асарларини у бошлаб берган. П. айниқса марказий ва жанубий Хи-



тойда якка овоз (соло) сифатида кенг тарқалган. П. турлича созланиб, энг кўп қўлланиладиган соз-кварта, секунда ва квинта орлигидадир. Қадимги П. да фақат тўртта ёғоч парда бўлган. Ҳозир бу пардалар 16 га қадар кўпайган, овоз ҳажми уч октавага етган:



П.нинг энг сўнгги қайта ишланган турида пардалар хроматик ярим тонлар асосида тузилган. Натижада 12 погонали температурацияланган товушқаторига эга бўлди. П.нинг торлари ишакдан, баъзан ичк,



Пиппа

ҳатто симдан бўлиб, одатда плектр билан чалинади. Баъзан ижрочилар П. ни тирноғи билан ҳам чалади. П.нинг узунлиги 1000 мм, корпусининг кенглиги 300—320 мм бўлади.

ПИСТОН (фр. piston — поршень, кнопкали пружина) — баъзи бир мис пуфлама чолғу асбобларида тик ўрнатилган вентиль.

ПИФФЕРО (итал. piffero) — итальян халқ пуфлама чолғу асбоби. Волниканинг миллий тури.

ПИЦЦИКАТО (итал. pizzicato — тирналиб) — 1. Торли-камончали чолғу асбобларининг камончасиз, бармоқлар билан тирнаб чалиш. Тирнаб чалганда товушлар қисқа ва секин эшитилади. Бу сўзни қисқартиб латинча pizz деб кўрсатилади. П. сиз камонча билан чалишнинг давом эттириш керак бўлганида — arco (арко—камонча билан) сўзи ёзилади. П. ни чап қўл бармоқлари билан ҳам чалиш

мумкин. Бундай ҳолда ҳар бир нота устига белги қўйилади. 2. Фақат П. нули билан чалнайдиган пьеса.

ПЛАГАЛ КАДАНС — субдоминанта ва тоника аккордлари билан тугалланадиган каданс.

ПЛАГИНАТ (лот. plagio — ўғирлайман) — ижодий утрилик. Бировларнинг мусика, илмий, адабий ёки бошқа бирор асарини узиники қилиб кўрсатиш. Бундай кишилар қонун бўйича жавобгарликка тортилади.

ПЛЕКТР (юн. plektron) — медиатор, мизроб.

ПОЗИЦИЯ (лот. positio — вазият) — 1. Чолғу асбоблари (масалан, скрипка)да ижро этишда қўл вазияти. 2. Торли чолғу асбобларини чалгандаги чап кўл вазияти. Чап кўл дастада ўз уринини ўзгартириб, кўйи томон («бўғин» томон) тушуви — П. нинг ўзгариши бўлади. П. лар пастки регистрдан юқориги регистр томон рақамлар билан кўрсатилади. Охириги П. ларда ижро этиш анча мураккаб. Созанданинг ижрочилик техникаси юксалган сари, бу мураккаб П. лар қулай ўзлаштирилиб, чолғу асбобининг овоз ҳажми кенгайиб боради.

РОСО UN РОСО (и ал. поко, ун поко) оз, бир оз, *poco a poco* (поко а поко) - оз-оздан, бир оздан.

ПОЛИМЕТРИЯ (юн. poly — кўп, metron — ўлчов, микдор) — кўп овозли мусиқада турли метрдаги тактларнинг бир вақтда кўшилиб келиши. П. нинг асосий хусусияти турли овоздаги акцентларнинг бир вақтда келмаслигидир. П. мисоллари бир овозли мусиқада ҳам куй ва унга жўр бўлувчи усул орасида учрайди.

II. ГРУБНИН ГАРМОНИЗАЦИЯ ҚИЛГАН ЎЗБЕК КУЙИ

Sostenuto

ПОЛИТОНАЛЛИК (юн. poly — кўп ва тоналлик) — куповозли мусиқада бир йўла ҳаракат қилувчи овозларнинг турли тоналликда келиши.

ПОЛИФОНИК ВАРИАЦИЯЛАР — полифонияга мансуб мусиқа шаклларида турлича йўл билан ишланган вариациялар. П. вариациялар узинга хос тугалланган мусиқа шакли сифатида вариация цикллари — *пассакалья*, *чакона*ларини ташкил қилади (яна қ. *Бассо остинато*).

ПОЛИФОНИЯ (юн. poly — кўп, phone — товуш, овоз) — кўповозли мусиқа тури, ҳар бири алоҳида мустақилликка эга бўлган бир неча куйнинг гармоник қўшилиб, мураккаблашиб ривожланиши. П. даги овозлар турли оҳанг (интонация), ритм, авж (кульминация), қаданслар, ҳатто динамик туслар ва тембрларда бўлишларида катъи назар, булар қўшилиб бир умумий эшитилишга бўйсунадилар. Мусиқа тузилишида П. нинг аҳамияти жуда муҳим, чунки бундаги куй, ритм, лад ва гармониялар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. Ўзинга хос бир неча куйнинг қўшилиб келиши, гармоник юксалиши турлича бадний образларни яратишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам мусиқа жанрларининг турли шакллари (*фуга*, *инвенция*, *канон* в. б.) да полифоник тузилишлардан қўлланилади.

Контрапунктли, *имитацияли*, *инвенцияли* П. услублари бўлади. Шунга кура, П. кенг маънодаги контрапункт истилоҳи бир тушунчани англатади. П. халқ ижоди маҳсулоти бўлиб, профессионал мусиқада турлича ва кенг тарқалди, ривож топди.

Ғарбий Европа ва рус классик композиторлари ўз асарларида П. дан кенг фойдаланганлар. Ўтган асрда яшаган композиторлардан И. С. Бах ва Г. Ф. Гендель ижодида П. янада ривожланди. Рус классик мусиқасида, рус композиторлари ижодиётида П. муҳим ўрин эгаллади.

Ўзбек халқ мусиқасига куповозли мусиқа анъаналарини татиқ этишда П. алоҳида аҳамиятга эга бўлди. 20- йилларда ўзбек халқ куйларини гармониялашда П. шаклларида фойдаланилди ба бу тажриба келгусида куповозли йирик асарлар яратилди. Ўзбекистон композиторларига омил бўлди.

ПОЛОНЕЗ (фр. danse polonaise нинг қисқартирилгани) — қадимий поляк рақси. Рақс қадамлар билан таитанали ижро этилади. 19- асрда П. концертларда ижро қилинишини мўлжаллаб чолғу асбоблари учун ёзилди ва бу кенг тарқалди. Буюк рус композиторлари Глинка «Иван Сусанин», Мусоргский «Борис Годунов», Чайковский «Евгений Онегин», Римский-Корсаков «Рождество арафасидаги тун» операларида П. рақсини қўлладилар. Буюк поляк композитори Ф. Шопенининг фортепиано ижодиётида П. янада ривожлангилди.

П. нинг ўлчови $\frac{3}{4}$, да бўлиб, ритмик шакли қуйидагича:



ПОЛЬКА (чех. *polka* — ярим) — чех халқининг қадимий рақси бўлиб, бир жуфтдан доира булиб ижро этилади. Мусиқа уллови 2/4. Рақс шух ва жонли булиб, 19-аср ўрталарида эса буғун Европада бал рақси сифатида композиторлар ижодиётида маълум уриш эгаллади.

ПОПУРРИ (фр. *pol-pourri* — турли гушт ва сабзавотдан қилинган овқат) — турли мусиқа асарларидан олинган парчалар асосида тузилган пьеса.

ПОРТАМЕНТО (итал. *portamento* — кўчирмоқ) — 1. Торли-камончали чолғу асбобларда ва ашула айтганда бир товушдан иккинчисига сирганиб ўтиш. II натижасида кўйнинг оҳангдорлиги мукаммалашади. II. асарни бадний ижро этишда муҳим аҳамиятга эга булиб, асарнинг таъсирчанлигини кучайтиради. II. ни хаддан ташқари қўллаш сунъийликка олиб боради. 2. Ритмик ва динамик бир текис ва чўзиб ижро этишни кўрсатувчи белги; нотанинг ост ё устида кичик чизиқча билан кўрсатилади.



ПОРТАТИВ (фр. *orgnes portatives*, лот. *portio* — кўчирини, қўтариб юриш) — қўлда кўтариб юриш мумкин бўлган кичик орган. II. 15-асрда кенг тарқалган эди.

ПОРТАТО (итал. *portato, portare* — таъкидламоқ, ифодаламоқ) — торли-камончали чолғу асбобларда айрим товушларни бурштириб «хар нафас» да ижро этилиши. II. ни қўллаш *декламацион* таъсирчанликни зурайтади. Одатда II. мусиқа асарини *рубато* суръатида ижро этилганида қўлланилади. II. ни *портamento* билан чалкаштирмаслик зарур.

ПОСТАНОВКА — мусиқали драма, опера, балет ва оперетталарни сахналаштиришдаги ижодий жараён. Цирк, эстрада ва шунингдек, кинода ҳам II. чи режиссёрлар зиммасига катта масъулият юкланади.

ПОШЕТТА (фр. *pochette, pocheter* — чўнтакда олиб юриш) — кичкина хажмдаги камонча билан чалинадиган торли чолғу асбоб II. ни 16—17-асрларда рақс усталари (танцмейстер) рақс ўр-

гатиш вақтида қўллаганлар. П. ни корпуси турлича шаклда бўлган. П. да 3—4 тор бўлиб, булар квинта ораллигида созланган. Умумий узунлиги 350 мм бўлган. 19-аср бошларидан П. қўлланмай қолган.

ПОЭМА (юн. ποίημα — ижод қиламан) — 1. Унча катта бўлмаган лирик ёки ҳикоявий лирик характердаги чолғу мусиқа асари, пьеса. 2. Бир қисмли, оркестр ё оркестр жўрлигида ёлғиз бир чолғу асбоби ёки яққалов овоз учун яратилган йирик мусиқа асари, масалан: Икром Акбаровнинг Ҳамза Ҳакимзода Нисзийга бағишланган «Шоир хотираси» номли симфоник П. си. Шунингдек, М. Маҳмудов «Хотира», У. Мўсаев «Тантанали поэма» каби П. лар яратилган. 3. Фортепиано, халқ чолғу асбоблари, симфоник оркестр учун яратилган чолғу ёки вокал-чолғу мусиқа асари. П. атамаси мусикага бадний адабиётдан кирган.

ПОГОНАДОШ ТОНАЛЛИКЛАР — аккордлари бир турли товушлардан тузилган икки тоналликнинг ўзаро муносабати. П. тоналликлар уч турли. Биринчи даража погонатошлик—тоника учтовушлиги умумий булган тоналликлар (масалан: *До-мажор* ва *Соль-мажор*). Ҳар бир мажор тоналлигида 6 та биринчи даража П. тоналликлар бор (2 та мажор ва 4 та минор), буларнинг тоника аккорди II, III, IV, IV' -оғъа неллиелд негдебелюлон IД ва Д '



вушликдир. (*До-мажорга* — *ре-минор*, *ми-минор*, *фа-мажор*, *фа-минор*, *Соль-мажор* ва *ля-минор*лар П. тоналликлардир). Ҳар бир минор тоналлиги ҳам 6 та биринчи даража П. тоналликларга эга (2 та *минор* ва 4 та *мажор*), буларнинг тоника аккорди III—IV—V^н—V^г—VI ва VII погоналарда тузилган учтовушликлардир (*ля-минорга* — *до-мажор*, *ре-минор*, *ми-минор*, *ми-мажор*, *фа-мажор*, *соль-мажор*лар П. тоналликдир).

Иккинчи даража погонатошлик — тоникадан ташқарк бир умумий учтовушликка эга тоналликлар (масалан: *До-мажор* ва *Ре-мажор*); ҳар бир мажор ва минор тоналликлари II та иккинчи даража ўхшаш тоналликка эга, булардан 8 таси асосий ладда, 3 таси бошқа ладда.

Учинчи даража погонатошликда — тоналликда бирортга ҳам умумий учтовушлик бўлмайди, ҳар бир мажор ва минор тоналлиги 5 та учинчи даража П. тоналликка эга; булардан 1 таси асо-

сий ладда, 4 таси бошка ладда. Яқинлик даражаси модуляция учун характерли ва унга сабабчидир.

ПРЕДЪЕМ — бирор аккорд товушининг аккорддан аввал келиши. П. тактининг ургусиз ҳиссасида лайдо бўлиб, бошка олдинги аккорд товушлари билан аккордни «бузиб», янгисини тайёрлайди ва бир аккорддан иккинчисига ўтишни таъминлаб беради.

“НОВЕЛЛА”



ПРЕЛЮДИЯ (лот. *prae* — олдин, *ludus* — ўйин) — чолғу пьеса. Дастлаб ижро этиладиган, асосий мусика олдида келадиган даромад, яъни кичик пьеса, муқаддима. 15- асардан бошлаб люгва, кейин роқ клавесини ва орган чолғу асбобларини чалувчи созандалар уртасида тарқала бошлади. 16—18- асрларда П. орган мусиқасида бирмунча мураккаблашди. Туркумли чолғу асарлар (масалан, прелюдия ва фуга туркумларида бошловчи қисм) сифатида қабул қилинди. Композиторлар П. номи билан фортепиано учун кичик ҳажмдаги чолғу пьесалар яратдилар (Д. Шостакович, Л. Кабалевский, республикамиз композиторларидан Г. Мушель, Б. Гиенко ва б.).

ПРЕМЬЕРА (фр. *premier* — биринчи, бош) — опера, балет, мусиқали драма, оперетта каби саҳна асарларининг биринчи марта кўрсатилиши. Эстрада ва циркларда янги программанинг кўрсатилиши.


ПРЕССИСИМО — (итал. *prestissimo* — жуда тез) — жуда ҳам тез суръат кўрсаткичи

ПРЕСТО (итал. *presto* — тез) — 1. Жуда тез чалинадиган суръат кўрсаткичи. 2. Шу ном билан юритиладиган пьеса.

ПРИМА (лот. *prima* — биринчи) — 1. Бир поғона оралиғидаги интервал кенглиги, яъни бир номдаги икки товушнинг кайтарилиши. Масалан, *до-до*, *ре-ре*. Бундай интервал *соф прима* деб аталади. П «1» рақами билан кўрсатилишига кўра, *соф прима*ни қисқартиб — с. 1 деб кўрсатилади.




П. даги икки қайтариладиган товушлардан бири кўтарилиши ё пайсайиши мумкин (*фа-фа диез, ля-бемоль-ля бекар, до-до диез* в. б.). У орттирилган П. деб аталади. Буни қисқартиб *орт. 1* тарзида ёзи-




лади. 2. Берилган товушлардан биринчиси.

ПРИМА-БАЛАЛАЙКА — балалайканинг кичрайтирилган турми бўлиб, В. В. Андреев томонидан қайта ишланган. Созланиши — 1 ва 2 торлар биринчи октавадаги *мидан* — учинчи октавадаги *ляга* қадар. Ноталар скрипка калитида ёзилади:

созланиши:





овоз ҳажми:



П. балалайкада ижро этиш имконияти жуда кенг бўлиб, бошқа рус халқ чолғу асбобларида бундай имкониятлар мавжуд эмас. Елғиз ансамбль ва оркестрда қўлланилади.

ПРИМА-ҚОБИЗ — торли-камончали қозоқ халқ чолғу асбоби-нинг кичрайтиб қайта ишланган тури. П. қобизда учта тор бўлиб, булардан бири сим, иккинчиси ичакдан. Созланиши квинта оралиғида кичик октавадаги *соль*, биринчи октавадаги *ре* ва *ля*-га. Ноталар скрипка калитида эшитилганича ёзилади. Умумий овоз ҳажми — кичик октавадаги *сольдан* учинчи октавадаги *сольга* қадар.



ПРИМА-ЧАНГ — чангнинг кичрайтирилгани. Овоз ҳажми кичик октавадаги *сольдан* учинчи октавадаги *мига* қадар. Ноталар скрипка калитида эшитилганича ёзилади. Қ. *Чанг*.

ПРОГРАММАЛИ МУСИКА — мусиқанинг асосий жанрларидан бири. П. м.нинг аксарияти чолғу мусиқаси (купрок оркестр учун) бўлиб, маълум бир мавзу — тарихий воқеалар, халқ қаҳрамонлари ҳаёти ва жасорати, халқнинг урф-одатлари, фантастик воқеалар ва б.га асосланиб ёзилиши мумкин. Купрок П. м.нинг мавзуси бадиий адабиёт санъат турларидан олинади. П. м. турли шакл (симфония, сюита, поэма, соната, кичик пьеса ва б.) да ёзилиши мумкин. П. м. учун симфоник поэма, симфоник манзара, увертюралар айниқса характерли жанрлардир. П. мусиқага махсус номларга эга бўлган чолғу пьесалар, масалан: «Хайрлашув», «Ов», «Момақалди-роқ» в. б. ҳам киради. 19-асрда П. мусиқа рус композиторлари ижодиётида юқори поғоналарга кутарилди. П. П. Чайковскийнинг «Ромео ва Жульетта» увертюраси, М. П. Мусоргскийнинг «Кўргазмадан манзаралар», А. К. Глазуновнинг «Ўрмон», «Денгиз» номли симфоник фантазия ва манзаралари, С. В. Рахманиновнинг «Коя» номли симфоник поэмаси, Д. Д. Шостаковичнинг Улуғ Ватан уруши мавзундаги «7-Ленинграднома» симфонияси ва бошқа жуда кўп йирик мусиқа асарлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон композиторлари ҳам П. м. соҳасида жуда кўп асарлар яратдилар.

ПРОЛОГ (юн. *prologos* — кириш, муқаддима) — опера ва уму-ман саҳна асарларида асосий воқеани олдиндан баён қилувчи манзара — актининг бир қисми. Баъзан П. ўзига хос мусиқал бир асар қолида бўлиши ҳам мумкин.

ПУЛЬТ (нем. *Pult*, лот. *pulpitum* — минбар) — нота қўйиш учун «салтан махсус мослама. Бу *пюпитр* деб ҳам аталади.

ПЮПИТР (фр. pupitre, лот. pulpitum — минбар) — нота қўйиш учун ясалган махсус курси. Қ. *Пульт*.

ПЬЕСА (фр. pièce) — 1. Театр сахнасида кўрсатишга мўлжаллаб ёзилган драматик асар. 2. Ёлғиз бир чолғу асбоби ёки ансамбль учун ёзилган чолғу мусиқа асари. Одатда, кичик ҳажмда фортепиано, скрипка ва ансамбллар учун П. лар ёзилади.


P

РАБОБ — қ. *Робаб, рубоб*.

РАВАП (рабоб) — Синьцзян уйғурлари орасида қўлланиладиган торли тирнама чолғу асбоб. P. Ҳиндистонда тарқалган. Тоғушкатори диатоник бўлиб, бирмунча қушимча ярим тонлар ҳам бор. 21—23 пардаси бўлиб, умумий узунлиги 950—1000 мм. P. да 5 та металл тор бор. Бу торлар қўйидагича соланади:



Овоз ҳажми:



P. косаси қаттиқ ёғочдан ўйиб ишланади. Қопқоқ ўрнига махсус ишланган эшак териси қопланади. қ. *Рубоб*.


РАВАНАСТРОМ, РАВАНСТРАМ, РАВАНАСТРОН — хинд халқининг камонча билан чалинадиган қадимий торли чолғу асбоби. P. нинг косаси бир бутун ёғочдан ўйилиб, қопқоқ ўрнига плон териси қопланади. Биздаги гижжак шаклида булган бу чолғу асбобга ипак ёки ичакдан қилинган иккита тор тортилади. P. гижжак тартибда ижро этилади.

РАДИОЛА — радиопрёмникнинг бир тури бўлиб, бунда граммофон пластинкаларини айлантириш учун махсус электр аппарати урнатилган.

РАЛЛЕНТАНДО (итал. rallentando — секинлаштириб, оғирлаштириб) — суръатни бир оз вазминлаштириш.

РАПСОДИЯ (юн. rhapsodia — кўйланадиган ёки декламация эгилладиган эпик достонлар; эпик кўшиқ) — халқ мавзу (кўй) ларида эркин шакли яратилган чолгу асар. P. халқ мавзуларини эркин ҳолатда қайта ишланиши ва кенгайтирилиши билан *фантазия*га фарқ қилади. 19-асрнинг башларида — у классик соната шаклига яқинлашади. Ф. Листнинг фортепиано учун яратган «Венгерча», «Испанча» P. лари шулар жумласидандир. Композиторлардан А. Дворжак, С. Рахманинов, М. Равель, Н. Брамс, А. Дягуновлар ҳам фортепиано, скрипка ва оркестр, фортепиано ва оркестр учун P. яратдилар. Баъзан оркестр ва хор учун ҳам P. яратилади (Брамснинг яқка аът, хор ва оркестр учун P. си).

РАКАМЛАШ — аккордларнинг (уст ё остида) рақамлар билан курсатилиши. Аккорднинг қайси погонадан тузилганлиги рим рақамлари билан курсатилади. Аккорд турлари эса араб рақамлари билан (рим рақамларининг ўнг томонига, пастроқда) ёзилади. Масалан, рим рақамининг ўнг томонига қўйилган 6 рақами учтовушликнинг биринчи айланиши булган септаккорд эканлигини; рим рақамининг ўнг ёғига қўйилган 7 рақами септаккорднинг асосий тури эканлигини, $\frac{5}{3}$ эса, септаккорднинг биринчи айланиши булган — квинтсептаккордлигини ва ҳ. к. билдиради. P. нўли билан курсатиш асарини (ижрочи томонидан) ўзлаштириш жараёнини тезлатади.



I | I₆ V₇ V₅₆

РАКАМЛИ СИСТЕМА — мусикани рақамлар билан зиш системаси. Рақам билан ёзилган қадимги табулатура ҳам P. системага киради. Хозирги вақтда P. система халқ чолгу асбобларини илк

бора ўрганаётганларга енгиллик тугдириш учун қўлланилади. Бу системада чолғу асбоблардаги торлар нота чизиги ўрнини эгаллайди. Бунда дастадаги пардалар тартиби рақамлар билан кўрсатилиб, юқориги чизик биринчи булиб (юқоридан пастга) ҳисобланади.

РАҚС — кенг оммалашган — нафис ҳаракатлар ва маълум бир ритмик тузилишлар билан бадний образ яратишга асосланган санъатнинг бир тури. Рақсдаги бу пластик ва ритмик ҳаракатлар мусиқа билан чамбарчас боглиқ ҳолда давом этади.

РАҚС АНСАМБЛИ — халқ ва классик рақс усталаридан тузилган ансамбль. Игорь Монсеев раҳбарлигидаги рус халқ Р. ансамбли ўзининг ижрочилик маҳорати билан дунёга танилди. Республикамизда ташкил қилинган хотин-қизлар «Баҳор» Давлат рақс ансамбли катта муваффақиятларга эришди.

РАҚС МУСИКАСИ — аниқ улчовга эга рақсга жур булишга мулжалланган мусиқа. *Р. мусикаси* аниқ ритмга эга бўлиши, ҳар бир рақснинг узига хос характери, ритм ва суръатига муносиб булиши шарт. Ҳар бир рақс учун турлича мусиқалар яратилади. Буларнинг ритми ҳам турлича бўлади, лекин бу ритм рақсдаги ритмга бўйсунини, богланини шарт. Бу ритм доимий қайтарилувчи ёки вариацион узгарувчи ҳолатга эга бўлади. *Р. мусикасининг* аксари чолғу тарзда бўлади. Халқ рақслари эса ашула ва хорлар билан ижро этилади. *Р. мусикаси* фақат чолғу асбобларида чалиниб ё ашула қилиб айтиш мўли билангина эмас, бунинг ритми дойра ва б. урма соаларда чалиниши ёки қарсақ билан бажарилиши ҳам мумкин. *Р. мусикаси* балетда, концертларда қўлланигандек, енгил мусиқа ва жазларда ҳам салмоқли ўрни эгаллайди. *Р. мусикаси* ритмлари йирик мусиқа асарларининг айрим қисмларини ҳам ташкил этади. Аксарият сюита, цикли соната шаклининг айрим қисмлари рақсимон яратилади. Ўзбек халқ куйларидан «Мирзадавлат», «Дилхирож», «Уфур», «Қашқарча» в. б. лар чолғу *Р. мусикаси*, «Гул уйини», «Ҳари наво» ва айрим ялалар ашулалари *Р. мусикаси* намуналаридир. Дойра ва ногоралар ритмида ижро этиладиган рақслар Ўзбекистон ва Тожикистонда жуда кенг тарқалган, «Занг», «Чор қарс», «Дучава», «Гул уйини» (фақат дойрада ижро этиладиган варианти) в. б. дойра журлигида ижро этиладиган рақс уйишларидир.


РАҚС УСУЛЛАРИ — рақсга жур бўлувчи усуллар.

РАҚКОС — рақсга тушувчи, уйинчи эркак киши.

РАҚҚОСА — уйинчи қиз ёки аёл.

РАҲОВИИ, МАКОМИ РАХОВИИ — 13—17-асрларда Марказий Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган 12

мақомнинг еттинчиси. P. мақомининг товушқатори ҳозирги транс-крипцияда қуйидагича бўлади:




PE — 1. Муסיқа товушидаги асосий етти погонадан бири, хар-фий *D* ёки *d* (дэ) ҳолида ёзилади. 2. Транспозиция қилинадиган мусиқа чолғу асбоблари сози (in *D*) бўлиб, нотада ёзилишига кура бир тон (катта секунда) юкори эшитилади. Ҳозирги вақтда бу сзда кичик кларнет (кларнет-пикколо) қўлланилади.

РЕ-БЕМОЛЬ МАЖОР — тошқаси *ре-бемоль* билан бошланган мажор тоналлиги, бу *Des-dur* тарзида ҳам ёзилади. Қалиғолди бел-гилари бешта бемоль (*си-бемоль*, *ми-бемоль*, *ля-бемоль* ва *соль-бе-моль*) дан иборат.




Ре-бемоль мажор аккорди *ре-бемоль* нотасидан тузилган ма-жор (катта) учтовушлигидан иборат булиб, булар *ре-бемоль*, *фа* ва *ля-бемоль* товушларидан тузилади. Бу *ре-бемоль* мажорнинг то-ника учтовушлиги, яъни 1 поғона учтовушлигидир.

Қалиғолди белгилари бас қалиғида қуйидагича ёзилади:



РЕБАБ (араб.) — камонча билан чалинадиган қадимий хинд-эрон тюрли чолғу асбоби. P. да 1,2 ёки 3 та тор булади. Қосаси турлича шаклда (ғижжак тузилишида) бўлиб, қопқок урнига юлқа



Ребаб

тери қопланади. 2 ва 3 торли P. кварта ёки квинтага созланади. P. Миср, Шимолий ва Ғарбий Африка халқлари уртасида ҳам тарқалган.

РЕГИСТР (лот. *registrum* — рўйхат, лот. *registum* — ёзиб қўйиш, топириб қуйини) — 1. Маълум бир мақсадда бир қисм товушкаторининг қушини товушлар билан қушилиб келиши (бу кўпроқ тембр бирлигига хос). Одатда P. баланд (юқори), урта ва паст бўлиб ажратилади. Ашулачилар овози эса кукракдай, урта ва юқори (энг баланд) турларда булади. 2. Бир турли тембр ва турлича созланишдаги орган трубалари ёки клавиесни торлари йнғиндиси.

РЕ-ДИЕЗ МИНОР — тоникаси *ре-диез* бўлган *минор* тоналлиги, *dis-moll* (дис-молл) деб ҳам аталади. Калитолди белгилари олти диез (*фа-диез, до-диез, соль-диез, ре-диез, ля-диез* ва *ми-диез*) дан иборат.



P.-диез минорнинг VII поғонаси кўтарилса — гармоник, VI ва VII поғоналари кўтарилса — *мелодик минор* бўлади.


Баъзан P.-диез тоналлигида ёзилган пьесалар ҳам шу номда аталади. Асосий аккорди *ре-диез* нотасидан тузилган минор учтовушлигидан иборат бўлиб, булар *ре-диез, фа-диез* ва *ля-диез* минордан тоника учтовушлиги, I-поғона учтовушлигидир.

РЕЖИССЕР (фр. *regisseur*, лот. *rego* — бошқараман) — опера, оперетта, мусиқали драма, комедия ва б. драматик асарларни сахналаштирувчи ижодкор. P. сахна учун ёзилган мусиқа асари партитурасидаги асосий мазмунни очиб бериш ва бунинг сахнадаги драматик воқелик билан боғлаб бориш қобилиятига эга бўлиши шарт. P. дирижёр билан ҳамкорликда асарнинг бунёдга келиши ва унинг асосий мазмунини ёритиб бериш учун сахнадаги ижодий жамоа билан иш олиб бориши ва бунга раҳбарлик қилиши керак бўлади.

РЕЗ — торли тирнама чолғу асбобларда ҳосил қилинадиган кичка товуш. Европа мусика истилоҳида *тремоло* деб аталади. P. чолғу асбобларидан — дойра, ногора, танбур, дутор ва бошқаларда кулланилади, масалан, дойра P. лардан — «Дучава P.» и. «Даромани садр. P. и», «Чор қарс P. и» ва б. дойра усулларидан «Уфори сохта» қўидагича бўлиб,



бунинг P. и.




тартибда келади.

РЕЗОНАНС (фр. resonance — акс-садо) — асосий товуш берувчи жисмнинг бошқа товуш берувчи жисмларни тўлқинга келтириш йўли билан товушнинг кучайиши. Масалан, асосий чалинадиган тор ёнидан ё тагидан тортилган тор ижро этувчи торнинг тўлқинланиши билан бу қўшимча тор ҳам тўлқинга киради. Натижада бу қўшимча тордан унга хос тембрда чиққан товуш асосий товушни кучайтиради. Бу қўшимча торлар турлича интервалларда соланади.


РЕЗОНАТОР — мусиқа асбобида товушни кучайтириб берувчи мослама. Торли чолғу асбобларида коса устига қопланган қопқоқ P. лик вазифасини бажаради. Копқоқдаги турли хажмдаги тешикчалар товушнинг кучайиши ва чўзиялишига ёрдам беради.

РЕКВИЕМ (лот. requies — ҳаракатсиз ҳолат) — мотам куйи. Марҳумлар хотирасига бағишлаб яратилган вокал ёки вокал-чолғу мусиқа асари. 18—19-асрларнинг буюк композиторлари яратган P. лар концерт эстрадаларида ижро этилади. Айниқса, В. Моцарт, Ж. Верди Г. Берлиозларнинг P. лари бадний жиҳатдан етукдир. Рус композиторлари ижодиётида P. ни халқ қаҳрамонларига бағишлаб ёзилган *оратория* ва *кантаталар*да учратиш мумкин.


РЕ МАЖОР — тоникаси *ре* билан бошланган мажор тоналлиги; D-dur (дэ-дур) деб ҳам аталади. Калитолди белгилари иккита диез (*фа-диез* ва *до-диез*) дан иборат.



Асосий аккорди *ре* нотасидан тузилган мажор учтовушликдан иборат бўлиб, булар: *ре*, *фа-диез* ва *ля* товушларидан тузилади. Бу Р. м. нинг тоника учтовушлиги, яъни I-поғона учтовушлигидир. Калитолди белгилари бас калитида қўйидагича ёзилади:




РЕ МИНОР — тоникаси *ре* бўлган минор тоналлиги: d-moll (де-молль) деб ҳам аталади. Калитолди белгилари битта бемоль (*си-бемоль*) дан иборат.



Р. минорнинг VII поғоналари ярим тондан кўтарилса — *гармоник*, VI ва VII поғоналари ярим тондан кўтарилса — *мелодик минор* ҳосил бўлади. Асосий аккорди — *ре* нотасидан тузилган минор учтовушлигидан иборат бўлиб, булар *ре*, *фа* ва *ля* товушларидир. Бу Р. м. нинг тоника учтовушлиги, яъни I поғона учтовушлигидир.


Калитолди белгилари бас калитида қўйидагича ёзилади:




РЕПЕРТУАР (фр. repertoire — рўйхат) — яқка созанда, ашулачи ёки ансамбль, оркестр, театр жамоалари томонидан ижро этиладиган жами асарлар.

РЕПЕТИЦИЯ (лот. repetito — қайтариқ) — машқ, тайёргарлик. Концертларда ижро этиладиган мусиқа асарлари ё саҳнада кўрсатиладиган саҳна асарларини расмий ижроси олдида ўтказиладиган тайёргарлик. Тайёрланадиган асарнинг охириги генерал (бош) Р. си одатда бевосита расмий ижродан аввал ўтказилади.


РЕПРИЗА (фр. reprise — қайтарилиш) — I. Мусиқа асари ё унинг айрим қисмини қайтариб чалиш учун қўйиладиган белги. Бу белги қайтариб чалинадиган парчанинг ҳар икки томонидан қўйилади. Қайтарилиб чалинадиган қисм олдида:



тарзда, қайтариладиган қисм охирида эса:



тарзда қўйилади. Р. нуқталари, албатта, нота чизигининг 2—3 ва 3—4 чизиклари ораллигида қўйилади. Агар қайтариладиган қисмнинг охири иккинчи марта ўзгариб келса, у ҳолда ҳар икки вариант ҳам ёзилиб, буларнинг устига 1—2 рақамлари қўйилади (яна қ. *Волта*).



2. *Соната шаклида ривожловдан сунг келадиган асосий қисм.* Р. экспозицияда бош мавзуга нисбатан бошқа бир тоналлиқда келлади. Р. нинг берилишидан мақсад — сонатадаги асосий мусиқа образига яқун яеаш ва асосий гоини тасдиқлаб олишдир. 3. *Оддий уч қисмли шаклдаги мусиқа асариди биринчи қисмнинг ҳеч қандай ўзгаришсиз қайтарилиши.*

РЕСПУБЛИКА ХАЛК АРТИСТИ — санъатнинг турли соҳаларидаги санъаткорларга (опера ва драма артистлари, режиссёрлари, кино, эстрада, цирк ижодий ходимлари, моҳир ашулачи, созанда в. б.) республика Президенти томонидан бериладиган олий фахрий унвон.

РЕСПУБЛИКАДА ХИЗМАТ ҚУРСАТГАН АРТИСТ — республика Президенти томонидан санъаткор (асосан ижрочи)ларга бериладиган фахрий унвон.

РЕСПУБЛИКАДА ХИЗМАТ ҚУРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ — Ўзбекистон Президенти томонидан халқ орасида танилган санъат арбоблари (мусикашунос, режиссёр ва шулар қабилар)га бериладиган фахрий унвон.

РЕФРЕН (фр. refrain — нақарот) — 1. Куплетли қўшиқдаги нақарот. 2. *Рондо* шаклида асосий, бош мавзу бўлиб, бир неча марта қайтарилувчи қисм.

РЕЧИТАТИВ (лот. recitare — овоз чиқариб ўқиш, *декламация* қилиш) — вокал мусиқанинг бир тури бўлиб, интонация ва ритм жиҳатидан декламацияли сузга яқин бўлади. Р. ритм жиҳатидан эркин ҳолда ёзилиб, ҳеч қандай мусиқа тузилишлари (даврия, жумла ва б.) га бўйсунмайди; кўпроқ операдаги ариялар олдидан берилиб, бунга карама-қарши қўйилади ва ариянинг оҳангдорлаги оширилади. Р. опера, оратория ва кантаталарда алоҳида аҳамиятга эга-

дир. Ўзбекистон композиторлари яратаётган операларда Р. учун катта ашула йулларидаги оҳанглардан фойдаланилмоқда.

РИВОЖЛОВ — соната аллегросининг ўрта, яъни иккинчи қисми. Бу қисмда биринчи экспозициядаги мавзулар кенгайтирилиб ривожлантирилади. Р. эркин тузилиш, тоналликларнинг тез-тез ўзгариши, мавзулар майда қисмларга бўлиниши, турли қарама-карши элементларнинг тез қайтарилиши билан ажралиб туради. Соната шаклида Р. дан сўнг *реприза* келади.


РИТАРДАНДО (итал. ritardando — кечикиб қолмоқ) — суръатни секинлаштириб (оғирлаштириб) бориш. Одатда, қисқартиб *rit.* ёки *ritard.* тарзида ёзилади.

РИТЕНУТО (итал. ritenuto, ritenere — кечиктирмоқ, ушлаб қолмоқ) — суръатни секинлаштириб (оғирлаштириб) бориш, ритардан до га нисбатан камроқ. Қисқартиб *riten.* ёки *rit.* шаклида ёзилади.


РИТМ (юн. *rhythmos* — бир текис оқим) — мусиқа асаридаги товушларнинг узун-қисқаликлари жиҳатидан муносабатлари.


Хар бир мусиқа асарининг узига хос Р. и бор. Мусиқа товуши билан Р. чамбарчас боғланган булади; Р. сиз куй бўлиши мумкин эмас. Р. турларига метр ва ўлчовлар кирди. Ўзбек халқ куйлари ва рақслари, айниқса, дойра усуллари Р. нинг ранг-баранглиги жиҳатидан жуда бой ва мураккабдир.

РИТМИК БЎЛИНИШ — икки ва унинг кўпайтирилиши асосида бўлиниши. Асосий бўлиниш 2 ўлчовидан: бутун нота — 2 та еримталик, 4 чоракликка, 8 нимчоракка, 16 та уюлтталикка, 32 та уттиз иккиталикка, 64 та олтинчи тўртталик нотага бўлинишидан иборат. Айрим ҳолларда ритмик бўлиниш нормал ҳолда бул-



Por





майди. 2 нота 3 ҳиссага бўлиниб — *триоль*, 4 нота 5 ҳиссага бўлиниб — *квинтоль*, 6 нота 7 ҳиссага бўлиниб — *септоль* ва ҳ. к. булади. Уч ҳиссали улчовда бўлган такт 2 га бўлиниши — *дуоль*, 4-га бўлиниши *квартоль* булади. Шунингдек, 4 урнига 6 ҳиссали — *сектоль*, 6 урнига 8 ҳиссали — *октоль* ва б. ҳолда келиши ҳам мумкин (286-бетга қараи).

РОГ, бургу — пуфлама чолғу асбобларидан бири. Қадим вақтларда бу чолғу асбоби ҳайвонлар шохидан ясалган. XVI асрга қадар Р. да товушларни ўзгартиш учун тешикчалар бўлмаган; сўнг баланд-паст товушлар олиш учун тешикчалар ясалган. Р. асосан чупонлар, овчилар, почтачи ва ҳарбийларнинг сигнал берувчи сози сифатида ишлатилган. Р. турлари кўп халқларда бор.

РОК — I. Ўзбек рақсларида чалинадиган дойра усулининг номи.



2. Ийрик шаклдаги ўзбек халқ куйи.

РОМАНС (исп. romance, roman — испанча) — I. Бир овоз учун вокал асар. Р. турли мавзу, характер ва тузиллишда бўлиши мумкин; кўпроқ лирик ёки лирик-драматик бўлиб, чолғу асбоблари журлигида ижро этилади. 19-асрда Россияда Р. жуда кенг тарқалди. Жаҳон мусиқаси энг нафис, реалистик Р. ларни рус классиклари — М. И. Глинка, А. С. Даргомижский, П. И. Чайковский, М. П. Мусоргский, Н. А. Римский-Корсаков, С. В. Рахманиновлар яратган. Кейинги вақтларда ҳам рус композиторлари омма ўртасида тарқалган ашулалар охангида Р. лар яратиб, бу жанрнинг янада бойитдилар. Ўзбекистон композиторларидан С. Юдаков Пушкин шеърларига бирмунча Р. лар ёзди. М. Бурхонов, М. Левлев, С. Юдаков, Икром Акбаров, Д. Зокиров, С. Бобоев ва б. Ибн Сино, Умар Хайём, Ҳофиз, Навоий, Муқимий, Фурқат Лоҳутий ва замонавий ўзбек шоирлари шеърларига Р. лар ёздилар. 2. Вокал мусиқасидан оланиб, ёлғиз мусиқа асбоблари учун яратилган охангдор куйлар, масалан, Чайковскийнинг фортепиано учун, Глиэрнинг скрипка учун ёзган Р. лари.

РОНДИНО (итал. rondino — кичик *рондо*) — рондо шаклидаги унча катта бўлмаган пьеса.

РОНДО (фр. rondeau, rond — доира) — бош мавзунинг бир неча бор турли мазмундаги эпизод (лавҳа) лардан сўнг ҳар доим қайтарилишидан тузилган мусиқали шакли. Р. да бош мавзу ка-


мида уч марта асосий тоналликда қайтарилиши шарт. Оранликда келган янги мавзулар турли тоналликларда бўлиши мумкин. Қайтариладиган асосий куйини — рефрен, янги келадиган мавзуларни — *куплет* деб ҳам аталади. P. нинг кенг тарқалган тури беш қисмлидир:

A—B—A₁—C—A₂

Соната циклидаги мусика асарларининг охириги финал қисми купрок P. шаклида ёзилади.

РОНДО-СОНАТА — *рондо* ва *соната* шакли белгилари аралашиб келган мусика шакли. Соната шаклидаги экспозиция, реприза ва асосий қисми (рефрени) бош тоналликда камда уч марта рондога ўлашаб келиши мумкин. Бу купрок соната қисмининг охирида, яъни финалда қўлланилади.

РОСТ МАКОМИ — I. 13—17-асрларда Ўрта Осиё, Озарбажон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган 12 мақомнинг туртинчиси. P. M. нинг товушкатори ҳозирги ўқилишда қуйидагича бўлади:



2. *Шашмақом* таркибдаги мақомлардан иккинчиси (Хоразмда Рост мақоми биринчи бўлиб келади). P. мақоми чолгу қисмига Тасниф, Гардуи, Мухаммас, Ушшоқ Мухаммаси, Панжгоҳ Мухаммаси, Вазмин сақил ва Рар-рак сақиллари; ашула қисмига Сарахбор (тароналари билан), Ушшоқ талқини, Ушшоқ насри, Сабо наврузи ва Ушшоқ уфариси қиради. P. м. нинг Хоразм вариантыда баъзи бир узгарилар бор. Масалан, чолгу қисмида Таснифини — Мақоми Рост ёки Тани мақом деб аталади ва айрим қисмлари урига Таржиъ ва Уфалар мавжуд. Ашула қисмида ҳам айрим қисмлар урига Сувора ва Нақшлар киритилган.

РОХАТ — раке учун ижро қилинган куй. Одатда P. ёлғиз дуторда ижро қилинади. Сувғи йилларда ўзбек чолгу асбобларидан рубобда ҳам ижро қилинмоқда.

РОЯЛЬ (фр. royal — қиролга хос, қиролники) — бармоқлар билан босиб чалинадиган торли-клавишли мусика асбоби. Уч оёққа уриятилган чолгу асбоби ичидаги жаранг берувчи конкони устига турли йўгон-нигичка торлар тортилади. Бу сымлар боллачалар билан урилганда турлича товуш беради. P. концертларда ашулачига ёки бирор чолгу асбобига жўр қилиниб, купича эса



Рояль

яккасоз ҳолда чалнади. Елғиз чалганда товуш баланд чиқиши учун, унинг қапотга ухшаган қонқоғи кутарилади. Р. ва *пианино* купроқ *фортепиано* деб юритилади.

РУБАТО (итал. *rubato* — ўгирланган) — ноталарнинг узунлик миқдорини аниқ сақламагани ҳолда ижро этиш (ижрочининг ҳоҳлиши буйича, бир жумлани торайтириб, иккинчисини кенгайтириб чалishi).

РУБОБ, РАБОБ — 1. Осийнинг айрим халқлари (хусусан ўзбеклар, тожиклар) ўртасида қадимдан кенг тарқалган торли тир-нама чолғу асбоб. Урта Осиё халқларига нисбатан жанубий Хя-тойнинг Сийнцзян вилоятида яшовчи уйғурлар ўртасида кенг тар-қалган тури кашкар Р. н дейилади. Р. косаси қазма, яъни ўйилиб, устига тери копланган; дастасига ипак ёки ичакдан килинган пар-далар боғланган. Р. да бешта тор бўлиб, учтаси ипак, тор, икка-таси сим тордир. Булардан 5 ва 4-торлар катта октавадаги ляга (унисон), 3-тор кичик октавадаги ми ва асосий мелодик 2 ва 1-торлар кичик октавадаги ляга (унисон) созилади. Республика-мида ҳозирги вақтда қўлланилаётган Р. қайта ишланиб, ярим пардалар асосида ишланган ва пардалар доимий, сурилмайдиган қилиб ясалган. Бу Р. даги беш торнинг тўрттаси сим тор бўлиб, бешинчиси ичак тордир, кварта бўйича 5-тор катта октавадаги ляга, 4 та 3-торлар — кичик октавадаги мига (унисон), 2 ва 1-тор-лар кичик октавадаги сиздан иккинчи октавадаги ляга қадар. Р. ноталари эшитилишига нисбатан октава юқорида, скрипка қали-тида ёпилади. Халқ чолғу асбоблари оркестрида бу тур Р. — *альт*


СОЗЛАНИШИ: ОВОЗ ҲАЖМИ

ЁЗИЛИШИ:

ЭШИТИЛИШИ:

деб юритилади. Бунинг бошқа турлари Р. — *прима* ва Р. — *тенор*-дир

2. Бухоро, Тожикистон ва Афғонистонда тарқалган Р.нинг ик-кинчи тури — афғон рубоби, тожик рубоби ёки Бухоро рубоби деб



Рубоб

ҳам аталади. Бунда асосий бешта тордан ташқари резонанс берувчи қўшимча торлар ҳам бор. Бу рубоб ҳам қайта ишланиб, халқ чолғу асбоблари оркестрига Р.—тенор номи билан киритилган. Помирда қўлланиладиган Р. биздагиларга нисбатан кичикроқ ҳажмда, шакли ҳам фарқ қилади.

РУБОБ АЛЪТ — қ. *Рубоб*.

РУБОБ ПРИМА — рубобнинг кичрайиб, қанта ишланган тури.

Р. примада тўртта сым тор бўлиб, булар кичик октавадаги *соль* (4-тор), биринчи октавадаги *ре* — (3-тор), биринчи октавадаги *ля* (2-тор) ва иккинчи октавадаги *ми* (1-тор)га созланади. Овоз ҳажми кичик октавадаги *сольдан* тўрттинчи октавадаги *мига* қадар. Ноталар скрипка калитида эшитилганича ёзилади. Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрида Р. прима энг баланд (ингичка) товушларни беради.

РУБОБ — ТЕНОР — Бухоро рубобининг қанта ишланган тури. Унда бешта тор бўлиб, ҳаммаси ичакдан. Сози кварта буйича 5-тор катта октавадаги *сига*, 4 ва 3-торлар кичик октавадаги *мига* (унисон), 2 ва 1-торлари кичик октавадаги *ляга* (унисон) созланади. Овоз ҳажми катта октавадаги *сидан* иккинчи октавадаги *дога* қадар. Ноталар эшитилишига нисбатан октава юқорида скрипка калитида ёзилади. Тожикистонда махсус рубобчи хотин-қизлар ансамбли бор.

РУБОБЧИ — ўзбек халқ торли тирнама чолғу асбобларидан рубоб чалувчи созанда, мусиқачи.

РУБОИЙ (туртлик) — 1. Биринчи, иккинчи ва тўртинчи мисралари ёки туртгала мисраси кофиядош булган шеърний шакл. 2. Доира жўрлигида айтиладиган айрим ашулалар.

РУД — торли, камонча билан чалинадиган қадимий чолғу асбоб. Р. нинг ҳар икки (олд ва орқа) томонига тери қопланган бўлиб, 4 та тори булган. Руд созини машҳур шоир Рудакий ихтиро қилганлиги эҳтимолдан узоқ эмас.

РУЛАДА (фр. *roulade, gaule* — олд ва орқага юргизмоқ, юмаламоқ) — ашулани моҳирлик билан тез айтмоқ. Бу купроқ колоратурали сопранода учрайди.

РУМБА (исп. *rumba*) — 20-йиллар охирида Америкада ва ГАРБИЙ Европада кенг тарқалган *Мексика бал рақси*. Р. нинг кески: синкопалик ритми Куба халқ рақсидан олинган. Мусиқа улчови 4, суръати салмоқли бошланиб, охирига бориб тезлашади. Р. жаз мусикасининг бир шакли ҳисобланади (қ. *Жаз*).

С

СААЗ — к. *Саз*.

САБО — майин, ёқимли шамол, тонготар чоғида эсан ел — Шашмаком таркибидаги Рост макомининг наер (ашула) бўлимидаги ашулалардан. Унинг Наврузи С. ва Насри С. деган турлари бор.

САВТ — 1. Шашмаком наер бўлимининг иккинчи гуруҳ идр-базарига кирувчи ашулалар: С. и. Сарвиноз, С. и. Ушшоқ, С. и. Сабо, С. и. Қалон, С. и. Наво, С. и. Чоргоҳ ва б. шу каби номлар билан аталади. 2. Пирик шаклдаги халқ ашулаларида ҳам С. учрайди. Пирик халқ ашуласидан сунг енгил ритмда унинг савти келади. Масалан, С. и. Гиря, С. и. Ушшоқ, С. и. Дугоҳи Хусани ва б.


САВТИ НАГМА - мусиқа товуши.

САВТИ САРВИНОЗ — қ. *Сарвиноз*.


САВТИ УШШОҚ — к. *Ушшоқ*.

САВТХОН — к. *Насри*.

САДР — тобек рақсларида чалинадиган доира усули.



САЗ — дутор тузилишидаги торли тирнама чолғу асбоби. Кавказ орғи халқлари уртасида тарқалган. Унда бир жуфтдан 3—4 та тор бўлиб, булар кварта-квинта бўйича соланади. Пастки икки тор унсон ҳолда кичик октавадаги *со*га, 3—4 торлар биринчи октавадаги *до* га, 5—6 торлар биринчи октавадаги *рега* соланади. С. дастасига дутордагидек хроматик тартибда пардалар боғланган; у махсус медиатор ёрдамида чалинади; умумий узунлиги



Саз

700—800 мм. С. якка холда ва ансамблда қўлланилади.


САЗАНДАРИ — (форс сазенде — мусиқачи, чолғувчи, созанда) — Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Эрон ва шуларга қўшни мамлакатлардаги чолғучилар ансамбли. С. тудасида тор, камонча ва дойралар булиб, одатда дойрачи ашулачилик ҳам қилади. (қ. *Хананде*).

САИРИ ГУЛШАН — Хоразм макомларидан Бузрукнинг айтим бўлимидаги ашула.

САЙКАЛ — товушни титратиш. Бу атама кўпроқ Тонкент мусиқачилари ўртасида қўлланилади. Оммавишлашган ўзбек халқ чолғу (ҳамда ашула) куйи.

САКСОФОН (Sax — шу чолғу асбобини ясаган конструкторнинг фамилияси, Horn — бургу, шох) — мундштукли катта-кичик мие пуфлама чолғу асбоби. С. ни бельгиялик мусиқа асбоблари устаси А. Сакс ишлаган (1845). Дастлаб С. катта-кичик қилиниб ишланган 7 та чолғу асбобидан тузилган булиб, кейинчалик улар сони 9 гага етказилган. С. одатда духовой оркестрларда қўлланилади.

САКСОФОН (Sax — шу чолғу конструктори фамилияси, юн. phone — товуш, овоз) — пуфлама ёғоч чолғу асбобларидан кларнетга ўхшаган мундштук ва клапанлари булган конус шаклидаги пуфлама мие чолғу асбоби. С. 1840 йили катта-кичик шаклда ишланиб, 7 турда соранодан контрабасгача булган овоз ҳажми контроктавадаги *ре-бемоль*дан учинчи октавадаги *фа*га қадар. Баъзан субконтрабас С. ни ҳам қўлланилади: овоз ҳажми кон-



Саксафон

троктавадаги *ля-бемольдан* кичик октавадаги *бога* қадардир. С. шинг товуши кучли, тембри характерлидир. Ижро қилиндаги техник имкониятлари боп. С. эстрада, духовой ва баъзан симфоник оркестрларда қўлланилади. С. ёлғиз ҳолда ҳам чалинади.

САЛАМУРИ — пуфлаб чалинадиган грузин халқ чолғу асбоби. Камини ёки ёғочдан ясалди. Баланд-паст товушлар чиқариш учун 5-7 та ён тешиги бор. Диатоник товушкаторига эга. Биздаги пай шаклида, лекин қўшнайдаги каби.

САМОИ ДУГОХ.— *Шашмақомдаги* Дугох мақомининг мушкilot куйларидан бири. С. Д. 2, ўлчовида бўлиб, дойра усули қўйидагича:




С. Д. куй жиматдан Пешрав йўлларига яқин. Бу куйни ўзбек халқ чолғу асбобларидан сурнайдаги ижроси унга хос бадвий таъсир кучига эга. Шунинг учун ҳам моҳир сурнайчилар бу куйга алоҳида жозиба бахш этишади.


САМОИЙ - 1. Тинглаш. 2. Мусиқа, рақс 3. Дарвишларнинг кўшиқ, мусиқа ва рақс билан зикр тушуви. 4. Шашмақомдаги Дугох мақомининг мушкilot бўлимидаги куй. 5. Оммавийлашган ўзбек халқ чолғу (суянги нилларда ашула) куйи.

САНТУР — 1. Илгарилари Хоразмда чапг шу ном билан аталган. 2. Гуржистон, Арманистон, Озарбайжон, Хиндистон, Эрон, Туркияда тарқалган чапг шаклидаги чолғу асбоб. Матюсуф Харратов «Хоразм мусиқа тарихчиси» (1923 йил, Москвада нашр қилинган) китобида чапгини — сантур деб атаган. Арман ва Грузинлардаги С. бир турли тузилмида, торлари 16 дан 24 га қадар бўлиб, ёғочдан қилинган кичик қалтакча билан уриб чалинади. С. купроқ хонадаларга жўр бўлимида қўлланилади.


САНЬСЯНЬ — тирнаб чалинадиган хитой халқ торли чолғу асбоби. С. рангли каттик ёғочдан ясалади. Баъзан (купроқ Японияда) унга бузук ёки кўй териси ҳам қопланади. Амалиётда С. шинг икки турли қўлланилади, бири — кагга С бўлиб, у *шянь* деб ҳам аталади. Иккинчиси кичик С. — *шюсянь* деб аталади. Расмда курсатилган С. ҳозир қўлланилаётган турли бўлиб, бушнинг узунлиги — 1160 мм С. узоқ утмида сяньцзи, пинюй деб ҳам аталган. XVII асрдан бошлаб С. номи билан тарқалган. Ҳозирги вақтда қўлланиладиган С. турли шакл ва кагга кичикликда учрайди. Одатда С. даги учта тор ипак бўлиб, улар қўнидагича соланади:



Умумий овоз ҳажми:



Қичик С. нинг овоз ҳажми учинчи октавадаги *ре* га қадар бўлади.




Саньянь

САРАБАНДА (исп. zarabanda) — Пенявиянинг қадимий халқ рақси.


Мусика улчови $\frac{3}{4}$ 2. Илгарилари С. га фақат хотин-қизлар кайроқ билан рақсга тушганлар. Рақс эмоционал ва завқли характерда бўлган 15—16-асрларда С. комедия бошланishi олдидан уйналган; 17—18-асрларда сарой рақслари қаторига кириб, балет сажналарида қулланила бошланди С. Мусика шакли сифатида 18-аср чоғлу мусика сюнталарига кирилган

САРАНИН. СОРАНИ — қамонча билан чалинадиган ҳинд торли чоғлу асбоби, 3—4 та асосий ва 11—15 резонанс берувчи торлари бор. С. ники бир неча турли бўлиб, кенг тарқалганининг қосаси ёғочдан, буғиз томони ингиқаланиб боради. Қопқоқ уригга тери қопланади. Асосий торлар кварта ва квинтага созланиб, резонанс берувчи торлар эса диатоник товуникаторига созланади.

САРАХБОР (форсча хабарлар маъносида) — мақомларнинг насл бўлимидаги биринчи шуббада келадиган ашула нули. Ш. ил-мақомдаги мақомларнинг ашула бўлими С. билан бошланishiга кура, бу суз ёнига мақом номлари қўшилиб атилади: *С. и Бузрук, С. и Наво, С. и Дугох* ва б. С. лар. улчовида келди. Доира усули содда:



тартибда бўлиб, оғир салобатли ижро этилади. С. ларда бир неча намуд бўлади. Одатда С. дан сунг бир неча тароналар келди. Хоразм мақомларида С. ни «Мақом» номи билан, яъни Мақоми Росу, Мақоми Бузрук, Мақоми Наво... тартибда юрилади.



САРБОЗЧА — ҳарбийларнинг жанговар юришига ҳамоҳанг мусикаси — юриш марши. Бу куй сарбози деб ҳам аталади.

САРВИНОЗ Бу руқ мақомининг насл бўлимидаги, иккинчи гуруҳ шуббаларига кйрувчи ашула нули. Бу ашула *Савти сарвиноз* деб ҳам аталади. Доира усули:



САРНАИ — волюнка туридаги чуваш чолгу асбоби (қ. *Шанпар*).

САРНАРДА — бошланғич, биринчи ёки бош нарда.

САРХОНА (форсча бош хона, бошланғич маъносда) — куйинг бошланғич қисми. С. сўзи кунроқ мақомнинг мушқилот, яъни чолгу бўлимида қўлланилади.


САС — товуш, садо. С. кунроқ Хоразмда қўлланилади.

САТО -- қ. *сетор*.

САУСУЛИ (сарусул) — Хоразм мақомларидан Проқинг чертим бўлимидаги куй.

САУСУЛИ ФЕРУЗ — Хоразм мақомларидан Сегоҳинг чертим бўлимидаги куй.

САФОЙИЛ, **САФОЙЛ** -- Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Хитойда кенг тарқалган шиқилдоқ тузилишидаги урма чолгу асбоб. С. икки булак қаттиқ ёғоч калтакчасидан иборат. Бу кал-




Сафойил

такчага майда темир халқачалар такилган кагта темир халқага ўриштирилади. С. ни силқитиб, елкага уриб шовқинли, турли мураккаб товуш чиқарилади. С. кунроқ рақсларда қўлланилади.

САХНА (лот. *scena*) — 1. Театр ва концертлар қўйиш учун томоша залининг махсус кутарилган қисми. 2. Опера ва балетдаги актининг маълум бир қисми ё кўриниши бўлиб, драматик воқеликни бирлаштиради, бунда С. да персонажларнинг бир гуруҳи қатнашади. Операда яқка саҳна (речитатив ва арияли) ансамбль ва хорли (бир неча эпизоддан тузилган) бўлиши мумкин.

САКИЛ -- *Шашмақомнинг* мушқилот бўлимидаги кенг тарқалган куйлардан бири. Мақомларнинг ҳар бирида С. бўлишига кўра, С. Бузрук, С. Паво деб аталади. Ҳар бир мақомнинг мушқилот бўлимида 2—3 сакил учрайди, улар С. вазмин, С. и рағрағ, С. и Пеломхоний. С. и Султон, С. и. Ашқулло ва ҳ. к. деб юритилади. С. лар 2 ё 4 ўлчовида келади. Дойра усули анча узун ва мураккаб:



Мақомлардаги айрим сақиллар унинг бастакори номи билан аталади: С. и. Султон, С. и. Ислохоний, С. и. Муҳран, С. и. Ниёзжонхужа, С. и. Ферузлар.

САҚИЛИ АШКУЛЛО — Дугоҳ мақомининг мушқилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

САҚИЛИ БАСТАНИГОР — Сеғоҳ мақомининг мушқилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

САҚИЛИ ВЭЗМИН — Рост мақомининг мушқилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

САҚИЛИ ИСЛОМХОНИЙ — Бузрук мақомининг мушқилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

САҚИЛИ КАЛОН — Ироқ мақомининг мушқилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

САҚИЛИ МИРЗА — Хоразм Рост мақомининг чертим бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

САҚИЛИ МУХРҚАН — Хоразм Рост мақомининг чертим бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади. Худойберган Муҳрқан басталаган.


САҚИЛИ НИЁЗЖОНХУЖА — Хоразм Бузрук мақомининг чертим бўлимидаги куйлардан. Уни машхур хоразмлик созанда Ниёзжонхужа басталаган. Сақил дойра усулида ижро этилади.

САҚИЛИ РАГ-РАГ — Шашмақом Рост мақомининг мушқилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

САҚИЛИ СУЛТОН — Шашмақом Бузрук мақомининг мушқилот бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади.

САҚИЛИ ФЕРУЗ — Хоразм мақомларидан Дугоҳ ва Сеғоҳ мақомларининг чертим бўлимидаги куйлардан. Сақил дойра усули билан ижро этилади. Шоир Феруз басталаган

СВИРЕЛЬ — най шаклидаги пуфлама рус ва украин чолғу асбоби. Қиска ва узун икки ёғоч нандан иборат булиб, бири 300—350 мм, иккинчиси 450—470 мм. С. ни пуфлаш учун бош қисмида кичик тешикча ва баланд-паст тов.ш чиказми учун пастки қисмида учта тешикча бор. Бу уч тов.шдан иккиси юза қисмида ва



Свирель


бири ост қисмида. Бу найлар бир-биридан кварта ораллиғида фарқ қилиб, диатоник тартибдаги товушқаторига эга. 19-аср охирида В. В. Андреев С. ни бирмунча узгартириб, рус халқ чолғу асбоблари оркестрига қушган. Унинг овоз хажми бириинчи октавадаги мидан учинчи октавадаги ми га қадар. Айрим қисми хроматик товушқаторига эга.

СЕГИДИЛЬЯ (исп. seguidilla, en seguida — кетидан, измаиз) — тез ҳаракат қилиб уйналадиган испан халқ рақси. Мусиқа ўлчови 3_4 бўлиб, турлича ритмга эга. С. га қошиқ ёки гитара ва ашула билан жүр бўлинади. С. ни яқка ва куччилик бўлиб ижро этиши мумкин.

СЕГОҲ, СЕГОҲ МАҚОМИ — Шашмақом таркибидаги бешинчи мақом. Бошқа мақомлардек С. чолғу (мушқилот) ва ашула (наэр) бўлимига бўлиниб, булар бир печа куйлардан иборат. С. мақомининг чолғу қисмига Тасниф, Таржнъ, Хафиф, Гардуи, Мухаммас, Ажам муҳаммаси, Мирза Ҳаким мухаммаси ва Бастанигор мухаммаси киради. Ашула қисмида Сарахбор, Тароналар, С. талқини, С. наэри, Хоро наврузи, Ажам наврузи ва Уфарлар киради. С. мақомининг Хоразм вариантыда баъзи бир ўзгартирилар бор. Масалан, чолғу қисмидаги Тасниф «Мақоми Сегоҳ» деб аталади ва айрим қисмлари ўрнига Вазмин сақили ва уфор киради. Ашула қисмида Сарахбор — Мақоми С. деб аталади.


СЕКВЕНЦИЯ (лот. sequentia — изидан бориш, эргашши) — 1. Бир ва кўповозли мусиқа асари ё айрим парчасининг аста-секин юкорилашиб ёки пасайиб бориши. С. бир тоналликда бўлганидек, турли тоналликларда ҳам келиши мумкин. Агар С. бэр

МУНОЖОТ
Ўзбек халқ мусиқаси



тоналлиқда давом этса, *бир тоналлиқдаги* С, аксинча турли тоналлиқда келса — *модуляцияланувчи* С. дейилади. 2. Ўрта асрда Европа мамлакатларида расмийлашган диний ашула.

СЕКСТА (лот. *sexta* — олтинчи) — кенглиги олти поғона оралиғида булган интервал. Масалан, *до — ля, ми — до, фа — ре, ре — си* ва б. С. 6 рақами билан кўрсатилади. С. катта, кичик, кўпайтирилган ва камайтирилган бўлади. Катта С 4,5 тонга тенг бўлиб, қисқартирилган ҳолда К. 6 деб ёзилади. Кичик С. 4 га тенг, у қисқартиб кич. 6 деб ёзилади. Орттирилган С. 5 тон, қисқартириб орт. 6, шяхат камайтирилган С. 3,5 тон, қисқартиб — кам. 6 деб ёзилади.




СЕКСТАККОРД — аккорднинг терция толи басда келган анланмаси С. учтовушлиқнинг биринчи айланиши бўлиб, 6 рақами билан кўрсатилади.




СЕКСТЕТ (нем. *sextett*, лот. *sextus* — олтинчи) — 1. Олтита ижрочидан тузилган ансамбль. 2. Ҳар бир овозли мустақил партияни ташкил этиб, олти ижрочи учун ёзилган мусика асари.


СЕКСТОЛЬ (лот. *sextus* — олтинчи) — унлик миқдори бир турдаги оддий тўрт нотага тенг бўлган олти нота, 6 рақами билан кўрсатилади. С. икки триолнинг қўшилмасига тенг.



СЕКУНДА (лот. *secunda* — иккинчи) — икки қўшни поғона кенглигида бўлган интервал. Масалан, *до — ре*; *фа-диез — соль*, *си-бемоль — до-диез* ва б. С. 2 рақами билан кўрсатилади. С. нинг катта, кичик, орттирилган ва камайтирилган турлари бўлади. Катта С. 1 тонга тенг, у қисқартиб — К. 2 деб ёзилади. Кичиғи $\frac{1}{2}$ тонга тенг бўлиб, қисқартиб кич. 2., орттирилгани 1 тонга тенг, қисқартиб орт. 2 ва камайтирилгани О. тонга тенг-кам 2 деб ёзилади. Камайтирилган С. энгармоник соф прима (унисон) га тенг.



СЕКУНДАККОРД — септима тони басда келган септаккорд. С. септаккорднинг учинчи айланмасидир ва аккорд курсаткичи пастига 2 рақами билан белгиланади. С. да бас товуши билан асосий тон оралигида секунда интервали ҳосил бўлади (шунга кўра, С. номи берилган).




СЕМЕНОГРАФИЯ, СЕМИОГРАФИЯ (юн. *sema* — белги, *graphie* — ёзув белгиси) — нота ёзуви.

СЕПТАККОРД — терциялар бўйича тақсим қилиниши мумкин бўлган, тўртта товушдан тузилган аккорд. Масалан, *до-ми-соль-си* ёки *фа-ля-до-ми-бемоль*, ёки *ре-фа-диез-ля-до* ва ҳ. к. С. ни ташкил қилган бу тўртта товушлар ҳар бири маълум бир номга эга; энг пастки биринчи товуш *аккорднинг асосий тони* деб аталади ва бу 1 рақами билан курсатилади. Терция бўйича келган иккинчи товуш *аккорднинг терция* тони деб аталади ва бу 3 рақами билан курсатилади. Терция бўйича келган учинчи товуш *аккорднинг квинта тони* деб аталади ва бу 5 рақами билан кўрсатилади. Ниҳоят, терция бўйича келган охириги тўртинчи товуш *аккорднинг септима тони* деб аталади ва бу 7 рақами билан курсатилади. С. даги бу товушлар қайси тартибда келишидан қатъи назар, номлари ўзгармайди.

Септаккорднинг терция бўйича келиши:

17—2379.



С. ишг асосий тони билан септима тони оралинидаги септима интервалнинг ўзгаришига кўра, С лар уч турга бўлинади: катта С, кичик С. ва камайтирилган С. С. лар тоналлиқнинг ҳамма поғонасида тузилиши мумкин. С. даги тўртта товушнинг қайси бири басда келишига кўра, улар турлича булади. Агар басда асосий тон келса бу асосий С. ёки септаккорд деб аталади ва 7 рақами билан курсатилади. Басда терция тони келса, биринчи айланмаси бўлиб, бу *квинтсекстаккорд* деб аталади ва $\frac{6}{5}$ рақами билан курсатилади. Басда квинта тони келса иккинчи айланмаси бўлиб, бу *терцквартаккорд* деб аталади ва $\frac{4}{3}$ рақами билан курсатилади. Агар басда септима тони келса, учинчи айланмаси бўлиб, бу — *секундаккорд* деб аталади ва 2 рақами билан курсатилади.




СЕПТЕТ (нем. Septett, лот. septem — етти) - 1. Етти нажрчидан тузилган ансамбль. 2. Хар бир партиясини мустақил бўлиб, етти нажрчи учун ёзилган мусиқа асарин.


СЕПТИМА (лот. septima — еттинчи) — етти поғона кенглигида бўлган интервал. Масалан, *до-си, ми-ре, соль-фа* ва б. С. 7 рақами билан курсатилади. Катта, кичик, орттирилган, камайтирилган турлари булади. Катта С. $5\frac{1}{2}$ тонга тенг, қисқартиб — К. 7 деб ёзилади. Кичик С. 6 тонга тенг, қисқартиб — к. 7 деб ёзилади. Орттирилган 6 тонга тенг, қисқартиб — орт. 7, камайтирилгани эса $4\frac{1}{2}$ тонга тенг, қисқартиб — кам. 7 деб ёзилади.



СЕПТИМА ТОНИ — терция бўйича тузилган сентаккорд ё нааккорднинг асосий (энг тор) ҳолатида пастдан юкори томон туртиши товуши. Ҳолатнинг ўзгариши билан С. т. турлича урида келиши мумкин. С. тони 7 рақами билан кўрсатилади.



СЕПТОЛЬ (лот. *septem* — етти) — умумий узунлик миқдорь оддий турт нота узунлигига тенг бўлган етти нота бўлиб, айрим вақтларда шу кейингисен турт нота ўрида қўлланилади. С. 7 рақами билан кўрсатилади.



“ГУЛНОРА” БАЛЕТИДАН

Т. Мувель



СЕРЕНАДА (лот. *serenus*, итал. *al sereno* — очик, равшан) — илгарилари кеч ё тунги пайтларда муҳаббатга ё ҳурматга лўвля

булган кишининг уни олдида ижро этиладиган мусиқа асарн. Вокал С. *лютня*, *мандолина* ё *гитара* жүрлигида бўлиб, Испания ва Италия халқлари орасида кенг тарқалган. 17- 18- асрларда Европанинڭ марказий қисмида чолғу С. лар кенг тарқалди. Бу С. учка катта булмаган оркестр, ё ансамбль учун сюита, ё дивертисмент ҳолида булган. 19- асрдан якка вокал С. камер мусиқа жанри, чолғу С. камер ансамбли, торли ва симфоник оркестрларида ижро этилган. С. атамаси мухаббат ҳақидаги ашулаларда сақланиб қолган.

СЕТОР -- тапбур шаклида. лекин ундан каттароқ чолғу асбоб, 10- 12 та тори бор. булардан биринчиси куй тори ҳисобланади. Куй тори бошка торларга нисбатан ҳаракда бир оз баландроқ, қолган торлар эса резонанс берувчи торлар ҳисобланади. С. асосан камонча билан ижро этилади; айрим вақтлардагина ноҳун билан тапбур тарзида чалинади. С. асосан Қашкарда тарқалган. Ўзбекистонда кам ишлатилади. С. да 16 та парда бор. Куй тори катта октавадаги *соляга* соزلанади. Товушкатори диатоник тартибда тузилган.


СИ — етти поғонали мусиқа товушларидан бири *И* ёки *h* (ха) тартибида ёзилади.

СИ-БЕМОЛЬ — 1. СИ поғонасининг ярим тон пасайган тури. 2. Транспозицияланадиган чолғу асбоби, сози (in B), ёзилишига нисбатан бир тон паст эшитилади. Бу созда ҳозирги вақтда кларнет, бас кларнет (агар бунинг нотаси бас калитида ёзилган бўлса), труба, корнет, саксафон — сопранолар қулланилади.


СИ-БЕМОЛЬ МАЖОР — тоникаси *си-бемоль* билан бошланган *мажор тоналлиги*: бу *B — dur* (бэ-дур) деб ҳам аталади, калит-олди белгилари иккита бемоль (*си-бемоль* ва *ми-бемоль*)дан иборат.



СИ — БЕМОЛЬ МАЖОР аккорди *си-бемоль* нотасидан тузилган мажор учтовушлигидан иборат булиб, булар *си-бемоль ре* ва *фи* созларидан тузилади. Бу — аккорднинг тоника, яъни I поғона учтовушлигидир. Қалитолди белгиларни бас калитида қунидагича ёзилади.




СИ-БЕМОЛЬ МИНОР — тоникаси *си-бемоль* бўлган минор тоналлиги; *b* — тоғ (бэ — молль) деб ҳам аталади; калитолди белгилари беш бемоль (*си-бемоль, ми-бемоль, ля-бемоль, ре-бемоль* ва *соль-бемоль*)дан иборат.



C. бемоль минорнинг VII поғонаси кутарилса — *гармоник*, VI ва VII поғоналари кутарилса — *мелодик* минор булади.


Аккорди *си-бемоль* нотасидан тузилган минор учтовушлигидан иборат бўлиб, булар *си-бемоль, ре-бемоль* ва *фа* товушларидир. Бу унинг тоника, яъни I поғона учтовушлигидир.

Калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:




СИБИЗГА — қамшидан ясалган най туридаги чолғу асбоб бўлиб, бу чўпонлар орасида қўлланилган. 20-йилларда халқ ўртасида «Мис най» С. деб ҳам аталган.

СИГУДЭК — коми халқининг 3 торли чолғу асбоби, тирнаб ва камонча билан чалинадиган турлари бўлган. Умумий узунлиги 500—700 мм.




Сигудэк

СИ-МАЖОР — тоникаси *си* билан бошланган мажор тоналлиги; белгиси *H-dur* (Ҳа-дур); калитолди белгилари бешта диез (*фа-диез, до-диез, соль-диез, ре-диез* ва *ля-диез*) дан иборат;




Си-мажор аккорди *си* нотасидан тузилган мажор учтовушлигидан иборат бўлиб, булар *си* — ре-диез ва фа-диез товушларидан тузилади. Бу унинг тоника, яъни I поғона учтовушлигидир. Калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:



СИ-МИНОР — тоникаси *си* бўлган минор тоналлиги; *h* — мой (лаш — молль); калитолди белгилари 2 диез (*фа-диез* ва *до-диез*) дан иборат. *С* минорнинг VII поғонаси кўтарилса — *гармоник*, VI ва VII поғоналари кўтарилса — *мелодик минор* бўлади.



С минорнинг асосий аккорди *си* нотасидан тузилган минор учтовушлигидан иборат бўлиб, *си*, *ре* ва *фа-диез* товушларидан тузилади. Бу *С* минорнинг тоника, яъни I поғона учтовушлигидир; калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:



СИМФОНИЕТТА (итал. *sinfonietta*, *sinfonia* — кичрайтиш) — кичик ҳажмдаги симфония

СИМФОНИК МАНЗАРА — тасвирий ё бирор нарсани баён қилиши программаси характеридан бўлган бир қисмли симфоник асар. *С* манзара программали мусиканинг турларидан бири бўлиб, кўпроқ эркин шаклда бўлади.

СИМФОНИК КОНЦЕРТ — I. Симфоник оркестр ва унинг жўрлигида ёлғиз бир чолғу асбоб ё овоз учун ёзилган мусиқа асарларидан тузилган концерт. Симфоник мусиқа асарларидан тузилган концерт.

СИМФОНИК МУСИКА — симфоник оркестр учун ёзилган мусиқа.

СИМФОНИК ОРКЕСТР — турли чолғу асбоблардан тузилган ва нисбатан бой ва мураккаб турдаги оркестр. Узоқ давр мубоанида ўзгариб, нихоят 18-асрнинг иккинчи ярмида *С* оркестр ҳо-зирги ҳолга келган. Таркибига турли-қамончалик чолғу ас-боблардан — скрипка, альт, виолончель ва контрабаслар, пуф-

лама ёғоч чолгу асбобларидан — флейта, гобой, кларнет, фагот ва буларнинг катта-кичик турлари, пуфлама мис чолгу асбобларидан — валторна, труба, тромбон ва тубалар: урма чолгу асбоблардан — литавра, барабан, тарелка, дойра, ногора, ксилофонлар кирadi. Арфа, фортепиано С. оркестрини янада бойлатади.

18-асрнинг ikkinchi ярмидa торли-камончали чолгу асбоблари, 2 флейта, 2 гобой, 2 кларнет, 2 фагот, 2 валторна, 2 труба ва литавралар қўшилшидан тузилган, такомиллашган состав классик С. оркестр деб аталган. Бу чолгу асбобларнинг сон жиҳатидан кўпайтирилиши ва тромбон, тубалар қўшилшидан хосил булган составни катта С. оркестр дейилган. Катта С. оркестрда пуфлама чолгу асбобларининг хар бири 2—3 ва undan кўпроқ бўлиши мумкин.

Республикаимизда С. оркестр асосан октябрь тўнтаришида сўнг ташкил топди. Хозир Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат опера ва балет театри, Ўзбек Давлат филармониясининг С. оркестрлари республикаимизда кўповозли мусиқа маданиятининг тараққийси учун ўз хиссаларини қўймоқдалар. Булардан ташқари. Муқимий номидаги Ўзбек мусикали театри. Тошкент Давлат консерваториясида ҳам С. оркестрлар мавжуд.

С. оркестр мусиқа асаридаги образларни бурттириб, бадийлаштириб беришда ва композиторларнинг ижодий фикрини тўла-роқ ифода этишда катта имкониятга эга.

СИМФОНИҚ ПОЭМА — симфоник оркестр учун ёзилган программали мусиқанинг характерли жанрларидан бири. С. поэма лирик ё драматик бирор мавзунинг баён қилиш йўсинида бўлади; шакли композиторнинг мақсадига қараб турлича бўлиши мумкин. Одатда С. поэма эркин шаклда бўлади. Ўзбекистонда С. поэмаларининг аксарияти 50-йилларда яратилган.

СИМФОНИҚ ФАНТАЗИЯ — аниқ бир мавзу ва мазмун (программа)да симфоник оркестр учун ёзилган мусиқа асари. С. фантазия симфоник поэманинг бир тури.

СИМФОНИЯ (юн. symphonia — оҳангдошлик) — соната шаклида симфоник оркестр учун яратилган монументал мусиқа асари. С. 18-асрда пайдо бўлиб, тез орада мураккаб мусиқа асари сифатида кенг тарқалди. 19-асрнинг ikkinchi ярмидан бошлаб Россияда С. юқори поғоналарга кўтарилди. С. одатда турт ириги қисмдан иборат бўлади: 1. Соната *аллегроси* шаклида драматик характерда ва тез суръатда бўлади. Баъзан вазмин чалинадиган бошланғич қисми ҳам булиши мумкин. 2. Уч қисмли соната *бж вариация* шаклида лирик характерда вазмин чалинадиган қисм (бу

қисмини анданте деб ҳам юритилади). 3 Қўпичча уч қисмли менуэт ёки 1-аср бошидан бошлаб *скерцо* жонли суръатда, кескин ритмда, рақс характерида чалинадиган қисм. 4. *Рондо* ёки *вариация*, (баъзан *соната*, *рондо-соната*) шаклида тез чалинадиган хушчақчақ характерда. Баъзи композиторлар С. ҳажмини беш, олти, ҳатто етти қисмга қадар кенгайтирсалар, баъзилар бир қисмга қадар қисқартирдилар. С. чолғу мусиқа асарларининг энг таракқий қилган шакли бўлиб, симфоник оркестрдаги ҳамма имкониятлардан мукаммал фойдаланиш йўли билан ғоявий эмоциял мазмунни ифодалаб беради. Рус композиторлари (Глинка, Чайковский, Бородин ва б.) ва Ғарбий Европа классиклари яратган (Бетховен, Шуберт, Шуман, Лист ва б.) С. лар бу турдаги асарларининг энг ажойиб намуналаридир. XX аср рус композиторларидан Маяковский, Прокофьев, Шостакович ва б. С. ларининг мавзун бугунги ҳаётимизни акс эттиради.

Ўзбекистон композиторларидан М. Ашрафий, Г. Мушель 40-йилларда, Т. Қурбонов, Р. Ҳамроев, М. Тожиёв ва б. 60—70-йилларда С. лар яратган. М. Тожиёв 17 та, Т. Қурбонов 7 та, Б. Гвиенко 7 та, Р. Ҳамроев 4 та С. яратишган. Шуниингдек, М. Маҳмудов, Ф. Янов-Яновский, С. Жалил, Х. Раҳимов ҳам бир нечтадан С. яратдилар.

Композиторларимиз яратган С. ларини одатда ракамли тартибда курсатадилар. Айримлар эса яратган С. ларини турлича номлар билан атайдилар, масалан: Т. Қурбонов 5-С. ни «Ҳамза», С. Жалил 1-С. ни «Самарқанднома» деб атаган.


СИНКОПА (итал. юн. *sincope* — қисқартиш) — каттиқ чалинадиган (акцентли) нотанин одатдаги кучли ҳиссадан кучсиз ҳиссага кучини. С. ритмда қўтилмаган ўзгариш ва кескинлик пайдо қилади. С. куйидаги вазиятларда пайдо бўлади: а) бир тактнинг сунғи кучсиз ҳиссаси, иккинчи тактнинг кучли ҳиссаси билан боғланиб келса:

ЎЗБЕК ХАЛҚ АШУЛАСИ “ГУЛ ЮЗИНГ”




б) тактдаги кучсиз ҳиссалар кучлироқ ҳиссаларга қўшилган бўлса:

ЎЗБЕК ХАЛҚ АШУЛАСИ



в) акцентли ҳисса уришида пауза келса. С. ўзбек халқ ашула ва мақомлари, умуман, ўзбек мусиқаси учун характерлидир.

ЎЗБЕК ХАЛҚ АШУЛАСИ



СИПОРИШ, СУПОРИШ – (тошширик, ҳавода) — 1. Мақомларнинг наср бўлимида бир ашула йўлидан иккинчисига ўтиш учун восита бўлувчи куй парчаси. Масалан, Сарахбор тароналаридан — Талкинларга, Талкин тароналаридан — Насрларга ўтишида восита бўлади. 2. Мақом шўбаларини якунловчи қисм.

СИТАР — торли тирнама ҳинд чолғу асбоби; ёғочдан ясалиб, дастасига 16—18 та ичак парда боғланган. С. да 3 та асосий ва 10 та резонанс берувчи тор бор. С. турлича созланиб, энг кўп тарқалган сози кварта ва квинта бўйичадир.

СКЕРЦИНО (итал. scherzino, scherzo) — кичик скерцо.

СКЕРЦО (итал. scherzo — хаял) — жонли, хушчақчақ характердаги чолғу мусиқа пьесаси, 19-аср бошларидан бошлаб симфония ва бошқа шиклли мусиқа асарларининг урта қисмида менуэт ўрнида қўлланила бошланди. Кейинроқ С. мустақил чолғу мусиқа асари — пьеса сифатида кенг тарқалди.

СКОМОРОХ (мазахчи, кулдирувчи) — урта аср рус профессионал халқ артистлари. С. лар санъати турлича: улар мусиқачи, артист, ашулачи, акробатчи бўлганлар. Ўз ашула ва рақсларини гудочка, гуслия, сонель, волишка чолғу асбоблари билан ижро этганлар.

СКОЧНА (чех. skocna — skociti дан сакраш) — жадал суръатда уйналадиган чех халқ рақси. Мусиқа ўлчови $\frac{6}{8}$, баъзан $\frac{2}{4}$, $\frac{3}{4}$ да ҳам келади. Рақсга енгил, ҳазилсимон ашула жүр бўлади.

СКРИПКА КАЛИТИ — мусиқадаги балаид (юкори), илгичка товушларини кўрсатувчи калитлардан бири: *соль калити* ҳам дейилади. Бунга сабаб калит нота чизигининг иккинчи чизигини қам-




СОЛЬ

раб олишидир. Шу иккинчи чизикда биринчи октавадаги *соль* нотаси туради. С. калитида кичик октавадан бешинчи октавага қадар булган ноталар ёзилади.



СКРИПКА (итал. *violino*) — горли-камончали турдаги энг юкори товушларга эга булган чолғу асбоби; 15—16-асрлардан бешлаб қўлланилган; 17-асрдан кенг тарқалади. С. да 4 тор бўлиб, булардан 4-тор квинта буйича кичик октавадаги *соль*га, 3-тор биринчи октавадаги *ре* га, 2-тор биринчи октавадаги *ля*га, ниҳоят 1-тор иккинчи октавадаги *ми* га созланади. С. овоз ҳажми кичик октавадаги *соль*дан тўртинчи октавадаги *до*га қадар кенгайиши мумкин. Тембри застки товушларда нутон, урта регистрда маъин, юмшоқ, юкори регистрда эса жуда очик, равшан-



дир *флажолетлар* ва *сурдиналар* ёрдамида С.нинг тембри бир-қуйча узгаради. Ижро техникаси жуда юксак ва имкониятга бой. С. камонча билан ва баъзан бармоқлар билан чалинади. Бармоқлар билан чалиш — *пиццикато* деб аталади. С. да кўш ноталар ва аккордлар чалиш мумкин бўлишига қарамай, у бир овозли



Скрипка

бўлиб ҳисобланади. С. яққа (*соло*) ижро этилувчи чолғу асбоблар ичида жуда кенг тарқалган X турли чолғу ансамблларда қўлланилади. Симфоник ва тўрли чолғу асбоблари оркестрида

икки тўда скрипкачилар, яъни биринчи скрипкачилар ва иккинчи скрипкачилар тудаси булади. Симфоник оркестр партитурасида скрипка ноталари урма чолғу асбоблар партиясини тагига ёзилади. Скрипка тудасига — *альт*, *виолончель* ва *контрабас*лар киради.

СОЗ — 1. Товушларнинг баландлик ҳолати ва муносабати. Чолғу асбобларидаги С. уларнинг товушқатори тузилиши ва баланд-пастлигини аниқлайди. Икхоят, С. торли чолғу асбобларда торларнинг соzilаниши. Транспозицияланадиган чолғу асбобларнинг сози ёзилган *до* нотасидан чиқадиган товушга кура олинади. Оркестр ва ансамбллар сози эса, шу тудاداги чолғу асбобларнинг бир-бирига булган баландлик муносабатларига кура соzilанади. Оркестр ё ансамблда бирор чолғу асбобни бошқаларга С. булмаслиги оркестр ва ансамбль товушларини ёмон С. да ижро этилишига олиб боради. С. мажор ва минор ладларида ҳам кулланилади (мажор С. и, минор С. и). 2. Торли, баъзан камонли чолғу асбоб. 3. Хоразмда гармон шу ном билан юритилади.

СОЗАНДА — 1. Мусиқачи, бирор чолғу асбобида ижро қилувчи чолғучи. 2. Хоразмда сурнай ва дойралардан тузилган ансамбль.

СОЗАНДА НУЛЛАРИ — Хоразмда кичик ҳажмдаги куй ва ашулалар шу ном билан аталади, яъни созианда куйлари.

СОЗЛАШ — чолғу асбоби торларини маълум тартибга солиш.

СОЗЧИ — чолғучи, мусиқачи, чолғу асбобида ижро этувчи.

СОЗЧИ ХАЛФА — Хоразмда ашулачи, гармончи ва дойрачилардан тузилган хотин-қизлар ансамбли.

СОЛИСТ (итал. *solista* — яккахон, якка ижрочи) — а) якка овоз ёки бирор чолғу асбоби учун ёзилган мусиқа асарини ижро этувчи яккахон хонанда; яккаовоз, созианда; б) мусиқа асари ансамблда ижро этилганда айрим партиясининг бир ижрочи томонидан олдинги планда бажарилиши. Масалаи, симфоник оркестр ижресида бирор мусиқа асари чалинаётганда якка скрипка, кларнет ёки бошқа бирор ижрочи асарининг энг муҳим қисмини (оркестр журлигида ё уез) ёлғиз ижро этиши.

СОЛО (итал. *solo* — бир, якка) — бир ижрочининг якка ўзи ижро этиши; ансамбль, хор ёки оркестрдаги энг муҳим партия, парча.

СОЛЬ — 1. Етти асосий погонадан бирининг номи: ҳарфий G ёки g (гэ) белгиси билан ҳам кўрсатилади. 2. Транспозицияланадиган чолғу асбоблари сози (In G), бу чолғу асбоблар ноталари ёзиллишига шибатан икки ярим тон паст товушини беради.

СОЛЬ-БЕМОЛЬ МАЖОР — тоникаси соль-бемоль билан бошланган *мажор* тоналлиги, *Ges-dur* (гэс-дур) деб ҳам аталади.


Калитолди белгилари олтига бемоль (*си-бемоль, ми-бемоль, ля-бемоль, ре-бемоль, соль-бемоль ва до-бемоль*) дан иборат.




Баъзан С. бемоль мажор тоналлигида ёзилган айрим пьесалар шу ном билан юритилади. Унинг асосий аккорди соль-бемоль нотасидан тузилган мажор учтовушлиги (*соль-бемоль, си-бемоль ва ре-бемоль*) дан иборат. Бу С. бемоль мажорнинг тоника, яъни I поғона учтовушлигидир; калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:




СОЛЬ-ДИЕЗ МИНОР — тоникаси *соль-диез* бўлган минор тоналлиги; *gis-moll* (гис-молль) деб ҳам аталади; калитолди белгилари беш диез (*фа-диез, до-диез, соль-диез, ре-диез ва ля-диез*) дан иборат.




VII поғонаси кутарилса — *гармоник*, VI ва VII поғоналари кутарилса — *мелодик минор* булади. Баъзан шу тоналликда ёзилган айрим пьесалар шу ном билан юритилади; аккорди *соль-диез* нотасидан тузилган минор учтовушлиги (*соль-диез, си ва ре-диез*) дан иборат. Бу тоналликнинг тоника, I поғона учтовушлигидир; калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:




СОЛЬ-МАЖОР — тоникаси *соль* билан бошланган ор тоналлиги; *G-dur* (гэ-дур) ҳам деб аталади; калитолди белгиси битта *фа-диез*дан иборат.



Баъзан С. мажор тоналлигида ёзилган айрим пьесалар шу ном билан юритилади. С. мажор аккорди *соль* нотасидан тузилган мажор учтовушлиги (*соль-си-ре*) дан иборат. Бу С. мажорнинг тоника, яъни I поғона учтовушлигидир; калитолди белгиси бас калитида қуйидагича ёзилади:




СОЛЬ МИНОР — тоникаси *соль* бўлган минор тоналлиги; g-нол (гэ-моль) ҳам деб аталади, калитолди белгилари икки бемоль (*си-бемоль* ва *ми-бемоль*) дан иборат.



VII поғонаси қўғарилса — *гармоник*, VI ва VII поғоналари қўғарилса — *мелодик минор* бўлади.

С. минорнинг асосий аккорди *соль* нотасидан тузилган минор учтовушлиги (*соль*, *си-бемоль* ва *ре*)дан иборат. Бу тоналлиқнинг тоника, яъни I поғона учтовушлигидир; калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:



СОЛЬФЕДЖИО, СОЛЬФЕДЖО (итал. *solfeggio* — ноталар, мусиқа белгилари, гамма) — эшитув малакасини юксалтириш ва нотага қараб уларни тез ўқишни ўрганиш учун ўтказиладиган вокал машқ. С. мусиқа диктантлари ёзиш, мусиқа асарлари ва турли машқларни нотага қараб, нота номини айтиб қўйлаш тартиқсида олиб борилиши мумкин. С. термини *sol-fa* нота номларидан олинган.

СОНА — хитой пуфлама чолгу асбобларидан. Тузилиш шакли ва ижро этилиши ўзбекча сурнайдек. С. да турли паст-баланд товушларни олиш учун саккизта тешикча мавжуд. С. кенг тарқалган чолгу асбобларидан; у ёлғиз ва ансамблда, оркестрда ва Хитойда кенг тарқалган мусиқали драма оркестрида қўлланилади. С. нинг катта-кичик турлари бор; шунга кўра товуш регистри ҳам турлича. Катта С. *да-сона*, кичиги эса *сяосона* деб аталади. Айрим жойларда кичигини *хайду* ҳам деб атадилар. С. нинг узунлиги 340 дан 670 мм га қадар.

СОНАТА (итал. *sonata* лат. *sonare* — товуш бернш) камер чолгу мусиқа жаирларидан. 18-аср ўрталаридан бошлаб, циклан С. шакли 1 ёки 2 чолгу асбоби учун, 3—4 баъзан икки киемли тарзида яратилади. С. нинг бир киемли тури ҳам учрайди. 16—17-асрларда вокал мусиқа асарини кантатадан фарқ қилиш мақсадида чолгу мусиқани С. деб атаганлар. Илгарилари С. турли-камонли чолгу асбоблар ва орган учун соната тарзида яратилиб, аниқ бир таркибга эга бўлмаган. С. нинг классик цикли 18-асрнинг иккинчи ярмида В. Моцарт ва И. Гайди ижодида шаклланди; 19-асрнинг биринчи ярмида буюк немис композитори Л. Бетховен ижодиётида С. уз ривожининг юқори поғонасига чиқди. Фортепиано, скрипка ва фортепиано, виолончель ва фортепиано учун ёзилган С. лар кенг ривож топди. С. одагда маълум бир номга эга бўлман, қайси тоналликда яратилган бўлса, шу тоналлик номи билан ёки (ижод) номери билан аталади. Фақат Бетховеннинг машҳур 8- «Патетик» ва 23- «Аппассоната» С. лари ана шу номлар билан юритилади. Утмиш — П. П. Чайковский, С. В. Рахманинов, А. Н. Скрябин ва замонавий — С. С. Прокофьев, Н. С. Мяковский, Д. Д. Шостаковичлар яратган сонаталар бошлангич, урга ва олий мусиқа ўқув юртларида, концертларда кун ижро этилади. Сунгги йилларда ўзбек композиторлари ҳам турли чолгу асбоблари учун илк С. лар ярата бошладилар.

СОНАТИНА (итал. *sonatina* — кичик соната) — кичик хажмдаги соната. С. нинг ижро этилиши бирмунча енгил.


СОНАТА АЛЛЕГРОСИ — соната циклининг биринчи киеми, донм соната шаклида ва аллегро суръатида (тез) ижро этилади; Шунинг учун ҳам «соната шакли» деб аташ урнига «С. аллегроси» ёки «С. аллегроси шакли» деб юритилади. Суръати турлича бўлишидан қатъи назар, соната шаклида ёзилган пьесаларга ҳам шу атама қўлланилади.

СОНАТА ДУЭТИ — икки чолғучи (ансамбль) ижроси учун ёзилган соната


СОНАТА ШАКЛИ — уч асосни бўлимдан иборат мусиқа асарининг тузилиши. Булар *экспозиция*, *ривожлов* ва *репризалардан* иборат бўлиб, асар мазмунига кўра кенгайиб маълум бир мавзунини ифода қилади. Буларга *кода* ва баъзан бошлангич қисм қушилади. Сонатанинг экспозиция қисми, ўз навбатида, *бош партия* ва *ёрдамчи партияларга* бўлинади. Булар икки *карама-қарши* мавзу ёки мавзули гурухлар турли тоналликларда келани. Ривожловда экспозиция мавзундаги айрим оҳанглар кенгайтирилиб ишлов берилади. *Реприза* — бош ва ёрдамчи партия тоналликларини бир-

лаштириб (ёрдамчи партия тоналлигини бош тоналликка кўчириш йули билан), экспозицияни қайтаради. Шу тариқа, С. шакли тоналликларни экспозицияда бир-бировидан ажратади, репризада эса бирлаштиради. Булар (айниқса реприза) композиторнинг

СОНАТА ШАКЛИНИНГ СХЕМАСИ



ТОНАЛЛИКЛАР НИСБАТИ



хоҳиши билан ўзгартирилиши мумкин. С. ш. драма ёки романлардек бадний ифода воситалари, ҳар хил мавзудаги мусиқа асарлари яратиш имкониятига бой. Шунинг учун ҳам С. ш. энг кенг тарқалган мусиқа асари шаклларидадир. С. ш. да соната циклининг биринчи қисми, шунингдек, бир қисмли увертюра, симфоник поэма ва б. ёзилади. Ривожловсиз С. шакли кам учрайди. Бунда икки асосий қисм экспозиция ва реприза бўлади.

СОНАТА ЦИКЛИ — тўрт ва баъзан уч қисмдан иборат бўлган туркумли чолу мусиқа асари. Бунинг биринчи қисми соната шаклининг тез суръатли драматик характердаги қисми, баъзан бошланғич қисми ҳам бўлади. Иккинчи қисми оғир суръатли, лирик характерда бўлиб, *адажио*, *анданте*, *ларго* ва б. деб юритилади. Бу қисм одатда уч қисмли ёки соната шаклида бўлади. Учинчи қисм менуэт, скерцо ёки рақс кўни характердаги пьеса бўлиб, урта қисми уч қисмли лирик трио шаклида бўлади. Тўртинчи қисми жуда тез суръатдаги финал. Бу қисм тантанали, драматик характерда бўлиб, рондо ёки вариация, баъзан соната,

рондо — соната шаклида келади. С. ц.нинг классик шакли 18-аср ўрталаридан тараққий эта бошлайди. Унда турли сонаталар ва симфониялар яратилган; ёлғиз бир чолғу асбоби ёки икки чолғу асбоби учун мусика асари ёзилса бу соната деб аталади; турли ансамблларга ёзилса чолғу асбобларининг сонига қараб — трио, кватрет каби номлар билан аталади. Симфоник оркестр учун С. ц. да ёзилган йирик мусиқа асари симфониядир.

СОПЕЛЬ. СОПИЛКА — қ *Дуда*.

СОПРАНО (итал. *sopra* — юкорида) — 1. Хотин-кизларнинг юкори товуши; овоз хажми биринчи октавадаги *до*дан учинчи октавадаги *до* га қадар. Колоратурали С. янада юкори бўлади. Ноталар скрипка қалитида ёзилади. С. овоз тембрига кура *колоратурали, лирик* ва *драматик* турларга бўлинади. Шунингдек, аралаш ҳолда лирик-колоратурали, лирик-драматик С. лар ҳам учрайди. 2. Гармония курсидаги мусикавий масалаларда энг юкори (биринчи) овоз.

СОПРАНО КАЛИТИ — *до* қалити системасидаги қалитлардан бири.

СОФ ИНТЕРВАЛЛАР — *прима, кварта, квинта, октава* ва ундан ортик бўлган айрим қўшма интервалларнинг диатоник турлари. С. интерваллари рақами ёнига с.— ҳарфи ёзиб курсатилади. Масалан, С. кварта — с. 4 тарзида ёзилади. С. интервалларга ярим тон қўшилгани туфайли — *орттирилган*, ярим тон камайгани туфайли — *камайтирилган* интерваллар ҳосил бўлади.

СОФ ТУЗИМ — 1. Қалитолди белгиси бўлмаган *до-мажор* (C-dur) ёки *ля-минор* (a moll) тоналиклари. 2. Чолғу асбобларининг ёки вокал ансамблидаги ашулчилар овозининг яхши созланиши, аниқ баландликда бўлиши.

СОҚИНОМА — шашмақомдаги мақомларнинг насл бўлими иккинчи гуруҳ шўъбаларидаги ашула номи.

СТАККАТО (итал. *staccato* — ажратилган, алоҳида) — товушларин қисқа-қисқа, бир-бировидан паузалар билан ажратиб ижро этиш. Легатога қарама-қарши товуш чиқариш йўлларида бири. С. ҳар бир нотанинг уст ё остига қўйилган нукта ёки *staccato* деб ёзилган сўз билан курсатилади.

“ҚУБИЧАЛАР”

Э. Ёлқовдан



Торли-камончали чолғу асбобларда С. камончани қисқа ҳаракатлар билан узиб-узиб чалинади. С. нинг турлари *saltando*, *spriccato*, *sautille* кабилардир.

СТВИРИ (гудаствирн) — волейка туридаги грузин пуфлама халқ чолғу асбоби.

СТРЕТТА (итал. *stretta* — сиқниш, қисниш) — 1. Фугада мавзунинг канои тариқасида қўллаш. Бунда мавзу бир овозда тугалланмай, иккинчисида бошланади. 2. Мусиқа асари ёки унинг бирор бўлагининг тугалланиш қисмида суръатни тезлатиб бориш.

СТРЕТТО (итал. *stretto* — сиқилган, қисилган) — мусиқа асари суръатини тезлатиш.

СТУДИЯ (итал. *studio* — ўрганиш, машғулот утказиладиган уй, лот. *studeo* — урганаман, шугулланаман сўздан олинган) — 1. Бадний мактаб ёки синф (масалан, маданият уйлари, клублар қошидаги мусиқа, опера, балет С.лари). 2. Ўқув жараёнини амаллий курсатувчи театр жамоаси.

Опера С.си Тошкент Давлат консерваториясида ҳам ташкил қилинган. Унинг актёрлари, чолғучилари ҳам асосан консерваториянинг юқори курс студентларидан ташкил топган. Улар рус ва Ғарбий Оврупо классик композиторлари қаторида узбек композиторларининг опера асарларини саҳналаштирадilar.


СУБДОМИНАНТА (лот. *subdominanta* — пастки ҳукмрон) — мажор-минор ладларининг тўртинчи асосий поғонаси. С. тониқадан квинта пастда келса пастки доминанта деб аталади. С. римча IV рақами ёки лотинча S ҳарфи билан курсатилади. IV поғона ўчтовушлиги функциясига кирадиган II ва VI поғоналар ҳам С. дейилади.

СУБДОМИНАНТАЛИ ФУНКЦИЯ — мажор-минор лад системасидаги IV поғона ўчтовушлик функцияси. Бу функцияга II поғона, баъзи ҳолатларда VI поғона ҳам кирди. С. функцияси лотинча S ҳарфи билан курсатилади.

СУБДОМИНАНТСЕПТАККОРД — қ. *Септаккорд*.

СУБКОНТРОКТАВА (лот. *sub* — таг, ост) — температураланган товушқатордаги энг пастки товуш. С. даги товушлар бас калитида нота йулининг пастки олтинчи қўшимча чизиғидаги *си* даи пастга ёзилди. Тагига икки рақами ёзилган лотинча бош ҳарфлар билан ҳам кўрсатилади. (A₂, H₂), шунингдек бу ҳарфлар тагидан икки ёндош қисқа чизиқлар чизиш ҳам мумкин.

Бу ноталарни октава юқорида (контроктавада) ёзиб, ноталар тагидан пунктир чизиқлар чизиб, 8 рақами билан кўрсатилса С. да ижро этилади.



СУВОРА - 1. Хоразм мақомларининг айрим бўлимида келадиган ашула номи. С. дан гашқари Суворан Дугоҳ Хусайний номили қисми ҳам учиради. 2. Тошкент, Фарғона водийсида йирик шаклдаги чолғу куй.

СУЛИНГ — флейта туридаги индонез пуфлама халқ чолғу асбоби. Бамбукдан ясалган най туридаги С. да турли наст-баланд товушлар чиқариш учун 6 та тешикчаси бор. С. ёлғиз ҳолда ва гамелан деб аталувчи индонез миллий оркестри (ансамбли)да ҳам қўлланилади.

СУПОРИШ ҳар бир мақом ва улар таркибидаги шўъбаларнинг тугалланиши қисми.

СУПҲУРДИ - ҳамма мақомларнинг сақилларида бир хонадан иккинчи хонага ўтиш учун кичик бўлакча чалинади. Бу бўлакча биринчи хонанинг бир қисми бўлиб, хонага ўтиш олдида чалинади.

СУРДИНА (итал. *sordbo* — секин, наст) — чолғу асбоблар товушини пасайтириш учун қўлланиладиган махсус мослама. Торликамончали чолғу асбобларда ҳарак устида торларга кийгизиладиган тарақ шаклида бўлади, бу орқали торларнинг тебраниши киекариб, товуш секин чиқади. Пуфлама мис чолғу асбоблари — труба, тромбон ва валторналарда нок шаклида ёғоч ё картондан қилинган бўлиб, у чолғу асбобининг кенг юмони — раструби




Сурдина


«оғзи») га тиклади натижада товуш пасаяди. Урма чолғу асбоби лигаврада С. вазифасини тери остига қўйилган бир парча газлама бажаради. Бу газлама орқали урилганда товуш анча паст эшитилади. Ёнроқ чолғу асбобида С. нинг мослашини итальянча соп *sordino* (кон сордино — сурдина билан чалиш) — сўзини ноталар устига ёзиб кўрсатилади. С. ни олиб нормал холда чалиш учун ноталар устига (ё остига) *senza sordino* (сенза сордино, яъни сурдинасиз) сўзи ёзилади.

СУРНАЙ — ўзбек ва тожик халқлари уртасида кенг тарқалган қадимий пуфлама ёғоч чолғу асбоб. С. ёлғиз, шунингдек, ногора, карнайлар билан ҳам биргаликда чалинади. Сўнгги вақтларда ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрига ҳам қўшилмоқда. С. да чап ва унғ қул бармоқлари билан ёпиладиган олтига тешикча бор. Еттинчи тешик эса, пастки томонда бўлиб, у чап қўлининг бош бармоғи билан беркитилади. Овоз ҳажми кичик октавадаги ля дан иккинчи октавадаги ми га қадар. Ноталар эшитилганча, скрипка калитида ёзилади. С. товуши баланд бўлгани учун очиқ ҳавода турли таитаналарда чалинади. С. Кавказ ва Эрон халқларида ҳам қўлланилади. С. да халқ куйлари қатори мақом йуллари ҳам ижро қилинади. Турли тўй маросимларида, дор уйинларида С. карнай ва ногоралар билан ансамбль бўлиб ижро қилиниши мумкин, никоҳ тўйларида дастлабки мусиқани с. ижросидаги «Наво» билан бошлаш одатланилган. С. навоси ўзинга хос ёқимли ва завқ билан тингланади.

СУРНАЙ ЙУЛЛАРЎ — йирик шакли (Сурнай Навоси, Сурвай Ироғи, Шоднёна, Мискин каби) ўзбек халқ куйлари.



Сурнай



Сыху


СЦЕНАРИЙ (итал. scenario, лот. scaeno — сахна сўзи) — музикали драматик асарлар (опера, балет, кино ва б.) мазмунининг қисқача ёки мукаммал баёни. Мазмунининг қисқача баёни либретто деб ҳам аталади.

СЫХУ камонча билан чалинадиган хитон торли чолғу асбоби. С. нинг умумий тузилиш шакли биздаги гижжакни эслатади. Ҳозир қулланадиган С. нинг умумий узунлиги 815 мм. С. даги дуртта тор (сы — хитойча тўрт демак), бир жуфтдан унсон бўлиб созилади (277-бетга қараиң) С. халқ ўртасида жуда кенг тарқалган чолғу асбобларидан бири.



Сэ - тирнаб чалинадиган қадимги хитен торли халқ чолғу асбоби. С. биздаги чапғи эслатади. Каттиқ ё рангли ёғочдан ясалди. Торлари шакдан булиб, С. «коса»си тагига мустаҳкамланади. Бу торларнинг ҳар бирида алоҳида фил ёки бошқа хайвон суягидан ясалган ҳараклари бор. Торларни махсус баландликда созлан учун ҳараклар чап ё ўнгга сурилади. С. милоддан бир неча аср аввал қўлланила бошланган. С. даги торлар сон турли даврларда турлича (5 дан 50 га қадар) булган. Ҳозир С. нинг икки тури қўлланилади. Булардан бири катта С. булиб, бунга 25 та тор тақилган ва дасэ деб хам аталади. Иккинчиси кичик С. булиб бунга 16 та тор тақилган ва сяосэ деб аталади. Расмда кўрсатилган С. XVII асрга хос булиб, бунинг узунлиги 2,090 мм, кенлиги 470 мм, этак қисмида 390 мм булиб, унга 25 та тор тақилган. Ҳозирги вақтда кичик С. беш хил созланади ва унинг товушқатори ҳамда овоз ҳажминини билдиради, чунки С. торлари ижро вақтида қисқартирилмайди.

С. да икки қул билан ижро қилини мумкин: биринчиси ҳар иккала қул бармоқлари билан, яъни чап қул билан 1—12-торлар, унг қул билан эса қолган торларни чалини; иккинчиси — асосан унг қул билан ижро қилиниб, чап қул билан эса тордан чиққан



Сэ

товушларни тўхтатиш (баъзан ун қўл билан ижро қилишга ноқудан товушларни чапиш) — нули. С. дан якка соз ва жур булишда фойдаланилади.

СЮИТА (фр. *suita* — қатор, тизма) — ҳар бир қисми мустақил асар бўлган турли характердаги мусика пьесаларининг боғланиб келиши. Халқ мусиқасида сюита турлича рақеларининг қушилиб келишидан тузилган. Профессионал С. эса 16-асрда Италияда пайдо бўлди. Бу С. икки қисмли бўлиб, биринчиси ваъмин, иккинчиси тез суръатдаги рақе пьесалардан иборат бўлган. 17—18 асрларда *аллеманда*, *куранта*, *сарабанда* ва *жигелардан* тузилган, тўрт қисмли рақе С. лари пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси турлича бўлиши билан бир-биридан фарк қилади. Кнемларнинг яна қунайиши билан фақат рақе мусиқаси бўлиб қолмишдан қутулади. Охири юз йил ичида С. йирик мусиқа асарлари (опера, балет, кинофильмлар, драматик асарлар учун ёзилган мусиқа ва б.) дан парчалар олиниб тузилган.

XX аср композиторларидан С. Прокофьев, Д. Шостакович, А. Лачатурян ва б. лар ўнлаб С. лар яратдилар. Буларнинг қушчилик қисми балет ва кинофильмлар учун ёзилган мусикалар асосида яратилган.

Республикамиз композиторларидан А. Қозловский, Г. Мушель, М. Бурхолов, М. Ашрафий, С. Юдаков, Иқром Акбаров, Б. Гиечко, В. Мейен, С. Бобоев ва б. симфоник, ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ва фортепиано учун биркача С. яратдилар. Уларнинг маълум бир қисми балет мусиқалари ва кинофильмлар учун ёзилган мусикалар асосида яратилган.

Чолғу ва вокал мусиқалардан тузилган С. лар ҳам ривожланмоқда. Масалан, композитор С. Юдаковнинг шоир Гафур Ғлом шеърига яратган «Мирзачўл» номли вокал-симфоник С. си.

Бир неча асрлар давомида Шарқ халқлари ўртасида ижро қилиб келинаётган халқ ижодий бойлиги — мақом, дастгах ва мугамлар шакли С. га яқиндир.

СЯНЦЗЯОГУ мембранали хитой халқ урма чолғу асбоби. Асосини турли ёнидаги погорани эслатадиган бу чолғу асбобининг «қоса»си ёнодан ясалиб, уст қисмига чарм ишлар билан тери қопланади. С. қуiproқ рақелар, «сув байрам»ларда қўлланилади. С. одатда якка холда қўлланилади. Ижрочи С. ни елкасига осиб бармоқ ва панжалари билан ижро қилади С. ни келиб чиқиш жойи Хиндистон ё Индонезия бўлиши эҳтимолли бор. Расмдаги С. нинг умумий узунлиги 1. 150 мм, диаметри 170 мм.

СЯНЬЦЗЫ итой торли чолғу асбоби санъиянинг иккинчи турли номи.



Сянцзяогу

СЯО - пай шаклидаги хитой халқ пуфлама чолгу асбоби. Бамбукдан килинган бу чолгу асбобининг юқориги учи беркитилган бўлиб, унинг бир чеккасида тўртбурчак шаклида кичик бир тешикча булади. Бу тешикча орқали пуфлаш натижасида труба ичидаги ҳаво тулқинланиб товуш беради. Балаид-паст товушлар олинғ учун С. нинг уст томонидан бешта ва орқа томонидан бир тешик бор. С. нинг пастки қисмига килинган икки тешик эса, ортиқча ҳавони чиқазинғ ё керак вақтларда чолғунинг осиб қўйинғ учун хизмат қилади. С. да хроматик товушлар олинғ мумкин, лекин ижро қилинғ ноқулай булганлиғидан амалиётда асосан диатоник товушкаторида қулланилади. Қадим вақтларда С. ди деб ҳам аталган. Қадимий С. уч ё тўрт тешикка эга булган. Бизнинг эрамызга қадар бўлган асрда С. га бешинчи тешик қушилган.

III асрга келиб С. да олгита тешик қилиниб, хозирги тўсга қирган.

СУЗСИЗ ҚУШИҚ — қушиқ, ашулага ўхшаш чолғу мусиқа асари.

Т

ТАБИИЙ ГАММА — асосий, табиий поғоналардан тузилган гамма.


ТАБИИЙ МИНОР — минор учтовушлигини ҳосил қилган лад. Табиий минор турлари (*гармоник, мелодик*)нинг асоси ҳисобланади.

1 тон — $\frac{2}{2}$ тон — 1 тон — 1 тон — $\frac{1}{2}$ тон — 1 тон — 1 тон тарзида тузилади.

ТАБИИЙ (НАТУРАЛ) ЧОЛГУ АСБОБЛАР — бутун бир труба ё унинг ярим, учдан бири ва б қисмларидаги хавони туққинлатилиши орқали табиий товушқатор бера олувчи пуфлама мис чолғу асбоблар. Уларни чалганда трубадаги ҳаво йўллариини узатириш ё кескартиш учун маълум бир мослама йўқ. Товушқаторлари тузилишига кура *гармоник оҳангдош товушлар*нинг бир қимидирки, бу бир ё иккинчи оҳангдош товушлардан бошланади. 19-асрнинг иккинчи чорагига қадар симфоник оркестрда крена ёрдамида олдидан созланган натурал валторна ва трубалар қўлланилган. Кейинроқ бу чолғу асбоблар ўзинини вентилли ва клапанли чолғу асбоблар эгаллади. Буларда хроматик товушқатор ҳосил қилиш имконияти бор.

ТАБУЛАТУРА (фр. *tablatura*, лот. *tabulatur* — тахта, жадвал) чолғу мусиқасини харф ё рақамлар билан ёзишдаги қадимий система. Бу система 15—17-асрларда қўлланилган. Т. нинг испанча, французча ва немисча турлари бўлган. Турли чолғу асбоблари учун чизиқли ва чизиқсиз турлари харфлар, рақамлар ва турлича белгилар билан кўрсатилган. Т. аста-секин нота белгилари билан алмаштирилган. Утган асрнинг иккинчи ярмида Хорамда қўлланилган «ганбур чизиги» ҳам Т. нинг бир туридир.

ТАКТ (лот. *tactus* — тегиш, таъсир этиш) — бир кучли ҳиссадан шу каби иккинчи кучли ҳиссага қадар бўлган оралиқ метрнинг хар доим қайтарилиб гуриши. Т. чизиги — беш ёндош чизиқни бирлаштирувчи туғри чизиқ. Бу чизиқ бир Т. ни иккинчидендан ажратади. Т. лар оддий ва мураккаб бўлади. Оддий Т. да бир кучли ҳисса бўлиб, мураккаб Т. да икки ва учдан кўп кучли



хиссалар булади. Т. ўлчовлари 2, 3, 4, 5, 6, 7 ва ундан ҳам кўп бўлиб, булар бир бутунни 4 ёки 8 га бўлингандан олинади.

ТАКТ УЛЧОВИ — тактларнинг миқдорини билдирувчи кўрсаткич. Бу ўлчов миқдори тактлардаги кучли (акцентли) ва кучсиз (акцентсиз) хиссалар сонини аниқлайди. Т. ўлчовидаги юқоридаги рақам миқдорини, pastки рақам эса — неча хиссага бўлинишини кўрсатади. Т. ўлчови мусиқа асарининг бошланғич қисмида қалит ва альтерация белгиларидан сўнг қўйилади. Агар мусиқа асарининг ўлчов миқдори асар ўртасида ўзгарса, шу ўзгарган қисмдан бошлаб янги Т. ўлчовини кўрсатувчи рақамлар ёзилади.


ЎЎЎМА БИЛАГИМ



ТАКТ ЧИЗИГИ — қ. *Takt*.

ТАЛКИН — Шашмаком наср бўлимининг биринчи шўъбаси — Сарахбор тароналаридан сўнг келадиган ашула нули. Т. лар оддий, кўпроқ эса мураккаб аралаш ўлчовларда, яъни 2_4-3_4 , 3_8-3_4 ҳолларда келади. Ўлчовлар миқдорига кўра доира усуллари ҳам турличадир (282-бетга қarang).

Мақомларда Т. ларнинг турлари кўп: Т. Ўззол, Т. Баёт, Т. Ушшоқ, Т. Сегоҳ, Т. Чоргоҳ ва ҳ. к. Т. ларда Ушшоқ, Мухайяр, Ўззол, Паво, Ораз намудлари қўлланилади.



ТАЛКИНИ БАЁТ — Наво мақомининг наср бўлимидаги ашула йўли.

ТАЛКИНИ ДУГОҲ ХУСАИН — Хоразм мақомларидан Навонинг айтим бўлимидаги ашула йўлларидаги талкин дойра усули билан ижро этилади.

ТАЛКИНИ МУСТАЗОД — Хоразм мақомларидан Навонинг айтим бўлимидаги ашула йўли.

ТАЛҚИНИ УЗЗОЛ — Шашмақомдаги Бузрук мақомининг ашула йўлларидаги.

ТАЛҚИНИ УШШОК — Шашмақомдаги Рўст мақомининг ашула йўлларидаги.

ТАЛҚИНИ ЧОРГОҲ — Шашмақомдаги Рўст мақомининг ашула йўлларидаги.

ТАЛКИНЧА (кичик талкин) — мақомларнинг наср бўлимидаги иккинчи гуруҳи шуббаларга кирувчи ашула. Т.нинг дойра усули талкиндагидек.


ТАЛКИНЧИ 1. Хоразмда дутор билан халқ ашулаларини ижро этувчи. 2. Талқин йўллариини ижро этувчи шуъбачи — хофиз.

ТАМБУРИН (фр. tambourin тамбурин, погорача, арабча *табл-ногора*) — 1. Унча кагта бўлмаган чуқурроқ погора шаклидаги урма чолғу асбоби. 2. Франциянинг айрим жойларида қўлланилади. 3. Франциянинг қадимки халқ рақсларидан. Мусика ўлчови — $\frac{2}{2}$ ва $\frac{2}{4}$. Бу рақс тез ва жонли ижро этилиб, рақсга флейта ва Г.лар жўр булади. Шунга қўра, рақс номини ҳам чолғу асбоби номини билан ағалган. 3. Мусиқа адабиётларида бубен шу ном билан юритилади.

ТАМ-ТАМ (итал. tam-tam) — Освёдан келиб чиққан урма асбоб. Таган шаклида мисдан, уртаси буртма қилиб ишланган. Махсус тўқмоғча билан уриб чалинади; овози жарангли, шу би-


" ХИНД ПОЭМАСИ "

А. Козловский



лан бирга, даҳшатли эшитилади; товуши аниқ бир баландликка эга эмас. Т.-там ноталари бир чизиқда ёзилади.


Симфоник оркестр партитурасида, Т.-там партияси катта барабан билан кўнгироқчалар партияси оралигида ёзилади. Гонг Т.-тамнинг бир тури.



Там-там


ТАНБУР — Ўзбекистон, Тожикистон, жанубий Хитойнинг Синцзян вилоятида кенг тарқалган торли тирнама қадимий чолғу асбоб. Т. нинг косаси шок шаклида уйқилиб ёки бир печа «қобирга»лардан ёнштирилиб, бунга узун даста уланади; умумий узун-

лиги 1000—1300 мм Дастага ичакдан килинган нарда боғланади. Баланд товушлар олиш учун ичак пардалардан ташқари конкогига кичик ва калта чўплар ёпиштирилади (бу «*хас нарда*» деб аталади) Пардалар сони 18—20 тага. Товушкатори диатоник бўлиб, туртта (илгарилари учта) сим тор тақиллади. Бу торлардан 1, 2 ва 4-си бир овозли (унисон) бўлиб, 3-тор кварта, квинта бальван секунда паст булади. Нотатар бас ва скрипка калитла-



Танбур


рида ёнилади. Т.нинг 1, 2 ва 4-торлари катта октавадаги *соль*-га, 3-тор эса катта октавадаги *ре ёки до* га ёки *фа* га созилади. Овоз хажми катта октавадаги *соль* дан биринчи октавадаги *соль*га қадар:



Т. унг қўлининг кўрсаткич бармоғига кийгизилган махсус по-лун билан чалинади; чалинганда фақат биринчи тор урилиб, кол-ганлари қушимча садо олиш учун фойдаланилади. Айрим вақт-ларда бу торларнинг ҳаммаси бир нўла урилади. Нағижада, куш товушлар ёшитилади.

«УШШОҚ» ДАН


В Успенский нотата олдир




Т. халқ мусикалари, айниқса, мақом чолғу йулларини ижро этганда яқка холда ёки ансамбль билан ашулачига жўр булади. Т. дан яқка холда чолғу мусикаларини ижро этишда ҳам фойдаланилади. Илгарилари Бухорода Т. ни сато каюи камонча билан ҳам чалганлар (бу тарика ижро этилганда Т. дан жула муғли товуш чиқади). Т га бешқа ўзбек халқ чолғу асбоблари каторида бирмунча узгаринилар киритилган; нардалар чундан килиниб, дастага домний урнаштирилган. Товуш қатори хроматиклаштирилган ва ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрига қушилган. Нотатар скрипка калитида, ёшитилишига нисбатан октава юкорида ёзилиб, ижрочилар (айниқса, янгидан урганаётганлар) учун ёшил-

лик яратилган. Товушларини такрорлаб, майдалаб чалши Т. учун характерлидир. Мисол учун Бузрук мақомининг Таснифидан бир нарча келтирамиз:

БОЗҒИ



ТАНБҮР ЧИЗИГИ — тарихий манбаларга кўра, Шарқ нота ёзуви XIII асрда Сафиуддин Абдулмўмин ал-Урманий томонидан уд чолғу асбоби учун кашф қилинган. Т. чизиги эса XIX асрнинг иккинчи ярмида атоқли шоир, бастакор ва машхур созанда Комил Хоразмий томонидан яратилди. Т. чизигининг ал-Урманий кашфиёти билан қанчалик ўхшашлиги, яъни Комил Хоразмий томонидан қанчалик фойдаланилгани ҳақида ҳозирча бир нарсга айтиш қийин. Асрлар давомда овоздан қулоққа утиб, устоздан шогирдга ургатиш тариқасида халқимиз кўз нуридек авайлаб, сақлаиб келинган мусика бойликларини ёзиб олиш асосан мана шу Т. чизиги воситасида бўлди. У танбурдаги ун саккиз пардани кўзда тутиб чизилган ёндош чизиқлардан иборат. Чизиқларнинг устига қўйилган ҳар бир нуқта зарбнинг юқоридан қўйишга чертилишини кўрсатса, чизиқ остига қўйилган нуқта аксинча, зарбнинг қўйидан юқорига чертилишини билдиради:



Тик чизиқлар эса пардалар йўлланмасидир. Т. чизиги ўнгдан чапга ўқилади. Ҳар бир зарб, яъни нуқта асосан бир бутун нотанинг саккиздан бир хиссасига тенг (айрим жойларда чорак нота узунлигида олинган).

Ҳозирга қадар Т. чизигининг катта тарихий аҳамиятга эга эканлиги, унинг содда ва оддийлиги, пауза ва ритмик ўзгаришларнинг йўқлиги кўнгини мусиқашунос, композитор ва мусиқа арбоблари томонидан таъкидлаб келинади. Бу тизим буйича ёзилган Хоразм мақомларини нотага кўчириш инни талай қийинчиликларга дуч келди. Ана шу иш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар ҳозирча бирон-бир самара бергани йўқ.

Комил Хоразмий ўзининг Т. чизиги асосида Рост мақомининг бошланғич қисмини ёзиб чиқади. Унинг уғли, машхур созанда

Муҳаммад Расул Мирзабоши барча Хоразм макомларининг чер-
тим ва айтим нусларини тўла қозоғга кучирди


1883 (1300 хижрий й.) Хоразм хоня саронда котиб Муҳам-
мад Юсуфбек Бобожонбек томонидан кучирилган ва хо ирга
кадар сақланган кулѳѳма бошқа мавжуд кулѳѳмаларга нисбатан
бирмунча мукамал ва аниқлиги билан ажралиб туради.

Намуна учун Рост макомидан 7 ва 8 хоналарни келтирамиз.

MAKOM ROST DANI

СЕМЬ-ВЕРХНИЙ ХОНА

Булар нота ёзувида куйидагича бўлади:




ТАНГО (исп. tango) — қадимий испан халқ рақси бўлиб, циганларнинг фламенко номли рақсига ухшаш. Испан тангосининг куйи Кубадан келиб чиққан бўлиб, хабанера турига киради. Му- сиқа ўлчови кўпроқ 2_4 да. Т. нинг бирмунча узгарган тури Жа- нубий Америкада тарқалган. 20-асрга келиб аргентинча Т. номл билан Жанубий Америкадан ташқари, Шимолий Америка ва Ев- ропада якка ва жуфт бўлиб эстрадаalarda ижро этила бошланди. Т. оғир, вазмин суръатда ўйналади.

ТАНИ МАКОМ — Хоразмда ҳар бир мақомнинг (чертим ва айтим дулларида) биринчи қисми. Бухоро Шашмақомида мушки- лот қисмининг биринчиси Тасниф, наср қисмининг биринчиси Сарахбор номлари билан юритилади. Мақомлардаги асосий қисм- лар Таржнб, Гардуи, Мухаммас, Сақил, Талқин, Насрулло ва б. дир. Т. мақом атамаси фақат Хоразмда қўлланилади.

ТАНОВАР — Тошкент ва Фарғона водийсида кенг тарқалган рақс куйи. Т. нинг ашула вариантлари ҳам кенг тарқалган.

ТАР, ТОР — Закавказье халқлари ўртасида кенг тарқалган торли тирнама чолғу асбоби (Донгистонда тара, Гуржистонда тари деб юритилади). 8 рақамга ухшатилиб ёгондан ўйилган косага узун даста уриштирилади. Коса устига тери (кўпроқ балиқ те- риси) қопланади. Дастага 22—23 ичак парда боғланади. Илгариги Т. ларда 17—19 погонали товунқаторда боғланган пардалар бўл- ган. Ҳозирги Т. эса 12 погонали товунқаторга эга. Т. да уч жуфт (ёки уч жуфт бир ёлпиз) асосий тор ва 2 та қушимча тор бор.




Тар (тор)

Озарбайжон Т. нинг ногалари, ёзилшига нисбата 1 кичик секунда паст говуш беради; созланиши эшитилиши буйича биринчи октавадаги *ля*, кккинчи октавадаги *ре-диез*, кичик октавадаги *ре-диез*, биринчи октавадаги *соль*ларга. Умумий узунлиги 800—900 мм. Т. якка ҳолда, ансамблда ва оркестрда чалинади. 2. Араб мамлакатларида кичик дойра Т. дейилади.

ТАРАНТЕЛЛА (итал. *tarantella, taranto* — Италия жанубидаги шаҳар номи) — жуда тез суръатда ижро этиладиган Италия халқ рақси. Мусиқа ўлчови $\frac{6}{8}$, ёки $\frac{4}{4}$ да булиб, триоллик ритмда келиши билан характерли. Т. бир ё бир неча жуфтдан булиб ўйналади. Т. гитара, тамбурин, кастанъета журлигида ва баъзан ашуласи билан ижро этилади. Т. нинг мусиқа шаклидан кўп композиторлар уз асарларида фойдаланганлар.

ТАРЕЛКАЛАР (итал. *riatti*) — дойра шаклида мисдан ясалган урма асбоб. Т. бир жуфт булиб, улар бир-бирига уриб чалинади. Товуши баланд ва кескин, аниқ бир баландликка эга эмас.



Тарелкалар


Кичик ё катта погора ёки литаврларнинг таёқчалари билан урилганда товуши бирмунча ўзгаради. Баъзи бир тарелкага икки таёқча билан уриб тремоло йўсинида чалиш ҳам мумкин. Бундай ҳолда тарелка осиб қўйилади ёки катта барабан устига урнаштирилади. Симфоник оркестр партитурасида Т. ноталари бир чизқда катта ва кичик барабанлар уртасида ёзилади.

"МУҚАШНА"


В. Успенский




ТАРЖИЪ, ТАРЖЕЪ (қайтариш, такрорлаш) — Шашмақомнинг мушқилот қисмидаги куйлардан бири. Мақомларнинг ҳар бирида Т. бўлишига кура, булар Т. Бузрук, Т. Наво, Т. Дугоҳ ва ғ. к. деб юритилади: Т $\frac{1}{4}$ ё $\frac{2}{4}$ ўлчовида келади. Дойра усули:



тартибида; тасниф усули билан бир турлидир. Ироқ мақомидagi Т. $\frac{2}{4}$ ўлчовида беш тактли бўлиб:




ҳолда келади. Хоразм мақомидagi Т. $\frac{3}{4}$ ўлчовида:



тартибида келади. Мақомлардаги Т. лар номи дойра усуллари бир турли бўлишларига қарамай, куй жиҳатидан тубдан фарқ килади ва турлича катта-кичик ҳажмда бўлади.


ТАРОНА — мақомларнинг ашула қисмидаги Сарахбор, Тилқин, Насрдек асосий шўъбалар оралигида келадиган кичик ашулалар. Тароналар турли ўлчовларда келади: $\frac{2}{4}$, $\frac{3}{4}$ каби оддий ўлчовлардан — $\frac{3}{8}$ — $\frac{3}{4}$, $\frac{3}{4}$ — $\frac{1}{4}$ дек мураккаб ўлчовларга қадар. Ўлчов миқдорларига кўра дойра усуллари ҳам турличадир. Масалан:




Т. ларда намудлар бўлмайди, шунинг учун ҳам улар кичик ҳажмда Т. тугалланган куйнинг усули ва ладидан иккинчи янги ижро этиладиган асосий куй усулига тайёрлаб боради. Т. лар кунчилик хофиялар томонидан ижро этилади.

ТАРОНАН НАСРИ АЖАМ -- Хоразм Сегоҳ мақомининг айтим бўлимидаги куй.


ТАСНИФ Шашмақомнинг мушқилот бўлими. Т. билан бошланади. Хар мақомда Т. бўлишига кура, булар — Т. и Бузрук, Т. и Рост тарзида аталади. Т. лар $\frac{2}{4}$ баъзан $\frac{4}{4}$ ўлчовларида келади; дойра усули:



тарибида бўлиб, Дугоҳ мақомининг Т. и:



тарибида қисқариб келади. Хоразм мақомларининг Т. ини Мақом ёки Таши мақом номи билан, яъни Мақоми Рост, Мақоми Бузрук... тарибида юритилади. Унинг дойра усули қуйидагича:



Мақомлардаги Т. лар мушқилот бўлимидаги энг йирик қисмлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Т. нинг оҳанг ва ритмик тузилиши, ривожланиш услуби бошқа чолғу қисмларида ҳам учрайди. Т. лар номи, дойра усуллари бир турли бўлишига карамай, куй жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади ва турлича катта-кичик ҳажмда бўлади.

ТАСОДИФИЙ БЕЛГИЛАР — мусиқа асарининг тоналлик (қайси тоналликда ёзилганлиги)га караб калитолди белгилар (диез ёки бемоль) аниқланади. Айрим мусиқа асарларида баъзи товушлар фавқулодда ярим парда пасайиши ё кутарилиши ҳоллари учрайди. Бундай кутарилган ё пасайган товушлар учун ёзилган диез ё бемоллар тактлар таркибида ёзилади, масалан, Хоразм халқ куйи «Алиқамбар» ми *минор* тоналлигида бўлиб, калит олдида бир *диез* бор. Бу куйининг урта авж қисмида эса *до* товуши ярим тон кутарилиб *до-диез* бўлиб, тугалланши қисми эса яна соф *до* холда келади. Куйида шу мусиқанинг бир қисми берилган:



ТЕАТР МУСИКАСИ — театр спектакларидаги чолгу ва вокал мусиқалар. Кенг маънода олганда мусиқали театрлар (опера, балет, оперетта, мусиқали драма, мусиқали комедия)да, драматик асарларда (драма, трагедия, комедия ва б.) мусиқа кенг қўлланилади. Мусиқали театрларда мусиқа саҳнадаги драматик воқеани ва унинг образларини ёритиб, гавдалантириб бериш учун хизмат қилса, драматик саҳна асарларида мусиқа ёрдамчидир. Драманинг айрим қисмларида мусиқа асосий роль ўйнаши ҳам мумкин. Т. мусиқаси хиссиётни чуқурлаштиради, спектаклнинг бориши ва унинг бадийи кучайишига кумакдош бўлади. Шунинг учун ҳам айрим драматурглар ўз асарларининг муайян саҳналарида қайси ё қандай мусиқа ижро этилишини курсатиб кетадилар. Драматик кульминация ва лирик саҳналарда мусиқа катта ёрдам беради. Баъзан Т. мусиқасида увертюра ва антракт бўлиши ҳам мумкин. Т. мусиқаларини яратишда деярли ҳамма атоқли композиторлар қатнашадилар.

ТЕМА, МУСИҚИЙ МАВЗУ (юн. *thema* — ҳикоя ё муҳокама мавзун) — шакли тугал, у қадар катта ҳажмда бўлмаган, қайта ишлаб кенгайтирилиши учун тўла имкониятларга эга бўлган куй, Т. маълум бир фикр юргизувчи, гоя, характер ва мусиқа қаҳрамони образини драматик ёки баёнот тарикасида гавдалантириб бе.

рувчи муҳим композицион элемент. Мусиқа асарининг сифати оҳанги ва ритмик хусусияти, куйининг очиқ, эсда қоларли бўлиши Т. нинг яхши ва чиройли бўлишига боғлиқ. Демак, Т. мусиқа асарининг энг асосий элементиدير.

ТЕМБР (фр. *tembre* — қунгирроқ, тамга, марка, ажратиш белгиси, юн. *tupranon* — дойра сузидан) — товуш гуси, ҳар бир мусиқа чолғу асбобининг ёки ашулачи овозининг ўзига хос товуш характери. Чолғу асбобининг тузилиши ва шаклига кўра унинг Т. турлича бўлиши мумкин. Товуш берувчи жисмининг тузилиши, тулқинланиши, урилиши, чертилиши, пуфланишига кўра Т. ўзгаради. Чалинаётган чолғу асбоби ёки таниш ашулачилардан бирининг айтаётган ашуласини, ижрочини кўрмай туриб асарни қандай чолғу асбобида чалинаётганини ёки қайси хофиз айтаётганини аниқлаш мумкин.

ТЕМИР КОМУЗ — варган туридаги тилли тирнама қирғиз халқ чолғу асбоби.

ТЕМП. СУРЪАТ (итал. *tempo*, лот. *tempus* — вақт) — мусиқа асарининг ижро этилиш суръати (тез-секинлиги) бўлиб, мусиканиннг характери ни аниқлашга ёрдам беради. Т. мусиқа асарининг мазмуни, характери билан боғлиқ. Мусиқа асари ёки унинг айриқ қисмининг Т. италиянча атамалар билан кўрсатилади. Бу кўрсаткичлар 17-асрдан бошлаб қўлланила бошланди. Т. лар асосан уч турга бўлинади:

1. Оғир суръатлар:

Largo (ларго) — чузиб.

Lento (ленто) — чузиброқ.

Adagio (адажио) — оғир.

2. Ўртача суръатлар:

Andante (анданте) — ўртача оғир, равон.

Moderato (модерато) — ўртача тез.

3. Тез суръатлар:

Allegro (аллегро) — тез.

Vivo (виво) — чаккон.

Мусиқа асари ё унинг айрим қисмини тез ё аксинча, вақтин ижро этиш учун алоҳида кўрсаткичлар бор. Масалан, орттириб бориш учун *molto* (молто) — жуда; камайтириш учун *ma non troppo* (ма нон троппо) — унча эмас. Баъзан Т. кўрсаткичлари русча, немисча ва ҳар бир халқнинг ўз она тилида ёзилиши мумкин. Т. кўрсаткичи уришга мусиқа асарининг (кунроқ пьесаларда) номи қўйилади (марш Т. да, вальс Т. да, менуэт Т. да ва б.). Шуниингдек, Т. кўрсаткичида мусиқа асарлари номи юритилади

(адажио, анданте ва б.). Т. нинг аниқ кўрсатилиши метроном ёрдамида белгиланади.


ТЕМПЕРАЦИЯ (лот. *temperatio* — тўғри муносабатда, бир ўлчовда) — мусиқа нотидалари системаси ораллигидаги интерваллар муносабатини текислаш. Мусиқа тўлқинлари, тебраниши, яъни товуш баянлиги тебранувчи жиёмнинг узун-қисқалиги билан ўлчанилади. Лекин тартибли товушқаторни тузган турли октавалардаги бир нотада бўлган товушларда бир турли товуш баянлигини хосил қилиб бўлмайди. Мукамал турдаги муносабатни бир текис Т. қилинган созланиш орқали аниқланилади. Октава ораллигини тенг 12 та ярим тонга бўлиниши бир текис Т. бўлади. Бир текис Т. ли товушлардан тузилган интерваллар, табиин товушқатордагилар билан бир турли бўлмайди. Бир текис Т. 17—18-асрлардан бошлаб Ғарб мусиқасида мустаҳкамланди.

ТЕНОР (итал. *tenor*, лот. *tenor* — ушлаб тураман) 1. Эркаларнинг юқори овози. Овоз ҳажми кичик октавадаги *додан* иккинчи октавадаги *дога* қадар. Т. ноталари скрипка калитида, эшитилишига нисбатан октава юқорида ёзилади. Партиярада эса, тенор калитида, эшитилишича ёзилади. Т. товуши характерига кўра *драматик* ва *лирик* турларга бўлинади. *Драматик* Т. кучли овозда: ҳажмининг ҳар бир товушида ёрқин тембрда таъсирли эшитилади. *Лирик* Т. эса юмшоқ тембрда, куйин охангдор, енгил ҳаракатда берил қобилиятига эга бўлади. Шунингдек, *лирик-драматик* ва *тенор-альтино* (овоз ҳажми иккинчи октавадаги *мига* қадар) турлари ҳам бор. Р. Глиэр ва Т. Содиқовларнинг «Гулсара», «Лайли ва Мажнун», Иби Салом ва Рафиқ (Қайснинг дусту) партиялари Т. учун ёзилган. С. Юдаковнинг «Майсаранинг инни» номли ҳажвий операсидаги Чўпон ва Ҳидоятхон партиялари ҳам Т. овози учун ёзилган. 2. Духовой оркестр составига кирадиган пуфлама мис чолгу асбоб. Шунингдек, урта регистрда бўлган Т. туридаги чолгу асбоблар. Масалан, дўмбира, домра, дутор ва б.


ТЕНОР КАЛИГИ — *до* (C) калити системасидаги калитлардан бири. Биринчи октавадаги *до* нота йўлининг тўртинчи чизиғида туради.



бўйича тақсим қилинган аккорднинг иккинчи товуши. Т. томи 3 рақами билан кўрсатилади. Учтовушлик, септаккорд ва аккорднинг бошқа турларида Т. томи турли ўринларда келиши мумкин.



Терцквартаккорд — квинта томи басда келган септаккорд, яъни септаккорднинг иккинчи айланishi. Т. $\frac{4}{3}$ рақамлари билан кўрсатилади:




Т. ни мажор ва минор ладларининг истаган погонасидан тузиш мумкин. Т. нинг квинтадан бўлак товлари турлича алмашишиб келиши мумкин.



ТЕССИТУРА (итал. tessitura) — чолғу асбоби ёки киши овозининг бирор мусика асарига ишлатилган энг пастки ва юқориги товушлари оралиги (хажми).

ТЕТРАХОРД (юн. tetra — тўрт ва chorde — тор) — кетма-кет келган тўрт поғона товушқатори оралиги, интервал.





Лада икки Т. булиб, бунинг биринчиси пастки Т., иккинчиси юқориги Т. деб юритилади. Т. лардан тузилган табiiий мажор.

ТИЛ (трость) — бир ё икки қаватли қамишдан ясалган ясси гарча. Пуфлама ёғоч чолғу асбобларининг купига Т. қунилиб чалинади.

ТИЛЧА — тил ёрдамида чалинувчи мусиқа чолғу асбобларининг дегали. Юпка ва кичик пластинка булиб, чолғу асбобларининг чалинадиган томонига беркитилади. Пуфлаш ё уриш орқали тешик нули очилиб ёнилади. Натижада пай бушлигидаги ҳаво тулқинланади ва садо беради. Т. юпка бир пластинкачадан ё икки пластинкачани бирлаштирилгани холда бўлади. Бир тиллиги — бир пластинкачадан иборат булиб, бу кларнет ва саксофонда бўлади. Икки тиллиги — икки кичик пластинкани бир-бировинга улавишидан иборат бўлиб, буни чолғу асбобига тикиб қуйилади. Уни гобой, фагот, сурнай, балабон ва б. шу каби чолғу асбобларда учратиш мумкин.


ТИМПАН (юн. *τύμπανον*) — 1. Мис тарелка туридаги қадимий урма чолғу асбоб, 2. Кичик литавра шаклидаги қадимий чолғу асбоб.

ТИРГАК, ХАРАК — торли чолғу асбобларда овоз берувчи устки кошқоқ билан тортилган торлар оралиғига қуйилган кичик бир ёғоч (чуп). Харак тўлқинлар воситаси билан резонанс яшиғига таъсир қилиб, товуш берувчи торни чегаралайди.

ТИРНОҚ — дутор ва танбурларда тор боғлайдиган пастки уриш. Бу агама купроқ Тошкентда қўлланилган.

ТЭЦИН — камончали қадимий хитой торли чолғу асбоби. Т. биздаги гижжак тузилишида, лекин дастаси узун. Ҳумий узунлиги 900—1000 мм. Т. Хитойда жуда кенг тарқалган чолғу асбоблардан бири, якка холда ва оркестрда қўлланилади.


ТОВУШ. УН — бирор жисм (тор, сим, металл, труба оралиғидаги бушлик, қопланган тери ва б.) нинг тулқинланишидан ҳосил буладиган овоз. Тебранишнинг кўп-озлиғига қараб, Т. кучи турлича булади. Т. нинг асосий хусусияти баланд-пастлиги, узун-қисқалиги, тембри ва кучидир. Акустика Т. ларни иккига: *аниқ баландликка эга булган Т.* (мусиқали Т.), *баландлиги ноаниқ Т.* (шовқин) ларга бўлади. Мусиқада буларнинг ҳар иккиси ҳам қўлланилади.



Тэшин

ТОВУШЛАРНИНГ БҮГИНЛИ НОМИ - товушларнинг 7 та суз бугинлари билан кўрсатилиши. Товушларнинг суз бугинлари билан кўрсатилиши 11-аср гимнининг лотинча тексти бугинларидан олинган. Ўғвидо д'Арещо исмли олим бу сузларни musiқага шундай мослаганки, кўйиниң хар бир сатри бир ноғонадан юқори кўтарилиб борган. Ҳар бир сатриниң биринчи суз бугини яъни: ut, re, mi, fa, sol, la ва охири сатриниң икки сўзидаги бошланғич харфлар S ва I яъни, si октава оралигидаги товушқаторида булган пардаларниң номи булиб хизмат қилган. Кейинроқ ut бугини урнига қўлайлик учун do бугини қўлланган. Бу товушларниң бугинли номи ҳамма октаваларда ҳам сақланади ва октаваларни аниқлаш учун булар ёнига рақамлар қўйилади. Масалан, субконтроктавадаги товушлар тагига 2 рақами қўйилган бош харфлар билан (G_2 , A_2 ёки соль₂, ля₂), контроктавадаги товушлар тагига 1 рақами ёзилган бош харфлар билан (C_1 , D_1 , E_1 ёки DO_1 , Pe_1 , Mu_1 ва б). Катта октавадаги товушлар бош харф-

лар билан (C, D, E ёки *До, Ре, Ми*), кичик октавадаги товушлар кичик ҳарфлар билан (c, d, e ёки *до, ре, ми*), биринчи октавадаги товушлар — устига 1 рақами қўйилган кичик ҳарфлар билан (c¹, d¹, e¹ ёки *до¹, ре¹, ми¹*), иккинчи октавадаги товушлар устига 2 рақами ёзилган кичик ҳарфлар билан (c², d², e² ёки *до², ре², ми²*), учинчи октавадаги товушлар устига 3 рақами ёзилган кичик ҳарфлар билан (c³, d³, e³ ёки *до³, ре³, ми³*), тўртинчи октавадаги товушлар устига 4 рақами ёзилган кичик ҳарфлар билан (c⁴, d⁴, e⁴ ёки *до⁴, ре⁴, ми⁴*) қўрилади.




Погоналарнинг қуғарилиши ё пасолиши, бу суз бутушлари ёнига *дисс бемоль, дубль-дисс, дубль-бемоль* сузлари ёшил ёки альтернация белгилари қўйиши билан қўрилади.

ТОВУШКАТОР, УНКАТОР — чолу асбобида чалиниши ё кичи овозида айтилиши мумкин бўлган товушкатор. N юкори қуғарилаётган ёки қуни тушаётган катор товушкатор тизмасида тузилади.

ТОККАТА (итал. toccata, toccare — терин) — бир текис кеска садоларда катъий тўхтовсиз ҳаракатлар билан тез ижро этиладиган чолу мусика асари, пьеса. Илгарилари клавишли чолу асбоблари учун ёзилган ҳар қандай мусика асари Г. номи билан юритилган Ўзбек композиторларидан Икром Акбаров ва Хайри Изомовлар фортепиано учун Т. яратганлар.

ТОН (юн. *tonos* — зур бериш, кучланиш, таъкидлаш).— 1. Аниқ баладликка эга булган товуш, яъни товуш берувчи жисмининг ҳар доим бир хил тулқинланиши. 2. Бир текис температура-ланган товушқаторда икки товуш оралигидаги фарқ, бу бир хилдаги иккита ярим Т. га тенг бўлиб, буни бутун Т. деб юритилди.




3. Аккорд товушлари асосий Т., терция Т. и, квинта Т. и, септима Т. и номлари билан аталади. 4. Лад погоналари. Булардан I погонани асосий ёки тоника деб, II ва VII погоналарини — етакчи деб аталади.

ТОНАЛЛИК — ладдаги товушларнинг баладлиги. Асосий товушқатор погоналаридаги бош тон, яъни тоника ўзининг ҳолатига кура аниқланади. Т. номи лад ва тоникадан тузилади. Масалан, *До мажор* (G—dur), *до минор* (c—moll), *Соль мажор* (G—dur), *соль минор* (g—moll) ва ҳ. к. Ҳар бир мусиқа асарини маълум бир Т. да ёзлади. Қўшича, (айниқса йирик мусиқа асарларида) асосий Т. дан ташқари бирмунча ёрдамчи, қўшимча Т. лар ҳам қўлланилади. Т. нинг тоникаси хроматик гаммадаги 12 погонанинг ҳар биридан ҳам келиши мумкин. Айрим мусиқа асарининг номи шу асарнинг асосий Т. номи билан ҳам юритилади. Масалан, *Соль мажор* (G—dur) сонатаси, *ля минор* (a—moll) этюди ва ҳ. к. Ҳар бир Т. калитолди альтерация белгилари билан бир-биридан фарқ қилади. Мажор-минор системаси Т. лари

ДИЕЗЛИК МАЖОР ВА МИНОР ТОНАЛЛИКЛАРИ		БЕМОЛЛИК МАЖОР ВА МИНОР ТОНАЛЛИКЛАРИ	
До мажор (C-dur)	ля минор (a-moll)	До мажор (C-dur)	ля минор (a-moll)
Соль мажор (G-dur)	ми минор (e-moll)	Фа мажор (F-dur)	ре минор (d-moll)
Ре мажор (D-dur)	Си минор (h-moll)	Си-бемоль мажор (B-dur)	оль минор (g-moll)
ля мажор (A-dur)	фа-диез минор (fis-moll)	Ми-бемоль мажор (Es-dur)	до минор (c-moll)
Ми мажор (E-dur)	до-диез минор (es-moll)	ля-бемоль мажор (As-dur)	фа минор (f-moll)
Си мажор (H-dur)	соль-диез минор (es-moll)	Ре-бемоль мажор (Des-dur)	си-бемоль минор (b-moll)
Фа-диез мажор (Fis-dur)	ре-диез минор (dis-moll)	Соль-бемоль мажор (Ges-dur)	ми-бемоль минор (es-moll)
До-диез мажор (his-dur)	ля-диез минор (dis-moll)	До-бемоль мажор (es-dur)	ля-бемоль минор (as-moll)

диезли ёки бемолли бўлиб келиши мумкин. Т. ларда калитолди белгиларнинг пайдо бўлиши ҳар доим бир тартибда бўлади.

ТОНИКА (итал. *tonica*, юн. *tonos* — таъкидлаш) — 1. Ладдаги энг турғун поғона. Унга ладдаги ҳамма поғоналар тортилади, яъни бўйсунди. Т. мусиқа ҳаракатини тугалланган ҳолда тухтатиш қобилиятига эга ва у рим рақамиди I ва VIII ёки Т. (C) ҳарфи билан кўрсатилади. 2. Гармоникада мажор ёки минор Т.



Топшур

учтовушлиги, яъни ладдаги 1 поғона (тоника)дан тузилган учтовушлик.

ТОНИҚА ФУНКЦИЯСИ — мажор-минор лад системасида 1 поғона учтовушлиги функцияси. Т. функциясида тўла турғун учтовушлик аккорди бўлиб, бунда доминанта функцияли аккордлар ечилади ва гармоник характерни хотималай олади. Т. функцияси Т (*t*) харфи билан кўрсатилади.

ТОПШУР — олтой халқининг торли тирнама чолғу асбоби. Т.нинг косаси ёғочдан ўйилиб, дўмбира шаклида ишланади; қопқон тери ёки юнқа тахтадан тайёрланади; дастаси пардасиз бўлиб, иккита қил тор тортилади ва бу торлар кварта оралиғида соланади.


ТОР — 1. Муסיқа чолғу асбобларига тараи қилиниб тортиладиган ип, снм. Т. тўлқинлаштирилиши билан маълум баландликда садо беради; Т. инакдан, ичакдан ва усти ўралган ё ўралмаган снмдан булиши ҳам мумкин. Дуторда иккита ипак Т. тортилгани учун уш «дотор» (икки тор) деб атаганлар. 2. Чолғу асбоби Т. Кавказда тар, деб юритилади.

ТОРБАН (итал. *torba* — теорба) — бандура ва теорбага ўхшаш торли тирнама чолғу асбоби; бас (пастки) торлари, қўшимча қулоқлари билан бандурадан фарқ қилади. Т. даги торлар сони 30—40 га қадар, 19-асрнинг иккинчи ярмига қадар Польша ва Украинада қўлланилган.

ТОРГИР — к. *Тиргак*.

ТОРЛИ АСБОБЛАР — турли хилдаги торлар тортилган чолғу асбоблар. Т. асбоблардан садо чиқариш турлича воситалар: камонча, мезроб, ноҳун, болғача ё чуплар, клавишлар билан бўлади.

ТОРЛИ КВАРТЕТ — 1. Торли камонча билан чалинадиган беш чолғу асбобидан тузилган камер ансамбли; биринчи ва иккинчи скрипка, биринчи ва иккинчи альт ва виолончеллардан, ёки би-



Торбан

ринчи ва иккинчи виолончелардан тузилиши мумкин. 2. Беш чолғу асбоб, яъни Т. квинтет учун соната циклида яратилган мусиқа асари. 3. Симфоник оркестрдаги камонча билан чалинадиган чолғу асбоблар тудаси. Бунга биринчи ва иккинчи скрипкалар, альтлар, виолончеллар ва контрабаслар киради.

ТОРЛИ ТРИО — 1. Скрипка, альт ва виолончелдан тузилган камер ансамбли; биринчи ва иккинчи скрипка ва альтлардан ҳам тузилиши мумкин. 2. Соната циклида уч чолғу асбоб, яъни Т. трио учун ёзилган мусиқа асари.

ТОҚ — қ. *Бак*.

ТОҚҚО — қ. *Бакка*.

ТОҒОРА ҲҲИН — асосан эркаклар ўйини бўлиб, раққос ўйин бошланишида бошига тоғора қўйиб, икки қўлида бир жуфтдан ёғоч қошиқлар билан ритмик товушлар бериб бошидаги тоғорани орқа белига туширади, сўнг аста-секин рақсни давом эттиргани ҳолда тоғорани яна бошига чиқаради. Одатда рақс карнай, сурнай ва донралар журлигида бажарилади. Бу ўйинни Тошкент ва Фарғона водийсидаги ўйинчилар ижро этадилар. Т. ўйинида куйроқ тоғора уринга сопол лаган қўлланилади.

ТРАНСКРИПЦИЯ (лот. *transcriptio* — кучириб ёзмоқ) — аранжировка сўзининг иккинчи турли аталishi.

ТРАНСПОЗИЦИЯ (лот. *transponere* — жойини узгартмоқ) — товушларни бошқа баландликка кўчириш. Т. турли шаронгда қилинади: ёзилган мусиқа асари (вокал мусиқаси) ашулсачи овозига ноқулай бўлса (баланд ёки пастлик қилса); бир чолғу асбобдан

иккинчисига кўчирини (тадбиқ қилиш) зарурияти бўлса; ёзилган ноталар уқини учун ноқулай бўлса. Мазкур ҳолларда мусика асарини бир тоналлиқдан иккинчи тоналлиқка (ижро эгини учун қулай тоналлиқка) Т. қилинади: буида унинг характери, ритми, аккорд тузиллини, интерваллар муносабати ўзгармайди. Т. турлича йўллар билан бошқа тоналлиқка кутариш ё тушириш; калитларин алмаштириш йўли билан амалга оширилади. Иккинчи йўл билан Т. қилинганида мусиқа асари фақат ярим тон юқори кўтарилади ёки ярим тон пасаяди. Хоразм чолғу куйларидан «Алиқамбар» ми-минор тоналлигида ёзилган. Агар шу куйни бир бутун тонга пасайтирилса, *ре-минорга* кучади:



ТРАНСПОЗИЦИЯЛАНУВЧИ ЧОЛГУ АСБОБЛАР — куй ижро этилганда нота ёзувида ёзилганига кўра паст ё баланд товуш берувчи чолғу асбоблар. Булар одатда бирор чолғу асбобнинг катта ва кичик турлари ишланиб чиқилганда пайдо бўлади ва умумий аниқкатуралари бир хил бўлади. Товушлар эса шу чолғу асбобнинг асли турига нисбатан паст ё баланд эшитилади. Уқини енгил бўлсин учун Т. чолғу асбобларининг ноталари аниқкатурага кўра ва асосий чолғу асбобида эшитилишича ёзилади; сози бундан чолғу асбобига ёзилган *до* (*c*) товушининг эшитилишига кўра аниқланади. Масалан, *ля* (*in A*) созидаги кларнет *до* (*c*) нотасини ижро этганида *ля* (*a*) товушини, яъни кичик терция (1,5 тон) паст товуш беради. *Си-бемоль* (*in B*) созидаги труба *до* (*c*) нотасини чалганда, ёзилганига кўра катта секунда (бир тон) паст *си-бемоль* (*b*) товушини беради; *фа* созидаги валторна *до* (*c*) нотасини чалганда, ёзилганига кўра соф квинта (3,5 тон) паст ёки кварта (2,5 тон) юқори *фа* (*f*) товушини беради ва х. к.

ТРЕЛЬ (итал. *trillare* — титрамоқ, тебраймоқ) — мелизм турларидан бири. Нота йўлида ёзилган бир нотанинг юқориги қўшни поғона билан бирин-кетин тез ва узлуксиз кайтарилиб чалиниши. Т. нотанинг уст ё остига қўйилган *tr* ё *tr* ~~~ белгилари билан кўрсатилади (304-бетга қаранг).

ТРЕМБИТА — украин халқ пўфлама чолғу асбоби. Егочдан ясаingan бу чолғу асбобида клапан ва вентиллар бўлмайди. Т.




нинг узунлиги 3 метрга қадар, диаметри 30 мм атрофида бўлиб, учи биров (биздаги карнайдек) кенгайиб боради. Бу чолғу асбоби кўпроқ Закарнат чўпонлари орасида кенг тарқалган.

ТРЕМОЛЮ (итал. tremolo — титраб турувчи) — 1. Бир товушни кўп марта тез-тез қайтариб чалиш. Т. ни ҳамма чолғу асбобларида ижро этиш мумкин бўлмайди. Айниқса, камонча билан чалинадиган торли чолғу асбобларни, литавралар, ўзбек халқ асбобларидан гижжак, дутор, танбур, рубоб, дойра ноғора ва шунга ўхшашларда ижро этиш имконияти бор. 2. Бир-бирига қўшни бўлмаган икки товуш ёки икки оҳангдош (интервал, аккорд) ёки бир товушни оҳангдош товуш билан тез суръатда кўп марта қайтариллиши; бутун ва яримталиқ узунликда бўлган ноталарнинг қисқартирилган белгилари — ноталарнинг уст ё остига қўйилган «қобирга»лар ҳам бир товушни неча бор қайтариллишни билдиради.



ТРЕПАК — қадимий рус халқ рақси. Мусиқа ўлчови 2_4 бўлиб, жонли суръатда, хушчақчақ ижро этилади. Рақсдаги асосий ҳаракатлар ижрочи томонидан импровизация қилинади. Т. нинг мусиқа шаклидан рус композиторлари (айниқса, М. П. Мусоргский) ижодий фойдаланганлар.



Треугольник

ТРЕУГОЛЬНИК, УЧБУРЧАК (итал. *triangolo*) — учбурчақ шаклида эгилган урма пўлат асбоб; эркин ҳолатда оқиб, темир калтакча билан уриб чалинади. Тovuши юмшoқ, майин, лекин аниқ бир баландликка эга эмас; ноталарни бир чизикда, дойра ва литавралар уртасида ёзилади.


“МУҚАННА” СЮИТАСИДАН

В. Успенский



ТРИО (итал. *trio* — *tre* — уч сўздан) — 1. Уч ижрочидан тузилган ансамбль. Агар ансамбль уч ашулачилардан тузилса *терцет* бўлади. 2. Ҳар бир партияси мустақил бўлиб, уч ижрочига мўлжалланган мусика асари. Чолғу ансамбли мусиқасида *фортепианолик* Т. кенг тарқалган; унинг таркибига скрипка, виолончель ва фортепианолар киради. 3. Аниқ, равион ритмлар билан ёзилган уч қисмли марш, вальс ва б., пьесаларнинг ўрта қисми. Одатда иккинчи қисм бошқа қисмларга нисбатан оҳиста, оҳангдорлиги, тараққий қилувчи мусиқа характери билан ажралади. Т. номи ўтган асрда яратилган чолғу куйларидан келиб чиққан бўлиб, бунинг урта қисми уч чолғу асбобида, бошланғич ва тугалланувчи қисмлари эса бутун оркестрдаги ҳамма чолғу асбобларда ижро этилган.

ТРИОЛЬ (лот. tres — сўздан) — уч нотадан тузилган махсус ритмик шакл бўлиб, бунинг узунлик миқдори шу турдаги, одатда икки нотага тенг. Т. курсивда ёзилган 3 рақами билан курсатилади. Баъзан шу рақами уст ё остидан квадрат қавс қўйлади:




Ўзбек халқ ашула ва макомларида оддий ноталар қаторида Т. лар ҳам келади.



ТРИТОН, УЧТОН (итал. triton — уч тондан тузилган) — тўрт поғона оралигида хажман уч бутун тонга тенг бўлган интервал, яъни *оргтирилган* кварта ва бунинг айлантирилишидан ҳосил бўлган *камайтирилган* квинта. Бу интервал диссонансланувчи интерваллар тудасига кириб, нотурғунлиги билан лад таранглигини кескин оширади. Мажор-минор лад системасида Т. IV ва VII поғоналар оралигида келади.




ТРОМБОН (итал. trombone — кагга труба) — муидшукли пуфлама мис чолпу асбоб. 15-асрдан бери маълум. Т. да қайрилиб келган 15 мм ли шашнинг умумий узунлиги 3 метр бўлиб, тугалланиши киеми — раструби тобора кенгайиб боради. Т. нинг *чугромбон* деб аталган чузилувчи ва вентилли турлари бор. Сопранодан — контрабасгача бўлган 6 турли Т. бор. Ҳозирги вақтда тенор, бас ва тенорбас Т. лар қўлланилади. Т. нинг баъзи тур-



Трамбон

ларига *квартавентиль* деб аталувчи махсус қўшимча қўшилади, бунинг ёрдамида Т. садоси кварта пасаяди. *Тенор* — бас Т. нинг овоз ҳажми контроктавадаги *сольдан* иккинчи октавадаги *фага* қадар. Т. да ижро этиш санъати жуда тараққий қилган. Тембри ёркин, сурдинна ёрдамида юмшоқлаштирилади. Симфоник оркестрида кунроқ уч Т. қўлланилади. Т. партияси партитурада трубадан сўнг (пастда) ёзилади. Т. нинг умумий узунлиги 1200 мм. Ўзбекистон композиторлари ўзбек халқ чолғу асбобларидан карнай товушини бериш учун симфоник оркестрида Т. дан фойдаланадилар.

ТРУБА (итал. tromba) — мундштук билан чалинадиган пуфлама мис чолғу асбоб. Т. қадим замонлардан бери маълум ва узок вақт табиий чолғу асбоби бўлиб келган. Вентилли хроматик Т. 19-асрнинг иккинчи чорагидан қўлланган. Т. нинг уч тури бор: Т. пикколо (катта терция ва соф кварта юқори), альт Т. (катта терция ва соф кварта паст), бас Т. (октава паст) лардир. Т. сибемоль (in B) созида қўлланиладиги, ёзилганга нисбатан бир бутун тон паст садо беради; овоз ҳажми кичик октавадаги *ми* дан учинчи октавадаги *дога* қадар. Ноталар скрипка калитида, белгиларисиз эштилшинга нисбатан бир бутун тон юқори ёзилади: тембри ёркин, чиройлидир. Сурдинна ёрдамида садоси бирмунча юмшоқлаштирилади ва характери узгаради. Т. (мундштук-



Труба

сиз) 465–470 мм, диаметри 11 мм атрофида. Т. симфоник оркестрда 2 ё 3 та бўлиб, уларда пуфлава мис чолғу асбобларидаги энг юкори садолар ижро этилади. Духовой оркестрда эса Т юкориги садоларни бажаради. Т. ноталари симфоник оркестр партитурасида валторна ва тромбонлар уртасида ёзилади.

ТРУБАДУР, ТРУВЕР (фр. *troubadour*) — 12–13-асрлар Франциясининг шoir-ашулачилари; булар рицарь ва сеньорлардан бўлганидек, оддий халқдан ҳам бўлган. Т лар бирор чолғу асбоби журлигида кўпрок ишқий-лирик ашулалар ижро этганлар.


ТРУППА (нем. *truppe*, фр. *troupe*) — драматик ё опера театрида актёрлар состави.

ТУБА (итал. ва лот. *tuba* — труба) — мундштук билан чалинадиган пуфлама мис чолғу асбоб. пуфлама мис чолғу асбоблар ичида энг пастки садоларни беради. *Квартвентиль* деб аталувчи турт вентиль ёрдамида натурал товушлар ярим, бутун, бир ярим ва икки тон пасайтирилади. Т. шнг овоз лажми контроктавадаги додан биринчи октавадаги фага кадар. Ноталар бас калитида эшитилганидек ёзилади. Т. садоси жуда кучли; керак бўлганда бахимали товушларни бериши ҳам мумкин. Симфоник оркестрда бир-икки Т. бўлиб, мис пуфлама чолғу асбобларидаги бас садоларини чалади; партитурада Т. ноталари пуфлама мис чолғу асбобларининг пасткида ёзилади.

ТУЛУМ - Озарбайжонда волынка шу ном билан аталади.

ТУЛЪЯК (эст. *tuljak, tuli* — олоқ) — эстон халқ рақси. Бу рақс кўпрок шаҳар халки орасида тарқалган. Мусика улчови 4, жонли сурьатда, хазилона тарзда ижро қилинади.

ТҮРК АВЖИ Шаймақомнинг ашула киеми шўъбаларида келадиган катта авж бўлиб, намуд вазифасини бажаради, лекин маълум бир шўъбадан олннмайди. *Авжи түрк* деб ҳам аталади.




Туба

ТУРОҚ — икки ё бир неча бўғшдан тузилган шеърнинг энг кичик қисми. Баъзан бу атама куйнинг тактга бўлган ҳолатини курсатши учун мусиқа назариясида ҳам қўлланилади. Куйдаги туроқ тактнинг кучли хисасида келган мавқенга қараб турлича аниқланади. Агар кучсиздан кучли томон ҳаракатда бўлса — ямб, аксинча кучлидан кучсиз томон ҳаракатда бўлса — *хорей*, кучсиздан кучлигача, ва яна кучсиз томон ҳаракатда бўлса — *амфибрихий* бўлади.

ТУТТИ (итал. tutti — ҳамма) мусиқа асарининг оркестрдаги ҳамма мусикачилар ёки бутун хор томонидан ижро этилиши.

ТЮИДУК, ТУЙДУК — пуфлама ёгон туркман халқ чолғу асбоби.


ТУЛА БУЛМАГАН СЕНТАККОРД — квинта тони тушиб қолган сентаккорд.



ТУЛА БУЛМАГАН ТАКТ — мусиқа асари ё унинг айрим парчасининг биринчи такти тула булмаслиги, яъни шу асарнинг такт ўловидан кам бўлиши (қ. *Затакт*).

ТУЛА КАДАНС — асосий тони басда келиб, 1 ногона билан тугалланган гармоник ҳаракат (қ. *Каданс*).

ТҮРТИНЧИ ОКТАВА — температурацияланган товушқаторнинг бир қисми. Т. октава ноталари скрипка калитида ёзилади: *додан* нота йулининг юқориги бешинчи қўшимча чизик устидаги *сига* қадар бўлган товушлари киради. Қўшимча чизикларнинг куплигига ноталар учинчи октава юқорида чалинишини курсатувчи бел-



ги кўйилади. Т. октава ноталари етти погонани кўрсатувчи кичик лотинча харфлар устига кўйилган «4» рақами билан белгиланади (c^4 , d^4 , e^4 ва б.). Бу рақамлар тўрт кичик ёпиш чизиқлар билан ҳам алмаштирилиши мумкин (к. *Харфий курсаткич*).

ТУРТОВОЗЛИ ТУЗИЛМА — кўповозликларнинг тўрт овозда келиши. Т. т. кватрет ва аралаш хорда учрайди, гармония дарен ҳам Т. тузилмага асосланиб, вокал товушидаги номлар чолғу мусикасига кучирилади. Т. тузилмада энг юқориги овоз соприано, унинг тагидаги иккинчиси альт, тагидаги *тенор* ва энг пастки, тўртинчи овоз *бас* деб юритилади. Гармония кўрсаткичида соприано ва альтлар бир нота чизиғида (скрипка калитида), тенор ва баслар иккинчи нота чизиғида (*бас* калитида) ёзилади.



ТУХТАЛМА — аккордга хос бўлмаган бир товушнинг ўзидан илгари келган аккорд товушига уланиши. Бу товуш ўзидан сесқунда паст ё юқорида бўлган янги аккорд тонига кучади. Марағшу кўчиши ечилиш дейилади. Ечилиш кунрок пастга томон бу-

6-СИМФОНИЯ


П. Чайковский



лад. Юқорига ечилиш дярли ҳар вақт ярим тон кўтарилиши билан бўлади. Т. ва унинг ечилишини уч турли ҳолатда кузатилади: 1. Ҳозирланиш, яъни тўхталиш лозим бўлган товуш; 2. Тўхталма; 3. Ечилиш, яъни тўхтаган товушнинг ечилиши. Т. *фигурация*нинг бир элементиدير.

У

УВЕРТЮРА (фр. *ouverture* — бошлаш, муқаддима) — 1. Опера, балет, оратория, драма, кинофильм ва б. нинг бошланиши олдидан ижро этилувчи чолғу пьесаси бўлиб, оркестр учун ёзилди. 2. Соната шаклида оркестр учун ёзилган мусиқа асари. Саҳна асарлари учун ёзилган. У. кўпроқ шу асарнинг кескача мазмунини баён қилиб беради. У. даги мусиқа мавзулари кўпроқ шу ёзилган асардан олинди. 19-асрдан бошлаб концерт У. лари салмоқли урни ола бошладик. Бу маълум бир программа асосида яратилади. Буюк рус композитори П. И. Чайковскининг симфоник оркестр учун яратган «1812 йил» номи ташнади увертираси, кейинчалик Д. Д. Шостаковичнинг «Баирам У.» си ва б. машҳур. Духовой, халқ чолғу асбоблари оркестрлари учун ҳам У. яратилган. Одатда У. мўайян программали ном билан аталади (баъзан номсиз бўлиши ҳам мумкин), масалан: Р. Ҳамроев уз У. сини «Ёшлик байрами» деб атаган бўлса, С. Бобоев ва М. Тожиевлар ўз У. ларини «Баирам увертираси» деб атаганлар.



Уд

УД — юнонларнинг лираси каби Шарқ халқларида машҳур бўлган чолғу асбоби. Қадимий мусиқа назариялари, мусиқа ҳақидаги асарларда тор ва парда тузилиши уд чолғу асбоби асосида тўшунтирилган. Уднинг милодий I-асрда ҳам мавжудлиги аниқланган. 17-асрда яшаган олим Дарвишали Чангий ўзининг мусиқа рисола-сида уд чолғу асбобларнинг подшоси деб таъкидлайди. Чунки, уд-нинг мулойим, ёқимли товуши, овоз ҳажмининг кенглиги уни уша даврдаги бошқа чолғу асбоблардан ажратиб турар эди. Дарвеш-алининг ёзишича, уdda 12 жуфт созланувчи ипак тор булган. Ҳозир уд арман, ўзбек, тожик халқ созандалари орасида қўлланлиб кел-ляди.

УЗЗОЛ — Шашмақомдаги Бузрук мақомининг наср бўлимидаги Талқини У. ва Насри У. номли шўьбалар. Насри У. дан олинган Намуд, Намуди У. номи билан деярли ҳамма мақомнинг наср бу-лимида ишлатилади.

УЗЗОЛ НАМУДИ (намуди'уззол) — қ. *намуд*.

УЗЛУКСИЗ КАНОН — тугалланиши яна қайта бошлаш учун қулай бўлиб, узлуксиз куп марта қайтариш мумкин булган канон.

УЗУНЛИК, НОТА ЧЎЗИМИ — бир бутун такт ё такт ичидаги товушнинг чўзилиш миқдори бўлиб, у садо берувчи жисм тўлқин-ланишининг давомийлигига боғлиқ. Мусиқада қабул қилинган энг узун чўзим бутун нота. Бутун нота иккига бўлиш, сўнгра яна ик-кига бўлиш тартибида кичқа ноталарга бўлиниб боради.

УНДЕЦИМА (лот. undecima — ун биринчи) — ун бир поғона кенглигидаги интервал; октавага кварта интервали қушилишидан ҳосил булади ва 11 рақами билан кўрсатилади.



$$8 + 4 = 11$$

$$8 + 4 = 11$$

УНИСОН (итал. unisono — бир хил садо, товуш) — бир хил ба-ландликдаги икки (ё бир неча) товушнинг бир йула янграши. У икки товушнинг қайтариб чалинишидан ҳосил булганга кура, бу-нинг оралиғида тон ё ярим тон булмайди, шунга кура у *соф при-ма* деб аталади.

УНҚАТОР, ТОВУШҚАТОР — чолғу асбобида чалиниши ёки кя-ши овозида айтилиши мумкин бўлган қатор товушлар тизмаси. У юқори кўтарилаётган ёки қуйи тушайтган қатор товушлар тизма-сидан тузилади.


УРМА ЧОЛҒУ АСБОБЛАР — махсус болғача, калитча ва шу каби нарсалар билан уриш орқали товуш берадиган чолғу асбоблари. Булар: а) маълум баландликка эга бўлган (литаврлар, ксилофон, колокол ва бошқалар); б) баландлиги ноаниқ (катта-кичик барабанар, тарелка, учбурчак, там-там ва бошқалар) бўлиб, икки турга бўлиндилар. Урма чолғу асбобларининг жуда кўп турларини турли халқларда учратиш мумкин, масалан: ўзбек ва тожикларда дойра, ногора, дул, қошиқ, қайроқлар, уйғурларда *сафойил* ва бошқалар.

УСТА — 1. Халқ чолғу асбоблари ясовчи ва буларни тузатувчи хунарманд. Чолғу асбобларини яхши, чиройли ва нозик безаклар билан ясаган хунармандларнинг номларига — уста сўзи қушилиб айтилади. Масалан, Республикада хизмат курсатган санъат арбоби, машҳур Усмон Zufаров — *уста Усмон* номи билан халқ ўртасида танилган. 2. Кўп шогирд етиштирган ашулачи, созаанда ва бастакорлар ҳам уста (устоз) номи билан ҳурматланади.

УСУЛ ЗАРБ — шарқ халқлари мусиқасида ижронинг мураккаб йуллари. У. турли зарбларнинг тез-тез алмашиб келишидир. Ўзбек мусиқасининг турли жанрларида турлича У. лар қўлланилади. Халқ ашулаларида кўпроқ



каби содда У. лар қўлланилади. Мақом У. лари бирмунча мураккаб. Мақомлардаги бир хил ном билан юритиладиган турли куйларнинг усуллари бор; масалан, *Сақил* номи ҳамма мақомнинг мушклот қисмида учрайди. Булар турли куйлардан тузилган бўлишларидан қатъи назар, усуллари бир хил. *Рақс мусиқасининг* усуллари эса бой, мураккаб ва ранг-барангдир. Рақс усуллари дойра ва ногораларда ижро қилинади.




УСУЛИ ЛАНГ — аралаш ўлчовда ё бир оз бузилган усул

УСУЛИ КАЙТАРМА — ўзбек рақсларида кенг фойдаланиладиган доира усули (313-бетдаги 3-потага қаранг)

УСУЛИ ҚОРАЗАНГ — ўзбек рақсбоп доира усули:




УСУЛИ ХАККОНИЙ — ўзбек рақсларида кенг учрайдиган доира усули.



УФАР, УФОР — 1. Енгил рақс мусикаси ё доира усули.
2. Шашмаком наер бўлимининг энг охирида келадиган рақелни ашула; доим $\frac{3}{4}$ ўлчовида келиб, доира усули қуйидагича:

Хоразм макомларида эса хар бир макомнинг чергим ва айтим бўлимлари У. билан тугалланади: хар икки бўлимдаги У. $\frac{3}{8}$ ўлчовида бўлиб, чоғлу бўлимидаги У. нинг доира зарбни




ашула бўлимидагиси эса

зилган уч қисқа чизиклар билан ҳам алмаштирилшини мумкин (к. *Ҳарфий кўрсаткич*).


УЧЛИҚ ТАРКИБ — симфоник оркестрдаги пуфлама ёғоч чолғу асбобларининг сонига кура тузилган оркестр таркиби; иккитаси асосий (2 катта флейта, 2 кларнет, 4 гобой, 2 фагот) ва биттадан буларнинг турлари (кичик флейта инглиз бурғуси, бас-кларнет, контрафагот) бўлади. Шу тартибда пуфлама мис чолғу тўдаси ҳам ортади (4—6 валторна, 3—4 труба, 3 тромбон, труба ва б.).

УЧЛИҚ ФУГА — учта оддий бир овозли мавзудан тузилган fuga бўлиб, булар контрапункт ҳолатида бир йўла уч овозда эшитилади; мавзулар навбат билан уч экспозицияда келиб, сўнг контрапункт тартибида бир экспозицияда қўшиладилар. Бу қўшилишда дастлаб биринчи асосий мавзу, сўнг бунга жавобан келган мавзулар бир йўла қўшилади.

УЧТОВУШЛИҚ — терция бўйича тақсим қилиниши мумкин бўлган садолардан тузилган аккорд, масалан, *до-ми-соль, ре-фа-ля, ми-соль диэз-си* ва б. У. нинг (асосий ҳолатда пастгиси) биринчисини *асосий*, иккинчисини *терция*, юқоригиси, учинчисини *квинта тони* дейилади. Буларни тартиби билан 1, 3 ва 5 рақамлари билан курсатилади.




Бу товушлар ўрни алмашиб келиши мумкин, лекин бу билан номлари ўзгармайди.



У. бир квинта ҳосил қилувчи икки терциядан тузилади. Терцияларнинг турлича келишига кура У. лар *катта*, *кичик*, *орртирилган* ва *камайтирилган* бўлади. Катта У. ни ҳосил қилган терцияларнинг биринчисини (пастдагисини) катта, иккинчисини кичик терция ва умумий йигиндиси *соф квинта* бўлади. Катта У. *мажор учтовушлиги* дейилади. Кичик У. ни ҳосил қилган терцияларининг биринчисини (пастдагисини) кичик, иккинчисини катта терция ва умумий йигиндиси *соф квинта* бўлади. Кичик У. ни *минор учтовушлиги* дейилади. Оррти-


рилган У. ни ҳосил қилган терцияларнинг ҳар иккиси ҳам катта терция ва умумий йиғиндиси *орттирилган квинта* бўлади. Камайғирилган У. ни ҳосил қилган терцияларнинг ҳар иккиси ҳам кичик терция ва умумий йиғиндиси *камайтирилган квинта* бўлади.



У. ни тоналликдаги исталган поғонадан тузиш мумкин. Бу поғона У. нинг асосий тони бўлиб, терция ва квинта тонлари шу тоналликдаги поғоналардан тузилади. Ҳар бир У. уч турда келиши мумкин. Агар У. нинг асосий тони басда келса *асосий У.* (одатда учтовушлик) деб аталади, агар терция тони басда келса, биринчи айланмаси бўлиб, *секстаккорд* деб аталади. Секстаккорд «6» рақами билан кўрсатилади. Агар У. нинг квинта тони басда келса, иккинчи айланмаси бўлиб, бу *квартсекстаккорд* деб аталади. Квартсекстаккорд 6_4 рақамлари билан кўрсатилади.



УШШОК — 1. 13—17-асрларда Ўрта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқлари ўртасида кенг тарқалган 12 мақомнинг биринчиси. Бу мақомнинг товушқатори ҳозирги ёзилишда *миксолидай* ладига тўғри келади.



2. Рост мақомнинг мушқилот ва насл бўлимларида келадиган асосий куйлардан. Рост мақомининг мушқилот бўлимида *Мухаммаси У.*, насл бўлимининг биринчи гуруҳ шўбаларида *Талқини У.*, *Насри У.*, *Ўфари У.* лар учрайди. Иккинчи гуруҳ шўбаларида эса *Савти У.* уз шохобчалари билан келади. У. нинг дойра усуллари асосий номларига қўра, яъни *Мухаммаси У.* — мухаммас усулида, *Талқини У.* — талқин усулида, *Насри У.* — насл усулида келади.

3. Тошкент—Фарғона ваҳоларида кенг тарқалган ашула йўллари-дан. Бундай У. ларнинг кўп вариантлари халқ ўртасида кенг тар-

қалган. Мулла Туйчи Тошмухамедов (Туйчи ҳофиз) йўли, Самарқанд У. и (Ҳожи Абдулазиз йўли), Қуқон У. и, У. и Содирхон ва катга ашула йўлида айтиладиган Ушшоқ (Еввойн Ушшоқ).

УШШОҚИ СОДИРХОН, СОДИРХОН УШШОҒИ — қ. *Ушшоқ*.

Ф

ФА — асосий етти поғонадан бирининг номи булиб, ҳарфий белгиси *F* ёки *f* (эф) дир; диатоник *до мажор* тоналлиги товушқаторининг тўртинчи поғонаси.

ФАГОТ (итал. *fagotto* — тугун, боғлама) — пуфлама ёғоч чолғу асбоби; қайрилган узун трубага клапанлар ўрнаштирилган; «тилли» гобойдагидек. Ф. нинг икки асосий тури бор; бири *оддий*, иккинчиси *контрафагот*. Ф. 16-асрдан бошлаб қўлланган; у заранг дарахтидан ясалади; найларнинг умумий узунлиги 2,5 метр; ўзи 1350 мм. 25—30 га яқин тешикчаси бор, шундан 5—6 таси бармоқлар билан беркитилиб, қолганлари клапанликдир. Ф. оркестрда 18-асрнинг биринчи ярмидан бошлаб қўлланила бошланди. Овоз ҳажми кенг (қарийб 3,5 октавага бориб етади), контроктавадаги *сибемоль*дан иккиччи октавадаги *мига* қадар.




Ноталари бас ва тенор калитларида, эшитилишига биноан ёзилади. Ф. нинг тембри ўзгача бўлиб пўнгиллаб чиқувчи товушни эслатади. Симфоник оркестрда икки (баъзан уч) Ф. қўлланилади. Оркестрдаги пастки товушларни янада мустахкамлаш учун композиторлар контрафаготдан ҳам фойдаланадилар. Айрим вақтларда субконтрафагот қўлланиладиги, бу контрафаготга нисбатан октава паст товуш беради. Партитурада Ф. ноталари кларнет партиялари тагига, яъни пуфлама ёғоч чолғу асбоблари гуруҳининг энг пастига ёзилади.




Фагот


ФА-ДИЕЗ МАЖОР — тоникаси фа-диез бўлган мажор тоналлиги бўлиб, *Fis-dur* (фис-дур) деб ёзилади; калит олдидан 6 та диез (*фа-диез, до-диез, соль-диез, ре-диез, ля-диез* ва *ми-диез*) бор.




Баъзан мазкур тоналликда ёзилган айрим чолғу пьесалари унинг номи билан аталади. Асосий аккорди *фа-диез* нотасидан тузилган мажор (катта) учтовушлигидан иборат бўлиб, булар *фа-диез* — *ля-диез* ва *до-диез* товушларидан тузилади. Бу *фа-диез* мажорнинг тоника, яъни I поғона учтовушлигидир. Эшитилиши бўйича *соль-бемоль мажор* (*Ges-dur*) га тенг, яъни булар энгармоник тенг тоналликдир.



Калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади:




ФА-ДИЕЗ-МИНОР — тоникаси фа-диез бўлган минор тоналлиги *fis-moll* (фис-молль); калитолдида учта диез (*фа-диез, до-диез* ва *соль-диез*) бор.




Тиббий Ф.-диез-минорнинг VII поғонаси ярим тон кўтарилса *гармоник*, VI ва VII поғоналари кўтарилса — *мелодик минор* бўлади. Баъзан мазкур тоналликда ёзилган айрим чолғу пьесалар унинг номи билан аталади. Асосий аккорди *фа-диез* нотасидан тузилган минор учтовушлигидан иборат бўлиб, булар *фа-диез, ля* ва *до-диез* товушларидир. Бу *фа-диез* минорнинг тоника, яъни биринчи поғона учтовушлигидир.

Калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади.




ФАЛЬЦЕТ (итал. *falselto* — сохта, ясама) — эркаклар овозига хос энг юқори (ингичка) регистр. Ф. да товуш богичлари (связка) торайиб, бунинг оралигида тешик пайдо бўлади. Шунинг учун Ф. нинг кучи кам бўлиб, обертоллари оз ва юмшоқ эшитилади. Ф. суябий оҳанглари ва ўзига хос тембри билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам товушни алоҳида тембрда бериш вақтида Ф. қўлланади.


ФА МАЖОР — тоникаси *фа* бўлган мажор тоналлиги F-dur (эф — дур); калит олдида битта бемоль (*си-бемоль*) бор.




Баъзан мазкур тоналликда ёзилган айрим чолғу пьесалар шу ном билан аталади. Асосий аккорди *фа* нотасидан тузилган мажор учтовушлиги (*фа-ля-до*) дан тузилади. Бу *фа* мажорнинг тоника, яъни I поғона учтовушлигидир. Калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади.



ФА МИНОР — тоникаси *фа* бўлган минор тоналлиги f-moll (эф-молль); калит олдида 4 та бемоль (*си-бемоль, ми-бемоль, ля-бемоль* ва *ре-бемоль*) бор.




Табий Ф. минорнинг VII поғонаси ярим тон кўтарилса — *гармоник*, VI ва VII поғоналари кўтарилса — *мелодик минор* бўлади. Калитолди белгилари бас калитида қуйидагича ёзилади.



ФАНДАНГО (исп. *fandango*) — испан халқ рақси. Мусиқа ўл-
21—2379

чови $\frac{1}{8}$, баъзан $\frac{3}{4}$ да келади. Рақс салмоқли суръатда, бир жуфтдан бўлиб гитара журлигида ижро этилади. Ф. да хогин-қизлар вазмин, эркаклар эса, аксинча, тетик, жўшиб ижро эгадилар. 18-аср охириларидан бошлаб Ф. балет саҳналарида урин эгаллай бошлади.

ФАНСЯН — хитой халқ чолғу асбоби. Расмда курсатилганидек, Ф. да егоч рамкага қатор бир текис узунликда ва турли қалинликда бўлган темир ёки ясен тош парчалари — пластинкалар урнатирилган бўлади. Булардан турлича баланд-паст товушлар чиқади ва маълум мусика товушқатори ҳосил бўлади. Пластинкаларнинг узунлиги 230—260 мм, кенлиги 50—60 мм. Энг пастки товуш берадиган пластинканинг қалинлиги 10 мм атрофида. 18-асрда Ф. халқ уртасида жуда кенг тарқалган. «Яньюе» («нифис мусика») номли билан аталган сарон оркестрларида қулланилади.





Фансян

ФАНТАЗИЯ (юн. phantasia — тасаввур этни, хаёл қилиш) — эркин шаклда ёзилган чолғу асари, пьеса. Ф. мусиқада камер жанри ҳолатида майдонга келди. Дастлабки даврда Ф. бадиха (импровизация) характерда, эркин шаклда бўлган; кўпроқ орган ё клавишлар учун яратилган; 19-асрдан бошлаб фортепиано учун ёзилган, маҳорат билан ижро қилинадиган пьесаларни Ф. деб аташ бошландилар. Ф. бошқа муаллифлар мавзусида ҳам ёзилган. Атоқли венгер композитори, мохир пианист ва дирижёр Ф. Листнинг «Риголетто», (Ж. Верди), «Фигаронинг уйланиши» ва «Дон-Жуан» (В. Моцарт) опералари асосидаги Ф. лари машҳурдир. Бу даврда Ф. нинг симфоник оркестр жўрлигида ёлғиз бирор чолғу асбоби (кўпроқ скрипка, фортепиано) учун ёзилган турлари пайдо бўлди. Н. Римский-Корсаковнинг симфоник оркестр билан скрипка учун ёзган рус халқ ашулалари мавзусидаги Ф. си, П. Чайковскийнинг симфоник оркестр билан фортепиано учун ёзган Концерт Ф. си, шу шунингдек, Ф. Шопен, Ф. Лист ва бошқа композиторларнинг шу турдаги Ф. лари машҳурдир; оркестр учун ёзилган маълум бир проگرامмадаги йирик симфоник Ф. лар ҳам пайдо бўлди. Немис композитори Л. Бетховеннинг фортепиано, хор ва оркестр учун яратган Ф. си алоҳида урин эгаллайди. Ф. учун асос бўлган мавзулар вариацион тартибда ишланган халқ ашулалари, рақслари, опера ва б. лардан эркин ҳолда олинishi мумкин. Симфоник Ф. асосий жанр ҳисобланади.

ФАНФАРА (фр. fanfare) — 1. Пуфлама мис чолғу асбоби бўлиб, вентилсиз трубанинг узайтирилганидир; товушқатори табиий, Ф. одатда сигнал учун қўлланилади. 2. Тантанали ёки ҳарбий характердаги карнай сигнали. Энг оддий Ф. садоси мажор учтовушлигида бўлиб, буни натурал (вентилсиз) пуфлама мис чолғу асбобларида чалиши мумкин. Икки овозли Ф. лар учун секста, квинта ва терция интервалларининг алмашиб туриши характерлидир. Ф. мавзулари опера, симфония ва б. йирик мусиқа асарларида кўп учрайди.

ФРАНДОЛА (фр. farandole) — француз қадимий халқ хоро-вод уйиши (рақси). Мусиқа уллови узгарувчан 2_4 ва 6_8 . Суръати тез ва жонли бўлиб, салмоқли суръат билан алмашиб туради. Ф. одатда флейта ва донра туридаги халқ чолғу асбоблари жўрлигида ижро этилади.

ФАРЁД — 1. Ашула шеърига деярли алоҳаси бўлмаган бир чўзгилли унли харф ёки «войдодей», «ёрай» каби сўзларда ижро қилиш (одатда кўпроқ ашула тугалланишида ижро қилинади). 2. Хоразм Наво мақомининг айтим бўлимидаги «Насри баёт» нинг иккинчи номи.

ФЕРМАТА (итал. *fermata* — тўхташ, тўхтаб туриш) — нота ва паузаларнинг узунлик миқдорини нисбатанча чузиш учун қўлланадиган махсус белги; у  ёки  шаклида бўлиб,

нота ва паузаларнинг уст ё остига қўйилади. Ф. белгиси қўйилган нота, аккорд ва паузаларнинг чўзилиш миқдори ижрочига, унинг диди ва маҳоратига боғлиқ

ЖУЛИП
(Ўзбек катта ашуласи)



ФЕСТИВАЛЬ (инг. ва фр. *festival*, лот. *festivus* — хушчақчақлик, байрам) — катта маданият ва санъат байрами, мусиқа санъати куриги, конкурси ва б. Байрам кунларида бадний чиқишлар, республикалараро, ҳатто дунё бўйича мусиқа, хореография ва б. Ф. лар утқазилади. Масалан, 1935 йил Лондонда дунё халқларининг рақс Ф. утқазилди. Бу Ф. да Ўзбекистон санъат арбобларидан Тамара-хоним (рақс), Уста Олим Қомиллов (дойра), Тўхтасин Жалилов (ғижжак) ва Абдуқодир Исмоилов (най) лар қатнашиб, 2 та олтин медалига сазовор бўлдилар. 1947 йилдан расмийлаштирилган жаҳон ёшларининг халқаро Ф. лари ҳар икки-уч йилда утқазилиб, ёшлар ўртасидаги дўстликни, ҳамкорликни мустаҳкамламоқда. Жаҳон ёшларининг биринчи Ф. и ўша йили Прагада бўлди.

ФИЛАРМОНИЯ (юн. *philos* — дўст, тарафдор, — *harmonia* — гармония) — юксак бадний мусиқа асарлари ва ижрочилик санъатини тарғиб этувчи концерт ташкилоти.


Республикамиздаги М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат Ф. си 1936 йили ташкил қилинган; бу концерт ташкилоти қошида симфоник ва ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрлари, хор (а, капелла), ўзбек ашула ва рақс ансамбли. «Баҳор» номли хотин-қизлар давлат рақс ансамбли. «Гўзал», «Шодлик», «Тазги» ансамбллари ва яққохон ижрочилар ижодий ижрочилик ва мусиқавий-тарғибот ишларини олиб борадилар. Ф. ўзининг донми ижрочилик жамоаларидан ташқари, бошқа шаҳар, республикалардан турли ижрочи санъат усталари ва жамоаларини таклиф қилиб, концертлар уюштиради.

ФИНАЛ (итал. *finale*, лат. *finis* — хотима) — симфония, соната, концерт, трио, квартет ва шу каби кўп қисмли мусиқа асарларининг охириги қисми. Шунингдек, опера, мусиқали драма, оперетта, балет каби сахна асарларининг охириги куриниши ё айрим актининг тугаллашини.

ФИСГАРМОНИЯ (юн. *phusa* — дам, босқон, *harmonia* — гармония) — гармоника туридаги клавишли чолғу асбоб. Ф. нинг гармоникадан фарқи ижро этилишидадир. Ф. ни ижро этувчи оёқлари билан педални босиб, махсус босқонга ҳаво тўплайди. Ф. нинг ташқи кўриниши пианино ва челестани эслатади; у 19-асрда ишланган. Ҳозирги вақтда Ф. нинг катта-кичик турлари мавжуд; баъзан улар бир неча клавиатуралар билан таъминланади.

ФЛАЖОЛЕТ (фр. *flageolet* — найча) — 1. Найга ўхшаш ва шу шаклдаги пуфлама чолғу асбоб. Ф. да 6 та ён тешикчалар бор. Ф. кўпроқ Францияда тарқалган; 19-аср бошларида Ф. қайта ишланиб, опера ва симфоник оркестрларига қўйилади. 2. Торли чолғу асбобларда бармоқни торлар устидан енгил босиш йўли билан ниҳоятда ингичка товуш чиқариш. Бундай ҳолда ҳуштак товушидек садо эинтилади. Чолғу асбобини Ф. йули билан чалиш лозим бўлса ноталар устига \ominus ёки \triangleright белгиси қўйилади. Ф. кўпроқ камонча билан чалинадиган чолғу асбобларда, баъзан, тирнама чолғу асбоблардан арфада қўлланилади. 3. Илгарни кичик флейта Ф. номи билан аталар эди.

ФЛЕЙТА (итал. *flauto*, лот. *flatus* — шамол, шамол эсини) — пуфлама ёғоч чолғу асбоби бўлиб, махсус ёғочдан най шаклида ишланади; баъзан металлдан, ҳатто, ойнадан ҳам ясалади. Ф. най чалгандек чалинади. Бармоқлар билан беркитиладиган тешиклардан таниқари ҳар доим берк турувчи (керак вақтларда очилувчи) клапанли механизмлари бор. Ф. нинг тўрт тури бор: катта Ф., кичик Ф., альт Ф. ва бас Ф. Катта Ф. (итал. *flauto grande*) асосий бўлиб, бунинг овоз ҳажми уч октавага бориб етади (кичик октавадаги *си* ё биринчи октавадаги *до*дан тўртинчи октавадаги *до*га қадар ва ундан ҳам юқорироқ бўлиши мумкин). Ноталар скрипка калитида эинтилгани бўйича ёзилади. Тембри очик, равшан, юқори товушларда эса кескин. Ф. да ижро этилиши му-



Флейта

раккаб булган мусиқа асарини енгиллик билан чалиш мумкин; симфоник ва духовон оркестрларда қўлланилади; пуфлама ёғоч чолғу асбоблари билан турли камер ансамблларга ҳам киритилади. Симфоник оркестрда катта-кичиклигига қараб бирдан туртtagача Ф булади. *Ф. пикколо* деб аталувчи кичик Ф. нинг овоз хажми (ёзилиши буйича) биринчи октавадаги *редан* учинчи октавадаги *си-бемольга* қадар бўлиб, октава юқори садо беради. Альт Ф. нинг овоз хажми (ёзилиши буйича) биринчи октавадаги *до* дан учинчи октавадаги *фага* қадар бўлиб, кварта ё квинта паст садо беради. Бас Ф. нинг овоз хажми (ёзилиши буйича) кичик октавадаги *си* дан учинчи октавадаги *фага* қадар бўлиб, октава паст садо беради.

ФЛЕЙТА пикколо — кичик флейта. қ. *Флейта*.

ФЛЮЕР — найга ўхшаш, молдавон халқ пуфлама чолғу асбоби.

ФОКСТРОТ (инг. foxtrot — тез юриш) — 1912 йили Америкада пайдо булган салон рақси; биринчи жаҳон урушидан сунг Европада кенг тарқалди. Мусиқа уллови 4. Ф. учун синкопали ритм, бир текис юриш характерли. 1920 йил ўргаларнда *квик-Ф.* номи тез пайдо булди; унга қадар бўлган Ф. ни *слоу-Ф.*, яъни оғир (салмоқли) Ф. деб атай бошлайдилар. Ф. жаз мусиқасининг типик шакли.

ФОЛЬКЛОР (инг. folk — халқ, lore — билим, халқ билими, халқ донишмандлиги) — оғзаки халқ адабиёти ва мусиқа ижодиёти. қ. *Халқ мусикаси*.

ФОЛЬКЛОРИСТ, ФОЛЬКЛОР — фольклор асарларини тупловчи ва шунинг урганиши билан шуғулланувчи олим.

ФОНОГРАФ (юн phone — товуш, овоз, суз ва grapho — ёзма) — 1877 йили Т. Эдиссон (АҚШ) томонидан яратилган товуш ёзувчи ва эшиттирувчи аппарат; Россияда ўтган аср охирида фольклор экспедицияларида қўллани бошладилар. Кейинчалик Ф. асосида граммофон ва бошқа шу каби ёзув асбоблари пайдо була бошлайди.

ФОРТЕ (итал. forte — қаттиқ, кучли) — товуш кучини кўрсатувчи асосий белгилардан бири; f ҳарфи билан кўрсатилади. (қ. *Динамик туслар*).

ФОРТЕПИАНО (итал. forte-piano қаттиқ-секин) — торли-клавишли урма чолғу асбоби; Италияда Бартоломео Кристофори (1709—1711 йилларда) уриб чалинадиган механизмларни ўйлаб топиб, ясаган. Унга қадар мавжуд бўлган клавишли клавесинга нисбатан ижро этишдаги техник қулайликларнинг кенгайиши, динамик имконият тугилиши Ф. нинг кенг тарқалишига сабаб бўлди; клавишида товушлар торларни тирнаш йўсинида олинса, Ф. да торларга ёғоч болгачалар билан урилиб олинади; товушлар фақат узоқ муддат ҳўзилиш имкониятига эга бўлибгина қолмай, жуда секиндан жу-

да қаттиққа қадар турли товушлар олиш имконияти бор. Ф. 18-асрнинг охирларига келиб клавесини ва клавикордларни деярли бутунлай амалиётдан чиқаради; 19-асрнинг урталарига қадар мукаммаллаштирилади. Ф. да хроматик тартибда товуш берувчи 90 дан ортиқ тор бор; торлар садоси чандан ўнгга гомон баландлашиб боради. Паст ва урта садо берувчи торлар йугои симлардан бўлиб, энг пастки садолари биттадан; урта садоларда иккитадан (булар унисон соланади) ва юкори садоларда учтадан (бу ҳар учала тор унисон соланади) бўлади. Керакли клавишлар босилиши билан шунга хос болгачалар симга урилади ва садо беради. Бармоқлар клавишдан кўтарилиши билан демпферлар товуш чўзимини тухтатади. Пастдан чап педални оёқ билан босилса садо кучи пасаяди. Ўнг педални босилганида садо чўзилади ва кучаяди. Ф. да якка овоздан куповозли турли мураккаб аккордларни чалиш имконияти бор; ҳажми етти октавани ўз ичига олади, яъни субконтроктавадаги лядан — туртинчи октавадаги ляга қадар. Баъзи Ф. дианазони пастда субконтроктавадаги *фадан* юкорида бешинчи октавадаги *дога* қадар бўлади. Шунга кўра, Ф. дан якка ансамблда ва оркестрда кенг фойдаланадилар. Ҳозирги вақтда Ф. нинг икки тури, яъни *рояль* ва *пианино* кенг тарқалган.

ФОРТЕПИАНО АНСАМБЛИ — икки фортепианодан тузилган ансамбль (*к. Фортепиано дуэти*) ва фортепиано ҳамда турлича чолғу асбобларидан тузилган *трио*, *квартет*, *квинтет* ва б. камер ансамбллар.

ФОРТЕПИАНО ДУЭТИ — 1. Икки фортепианода ижро этишга мувожазлаб ёзилган мусиқа асари. 2. Икки пианиночидан тузилган ансамбль.

ФОРТЕПИАНО КВАРТЕТИ — 1. Скрипка, альт, виолончель ва фортепианодан тузилган камер ансамбли бўлиб, камдан-кам қўлланилади. 2. Соната шакли циклида мазкур ансамбль учун яратилган мусиқа асари.

ФОРТЕПИАНО КВИНТЕТИ — 1. Торли камонча билан чалинадиган тўрт чолғу асбоби (биринчи ва иккинчи скрипка, альт, виолончель) ва фортепианодан тузилган камер ансамбли. Ф. квинтети бошқа чолғу асбоблардан ҳам тузилиши мумкин. 2. Соната шакли циклида мазкур ансамбль учун яратилган мусиқа асари.

ФОРТЕПИАНО ТРИОСИ — *қ. Трио*.

ФОРТИССИМО (итал. fortissimo -- оширма даража) — *к. Динамик туслар*.

ФОРШЛАГ (нем. vorschlag — олдиндан, босим олдиндан уриш) кичик нотачалар билан курсатилган бир ёки бир неча товуш бўлиб, бунинг узунлик миқдори такт улчовига кирмайди. Ф.

нинг ижроси ўздан сўнг келган одатдаги асосий нота билан боғлашиб келади; ўзига қўшни нотанинг узунлик микдорини қисқартириш ҳисобига ижро этилади. Қисқа ёки устидан чизилган Ф. тез ва ўздан илгариги нота ҳисобида ижро этилади.




Узун ёки устидан чизилмаган Ф. ўздан сўнг келган нота узунлиги ҳисобидан олинади.



Ф. ўзбек халқ ашула ва мақомларида тез-тез учраб туради

“НАВО” ДАН
ЎЗБЕК ХАЛҚ МУЗИКАСИ




ФРАГМЕНТ (лот. fragmentum — бир булак, парча) — бирор мусиқа асаридан фрагмент, парча.

ФРАЗА (юн. phrase — жумла, ибора) — 1. Мусиқа шакли элементи, яъни бир неча оҳанглarning қўшилиб келиши. 2. Мусиқа шаклининг маълум даражада тугалланган, унча катта булмаган мусиқа жумласи.

ФРАЗИРОВКА — мусиқа асари ижросида айрим жумлаларни аниқ, бадиий бўрттириб бериш; ҳар бир ижрочи (чолғучи ё ашулачи) нинг ўзига хос ижро услуби ва характери, яъни Ф. си бўлади.

ФРИГИЙ ЛАДИ — Урта аср ладларидан; товушкатори табиий минор лади товушкатори II поғонасининг ярим тон пасайиши билан ажралади. Натижада тоника билан катта секунда эмас, *фригий секундаси* деб аталувчи кичик секунда ҳосил қилади. Ф. ладини ташкил қилган ҳар икки тетраорд бир турлидир:



ФРИГИЙ СЕКУНДАСИ — 1. Фригий ладнинг I ва II погоналаридан ҳосил булган интервал. 2. Табийий минор лади II погонасининг ярим тон пасайгани.

ФУГА (лот. fuga — югурши) — полифоник шаклда тузилган мусиқа асари. Бир, баъзан икки ё уч мавзу бадиҳа тарзида матлум тоналликларда кенгайиб (ривожланиб) боради. Ф. полифониянинг энг юксак шаклидир. Ф. оддий (бир мавзули) ва мураккаб (икки, уч, баъзан эса тўрт мавзули) бўлиши мумкин; шунингдек овоз сонига қараб ҳам аниқланилади. Энг кенг тарқалган Ф. 3 ва 4 овозликларидир. Ф. нинг асосий (2-чи) қисми экспозиция булади. Экспозицияда дастлабки биринчи овоз мавзуси бош тоналликда, иккинчиси доминанта тоналлигида, учинчиси яна бош тоналликда келади (баъзи асарларда доминантадаги қисм субдоминанта тоналлигида ҳам келиши мумкин). Биринчи экспозициядан сунг иккинчиси (контрэкспозиция) келиб, бунда овозлар бошқача тартибда келади эки ривожлов қисми бошланади. Сунг одатдаги реприза қисми келади. Ривожлов қисмида мавзу турли тоналликларда (бош тоналликдан булак) келиб, тугаллиниши бош тоналликда булади. Ф. мавзуси матнли, эса қолувчи ва таъсирли бўлиб, ривожловида дастлабки бадний образ янги тусларда мукаммаллашиб боради. Ф. полифоник шаклда 17-асрдан бошлаб кулланила бошланиб, 18-асрнинг биринчи ярмида Н. С. Бах ва Г. Ф. Гендель ижодида юксак погоналарга кутарилади. Ф. мустақил бир асар шакли ҳолида фойдаланилганидек, чолгу шакллариинг бир қисми бўлиб ҳам келиши мумкин. (соната, симфония ва б.). Ўзгирок вокал-симфоник асарлар (кантата, оратория, опера ва б.) нинг айрим қисмлари ҳам шу шаклда ёзилиши мумкин.

ФУГАТО (итал. fugato, лот. fuga) — fuga экспозицияси тарзидаги мусиқа асари ёки йирик асар эпизоди; баъзан мустақил бир чолгу пьеса бўлиб ҳам келади. Қўпинча эса Ф. йирик (симфония, оратория каби) мусиқа асариинг бир бўлгани ривожланган бир булагидир.

ФУГЕТТА (итал. fughetta — кичик fuga) — фуганинг экспозицияси ҳажмига тўғри келадиган, эркин шаклли кичик пьеса.

ФУНКЦИЯ — к. *Гармоник функция.*

ФУРУЙЯ — қушпай тузилишидаги венгер халқ пуфлама чолғу асбоби. Ф. нинг икки хили бор: бири узун бўлиб, наст-баланд товушлар чиқариш учун найдагидек бешта тешикчаси бор; узунлиги 900—1000 мм. Иккинчиси қисқа бўлиб, бушнинг олтига тешиги бор; узунлиги 300—600 мм, заранг дарахтидан, баъзан мисдан ياسалади. Венгрияда Ф халқ чолғу асбоблари оркестри таркибидан урин олган.

X

ХАБАНЕРА (исп habanera) — қушиқ билан (ёки қушиқсиз) ижро этиладиган испан халқ рақси; асли Кубадан келиб чиққан. Мусиқа улчови ритмик тузилиши алоҳида характерга эга бўлиб, саккизинчи тактада акцент қилинади. Суръати салмоқли.

ХАВАЛ, ГАВАЛ — 1. Барабан турида и Доғистон халқ чолғу асбоби 2. Озарбаижон ва Арманистонда қулланиладиган урма халқ чолғу асбоби. X. биздаги добра тузилишида (к. *Дэф*).

ХАЛЛИНГ (норв. holling) — эркаклар ижро қиладиган Норвегия халқ рақси. Одатда X. якка ҳолда ижро қилинади. Мусиқа улчови баъзан X. турли-камончали чолғу асбоб хардингфеле журлигида салмоқли суръатда ижро этилади. X. ни Швенияда ҳам учрагани мумкин.

ХАЛФА — Хоразмда шонра, созанда ва ашулачи хотин-қизлар.

ХАЛҚ АШУЛАЛАРИ — бадий халқ мусиқа бойликларининг турлари кун: эник, лирик, маросим, меҳнат, турли урф-одат, турмуш билан боғланган, тарихий ва б. Айрим X. ашулалари турли уйин ва рақслар билан боғланадик, бир овозли, икки овозли ва кун овозли бўлиши мумкин. Ёрта Осие халқларининг ашулалари асрлар давомида бир овозли ҳолда тараққий қилиб келган; чолғу асбоблари журлигида ва жүрсиз ижро этилади. Ўзбек халқининг мусиқа мероси *ашула, китга ашули* (патнис ашула) каби мукаммал асарларга бой.

X. ашулалари турли давр воқеаларига кура бирмунча узгариши, турли намуналари пайдо бўлиши мумкин. Бир халқ ашуласини бир неча ижрочи томонидан турлича ижро этилиши ҳам мумкин. Шу тариқа оммавийлашган ашулаларининг турли вариантлари юзага келади. Бир оҳангда турли сузлар айтилганидек, бир сузда бир неча куй ва ижро этиш мисоллари ҳам учрайди.

ХАЛҚ КОНСЕРВАТОРИЯСИ — Россияда ташкил қилинган

музиқа ўқув юрти; режали музиқа машғулоти, лекция, концертлар орқали кенг омма ўртасида музикани тарғиб этишни узига мақсад қилиб қўнган. Москвада бирипчи Х.к. 1906 и. ташкил қилинган; у халқ университетининг бир секцияси тариқасида иш олтб борган. Тошкентда Туркистон Х. консерваторияси 1918 й. ташкил тоиди. Сўнгра Х. консерваториялари Ўзбекистоннинг ҳамма йирик шаҳарларида очилди; уларга мавжуд консерваторияларининг тажрибали профессор, доцент ва педагоглари жалб қилинган.

ХАЛҚ МУСИКАСИ — халқларнинг чолғу ва вокал музика ижодиёти — музика фольклори. Х. музикаси халқларнинг турли меҳнат шариоитида, тарихий воқеаларда, хушчақчақ уйин-кулги ё музикаларида яратилиб, улоқ йиллар давомида силлиқланиб, авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб, сақланиб келган. Айрим номаълум ашулачи, созандалар томонидан яратилиб, йиллар давомида халқ ўртасида сайқал топиб, бадийлашган ва халқ ижодида қўшилиб кетган. Х. музикасининг энг муҳим тури халқ ашулаларидир. Х. музикаси асарлари якка ижрочи ё ҳаваскор жамоа, созанда ва ашулачилар ансамбли томонидан ижро этилганидек, профессионал халқ созанда ва ҳофизлари томонидан ҳам ижро этилади. Бундай халқ созанда, ашулачиларини — *бахши, оқин, достончи, ашуе, жириб* ва б. номлари бор. Утмин композиторлари ўз ижодиётларида доим Х. музикаси бойликларига мурожаат қилганлар. Класик музика асосчиларидан бири. «Музикани халқ яратади, биз санъаткорлар эса уни фақат аранжировка қиламиз, яъни қайта ишлаймиз», — деган эди.

Асрлар давомида тараққий қилиб келган ўзбек халқ музикасининг турли жанрлари тобора бадийлашмоқда. Ҳатто республикамиз областларидаги музикалар ҳам бир-бирларидан бир оз булсада фарқ қилади. Шунинг учун ҳам Фарғона музикаси, Хоразм музикаси, Бухоро музикаси деган атамалар қўлланилади (қ. *Музика этнографияси*).

ХАЛҚ РАҚСИ — халқ томонидан яратилиб, халқ турмушида тарқалган рақс. Ҳар бир халқнинг узига хос рақслари бор. Масалан, русларда — трепак, украинларда — казачок, гопак, италиянларда — гарантелла ва б. Ўзбек Х. рақслари «Гул уйин», «Катта уйин», «Занг», «Ноғора уйин» ва б. Рақс чолғу асбоблари журлигида ашула билан ёки қарсақ билан ижро этилиши мумкин.

ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ — халқлар ўртасида кенг тарқалган чолғу асбоблар. Ҳар бир халқнинг узига хос Х. чолғу асбоблари — торли, пуфлама ва урма турлари бор; русларда — домра, балалайка, гусли, жалейка, баянлар; украинларда — бандура, кавказликларда — тар, соз; италиянларда — мандолина; испанларда — ги-

тара. Ўзбек Х. чолғу асбоблари ҳам ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, улар қаторига — най, думбира, дутор, танбур, сато, гижжак, чанг, қушнай, карнай, сурнай, ногора, дойра ва б. кирди. Халқ мусика маданиятининг тобора тараққий қилиб бориши билан Х. чолғу асбоблари ҳам такомиллашиб бормокда. Булардан айримлари ўзгартирилиб талабга жавоб берарли холга келтирилган бўлса, айримлари талабга жавоб бера олмай, ўз ўзидан йўқолиб боради, унинг янгилари пайдо бўлади. Ҳозирги симфоник ва духовой оркестрларидаги чолғу асбоблар байналмилал чолғу асбобларидир; уларнинг аксарияти Х. чолғу асбобларининг қайта ишланиши, такомиллашини натижасида юзага келган. Ҳар бир халқ ўзининг Х. чолғу асбобларидан турли ансамбль ва оркестрлар тузган.

ХАЛҚ ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРЛАРИ — халқ чолғу асбобларидан тузилган оркестрлар; бир турли асбоблар (фақат домралар, бандуралар, мандолиналар, рубоблар ва б.) ёки аралаш (турли халқ чолғу асбоблари)дан тузилиши мумкин. Ўзоқ вақтлардан бери турли миллатларда Х. чолғу асбоблари оркестри халқ мусика ва рақсларини ижро этиб, саклаб келган. Бундай ансамбллар деярли ҳамма халқларда мавжуд. Масалан, Россиядаги энг йирик В. В. Андреев номидаги Рус Давлат Х. чолғу асбоблари оркестри, Беларус Х. чолғу асбоблари оркестри, Курмонғози номидаги Козок давлат Х. чолғу асбоблари оркестри ва бошқалар. Ўзбек Х. чолғу асбоблари оркестри 1936 й. ташкил топган.

ХАНАНДЕ — ашулачи, ҳофиз (*к Сазандари*).

ХАРАК — торли чолғу асбоблар (дутор, танбур, гижжак, чанг ва б. лар) да пардани қопқоқ (дека)дан юқорироқ кутариб турувчи махсус ёғоч парчаси. Ҳар бир чолғу асбобининг Х. турли шаклда бўлиб, турлича баландликда ўрнатилади.

ХАС ПАРДА — танбур, баъзан дуторларга қўйиладиган қўшимча парда; юқори салоларни олиш учун қўлланилади.

ХНИУКАННЕЛЬ — камончали эстон халқ чолғу асбоби. Х. да туртта тор бўлиб, скрипкани эслатади. Х. тиззага қўйиб эгилган камонча билан (биздаги гижжак тартибида) ижро этилади.

ХОНА — куйини ифодаловчи тугал жумла. Мақом (айниқса чолғу йўллари)да Х. нинг турли баландликда қайтарилиши билан куйининг ҳажми кешаяди. Масалан, Бузрук мақомининг мушкilotидаги Таснифда саккизта Х. бор; Наерудло мухаммаси эса фақат уч Х. дан иборат. Одатда, ҳар Х. дан сўнг бозғуй қайтарилади.

ХОР (юн. choros) — 1. Вокал, хор мусиқасини айтувчи ижрочи жамоа. Х. жамоаси бир жинсда (эркаклар Х.и, хотин-қизлар Х.и ё боалар Х.и) ва аралаш бўлиши мумкин. Одатда аралаш Х. туртта Х.партияси — яъни, соприано, альт (хотин-қизлар овози), те-

нор, бас (эркаклар овози) лардан тузилади. Аралаш X. даги партиялардан бири бўлмай, мукаммал бўлмаган аралаш хор бўлади. Ҳар бир X. партияси ўз навбатида яна бир неча бўлақларга бўлиниши мумкинки, бу бўлиниши *divisi* деб аталади. Аралаш X. энг камида 12 та ижрочидан иборат бўлиб, булар ҳар бир X. партиясида 3 тадан бўладилар. Катта жамоада эса 100-120 ижрочи бўлади. Бундай хор жамоаларида партиялар баробар (бир хил миқдорда) тақсим бўлмай, овозларининг бир-бирига бўлган тенглик муносабатига кура турлича тақсимланади. Опера, оратория ва кантаталарда X. муҳим аҳамиятга эга бўлиб, чолгу ансамбли (оркестри) журлигида ё усиз мустақил айтилган. X. лар саҳна асарларига ҳам салмоқли ҳисса қўшади. 2. Хор жамоаларига мўлжаллаб ёзилган мусиқа асари. Чолгу асбоблари журисиз айтиладиган хор жамоалари а капелла деб аталади.

ХОР АШУЛАСИ, ХОР САНЪАТИ — вокал мусиқасининг жамоа бўлиб ижро этилиши. X. ашулаларни бир овозли (унисон) ва кўповозли булади. Шунингдек, X. ашуласи чолгу асбоблар журлигида ва усиз (*а капелла*) ижро этилади.

ХОР ЖАМИЯТИ — хор санъатини пропаганда қилувчи жамият. Бутунроссия X. жамияти 1957 йили ташкил этилган. Республикамизда эса X. жамияти 1958 йили ташкил этилиб, кейинчалик фаолиятини тўхтатган.

ХОРАЗМ МАКОМЛАРИ — ўзбек ва тожик халқлари классик цикли — шашмақомнинг варианты. X. мақомлари Шашмақом ва унинг асосий шахобчаларидек бир турли номга эга. Уларининг дойра усулларида жуда яқинлик бор. Хоразмда олти мақом ёнига еттинчи қилиниб Панжгоҳ (фақат чолгу қисмидан иборат) киритилган. Шашмақомнинг чолгу булими (мушкилот) Хоразмда — чертим йўли, наسر (вокал) булими — айтим йўли деб аталади. X. мақомлари Рост мақоми билан бошланади.

ХОРАЗМ ТАНБУР ЧИЗИГИ — қ. *Танбур чизиги*.

ХОРАЛ (лот. *choralis*) — черков жамоаси ижро этадиган диний ашула бўлиб, католикларда бир овозли (унисон), протестантларда — орган чолгу асбоби журлигида айтиладиган кўповозли мусиқа. Қадим вақтларда X. мусиқасининг куйи суст ва бўш, ритми содда булган.

ХОРАЛ ПРЕЛЮДЦИЯСИ — хорал бошланishi олдидан ижро этиладиган чолгу мусиқа. Одатда X. прелюдияси орган учун ёзилади. Бу мусиқада X. прелюдияси *контрапункт овозлар* қўшилиб, биргаликда олиб борилади.

ХОРДОФОНЛАР (юн. *choree* — тор, *phone* — товуш) — садо берувчи тор.

ХОРЕИ (юн. choreios — хор ёки рақсга алоқадор) - шеърнатда икки бўғинли сўзнинг биринчи бўғини — кучли, иккинчиси — кучсиз келган тури; *хрохей* деб ҳам аталади. Шу тузилишдаги мусиканинг ритмик элементларини аниқлашда ҳам қўлланилади.

ХОРЕОГРАФИЯ - 1. Рақс яратиш санъати ва рақсли спектакль. 19-аср охиридан бошлаб рақс санъати X. деб атала бошлади. 2. Маълум шартли белгилар ёрдамида рақс ҳаракатларини ёзиш. X. атамаси француз рақс уқитувчиси Р. Фёле (1700 й.) томонидан киририлган.

ХОРМЕЙСТЕР (нем. Meister — устоз, раҳбар) — 1. Хор режисёри. 2. Хор асарини ургатишда жамоа билан ишловчи раҳбар.

ХОРО — хор билан ижро этиладиган болгар халқ рақси. Мусиқа ўлчовлари $\frac{2}{4}$, $\frac{5}{4}$, $\frac{7}{8}$, $\frac{9}{8}$, $\frac{11}{8}$. X. нинг эркаклар, хотин қизлар ва аралаш ўйналадиган, шунингдек ярим донра бўлиб ўйналадиган очик, донра бўлиб ўйналадиган ёниқ ва инҳоят «идон пиз» бўлиб ўйналадиган турлари бор.

ХОРОВОД — халқ рақс санъатининг қадимий тури. X. драматик воқелик, рақс, ашула билан биргаликда ижро этилади. X. жуда кўп халқлар уртасида тарқалган.

ХОРИПЛИН, ГОРНПАЙ (инг. hornpipe, horn — шох ва pipe труба) — 1. Пуфлаб чалинадиган инглиз халқ пуфлама чолғу асбоби. 2. X. чолғу асбоби журигида ижро этиладиган инглиз халқ рақси.

ХОРУМИ, ХОРОНИ — гуржи халқ ҳарбий рақси. Мусиқа ўлчови $\frac{5}{8}$. X. грузин халқ чолғу асбобларидан *дола* журигида эркаклар томонидан ижро этилади. X. ни ижро этувчи эркаклар тоқ сонда бўлиши керак.

ХОГА — (исп. jota) — жуфт бўлиб ижро этиладиган испан халқ рақси. Мусиқа ўлчови $\frac{3}{4}$ ёки $\frac{3}{8}$. X. тез суръатда ижро этилиб, жонли, жушқин характерда, уткир ритми билан ажралиб туради. X. га ашула ҳамда чолғу асбоблардан гитара, мандолина, кастаньеталар жўр бўлади.


ХОТИМА — 1. Фуғада мавзунинг охириги марга қўлланишидан сўнг келадиган кичм. 2. Қаданснинг иккинчи хил ағалиши.

ХРОМАТИЗМ (юн. chroma — ранг) — диагоник ладдаги погоналарнинг ярим тондан ўзгариши. Булар альтерация белгилари — диез ёки бемоль билан кўрсатилади. Хроматик ярим тон бир поғонадаги икки турли товушдан (масалан, *до* ва *до-диез*) тузилиши билан турлича поғоналардан тузилган диатоник ярим тондан фарқ қилади. Демак, X. бир поғонадаги товушларнинг ўзгаришидир.

ХРОМАТИК ГАММА – куй садоларининг ярим тонлар бўйича балад-пастга харакати. Тула X. гамма 12 товуш (ярим тон)дан иборат. Гаммадаги хроматик ва диатоник ярим тонларни тартиб-ди алмашилмиб келиши лад тузилиши (мажор ва минор) ва харакат йуналиши (юқориланиши ё пасайиши)га боғлиқ. X. гамма диатоник гаммадаги бутун тон погоналарини кутариш ё пасайтириш йўли билан туздирилади. Мажор гаммасида X. гамма кутарилганида ҳамма погоналар кўтарилиб, фақат VI поғона кутарилиши урнига VII поғона пасаяди ва аслига қайтади. Пасайишида ҳамма погоналар пасайиб, V поғона пасайиши урнига VI поғона кўтарилади ва аслига қайтади:



Минор гаммали ҳамма погоналар кўтарилиб I поғона кутарилиши урнига II поғона пасаяди ва аслига қайтади (ёки ҳамма погоналар кутарилади).




Пасайишида ҳамма погоналар кутарилиб яна аслига қайтади, фақат I поғона кутарилиши урнига II поғона пасаяди.



ХРОМАТИК ИНТЕРВАЛЛАР — хроматик товушкаторларидан тузилган интерваллар. Катта интервалларнинг янада ортини, ё аксинча кичик интервалларининг янада каманишидан X. интерваллар пайдо булади. Улар диатоник интервалларга энгармоник равишда тенг. Масалан, *фа-соль-диез* орттирилган секунда бўлиб, бу энгармоник равишда кичик терция (*фа-ля-бемоль*) га тенг.



Орттирилган кварта билан бунга энгармоник тенг булган камайтирилган квинта оралиги юкоридагидан мустаснодир. Чунки буларнинг ҳар иккиси ҳам X. интервалдир. Масалан, *ре-соль-диез* (орттирилган кварта), *ре-ля-бемоль* (камайтирилган квинта)га тенг.



X. интервалларда тортилиш кучи зўр; чунки булар ҳар доим турғун интервалларга кучишга интилади. Орттирилган интервалларда кенгайиш, камайтирилган интервалларда эса торайиш хусусияти зур.

ХРОМАТИК МОДУЛЯЦИЯ — бир тоналликдан иккинчи тоналликка хроматик ҳолда ўгиш, модуляция қилиш. Бунда эски, биринчи тоналликдаги охириги аккорд — яъни янги тоналликдаги бириинчи аккорд билан қўшилишидан бир ёки бир неча товушда хроматик узгаришлар учрайди. Эски ва янги тоналликни кўшувчи аккорд бир турли бўлмайди. X. модуляция аслида хроматик куй модуляциясидир. Бу модуляция куй модуляциясининг энг асосий турларидандир.

ХРОМАТИК ТОВУШКАТОР — фақат ярим тонлардан тузилган товушкатор.


ХРОМАТИК ЯРИМ ТОН — бир турли номдаги погонадан тузилган ярим тон; масалан, *до-до-диез*, *ре-ре-диез*, *ми-ми-бемоль*, *ля-ля-бемоль* ва б. X. ярим тон орттирилган прима ҳосил қилади.



ХРОМКА (рус.) — диатоник гармониканинг кенг тарқалган турларидан бири. X.нинг ўнг қўл бармоқлари билан босиш учун 23 ва чап қўл учун 12 клавиши бор. Мешини кичрайтиши ва кенгайтишида хроматик гармоникадек бир хил балаидликдаги товуш беради (X. номи ҳам шундан олинган). Сунгги вақтларда ҳар икки қўлда 15 тадан клавишга эга бўлган. X. кенг тарқалган.

ХУАЙГУ — қ. *дяньгун*.

ХУЛУШЭН — пуфлаб чалинадиган хитой халқ чолғу асбоби. X. махсус қовоқдан ясалди. Қовоқнинг кенг доира шаклидаги қисми X. ни «коса»ен узун, тор қисми эса бугиз ва мундштук.



Хулушэн

хизматини бажаради. «Коса» га бамбукдан тайёрланган узун-қисқа трубалар урнаштирилади. Бу трубаларнинг энг узунини 500 мм га қадар бўлади. X. нинг халқ ўртасида тарқалган ибтидоий тури *Шэн* деб аталади.

ХУЛЭИ — тирнаб чалинадиган хитон торли чолғу асбоби, биздаги дутор тузилишида. Пина асосида ясалган. X. нинг умумий узунлиги 900—1000 мм қопқоғининг кенлиги 200—210 мм. X. га иккита тор тақилади, бунинг катта ва кичик турлари бор. Каттаси — духудей (гандахудей), кичиги сяохулэй (гасяхудей) деб аталади.

ХУР (мўғ, хуур) — торли камонча билан чалинадиган мўғул халқ чолғу асбоби. X. нинг бир неча тури бўлиб, морихур, хучир деб аталувчи тури кенг тарқалган. X. нинг катта-кичик турлари (сопрано, тенор, альт, бас ва контрабас) яратилган. Уларнинг турлари квинта оралигида соланади. Фақат X. нинг контрабас турлари квартага соланади.

ХУЦИНЬ — камонча билан чалинадиган хитой халқ торли чолғу асбобларининг ҳаммаси шу ном билан юритилади. X. купроқ *эрху* деб ҳам юритилади.

ХУЧИР (мўғ, хучир) — камонча билан чалинадиган мўғул торли чолғу асбоби. X. нинг косаси цилиндр ёки куп бурчакли



Хучир


шаклда бўлади: косага тери қопланади; 2 жуфт ипак ёки сим торлар тортилади. Бу торлар квинта ораллигида созланади. Овоз ҳамми кичик октавадаги редан биринчи октавадаги рега қадар.



X турлича катта-кичикликда бўлади.

Ц

ЦЕЗУРА (лот. caesura - ёритин) — кўйининг ҳаракати узоқ вақтга қадар тинимсиз давом этмай, жумлалар орасида қисқа-қиска тўхташлар бўладикки, мана шунини Ц. деб аталади. Ц. ўринларини ижрочи аниқлаб утади. Баъзан Ц. композитор томонидан белгиланади, бундай ҳолда Ц. ўрнига V белгиси ёки вергуль қўйилади.




Цизху

ЦЗИНХУ камонча билан чалинадиган хитой торли чолгу асбоби. Умумий узунлиги 400–500 мм. Дастлабки даврларда бу чолгу асбоби эрхун хушнь деб ҳам аталган. Ц эрхундан факаг жичиклиги билан фарк килади. Кейинчалик бу чолгу асбоби Пекин мусиқа драмасыда асосий соз бўлиб қолганидан сўнг Ц. ном билан атала бошланди.

ЦИКЛЛИ ШАКЛЛАР (юн. *kyklos* — айлана цикл) - турлича характер ва суръатдаги мусиқа пьесаларининг кушилишидан ҳосил бўлган йirik, туркум мусиқа шакллари. Ц даги ҳар бир пьеса тугал бўлиб, булар ички принциплари ё карама-қаринлиги билан бир бирига боғланади. Ц га сюита ва соната цикллари кирди. 18-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб соната циклида — сонаталар, симфониялар, чолгу концертлари яратила бошланди. Булар алоҳида номга эга бўлмай *сюита, соната, симфония* ва х. к. деб аталади.

ЦИМБАЛА - (венг. *szimbalom*) - чапг шаклида ясалган ва шу тартибда ижро этиладиган чолгу асбоб; торлар икки қисмдан иборат: биринчиси олатдаги чолгу асбобларига тортилган торлардек тортилиб, иккинчиси қопқоғининг уртасига куйилган узун ҳарак устидан угади; ҳар бири узига хос (бир-биридан квинта оралигида фарк килувчи) товуш беради. Ц. куп торли, жуда қадимий чолгу асбоблардан бўлиб, Шарқ халқлари уртасидан келиб чиққан. ГАРБИЙ Европада. Венгрияда кенг тарқалган. Ц. товушкатори хроматик тузилган бўлиб, овоз ҳажми кенг: катта октавадаги *редан* учинчи октавадаги *мига* қадар. Ноталар бас ва скрипка қалинлигида ёзилади Ц яқка ҳолда ва оркестрда қўлланилади. Венгрия, Польша, Руминия, Белоруссия, Украина, Молдавия ва б. халқ чолгу асбоблари оркестри таркибига кирди.




Цимбала

ЦИНЬ — Хитойда торли-камончали чолгу асбоблар шу ном билан аталади. Торли тирнама чолгу асбобларидан цисяньцинини киекартиб цинь деб юритилади.

ЦИНЬЦИНЬ — тирнаб чалинадиган хитой торли чолгу асбоби. Яна қ. *жуань*.

ЦИСТРА (фр. *cistre*, цитола фр. *ci ole*) — қадимий торли тирнама чолгу асбоб; мандолинага ухшаш; 5—12 жуфт тор торталади. Гарбий Европа мамлакаларида тарқалиб, 19-аср бошларида унинг ўринини гитара эгаллайди.

ЦИСЯНЬЦИН, ЦИСАНЬЦИНЬ — цитрага ухшаш тирнаб чалинадиган қадимий хитой чолгу асбоби. Ц. га 7 та тор тақилади (чолгу асбобига қўйилган ном ҳам шу маънода, яъни етти торли цинь маъносига). Ц. нинг узунлиги 1000 мм ва ундан кўпроқ бўлиб, кенлиги 200 мм атрофида. Ц. рангли қағиқ дарахтдан ясалиб, бир неча марта лак билан буялади. Ц. нинг уч (бош) томони кенг, «дум» томони тор бўлади. Қонкок устига 13 та доира шаклидаги кичик чиганоқ ёки тилла урнаштирилади, булар нарда вазифасини бажарадилар. Ц. ижро қилинганда мусиқа асарининг лад тоналлигига кура турлича соزلанади. Кенг тарқалган турида 7 та тор қўидагича соزلанади:




Бу соз бўйича Ц. нинг овоз хажми катта октавадаги *До* дан



учинчи октава *ре* га қадардир: Ц. яққанавоз сифатида ва оркестрда қўлланилади. Қадимги вақтлардан бери қўлланилиб келинган бу чолгу асбоби бир неча бор узгарган. Ҳозир Хитой Халқ Республикасининг мусиқа ўқув юртларида Ц. чолгу асбоби ургатилла бошланган.

ЦИТРА — (нем. Zither, юн. kithara — кифера) — чапга ўхшаш торли тирнама чолғу асбоб: корпусининг ён қисмида темир пардалар уриятилган. Ц. бармоқлар ҳамда плектр билан чалинади. Ц. турли катта-кичикликда бўлади. Хроматик товушкагориди 30 та парда бор. Пардалар устидан 5 та, ён томондан 27—37 та тор тортилади. Ц. Мюнхен ва Вена номлари билан аталувчи икки турда соланади. Бу созлар қуйидагича:

• Мюнхен сози:



Вена сози:



Ц. утирилган ҳолда ижро этилади; товуши юмшоқ, майин; камонча билан ижро этиладиган 4 торли Ц. ҳам бор. Ц. жуда кўп халқлар уртасида, айниқса, Австрия ва Германияда кенг тарқалган.

ЦУГТРОМБОН (цуг — бириш-кетин, қатор) — мундир ва туфлама мис чолғу асбоби, тромбон тури товушининг баланднастлиги учун унга уланадиган цуг деб аталувчи тирсакка боғлиқ. Ц. нинг бир печа тури бўлиб, энг кўп тарқалган тенор Ц., бунинг овоз хажми катта октавадаги ми дан иккинчи октавадаги ре га қадар.




Ц. нинг тенор-бас, сопрано, алыт-бас ва контрабас турлари бор.

Ч

ЧАГАНА – торли камонча билан чаллинадиган Доғистон халқ чолғу асбоби; скрипка шаклида булиб, конокқ урнига тери қопланган. Виолончелдек чаллинад.

ЧАКОНА (исп. chacona, итал. ciaccona, фр. chaconne) — 16-аср охириларидан маълум булган испан рақси. Ч. жонли ижро этилиб, бунга ашула ва кастаньетаалар жүр булган; мусиқа улчови . 17-аср бошларидан Францияда ҳам тарқалади. Ч. 17—18-асрларда мустақил чолғу асар сифатида Фарбин Оврупода кенг тарқалган. Бундай асарлар *полифоник вариация* шаклида яратилади.


ЧАНГ 1. Урта Осиё халқларининг қадимий урма чолғу асбоби. Садоси баланд булгани учун илгарилари фақат чолғу куйларини ижро этишида ансамблга қўшганлар, чунки давомли жарагловчи садоси ашулани «бузган». Ч. нинг унсонга созланган учтадан тори булиб, овоз ҳажми катта октавадаги *сольдан* иккинчи октавадаги *мига* қадар. Илгари халқ уртасида қўлланган



Чанг

Ч. нинг товушкатори диатоник тартибда бўлган. Ноталар эшитилишига нисбатан октава юқорида, скрипка калитида ёзилади. Ч. резинка қопланган махсус ипгичка **чуж** билан уриб чалинади. 17-асрда яшаган мусика олими Дарвишали Чангий Ч. нинг жуда қадимий чолғу асбоблиги ва ундан касалларни даволашда фойдаланилганини ёзган. Хозир Ч. қанга ишланиб, товушкатори хроматик, яъни ярим тонлик қилинган. Ижрочининг утириб чалишига қулаи булсини учун винтлар ўрилатилган оёқлари бор. Давомли садони йўқотини учун махсус педаль ишланган. Оркестрда чалини учун Ч. нинг катта кичик (пиккола, прима ва бас) турлари ишланган.

ЧАНГИ — арфа туридаги торли тирнама грунги халқ чолғу асбоби. От думи ёки ишакдан қилинган 6 та ва ундан кўп тори бор. Кўп тарқалгани 6 торли бўлиб, ундан ашулага жўр бўлишда фойдаланилади.



Чанги

ЧАНГИЧИ чангда ижро этувчи созанда

ЧАНГҚОБУЗ, ЧАНГҚОВУЗ — икки лаб орасига куйилиб, унги қўл бармоқлари билан чалинадиган чолғу асбоби. Темирдан қилинган айланма рамка оралигида пулат тили ўриatilган; чалганда бармоқ билан тилини ҳаракатга келтирилиб тўлқинлантирилади. Оғиз бурилиши товуш берувчи резонанс хизматиини бажаради ва октава хажми оралигида товуш беради. Ч. Марказий Осиё халқ-

ларн хотин-қизлари орасида кенг тарқалган. Ёқут халқларида эркаклар ҳам Ч. чалади; улардан ансамбль тузилган (яна қ. *Варган*).

ЧАНГО — барабан туридаги уриб чалинадиган корейс халқ чолгу асбоби.


ЧАПАНДОЗ — 1. Шашмақомдаги Бузрук ва Рост мақомларининг наер будими иккинчи гуруҳи шўбаларидаги ашула. Ч. мураккаб дойра усулида ижро этилади.

2. Халқ ашула ва чолгу мусиқасида учрайдиган йирик шаклдаги куйлардан.


ЧАРДАШ (венг. csardas — трактор) — венгер халқ рақси. Ч. жуфт-жуфт бўлиб ўйналади. Мусиқа улчови 2_4 . Бу рақс икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси салмоқли, ҳаяжонли (бу *лаиша* деб аталади), иккинчиси тез, шиддатли (бу *фришка* деб аталади). Ч.нинг ритми синкопали.

ЧАРЛСТОН (анг. charleston) — бал рақси, 20-йилда АКШнинг Чарлстон шаҳрида найдо бўлган. Ч. га негрлар рақси асос қилиниб олинган. Ч. рақсининг айрим бўлаклари тез ижро этиладиган фокстротга киритилган. Мусиқа улчови 2_4 (баъзан 2_4); ритми синкопали. Ч. жаз мусиқасининг бир шаклидир.

ЧАСТУШКА (рус. «частый» — кўп марта қайтариш) — кичик бир куй ёрдамида турли сузлар билан қайтариб ижро этиладиган қушиқ. Ч. баян, балалайка, хор ва б. жўрлигида бир ё икки ижрочи томонидан айтилади. Ч.нинг сўзлари сибсий, лирик, танқидий, ҳазиломуз, кундалик турмуш воқеаларини аке эттирувчи мазмунларда бўлади. Ч. утган 19-асрнинг 60-йилларидан бошлаб рус, украин, белорус халқларида кенг тарқалган. Турмуш ва замон воқеалари ҳисобига Ч. кун сайин бойиб, кенгайиб бормоқда. Ч.нинг ижодкорлари халқдан чиққан истеъдодлардир. Ч. кунроқ импровизация характерида яратилади. Баъзан Ч.нинг куйи халқ



Чангқобуз (чангқовуз)



аншулаларидан, кунрок раке куйларидан олинади. Ўзбек ланарлари маълум даражада Ч. га яқин. Куйида канал ҳақида айтилган бир ланарни мисол келтирамыз. (345-бетга қараңг.)

ЧАФОНА, ЧЕҒАНЕ — утмишда Яқин ва Ўрта Шарқда тарқалган, удга ўхшаш қадимий чолғу асбоб.

ЧЕЛЕСТА (итал. ва фр. *celesta* — мулоийм, ажойиб) — клавишли урма чолғу асбоби; 19-асрда қайта ишланиб, кичик шпанино шаклига келтирилган. Ёғоч резонатор кутига металл (баъзан ойна) пластинкалар маълум бир созда, муайян тартиб билан уриштирилади; клавишлар ёрдамида болгачалар билан уриб садо чиқазилади. Ч. фақат паст садо беради; симфоник оркестрда жуда секин ва мулоийм товушларни беради. Овоз ҳажми биринчи октавадаги *до* дан бешинчи октавадаги *до*га қадар.



Ч. ноталарни эшитилишига нисбатан октава пастда ёзилади. Шунга қура ноталар фортепианоликдек бас ва скрипка калитларида ёзилади. Симфоник оркестр партитурасида Ч. ноталари кенлофондан пастда, арфадан юқорида ёзилади.

ЧЕНГ утмишда Ўрта Осиёда, ҳозир Озарбайжонда тарқалган арфаси мон торли тирнама халқ чолғу асбоби.


ЧЕРТИМ ИУЛИ Хоразм мақомларининг чолғу булими шу ном билан юритилди. Олти мақомнинг деярли ҳаммаси учун характерли булган: Тасниф (Хора мда мақом деб юритилди), Таржнб, Пенсрав, Гардун, Мухаммас, Сакил, Самоий, Пахта зарб, Хафифлардир. Буларнинг оҳанглари турличадир, лекин дойра усуллари ҳамма ерда ҳам бир хил; ҳамма Мухаммаслар, ҳамма Пенсравлар яъни бир номдагиларининг усуллари бирдир (қ. *Мушиқилол*).

ЧЕЧЕТКА эстрадада ижро этиладиган эркакларга хос раке; тез сурбатда, оёқ кийимининг учи ва товонлари билан уриб тахта устида ушалади. Ижрочининг гавдаси ҳар доим тик, ҳаракатсиз туриши керак. Ч. нинг айрим элементлари магрослар ва шганлар ракесда учрайди.

ЧЕРТМА ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ — бармоқлар билан чертиб ёки мизроб, похун ёрдамида чалинадиган торли чолғу асбоблар.

лар қаторига арфа, бандура, балалайка, гитара, гусли, домбра, сомра, дутор, тапбур, рубоб, (тор), қонун, канои, мандолина, уд, ооз ва б. лар кирати. Торли-камончали чолғу асбоблар (скрипка, альт, виолончель, контрабас) ни пиццкато йўсинида ижро этилганда ҳам торлар чертилиб чалинади.

ЧЖЕН — гирнаб чалинадиган гусли туридаги хитон торли чолғу асбоби. Қадимдан қўлланилиб келинган бу чолғу асбоб ҳозирги вақтда ҳам кенг тарқалган. Ч. оркестрда ва якка соз ҳолда қўлланилади. Уzunлиги 1200 мм га қадар булиб, кенлиги 200 мм атрофида. Ч. га 13 дан 16 га қадар тор тақилади. Ҳар бир тор учун алоҳида харакча булади.



Чжэн

ЧИ, ЧИБА — найга ухшаш қадимий хитон чолғу асбоби; бамбук ёки қамшидан ясалати. Ч. нинг беркитилган томонида нуфлаш учун бир тешик булиб, баланд-паст садолар чиказиш учун ён томонда 3—5 та тешик бор; узунлиги 500 мм атрофида.

ЧИАНУРИ — торли камонча билан чалинадиган гижжак шаклидаги гуржи халқ чолғу асбоби; торлари кварта оралигида созланади. Ч. да одатда ашулага жур бўлишти.

ЧИБОНИ — Ажарияда *волинка* шу ном билан аталади.

ЧИЗИЛГАН МОРДЕНТ — мелизм турларидан булиб, уч товуши тез ижро этишини кўрсатади; биринчи нота асосий булиб, унинг устига Ч. мордент белгиси ёзилади; иккинчиси қўшимча товуш, бу асосий товушдан секунда пастда, учинчиси, яна асосий товуш, қ. *Мордент*.

ёзилади:



ижро қилинади:



ЧИЛДИРМА к. *Дойра*.

ЧИМПОИ — Молдавияда *волынка* шу ном билан аталади.

ЧИНДАУЛ, ДОВУЛ — югорлага ўхшаш шаклда, корпуси металлдан ясалган узбек халқ урма чолғу асбоби. Ч.нинг уриб чалинадиган қисмига тери қопланган. Корпусининг баландлиги 150 мм булиб, кепкок юзи 250 мм чамасида бўлади. Илгарилари Ч. ҳарби чолғу асбоби тариқасида қўлланилган. Хозир бу чолғу асбоби бутунлай ишлатилмайди.

ЧИРМАНДА — қ. *Дойра*.




Чиндуал

ЧОЛГУЛАШТИРИШ — мусиқа асарини бир тўда чолгу асбобларга татбиқ қилиш. Масалан, симфоник мусикани халқ чолгу асбоблари оркестрига, фортепиано асарини турли чолгу ансамбллар ва б. га мослаштириш. Ч. композиторнинг симфоник, камер ва бошқа чолгу мусикаси яратишдаги ижодийнинг бир қисmidир. Одатда композитор яратилиш лозим бўлган асарнинг эскизини аниқлайди ёки клавирини ёзади, сўнг унинг партияларини яратади. Композитор уз асарини ё бошқалар асарини фортепианодан қандайдир бирор оркестр таркибига татбиқ қилиши ҳам Ч. деб аталади.


ЧОЛГУЧИ мусиқачи, созанда; мусика чолгу асбобларида ижро этувчи.

ЧОЛГУ МУСИҚА чолгу асбобларда ижро этиш учун мўлжалланган мусика асарлари; ёлғиз бир чолгу асбоби учун, турли ансамбль, оркестрлар учун ва оркестр жўрлигида ёлғиз бир чолгу асбоб учун мўлжалланади. Бирор чолгу асбобида ижро этувчи мусиқачини чолгучи (пианиночи, скрипкачи, виолончелчи, кларнетчи ва б.) дейилади. Ўзбек халқ чолгу асбобларидан тузилган ансамбль ва якка чолгу асбоблари учун ҳам махсус кўйлар мавжуд. Масалан, *Роҳат*, *Турғай*, *Дутор Баёти*, *Қиштор* каби кўйлар кўпроқ ёлғиз дуторда ижро қилинади. Шунингдек най, танбур ва ёнжакларда чалинадиган айрим кўйлар ҳам кенг тарқалган.

ЧОНГУРИ — гуржи ва ажар халқларининг турли тирнама чолгу асбоби, қозоқ думбираси шаклида бўлиб, 14—15 та боғланган пардаси бор; 3 ва 4 та шак тор тақилиб, булар турлича созланади. Ч халқ ансамблларида ашула ва рақсларга жўр бўлади, баъзан якка соз сифатида ҳам фойдаланилади.



Чонгури



Чунири

Ш

ШАНТОН ХАРАК — Дутор ва танбурдаги дастаннинг юқори қисмига қўлоқлардан сўнг мустаҳкам урнаштирилган харак.

ШАКОННА (фр. chaconne, исп. chacona) — Италиянинг қадимий рақсларидан бўлиб, 17 асрда балетнинг охириги номери урнида қўлланилган. Мусиқа ўлчови $3/4$; салмоқли, оғир ҳаракатлар билан уйналади; мусиқа шакли вариацияга ўхшаш.

ШАЈАХО якка ижро этиладиган арман эркаклар рақси; Озарбайжонда ҳам тарқалган; те. ва жонли ижро этилади. Мусиқа ўлчови:

$$\begin{array}{l} 6 \quad 3 \\ 8 \quad 4 \end{array}$$

ШАННАР, САРНАИ — Чувашистонда волянка шу ном билан аталади.

ШАРМАНКА — орган туридаги чолғу асбоби; клавишлар урнига қўл билан айлантириладиган махсус механизм ўрнаштирилган Ш. кичик бир қўтидан иборат бўлиб, бунинг ичига овоз берувчи турли найлар урнаштирилган. Бир неча мусиқа пьесалари айрим валикларга ёзилиб, яшикка жойлаштирилган. Ш. Фарбий Европада 18-аср бошларида пайдо бўлиб, тез вақт ичда куча созандаларининг сеvimли чолғу асбоби бўлиб қолади. Россияда 19-асрда тарқалган.

ШАШМАКОМ - Ўзбек ва тожик халқлари мусиқа меросининг етук мукамал асари. Олти мақом, олти турли нардадан бошла-

либ, ижро этиладиган йирик цикли мусика асари бўлиб, ҳар бири алоҳида лад ва товушқаторига эга. Ш. Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Проқлардан иборат; ҳар бири, уз навбатида, мушкилот, яъни чолғу ва наср, яъни ашула бўлимларидан иборат. Ҳар бир мақом Уфар билан тугалланади. Ш. йўлларини ижро этувчи ашулачи ва чолғучиларни халқ орасида *мақомчи*, *мақомдон* дейилади. Ш. ни биринчи марта 1923 йил маиҳур ҳофиз ва созанда — Ота Жалол ва Ота Ғиёслар ижросида проф. В. А. Успенский ёзиб олган ва бу 1924 й. Москвада нашр қилинган. Кейинчалик (50-йиллардан) Ш. циклини академик Юнус Ражабий таниқли мақомдонлардан ногага олиб Илём Акбаров (Тошкент, 1959) ва Ф. Кароматов (Т., 1961–77) таҳририда нашр эттирган.


ШАШТОР — олти торли танбурнинг бир тури.

ШАҲНОЗИ ГУЛЕР — Фарғона ва Тошкентда кенг тарқалган йирик шаклдаги ўзбек ашула йўллари. Беш қисмдан иборат: Шахноз, Гулёр, Чапандоз, Ушшоқ ва Уфар, баъзан Уфардан сунг Қашқарча ҳам келади.

ШОДИЕНА — ўзбек халқ чолғу асбоблари — погора, карнай, сурнайларда тўй ва бошқа маросимларда ижро этиладиган усул ва куйлар туркуми.

ШТИЛЬ (юн. *stylos* — калтакча) — ноталар ёнидан настига ёки юқорига томон куйиладиган калтак (чизик)ча.

ШТРИХ -- 1. Торли-камончали чолғу асбобларда ижро жараёнида камонча орқали товуш чиқариш йўллари; асосий турлари: *легато*, *деташе*, *стаккато*, *спиккато*. Баъзан соҳнадалар орасида. Ш. суни бошқа турли чолғу асбоблар ижроси, ҳатто ашула ижросига инебатан ҳам қўлланилади. 2. *Қ. нота*.



Шуанцзин


ШУАНЦИН — чертиб чалинадиган хитой тобли чолғу асбоби бўлиб, жуаннинг бошқа бир тури. Дастада узгармайдиган 13 та тардаси бор.

ШУВЫР — мариларда волынка шу ном билан аталади.

ШЭМАМЭ — пайсимон қадимий чолғу асбоби. 17-асрда яшаган Дарवेशали Чангий ўзининг «*Рисолайи мусиқи*» асаринда бунинг иккинчи номини *мусиқор* деб атайди.

ШУЪБА — шашмақом ашула булимидаги йирик ашула йўли

ШЭН — пуфлаб чалинадиган тилли хитой халқ чолғу асбоби Ш. нинг корпуси («коса»си) шиёла шаклида ёғоч ёки мисдан бўлиб, бунга бамбукдан ясалган 17 та узун-қисқа трубалар ўрнаштирилган. Бу трубаларнинг «коса»га ўрнаштирилган уч қисми бурчак шаклида кесилиб, бунга бронзадан ясалган юпқа «тил» ўрнаштирилади. Бу «тилча» дан 40—50 мм юқориликда бармоқ билан беркитилиши учун кичик гешикча қилинади. Агар Ш. да



Шэн

ижро қилиш вақтида бир нўла бир неча тешикчалари беркирилса аккорд товушлари ҳосил бўлади. Одатда Ш. да ижро этилганда яқка товушдан кам фойдаланиб, кўпроқ икки, уч, турт хатто бундан ҳам ортиқ товушлар бир нўла чиқарилади. Ш. даги 17 трубадан 13 таси товуш берувчи трубалар бўлиб, қолган тўрт-тасидан товуш чиқмайди (одатда, 1, 9, 16 ва 17-трубалардан товуш чиқмайди). Айрим Ш. ларда 17 та трубанинг ҳаммаси товуш беради. Кенг тарқалган 13 та товуш берувчи трубадан товушқатори куйидагича:



Корнус тузилиши, катта кичиклигига кура Ш. нинг тўрт бурчакли, думалоқ, катта ва кичик турлари бўлади. Баъзан Ш. нинг корнуси қоғоқдан ҳам ясаллади. Қадимги чолғу асбобларидан ҳисобланган Ш, ҳозирги вақтда ҳам ҳақ орасида кенг тарқалган. Ш. ансамбль ва оркестрларда қўлланилганидек, ундан яқка саз сифатида ҳам фойдаланилади. Катта Ш. нинг умумий узунлиги 800 мм (*ошиш* деб ҳам аталади). Уртачаси 430 мм (*чўшиш* деб аталади). Кичиги 405 мм (*суюш* деб аталади).

ШЫР, ЫР — қушиқ, шеър, ашуланинг эски ўзбекча номи; қирғизча ашула, ирчи — ашулачи.

Э

ЭКОССЕЗ (фр. *ecossaise* — шотландча ракс) — тез суръатда ижро этиладиган шотланд халқ ракси. Такт ўлчови илгарилари $\frac{3}{4}$, сўнг $\frac{2}{4}$ бўлган; волейка жўрлигида ижро этилган. Э. бал рақси сифатида Францияда 17-асрда, Россияда 18-аср бошларида англ-лез номи билан тарқалган.

ЭКСПОЗИЦИЯ (лот. *exposito* — баён қилиш) — 1. Соната шаклининг биринчи бўлими бўлиб, бунда асосий мавзулар баён этилади. Соната аллегросининг Э. си бир неча мавзу (партия)лардан иборат: а) бош партия асосий мавзунинг баён қилиб, кўпроқ драматик характерда бўлади (баъзан бу бош партиядан бир неча мавзу келиши ҳам мумкин); сўнг боғловчи партия бошқа тонал-

ликка модуляция қилиб, янги мавзу материални тайёрлайди; б) ёрдамчи партия бир ва баъзан бир неча мавзуда тузилади; купроқ лирик характерда, бош мавзуга қарама-қарши характерда бўлади ва боғловчи партия тайёрлаган тоналлиқда давом этади (мажорда купроқ доминантада, минорда эса ёндош мажор тоналлиқда). Қўшича якунловчи партия ҳам бўлиб, бу ёрдамчи партия тоналлигини мустақкамлайди. Баъзан бош ва ёрдамчи партия мавзулари бирлаштирилади, унда икки мавзунинг тугалланиши учун характерли бўлган янги мавзу материалдан фойдаланилади. Боғловчи ва якунловчи партиялари бутунлай бўлмаслиги мумкин. 2. Фуганнинг биринчи қисми бўлиб, буида асосий мавзу бири-кетини ҳамма овозларда келади.

ЭКСПРОМТ (лот. *expromtus* — ҳамма вақт тайёр) — ҳеч қандай тайёргарликсиз бир йўла бадеҳа (импровизация) тарзида яратилган мусиқа асари. Э. ўзининг лирик ва жушқинлиги билан ажралиб туради; фортепиано ва б. чолғу асбоблар учун яратилган кичик бир пьеса.

ЭЛЕГИЯ (юн. *elegia* — *elegoj* — хасрат, зорланиш) — ўйчан, қайгули характерда булган мусиқа асари — пьеса.

ЭМИРИТОН электрлаштирилган мусиқа чолғу асбоби, фортепиано клаватурасидек клавишлар билан таъминланган. Э. 30-йиллар ўртасида рус ихтирочилари томонидан яратилган. Э. сўзи «электрический музыкальный инструмент» сўзининг қисқартирилгани, икки конструктор (А. В. Римский-Корсаков ва А. А. Иванов)нинг фамилияси ва «тон» сўзининг қўшилшидан тузилган.

ЭНГАРМОНИЗМ (юн. *engarmonios* — келишган, келишилган, тўғри келадиган) — 1. Бир товушнинг икки хил ном билан аталishi (*до-диез-ре-бемоль*, *фа-диез-соль-бемоль*, *си-до бемоль* ва б.). (356-бетдаги 1-мисол).

2. Э. турли холларда келиши мумкин: а) *энгармоник интервал* — бир хил товушдаги икки интервал (кичик терция ва орттирилган секунда, орттирилган кварта — камайтирилган квинта, орттирилган секста — кичик септима ва б.) (356-бетдаги 2-мисол);

б) *энгармоник аккорд* — бир хил товушли турли аккордлар (камайтирилган септаккорд ва камайтирилган квинтсектаккорд, камайтирилган терцквартаккорд ва камайтирилган секундаккорд (356-бетдаги 3-мисол);

в) *энгармоник тоналлиқлар* — бир хил товушдаги икки турли тоналлиқ (*фа-диез мажор* — *соль-бемоль мажор*, *до-диез мажор* ва *ре-бемоль мажор* ва б.) (358-бетдаги 4-мисол).

ЭНГАРМОНИК МОДУЛЯЦИЯ — бир тоналлиқдан иккинчисига модуляциялашда дастлабки тоналлиқнинг охириги аккорди



cis-des fis-ges h-cis
 до \sharp = ре \flat фа \sharp = соль \flat си = до \sharp

$\frac{1}{2}$ тон. $\frac{1}{2}$ т. 3 т. 3 т. 5 т. 5 т.
 кич. 3 = к \acute{u} п. 2 к \acute{u} п. 4 = кам. 5 к \acute{u} п. 6 = кич. 7

кам. 7 = кам. 5 \flat кам. 5 \flat = кам. 2

Фа-дес \sharp мажор:

 Соль-бемаль мажор:

(воспачи аккорд), янги тоналликтаги аккорд бўлган айрим товушларнинг энгармоник ўзгарувчи нули билан утиш. Бундай ҳолда воспачи аккорднинг кўриниши албатта ўзгаради. Масалан, септаккорднинг асосий тури — секундаккордга, квинтсептаккорд — терцквартаккордга ва б. Структурасига кўра Э. модуляцияда воспачи аккорднинг энгармоник ўзгариши қуйидагича бўлади: а) доминант — септаккорд орқали Э. модуляция; б) камайтирилган септаккорд орқали Э. модуляция; в) орттирилган учтовушлик орқали Э. модуляция ва б. Э. модуляция гармоник ҳаракатга тасодифий характер беради.

ЭНГАРМОНИК ТЕНГ ТОНАЛЛИКЛАР — ҳар иккиси мажор ё минор бўлган бир хил ладдаги икки тоналлик. Бу икки тоналлиkning бири диез, иккинчиси бемольлик бўлиб, тоникаси энгармоник тенг бўлади.

✓

До-диез
мажор
(7 диез)

Ре-бемоль
мажор
(5 бемоль)

Э. тенг тоналликлар турлича ёзиллигига карамай бир хил янграйди. Қалитолди белгилари (диез ва бемоль)нинг умумий йиғиндисини ҳар доим ун иккита бўлади.

Соль-диез
минор
(5 диез)

Ля-бемоль
минор
(5 бемоль)

ЭОЛИИ ЛАДИ — урта аср ладларидан бири; буни ташкил этган икки тетракорд турличадир:

$$\begin{array}{c} | \quad | \quad | \\ \hline - \frac{1}{2} - 1 - (1) - \frac{1}{2} - 1 - 1 \end{array}$$


Э. ладнинг товушқатори табий минордагидек

The image shows two musical staves. The top staff is labeled 'табий минор' (natural minor) and the bottom staff is labeled 'эслий лади' (natural scale). The notes are numbered I through VIII (1). The notes are: I (C), II (D), III (E-flat), IV (F), V (G), VI (A-flat), VII (B-flat), VIII (1) (C). Vertical dashed lines connect the notes between the two staves, showing their relative positions.

ЭПИЗОД — соната, рондо ва шунга ўхшаш йирик мусиқа шаклларида учраши мумкин бўлган ўрта қисмлардан бири бўлиб, узига хос мавзу, алоҳида тоналлик, суръат ва ниҳоят қўшни қисмлардан маълум миқдорда ажралиб турувчи хусусиятга эга бўлган қисм.


ЭРКИН УСЛУБ — чолғу шаклидан кенг фойдаланилгани ҳолда кўпини эркин характерда, турлича тузилишида полифоник мусиқа услубида яратилш; 17-асрдан ҳозирга қадар бўлган турли композитор ва композиторлик мактабларининг ҳар хил услублари учун ҳам хосдир. Э услубининг юқори чўққиси Н. С. Бах ва Г. Ф. Гендель ижодиётига хос. Э. услуб 15—16-асрлардаги қатъий услубга қарама қарши кўйилди.

ЭРХУ — камончали хитой торли чолғу асбоби. Умумий узунлиги 800—900 мм. Э. Хитойда энг амаллий чолғу асбобларидан бўлиб яқка ҳолда, ансамблда ва оркестрда қўлланилади. Фақат профессионал созандагина эмас, балки хаваскор чолғучилар уртасида ҳам кенг тарқалган. Э. нинг «коса»сига илон териси қопла-



Эрху

нади. Э. га иккита тор тақилади, булар турлича созланади. Кўп қўлланадиган соз — квинта ораллигида, яъни биринчи октавадаги *Re* ҳам *La* товушларига созланади. Овоз ҳажми биринчи октавадаги *re* дан тўртинчи октавадаги *re* га қадар:



ЭС — *ми-бемоль* (Es) партитурада кўрсатилган айрим чолғу асбоблар сони курсаткичи.


ЭСТРАДА (фр. *estrade* — тахтасуна, минбар) — 1. Концерт ижрочилари учун қурилган тахтасуна — саҳна. 2. Эстрада ёки эстрада санъати — саҳна санъатининг бир тури бўлиб, турли шаклдаги ижрочиларни (чолғучи, ашулчи, бадний ўқичи, рақс, цирк санъати номерлари ва б.) бирлаштирувчи ташкилот. Э. концертлари одатда маълум бир мавзудли программа асосида тузилган ҳам мумкин.

ЭГЮД (фр. *etude* — машқ, урганш) ижрочилик маҳоратини ошириш учун маълум бир усулдан мураккаб қилиниб яратилган мусиқа асари. Атоқли композиторлар томонидан яратилган Э. лар, фақат ижрочилик маҳоратини ошириш учун хизмат қилмайди, балки баднийликка ҳам эга бўлади.


ЭХО, АКС САДО (лог. *echo* — акс садо) — айрим композиторлар уларнинг асарларида мусиқа жумласи ёки садоларини секин қайтаришларидан акс садо ҳосил қиладилар; Э. хор, опера, оркестр ва б. ларда қўлланилади.

Ю

ЮЕЦИНЬ — тирнаб чалинадиган хитой торли чолғу асбоби. Ю. мустақил чолғу асбоби бўлмай, жуань чолғу асбобининг бирмунча узгартирилган тури. Ҳозирги вақтда Ю. кенг тарқалган чолғу асбобларидан бири. Ю. нинг «коса» си думалоқ доира шаклида бўлиб, қаттиқ ёки рангли ёғочдан ясалади. Дастаси қисқа), 4 та тор бўлиб, булар бир жуфтдан созланади. Қоңғон юнқа тахтачадан ясалади. Доимий урнаштирилган 9 та пардаси бўлиб, булардан 6 таси қоңғонга урнаштирилган. Ю. қўйидагича созланади:



Юецинь



ЮМОРЕСКА (нем. Нитог — юмор, хазил, кулги) — кулгили, хазил-мутоба тарзида ёзилган, унча катта булмаган мусиқа пьесаси. Э. Григ, П. Чайковский, А. Дворжак, С. Рахманинов ва б. композиторлар шундай пьесалар яратганлар.

ЮРАЧКА — уйиш ва ҳазилсимон белорус халқ рақси. Мусиқа ўлчови 4/4.

ЮҚОРИГИ ОВОЗ — икки ва кўповозли мусиқада энг юқори овоз.

ЮҚОРИГИ ГЕТРАХОРД — ладларнинг баланд тўрт погонаси (V ва VIII погоналар оралиғи).

ЮҚОРИГИ ТОНИКА — ладнинг VIII погонаси.

Я

ЯККА ЗАРБ — қ. *Якки ноҳун*.

ЯККА НОХУН, **ЯККА ЗАРБ** — бир зарб маъносида. Халқ чолғу асбобларидан танбурда ноҳун билан торга настан юқори ё юқоридан наста бир марта уриш. ижро услуби.

ЯККАХОНЛИК — энг оғир (катта авжли) ашулаларни ҳам анта олишга қодир хонанда.


ЯККАНАВОЗЛИК — Хоразмда мақомларининг четрим қисмини якка танбурда ижро этилиши. кенг маънода моҳир созандалик.

ЯККА ҚАРС — узбек рақсларида чалинадиган дойра зарби.



ЯЛЛА — кенг тарқалган узбек халқ ашулаларидан. Одатда Я. ни уч-турт ашулачи ижро этади; *даромид* — бошланғич қисмининг ҳамма яллагичлар баробар (унисон ҳолда) ижро этадилар. *Урта авж* бўлимини айрим ашулачилар, ниҳоят *катта авжини* бир ашулачи бошлаб унинг урта қисмида бошқа ашулачилар қўшилади. Бундай халқ Я. лари Павлоӣ, Муқимий, Фурқат, Завқий, Оразий, Хислат каби шоирларнинг шеърлари билан айтилган. Аксарият Я. лар куплетли шаклда бўлади.

ЯЛЛАМА — узбек рақсларида кенг қўлланиладиган дойра усули.



ЯЛЛАЧИ — 1. Ялла ашуласини ижро этувчи хонанда. 2. Фарғона водийсида тўй маросимларида ашула айтиб ўйинга тушувчи хотин-қизлар. Бундай Я. ларга жўр бўлувчи чолғу асбоби дойра бўлган. Айрим вақтларда дойра билан бирликти дўтор ёки


ёлиғ дуторнинг уни ҳам қўлланилар экан. Я. лар чолғу асбоби-ни уларни чағлиб, бадеҳа тарихида ялла айтганлар.

ЯНГИ ТОНАЛЛИК — бир тоналликдан (илгариги тоналликдан) иккинчи (янги) тоналликка ўтилган (модуляция қилинган).

ЯНДАЛС - латин халқ оммаби рақси. Ўзгача суръатда бўлиб, такт улчови $\frac{4}{4}$.

ЯНКА - белорус халқининг рақси ашудаси

ЯОГУ — мембранали хитой халқ урма чолғу асбоби. Икки томонига гери қопланган, ижрочи уни бўйинга осиб, кичик қалтақча



Яогу


билан уриб чалади. Одатда Я. ижрочиси бир вақтда ракета ҳам ташади.

ЯРИМ ҚАДАНС - доминанта аккордида (камдан-кам субдоминантада) тугалланган гармоник ҳаракат.


ЯРИМТАЛИК НОТА — бўғи нотанинг ярми, санок миқдор (чорак лисобидан) иккига қадар:




Я. нота чорак, нимчорак, ун олтиталик ва бундан ҳам маъда булақларга бўлинади.



Я. нотадаги тикка туғри чизиқ, нога бошининг юкорисига ё куйи томонига чивилиши мумкин.



ЯРИМТАЛИК ПАУЗА — узунлиги яримталик нотага тенг бўлган пауза. Саноқ миқдори (чорак хисобидан) иккига қадар. Я. пауза нота нулининг учинчи чизиги устига қўйилганча ёзилади:



ЯРИМ ТОН — бир текис температураланган товушкатордаги энг яқин икки қўшни товуш оралиғи; октаванинг ун иккидан бир хисасига тенг. Фортепианодаги оқ клавишларни кузда тутилганда *си — до* ва *ми — фи* оралиқлари ярим тонга тенг. Фортепианодаги бошқа погоналар орасида ярим тон олиш учун қора клавишларга мурожаат қилишга туғри келади. Бунинг учун альтерация белгиларидан фойдаланиш керак. Масалан: *ре — ми* оралиғи бутун тон, буни ярим тон қилиш учун *рени* ярим тон кўтариб *ре-диез*, ёки *мини* ярим тон пасайтириб *ми-бемоль* қилиш керак, *ре-диез-ми* ва *ре-ми-бемоль* оралиқлари ярим тондан. Шу тартибда ҳамма погоналар оралиғини Я. тонга айлантириш мумкин.

У

УЗБЕК ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ. АЛИШЕР НАВОНИ
 НОМИДАГИ УЗБЕК АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ
 ТЕАТРИ — бу ўзбекистонда узбек опера ва балет театри 1939 й.
 ташкил қилинди. Унгача булган Узбек Давлат мусикали театри
 опера театрининг ташкил топишига асос бўлди. Алишер Навоии
 номи билан аталган бу театрга махсус бино Тошкентнинг марказида
 қад кутарди ва драматург Комил Яшин либреттоси асосида
 композитор С. Василенко уз шеърди М. Ашрафий билан ҳамкор-
 лиқда яратган «Бурон» операси билан иш бошлади. Театр ре-
 пертуари рус ва Ғарбий Европа классикларининг опера ва ба-
 летлари, ҳамдустлик республикалари композиторларининг опера ва
 балетлари билан тобора кенгайиб борди. Ўзбекистон компо-
 зиторлари дастлабки даврларда атоқли рус композиторларининг
 ёрдами ва ҳамкорлигида опералар яратдилар. С. Василенко би-
 лан М. Ашрафий «Улуғ канал», Р. Глизэр билан Т. Содиков
 «Тайли ва Мажнун», «Гулсара», Б. Бровцин билан Т. Жалилов
 «Тоҳир ва Зухра» операларини, шунингдек, О. Чишко «Махмуд
 Таробий», В. Успенский ва Г. Мушель «Фарҳод ва Ширин» опе-
 раларини ёздилар. Сўнги йилларда яратилган операларни узбек
 композиторлари мустақил равишда яратинди. Ҳам анинг «Май-

саранинг иши» номли комедияси асосида Собир Абдулла ва Музаффар Мухамедовлар опера либреттаси яратдилар. Бу либретто бўйича композитор С. Юдаков биринчи ўзбек ҳажвий операсини эвди. 1959 й. Москвада ўтказилган учинчи ўзбек санъат ва адабиёт декадасида кўрсатилган бу опера катта муваффақият қозонди: бир неча ҳамдустликдаги республикалар театрлари бу операни ўз репертуарларига қўшдилар. Театр саҳнасида республикамиздаги композиторлардан А. Қозловскийнинг «Улуғбек», С. Бобоевнинг «Ҳамза», М. Ашрафийнинг «Дилором» ва «Шоир қалби» («Фуркат»), Р. Ҳамроевнинг «Зулматдан энё», Т. Содиков, Б. Зейдман, Ю. Ражабий ва Д. Зокировларнинг «Зайнаб ва Омон», Собир Бобоевнинг биринчи болалар операси «Ерилтош» ва. б. опералар, Икром Акбаровнинг «Орзу», Г. Мушелнинг «Раққоса», Б. Гиенко ва Д. Зокировларнинг «Ойинса» ва б. балетлари қўйилди (яна қ. *Опера ва билет театри*).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРИ — узоқ даврлардан бери халқ уртасида қўлланилиб келган миллий чолғу асбобларидан 1936 й. тузилган ўзбек халқ чолғу оркестри; ундаги халқ чолғу асбобларининг кўпчиликл қисми температура қилиниб, катта-кичик турлари ишлаб чиқилди: катта-кичик най, қўшнаё, айниқса, катта-кичик ёнжаклар, катта-кичик чаплар, катта-кичик рубоб ва дўторлар, инҳоят дойра ва ноторалардир.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ВА БАСТАКОРЛАРИ УЮШМАСИ — Ўзбекистон композиторлари, бастакорлари ва мусиқашуносларининг ижодий уюшмаси 1939 й. тузилган; 1948 й. гача, яъни биринчи съездга қадар унга ташкилий комитет раҳбарлик қилди. 1955 й.—иккинчи, 1960 й.—учинчи, 1962 й.—тўртинчи, 1965 й.—бешинчи, 1971 й.—олтинчи ва инҳоят, 1977 й.—еттинчи, 1982 й.—саккизинчи съездлари ўтказилди. Ҳозир уюшмада 100 дан ортиқ композитор, бастакор ва мусиқашунослар бор. 1967 й. уюшманинг Қорақалпоғистон республикасидаги бўлими ташкил қилинди.

ЎЙИН — рақс; бирор образни ўйнаб кўрсатиш. Масалан, ноғора ўйини, оташ ўйини, қайроқ ўйини, қўғирчоқ ўйини, пилла ўйини, пахта ўйини ва б.


ЎЙИНЧИ — ўйинга тушувчи, раққос, раққоса.

ЎЛЕНШИ (қоз. — оленши) — қозоқ ўланларини (лирик ашула) ижро этувчи ва яратувчи халқ ашулачиси. Кўпинча У. оқин ҳам булади.

УН ИККИ МАКОМ — Раҳовий, Хусайний, Зангула, Рост, Ушшоқ, Паво, Буслик, Хиждоз, Проқ, Исфохон, Зирафканд ва Буз-

рук номлари билан XII—XIII асрларда Марказий Осиё, Хуросон ва Озарбайжон халқларидан етишиб чиққан созанда-хонанда ва бастакорлар томонидан матлум бир тартибга солинган мақомлар тизими. Жомий, Павоний, Дарвишали Чапғий ва бошқа шoir, олимлар мусикага онд илмий асарларида ўша давр созанда-бастакорларининг ижодий фаолиятларини алоҳида қайд қилиб мазкур мақомлар мажмуига нисбатлар билан ёзиб қолдирганлар.

УН ОЛТИТАЛИК НОГА — бутун нотанинг ун олтидан бир бўлаги, яъни бутунга нисбатан ўн олти марта қисқа нота; нимчорак шаклида ёзилиб, фақат ён чизиги жуфт булади. Бир нимчоракда икки ун олтиталик, бир чоракда эса тўртта ун олтиталик нота бор. Бир чоракка тенг булган тўртта ун олтиталик «бир» санагида урилади. Чорак ва нимчораклардек, ун олтиталик нота чизигини пастга ёки юқорига карата чизиш мумкин:



Ўн олтиталик нотанинг икки ё тўрттасини қўшиб ёзиш мумкин:



Шунингдек, нимчорак нота. Ўн олтиталик нота билан қўшиб ҳам ёзилади.



УН ОЛТИТАЛИК ПАУЗА — ўн олтиталик нота чўзимига тенг булган пауза. У. пауза



шаклида ёзилиб, узунлик миқдорини оширади:



ЎРТА АВЖ — ҳар бир ашуланинг узига хос авжи булади. Пирнӣк ашулаларда эса бир неча авж келиши мумкин. Мана шулардан урта пардаларда булган дастлабки авж — ўрта авж деб аталади.

ЎРТА АСР ЛАДЛАРИ — Ўрта асрларда профессионал ва халқ мусиқаларида тарқалган диатоник натурал ладлар; *Черков ладлари* деб ҳам аталади; чунки ўрта аср мусиқа назарияси черков мусиқаси билан бир бўлган. Ў. аср ладлари насткн ва ўрта таянч тонлари оралигида квинта интервали билан келгац *автентик ладлари* ҳамда кварта интервали билан келган *плагал ладлари* бўқали ажралади. Ў. аср ладларининг номлари қадимий юнон мусиқа назариясидан олинган булса ҳам лекин қадимий юнон ладлари тузилиши билан ухшаш булмаган. Плагал ладлари автентик ладлардек кўрсатилиб, фақат бунга «гино» сузи қўшилган (юн. гино — остида). Плагал ладнинг (гино-лад) бошлангич товуши учун автентик ладнинг квинта тони қўлланилган. Ўрта аср мусиқа назариясида 4 та автентик ва 4 та плагал ладлар системага солинган. Товушларнинг эшитилиш характери билан Ў. аср ладлари мажор ёки мижорга ухшаб кетади.


Автентик ладлар: Дорий	Плагал ладлар: Гиподорий
Фригий	Гипофригий
Лидий	Гиполидий
Миксолидий	Гипомиксолидий

Ў

18-асрда буларга яна икки лад кўшилиб, умумий сон 12 т
етказилди.



УСМА — СУРМА — узбек хотин-кизлар рақсда чалинади
донра усули:




ЎТКИНЧИ ТОВУШ — аккорд товушларини гамма тариқаси
паст ё юкори томон ҳаракатидаги оралиқда келган ва аккорд
қирмайдиган товушлар. Ў. товуш турли ҳолатда — кучли ва к
сиз ҳиссаларда, диатоник ва хроматик ноталарида ва б. тартиб
келиши мумкин.

"КЎКЛАМ"

Г.Мушотъ



ЎТТИЗ ИККИТАЛИК НОТА — бутунг исбатан 32 марта қисқа бўлган нота. Ў. иккиталик нота ўн олтиталик нотага ўхшаш бўлиб, фақат унig томонига чизилган «думчаси» (байроқчаси) учта бўлади.




Саккизта ўттиз иккиталик нотанинг йиғиндисен бир чорак нотага тенг:



Бирин-кетин келган ўттиз иккиталик ноталар алоҳида-алоҳида ёки қушилиб ёзилиши мумкин:



ЎТТИЗ ИККИТАЛИК ПАУЗА — узунлиги ўттиз иккиталик нота чўзимига тенг бўлган пауза.




ЎХШАШ ТОНАЛЛИКЛАР — аккордлари бир турли товушлардан тузилган икки тоналлиكنинг узаро муносабати. У. Т. уч даражада бўлади.

Биринчиси — тоника учтовушлиги умумий бўлган тоналликлар, масалан, *До мажор* ва *Соль мажор*. Ҳар бир мажор тоналлиги 6 та биринчи даражадаги ўхшаш тоналликларга эга (2 та мажор

ва 4 та минор), буларнинг тоника аккорди II, III, IV, IV^r, V ва VI-погоналардан тузилган учтовушликлардир (*До мажорга* — *ре-минор*, *ми-минор*, *фа-мажор*, *фа-минор*, *соль-мажор* ва *ля-минор*лар. X. яқиндош тоналликлардир).



Ҳар бир минор тоналлиги ҳам 6 та биринчи даражадаги ўхшаш тоналликларга эга (2 та минор ва 4 та мажор), буларнинг тоника аккорди — III, IV, Vⁿ, VI ва VIⁿ погоналардан тузилган учтовушликлардир (*ля-минорга* *До-мажор*, *ре-минор*, *ми-минор*, *Ма-мажор*, *Фа-мажор* ва *Соль-мажор*лардир).



Иккинчи даражадаги ўхшаш тоналликлар тоникадан бўлак бир умумий учтовушликка эга бўлган тоналликлар, масалаи, *До-мажор* ва *Ре-мажор* ҳар бир мажор ва минор тоналликлари II та иккинчи даража ўхшаш тоналликка эга, булардан 8 таси асосий ладда, 3 таси бошқа ладда.

Учинчи даражадаги ўхшаш тоналликларда бирорта ҳам умумий учтовушлик бўлмайди, ҳар бир мажор ва минор тоналликлари 5 та учинчи даража яқиндош тоналликка эга. Булардан 1 таси асосий ладда, 4 таси бошқа ладда. Тоналликларнинг ўхшашлик даражаси *моду.яция* содир бўлишига характерли ва сабабчидир.

Қ

КАДИМИЙ ЮНОН ЛАДЛАРИ — қадимий юнон мусика ладлари юнон олимлари томонидан урганитиб тартибга солинган; ладлар қадимий юнон қабилалари номига куйилган: энг муҳимлари: *дорин*, *фригий*, *лидий*, *мик.олидий*, *гиподорий*, *гиполибий* ва

б. Бу ладлар диатоник тузалишга яқин бўлиб, хроматик ва энгармоник турлари ҳам булган. Бу ладлардаги тетракордлар уришни алмаштириш билан *гитер* ва *гипо* ладлари ҳосил бўлган.

ҚАЙРОҚ — Ўрта Осиё халқлари ўртасида тарқалган урма мусиқа асбоби. Япалоқ, текис қилиб силлиқланган туртта Қ. тошдан иборат; улар ҳар қулга бир жуфтдан ушланиб, силкитиб ё титратиб чалинади. Одатда Қ. ни рақсга тушувчининг ўзи чалади.

ҚАЙРОҚ УЙИНИ — қайроқларни титратиб ритм (усул) чиқариш. Рақс уларни бир-бирига урилишидан чиққан ритмик товушни уз рақсга жур қилади. Қ. уйини рақсга тушувчи бажаради ва шу ритмда уйнайди.

ҚАРС — икки қулнинг бир-бирига ёки тиз чўкиб ўтирғанда тиззага урилишидан чиққан товуш. Қ. ашула билан ёки усиз рақсга ритмик жур булади.

ҚАСИДА — Шарқ, хусусан ўзбек, форс-тожик адабиёти ва мусиқасида бирор шахс, шаҳар ва бларни улуғловчи жаир. Рўдакйининг Бухоро, М. Бурхоновнинг А. Навоийга бағишланган Қ. етук бадий асарлардир.

ҚАТЪИИ УСЛУБ — полифоник мусиқа услубларидан бўлиб, кўпроқ натурал ладларга асосланади. Қуйининг ритми ва оҳанги оддий бўлади. Қ. услуб 15—16- асрлар композиторларининг а капелла хорлари учун характерли булган.


ҚАШҚАРЧА — 1. Шашмақом шувбаларининг шохобчалари. 2. Айрим рақс ва ашулани уйғур куйлари Қ. номи билан юритилади.

ҚАШҚАР РУБОБИ — қ. Рубоб.

«ҚИЗИЛ ГУЛ САИ»ЛИ — қ. Саийил.

«КИЗ» УЙИНИ — эркак киши аёллар кишинини кийиб уйнаш.

КИСҚАРТИШ — мусиқа мавзуси ё унинг бирор оҳанги қайтарилганида ҳар бир товуш ё пауза-



Қобиз

нинг ритмик миқдорини икки баробар камайтиш, кескартиш (р. *Имитация*).

ҚОБИЗ, ҚОВУЗ - торли камонча билан шалландиран козоқ халқ чолғу асбоби, уйлиб ишланган қоса, бўғиз ва дастаси бир бутун ёғочдан ясаллади; қосанинг пастки қисмига туя териси қопланади; от думидан ўралган иккита тор тақилади. Бу торлар кварта (баъзи квинта) оралигида созланади. Қ. даста ва қосаси эгиб ясалгани чун чалиш вақтида бармоқлар билан торлар босилганида дастага тегмайди. Натижада Қ. да дунгиллаган товуш чиқади; овоз ҳажми икки октавага яқин. Умумий узунлиги 700 мм. Курмонғози номидаги козок халқ чолғу асбоблари оркестри таркибинин мукамаллаштирини мақсадида Қ. нинг прима, альт, бас ва контрабас турлари ишлаб чиқилган. Канта ишланган Қ. торлари уч ва туртга қадар қулайтирилган. Қ. яқка ҳолда, ансамблда ва оркестрда чалинади. Қ. Ўзбекистоннинг айрим областларида ҳам учрайди. Қубиз деб аталади. 2. Туркменистондан қўлланиладиган варган туридаги тилли, чолғу асбоб.




Кобыз

КОБИРГА — дуторнинг қосаси айрим юқа тахтачаларнинг бир-бирига улашинидан ту владкии, мана шу кичик тахтачалар «қобирга» деб ҳам аталади.

ҚОБУЗЧИ — ко ок чолғу асбоби — қобузини чалувчи созанда.


ҚОЗМА — баъзи торли ўзбек халқ чолғу асбоблари танбур, гижжак қосасининг бир бутун ёғочни ўйиб ишлангани. Айрим областларда дутор қосаси ҳам Қ бўлади. Сўнги йилларда дутор, танбур ва гижжакларнинг қосаси фақат «қобирга»лардан ясаллади. Шунинг учун ҳам к. дутор, к. танбур ва қ. гижжак атамалари қўлланилади.

ҚОЗМА ДУТОР - қосаси ва бўғзи бир булак гўт ёғочдан ўйлиб ишланган дутор. Қ. дутор Туркменистон, қисман, Хоразм ва Самарқандда тарқалган.



Уйма дутор

КОМУЗ (қ о б у з — тирнама халқ чолғу асбоби; танбур шаклида бўлиб, узунлиги 850 мм. га яқин. Қ. да учта тор бўлиб, булардан биринчи ва учинчи тор — унисон, уртадаги иккинчи тор эса кварта ё квинта юқори созланади. Қ. ёлғиз чалинади, ашулага ҳам жур булади. Қ.нинг оркестрга қўшилган катта-кичик турлари бор.



Қомуз


ҚОНУН — чапга ўхшаш қадимий мусиқа асбоби. У бармоқлар билан тирнаб чалинади. 17-асрда Дарвишали Чангий ёзиб қолдирган «*Рисолаи мусиқий*»да Қ.нинг қадимий чолғу асбобларидан эканлиги қайд қилинади.

КОПКОК (нем. Deske — дека) — торли чолғу асбобларида коса (корпус) устига ёпиладиган юқа қопқоқ бўлиб, торлардан тулқинланиб чиққан товушни кучайтириб беради; К. скрипка туридаги чолғу асбобларида икки томонлама бўлиб, у юқориги ва пастки К. дейилади. Дутор, танбур туридаги ўзбек халқ чолғу асбобларида фақат битта К. булади.

Ўзбек халқ чолғу асбобларида Қ. кўпроқ сояда қуритилган тут дарахтидан юқа қилиб ясалади.

ҚОЧИРИМ — асосий товушларини безатувчи қисқа товушлар мажмуи. Танбур сатоларда пардани тез ва енгил босиш йули билан амалга оширилади. Ёнжжақда ҳам торларини қисқача ва тез босиш билан к. ижро этилади. Ашула, катта ашула ва мақом ижрочилигида хофизлар томонидан кенг қўлланилади. Қ. куйнинг охангдорлигини янада силлиқлаштиради.

ҚОШИҚ — икки оддий ёғоч қошиқдан иборат бўлиб, урилиб



Кошіқ

қалындаған халқ қолы асбоби. Қошіқларын бір-біріге урны билан анық ва жаранловчи товуш ҳосил қилнади Илгарй Қ. га қушироқчалар бойланган.

КУБЫЗ — варган түридаги бошқирд ва татар тилли тирнама қолы асбоби. Бошқирдларда ёғочдан ясалган варган ҳам шу ном билан аталади.

«ҚУДРАТЛИ ТУДА» — 19 асрнинг 60-йилларида ташкид топган атоқли рус композиторларининг ижодий тўдаси «Қ. Т.» — «Балакирев тугараги» ёки «Янги рус мусика мактаби» номи билан аталган. Петербургда тузилган бу «Қ. Т.» га М. А. Балакирев (тугарак рахбари), А. Н. Бородин, М. П. Мусоргский, П. А. Римский Корсаков, Ц. А. Кюилар кирган. Бу ижодий жамоага «Қ. Т.» номини машҳур танқидчи В. В. Стасов берган. «Қ. Т.» миллий услубни тараққий эттирини ва мустақамлаш, халқчиллик, гоёвийлик ва мусикадаги реализм учун курашди. Бу билан у буюк рус композитори М. П. Глинка аналариини давом эттирди ва юксалтирди. Қ. Т. аъзолари ўз ижодларида Кавказ, Ўрта Осиё, Испания, Украина, Польша, Чехия ва б. халқларининг мусиқа фольклори куйларидан фойдаландилар. «Қ. Т.» мусикадаги реакцион оқимга қарши ҳар доим курашиб келди. Мусиқани халқ уртасида кенг тарқатиш, концерт тарғиботчилигини кучайтиришга асосий урни ажратди. «Қ. Т.» нинг ижодий-гоёвий таъсири кейинги рус композиторлари ижодида давом этди: куммюналатли Россия халқлари миллий композиторларининг етишнб чиқшиига таъсир қилди.

«ҚУЛОҚ» — торли қолы асбобларида торларни тортиб ту-

рувчи ёғоч ёки темир деталь. Чолғу асбобини соzлашда Қ. ни бураш нули билан торин таранг қилиши ё бунатиш мумкин. Патижада товун баланд ё паст булади.

ҚУРАЙ най шаклидаги нуфлама бошқирд ва татар халқ чолғу асбоби. Баланд-паст товунлир чиқарич учун уст томонда битта тенликча бор. Нуфланадиган томони йуғонроқ. Узунлиги 600—700 мм, хатто 1000 мм лик турлари хам булади. Устки диа-

Курай

метри 15—20 мм. Қ. камшига ухшаш махсус усимликдан, баъзан ёғоч ва металлдан хам ясалади. Товушқатори диатоник булиб, айрим ижрочилар хроматик товунларини хам чаладилар. Овоз ҳажми 2-2,5 октава. Қ. ни ижро этувчи созадда кунроқ доимий бир турли товун билан куйга жур булиб туради.

ҚУНҒИРОҚ. ЗАНГ — сигнал учун уриб чалинадиган асбоб Қ. турли катта-кичикликда бронзадан ясалади; у аниқ баландликда товун беради. Катта ҳажмдаги Қ. лар 20—30 тонна оғирликда, хатто ундан хам оғир бўлиши мумкин (Москва Кремлидаги «Царь-колокол» деб аталувчи Қ. нинг оғирлиги 200 тоннадан ортиқдир). Европада катта Қ. лар 4—6-асрларда ишлана бошланган. Қ. хабар берувчи восита сифатида қадимдан маълум; Қ. кишиларини йигиш, галабани биладириш, иш бошлан ва тугатиш, оғоҳ қилиш ва бошқаларда қулланилган.

ҚУШ БЕКАР — қ. *Дубль-бекар.*

ҚУШ БЕМОЛЬ — қ. *Дубль-бемоль.*


ҚУШ ЗАРБ. ҚУШ НОХУН — торли тирнама узбек халқ чолғу асбобларидан танбурын бармоқ ёки нохун билан икки бор киска ва тез уриш (чертиш) услуби.

ҚУШ КАНОН — тўрт овозли канон, икки овози турлича куйлардан иборат булиб, қолган иккиси бунга имитация йўсинда қўшилади.


ҚУШ КОНТРАПУНКТ — икки оҳангнинг қўшилиши, бунинг қантарилишида оҳанглар уринин алмаштириш, яъни пастгисини юқори чиқариш, аксинча юқоригисини қуйи тушириш мумкин бў-

лади. Бошқача қилиб айтганда икки овозди вертикал ҳаракат қилувчи контрапункт бўлади.

КУШ МОРДЕНТ — мелизмнинг бир тури бўлиб, *мордент* тез суръатда беш нота уйналишини кўрсатади: асосий товуш, асосий товушдан секунда юқориги — юқориги ёрдамчи товуш, асосий товушнинг қайтарилиши, яъни юқориги ёрдамчи товуш ва асосий товушнинг қайтарилиши. К. мордент белгиси W тарихида ёзилади.



Агар К. мордент белгисининг ўртасидан тўғридан охиригача келинса, у ҳолда асосий товуш пастки ёрдамчи товуш билан навбатма-навбат чалинади.




КУШ НОГА — бир чолғу асбобида бир ёки икки нота билан ёзилган қуш ноталар.

КУШ НУКТА — нота ва наўзаларнинг унги ёнига қўйилган икки нукта. Бу нукталардан биринчиси асосий (нукта қўйилган нота)нинг ярмига тенг бўлса, иккинчиси биринчи нуктанинг ярмига тенг бўлади, масалан (377-бетга қarang):


ҚУШ НОХУН - қ *Қуш зарб*

ҚУШ ХОР — икки тудага бўлинган хор; буларнинг ҳар бири аралаш, яъни сопрано, альт, тенор ва бас партияларидан тузилади. Бу икки хорнинг қўшилиши саккиз овозлик ансамблини ташкил қилади.




ҚУШАЛОҚ ФУГА — оддий бир овозли мавзуда тузилган fuga. Унда икки мавзу бир нўла бир экспозицияда бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда контрапункт қўшилши fuga репризасида келади.

ҚУШ ҚАРС — узбек рақсларида чалинадиган дойра усули.



ҚУШИМЧА ПОФОНАЛАР — мажор ва минор ладларининг II, III, VI ва VII пофоналари. Булар гармоник тузилиши бўйича асосий пофоналарга (I, IV ва V пофоналарга) ишбатан камроқ аҳамиятга эга.



октава + секунд = нона (9)



октава + терция = децима (10)

ҚУШИМЧА ЖУМЛА — давриядаги иккинчи жавоб берувчи жумла.


ҚУШМА ИНТЕРВАЛЛАР — октавадан кенг интерваллар бўлиб, бу октавага яна бир оддий интервалларнинг қўшилшидан

ҳосил бўлади, масалан, октавадаги секунда қушилса — *нона*, терция қушилса — *децима*, кварта қушилса — *ундецима* в. х. бўлади. Қ интерваллар икки октавага қадар номланиб, булар *нона*, *децима*, *ундецима*, *дуодецима*, *теридецима*, *квартдецима* ва *квинтдецима* деб аталади.

ҚУШИК — шеър ва куй халқ томонидан ижод қилишиб ва халқ орасида кенг тарқалган жанр; Қ шеърлари бир неча банд бўлиб, баъзан нақаротли бўлади. Қадимда халқ орасида кенг тарқалган бу жанрнинг шеъри ва мусикаси бир йўла яратилган. Ҳозир Ўзбекистонда бастакор ва композиторлар яратаётган Қ.лар мавзуси бой ва турли-туман. Улар турли маросим, меҳнат, ишқий лирик, қаҳрамонлик мавзуларини ўз ичига олади.

ҚУШИКЧИ 1. Кенг маънода кўшиқ ёдвчи ва айтувчи шоирлар; уларнинг шеърлари халқ томонидан куйга солинган. Павлоий, Муқимий, Фурқат, Машираб ва бошқа шоирларнинг бир қанча шеърлари халқ кўшиғига айланиб кетган. 2. Бирор чолғу асбоби журлиги ё усиз кўшиқ айтувчи хонанда. Кўшиқчи *ашулачи* деб ҳам аталади.

ҚУШНАИ — қадимий ўзбек чолғу асбобларидан; икки қамини напчадан иборат бўлиб, уларга товуш чиқарадиган тил урилатилади. Қ. ни чалиш учун иккита найчаг; баробар пуфлағани ва ҳар



Кўшнаи

иккала найчада ёдиш жойлашган еттита тешикчанинг тегишлилари бармоқ билан босилади. Овоз ҳажми биринчи октавадаги *редан* иккинчи октавадаги *соъга* қадар (айрим кўшнайчилар иккинчи октавадаги *ля*, *си*, ҳатто бундан юқори товушларни ҳам ҳосил қиладилар). Қ. да ўзбек мусикаси учун хос булган мелос (мусика белакларини) чалиш жуда қулайдир.

ҚУШНАЙЧИ — кўшнайда куй ижро этувчи соҳанда. Одатда Қ.лар сурнайла ҳам чала биладилар. Ўзбекистонда мохир кўшнайчилар Аҳмаджон Умурзоқов, Ашурали Юсупов ва б.лардир.

ҚУШТОР дуторлар икки торининг бир хил баландликда (унисон) созлангани. Қ. сози дуторни яқка чалганда ва айрим

чолғу асарларини ижро этганда қўлланади. Қ. килиб чалинганда дутор товуши бирмунча баланд эшитилади.

КҮКОН УШОҒИ — қ. *Ушшоқ*.


Г

ҒАЖИР НАИ — қ. *Най*.

ҒАЗАЛ — ўзбек мумтоз шеърятининг асосий лирик жанри; дастлабки икки мисра узаро бир-бирига қофиядош бўлиб, кейинги хар бир байтнинг иккинчи мисраси *матляъга* қофиядош бўлади. Бундай шеърлар йирик шаклли ўзбек *халқ ашуллари*, *катта ашула ва мақомларининг* шўбаларида жуда кўп учрайди.


ҒАРОВ НАИ — қ. *Най*.

ҒИЖЖАК — Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбеклар орасида қадимдан кенг тарқалган камонча билан чалинадиган торли чолғу асбоб; косаси ковокдан, кокос ёнғоғи (пуржил ёнғоқдан) ва уртаси ковак қилиниб уйилган ёғочдан исалади. Косанинг устига базиқ териси ё нуфак қопланади. Дастаси думалоқ бўлиб, косага яқинлашган сари ингичкалаштириб ишланади. Косага ўрнатилган темир оёқчани ижрочи тиззасига қўйиб, утириб чалади. Ғ. да учта тор бўлиб, булар кварта бўйича созланган. Созланиши хар доим аниқ бир товушда бўлмай, ашуланининг овози ё чалинадиган кўйининг характерига кўра турлича. Овоз ҳажми бир ярим октава оралиғида, 20-йилларда созандалар Ғ. овозини баланд қилиш мақсадида унисон килиб, созланган қўшторлар ишлатганлар. Ғ. якка ва ансамблда чалинган; камончаси от думидан ишланиб, чалиш вақтида унғ қул бармоқлари билан тортиб турилади. 30-йилларда Ғ. қайтадан ишланади; тўртта тор жорий қилинади: булар скрипкадек квинта оралиғида, 4-энг пастки йуғон тор кичик октавадаги *солъга*. 3-тор биринчи октавадаги *рега*, 2-тор биринчи октавадаги *ляга* ва охириги 1-тор октавадаги *мига* созланади; овоз ҳажми кичик октавадаги *солъдан* туртинчи октавадаги *ляга* қадар. Қайта ишланган Ғ. дастаси думалоқ эмас,



Ғижжак


аксинча скрипка дастасидек ясси қилиб ишланган; обқчаси студда ўтириб чалиш учун қулашлатирилган. Оркестрда чалиш учун F. нинг катта-кичик (альт, бас, контрабас) турлари ишланган.



Гижжак альт

ГИЖЖАК АЛТ — асосий гижжакнинг бир о каттароқ қилиб ишланган тури. Торлар квинта оралигида. 4-тор кичик октавадаги *до*, 3-тор кичик октавадаги *соля*, 2-тор биринчи октавадаги *ре* ва 1-тор биринчи октавадаги *ля*ларга соланади. Овоз хажми кичик октавадаги *до*дан учинчи октавадаги *ля*га қадар. Ноталар альт ва (баланд товушлари) скрипка калитида ёзилади.


ГИЖЖАК БАС — асосий гижжакнинг катта қилиб ишланган тури бўлиб, виолончель ва иффасини бажаради. Торлар квинта оралигида. 4-энг паски тор катта октавадаги *до*, 3-тор октавадаги *соля*, 2-тор кичик октавадаги *ре* ва 1-тор кичик октавадаги *ля*га соланади. Овоз хажми катта октавадаги *рега* қадар. Ноталаги бас ва (баланд товушлар) скрипка калитида ёзилади.



Гижжак бас

ГИЖЖАК КОНТРАБАС — асосий гижжакнинг энг катта қилиб ишланган тури; контрабас ва иффасини бажаради. Торлар кварта оралигида. 4-энг паски тор контроктавадаги *ми*, 3-тор контроктавадаги *ля*, 2-тор катта октавадаги *ре* ва 1-тор катта октавадаги *соля*ларга соланади. Ово хажми контроктавадаги *мидан* биринчи октавадаги *соляга* қадар. Ноталар бас калитида, эшитилишига нисбатан октава юқорида ёзилади. F. контрабас контрабасдек тик туриб чалинади.

ГИЖЖАКЧИ - гижжак чалувчи созанда, мусиқачи.



Гижжак-контрабас

X

ҲАЖМ Ҳ — турли бандликдаги товушлар йиғиндиси. Чолғу асбоб ёки овознинг чалиш ё айтиш имконияти булган қисми. Бу диапазон деб ҳам аталади.

ҲАЖВИЙ ОПЕРА — хажвий мавзудаги опера. 18-асрда Италияда, суингра Англия, Франция, Россияда Ҳ. операнинг турли хиллари яратилди. Ҳ. опера одатда ҳаётини воқеалар асосида яратилади. 19-асрда рус композиторларидан М. Мусоргский «Сороқин ярмаркаси», П. Чайковский «Черевички», номли опералар яратдилар. Биринчи ўзбек Ҳ. операсини композитор С. Юдаков ёзди. «Майсаранинг иши» номи билан аталган бу асар Ҳ. Ҳ. Ибёзининг «Бурунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши» номли комедияси асосида С. Абдулла ва М. Муҳамедовлар либереттоси асосида ёзилди.

ҲАНГ — ашуланинг урта қисми ё авжида «ёрай, додай, воей», шунингдек «а, о» каби унли ҳарфларда чузиб ижро этиши.

ҲАРБИЙ МУСИҚА — ҳарбий юриш, марш, парад ва ҳарбий ҳолатларда ижро этилади. Ҳ. мусиқани ҳарбий оркестр, ансамбль ё икки ижрочилар бажаради. Ҳ. мусиқа ҳарбий мавзудаги чолғу ва вокал куйлардан иборат: сигналлар ҳам Ҳ. мусиқага кирди.

ҲАРБИЙ ОРКЕСТР ҳарбий қисмлардаги махсус духовой оркестр. Ўзбекистон композиторларидан В. Зудов, П. Халиков, Ҳабибула Раҳимов ва б. Ҳ. оркестр учун катор асарлар яратганлар.

ҲАРФИЙ КУРСАТКИЧ — турли бандликдаги товушларини ҳарфлар билан ёзиш жуда узоқ вақтлардан бери давом этади. Грецияда 10-асрдан бошлаб қўлланилган. Етти асосий поғона куйидагича ҳарфлар билан ёзилади:

С (*до*), D (*ре*), E (*ми*), F (*фа*), C (*со*ль), A (*ля*), H (*си*).

Бу ҳарфларнинг катта, кичик ёзилиши уларнинг уст ё остига ёзилган ракам ва белги (чизиқча)лар турли октаваларни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, катта октава бош ҳарфлар билан, кичик октава кичик ҳарфлар билан, контроктава бош ҳарфлар остига

қўйилган «1» раками (С, D₁ ва б.) билан кўрсатилади. Турли октавалардаги товушларни ҳарфий кўрсатилиши кўйидагича:


- Субконтроктава — F₂, G₂, A₂, H₂
 Контроктава — C₁, D₁, E₁, F₁, G₁, A₁, H₁
 Катта октава — C, D, E, F, G, A, H
 Кичик октава — c, d, e, f, g, a, h
 Биринчи октава — c¹, d¹, e¹, f¹, g¹, a¹, h¹
 Иккинчи октава — c², d², e², f², g², a², h²
 Учинчи октава — c³, d³, e³, f³, g³, a³, h³
 Тўртинчи октава — c⁴, d⁴, e⁴, f⁴, g⁴, a⁴, h⁴

Баъзан ҳарфларга қўйилган ракамлар кичик бир чизиқча билан алмаштирилади.


Асосий погоналарни ярим тон кўтариш лозим бўлса, ҳарфлар ёнига is (ис) қўшилади: масалан, cis (до-диез), fis (фа-диез), gis (соль-диез) ва б. Агар погоналарни ярим тон пасайтириш лозим бўлса, ҳарфлар ёнига es (эс) қўшилади. Масалан, ces (до-бемоль), fes (фа-бемоль), ges (соль-бемоль) ва б. Факат *ми*, *ля* ва *си* погоналари пасайтирилганда кўйидаги ўзгаришлар булади:

Ми-бемоль — es; Ля-бемоль — as; Си-бемоль — b.


Фортепьяно клавишларининг ҳарфий белгилар билан скрипка, бас ва альт калитларида кўрсатилиши.




БИРИНЧИ ОКТАВА




КИЧИК ОКТАВА




КИЧИК ОКТАВА




ХАФИФ — ХАФИФИ СЕГОҲ (хафиф — англи) — Шашмақомдаги Сегоҳ мақомининг мушқилоқ бўлмадаги кўй номи X, 2₄ улчовида бўлиб, дойра усули Таснифдагидек —



тарғибидадир. Хоразм Сегоҳининг X. да дойра усули қўйидагича:



ХИЖОЗИЙ — МАКОМИ ХИЖОЗИ — 13—17- асрларда Урта Осиё, Озарбайжон ва Хуросон халқларида кенг тарқалган ўн икки мақомнинг олтинчиси. X. мақомининг товушқатори ҳозирги ёзувда қўйидагича бўлади:




ХИССА — ритм, метр бирлиги. Масалан, 2 ҳиссали ритм, 3 ҳиссали ритмик шакл, 4 ҳиссали ўлчов ва б.

ХОФИЗ (араб. эса сақловчи) — илгарилари қуръонни ёддан қироат билан чиройли ўқиганларини X. деб атаганлар. Кейинчалик ашула ва мақом йулларини моҳирлик билан ижро этган, халқ ҳурматиغا сазовор бўлган айрим хонандаларини халқимиз X. деб ҳурматлаган. Ашула айтиш санъатининг юқори чуққиларини эгаллаган Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Шораҳим Шоумаров, Хожиги Абдулазиз Абдурасулов, Жураҳон Султонов ва бошқа атоқли хонандалар номига ҳурмат билан X. унвонни қўшиб айтилган (Мулла Тўйчи X., Шораҳим X., Жураҳон X. в. б.).

Республикада ашулачилик санъатида катта хизмат қилган хонанда санъат арбобларига — Республика Президенти Халқ Ҳофизини унвонини беради.

ХОФИЗЛИК МУАЛЛИМИ — ашула ўргатувчи устоз. Бу атама кўпроқ Бухоро ва Самарқандда қўлланилган.

ХУСАЙНИЙ, МАКОМИ ХУСАЙНИЙ — 1. 13—17- аср урталарида кенг тарқалган ўн икки мақомнинг бешинчиси. X. мақомининг товушқатори ҳозирги ёзувда қўйидагича бўлади:



2. Шашмақомдаги Наво ва Дугоҳ мақомларининг наср бўлимида насрлар орасида келадиган ашула. Шунга кўра, Насри Хусайний деб юритилганидек, Хусайний Дугоҳ деб ҳам аталади. X. да Зебо парр авжи қўлланилади.

Акбаров И. А.

Муסיқа луғати.— Т.: Уқитувчи, 1997.—384 б

ББК 55.31я2

АКБАРОВ ИЛЕС

МУСИҚА ЛУҒАТИ

Тошкент — «Уқитувчи» — 1997.

Муҳаррир С. Ҳусниддинов
Бадий муҳаррир Э. Иурмонов
Тех. муҳаррир С. Турсинова
Мусаҳҳиҳ А. Иброҳимов

ИБ 6593.

Тершига берилди. 28. 02. 96. Босишга рухсат этилди.
20. 02. 97. Формати 84×108¹/₃₂. Тип қоғози. Кенгли 8
шпонли. Литературная гарнитураси. Юкори босма усу-
лида босилди. Шартли б. т. 20,16. Шартли кр.-отт.
20.3175. Нашр т. 18,89. 3000 нусхада. Буюртма № 2379.

«Уқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129 Навоий кучаси 30.
Шартнома 12—67—94.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ўмидасининг
1-босмахонасида босилди. 700002 Тошкент, Сағбон кў-
часи, 1-Берк кўча, 2-уй.